

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Кенгесбой Каримов	Умарали Норматов
Энахон Сиддиқова	Хайриддин Султонов
Иқбол Мирзо	Сирожиддин Саййид
Қаҳрамон Куронбоев	Меҳрибон Абдурахмонова
Баҳамдулло Нурабуллаев	Йўлдош Солижонов
Жумакул Қурбонов	Шухрат Маткаримов
Фармон Тошев	Адхамбек Алимбеков
Ислом Ёқубов	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф
Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад
Наср бўлими мудир — Рисолат Ҳайдарова
Назм бўлими мудир — Икром Отамурад
Адабиётшунослик бўлими мудир — Аъзамхон Қозихўжа



УШБУ СОНДА:

Тўлан НИЗОМ

НАЪМ

ИҶЛА ЧИҚДИМ СЕНИ СҶРОҚЛАБ

Шеърлар

*Яхшилик гул, яхшилик бир сўз,
Яхшиликдир битта табассум.
Яхшиликдир ёниб турган кўз,
Яхшиликдир беозор, маъсум.*



Қулман ОЧИЛ

НАЪР

ҚАҚ

Қисса

– Қасосни қиёматга қолдиринг! Арш соҳиби ҳаммасини тепада, – у кўрсаткич бармоғи билан осмонга ишора қилди: – кўриб-билиб, ҳисоб-китобини қилиб ўтирибди. Ҳақ билан ботилни вақти-соати билан Ўзи жой-жойига қўяди. Ишонинг!.. Аламни кўнгилдан чиқариб ташланг! Фақат заиф одамгина кечира олмайди. Сиз кечиримли бўлинг!..



Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК

“ХАМСА” ВА ҚИССА

Ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги ва уларнинг агрофидаги сўзловчи ва ҳаракатланувчи образлар тизими, ўз моҳияти ва сюжет структурасига кўра, пировард-оқибат бир образга келиб боғланади. Асардаги шу образ ҳар қандай ҳолатда етакчи мақомда туради. Агар айни образ асардан чиқариб ташланса, унинг мазмуни ҳам, шакли ҳам ўша дақиқадан бошлаб нурашга тушади.



НАСР

Акбар МИРЗО



ЗИЛЗИЛА

Ҳикоя

Саксонга кирган кампирки, ғимирлаб ҳам бир кунини кўрса, ҳам ўлимликка пул йиғаётган бўлсаю у қайси виждон билан бировнинг пешона тери эвазига тўпланаётган маблағни “ғиқ” этмай ҳазм қилади. Биринчи марта ғалати ҳолатга тушди. Нариги хонада ётган касал отасини ўйлади.

ПАЛҚИН

Олим ТОШБОЕВ



"ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ"

Ҳикояда ясама, китобий образлар йўқ. Уларнинг ўзаро гурунг-суҳбатларида бирон-бир умуминсоний, глобал муаммолар муҳокама қилинмайди. Ёки шартакилик билан бирон бир раҳбарга муаммонинг ечими юзасидан ақл ўргатиб, уни обрўсизлантириш билан ҳам шуғулланмайди. Улар ўз ҳаётларига кўра яшайди, ўйлайди, интилади. Лекин ҳар бири – бир олам.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Жон КИТС



ПИИРА ПИИДА
ОЙНИНГ ТАРДИШИ

Шеърлар

О, яшил баргларнинг янги саҳфаси,
Баҳорий шодликнинг шукуҳи сизда.
Бахтиёр машишоқнинг завқли тухфаси –
Куйлари эскирмас ҳеч бағрингизда.



ДУРДОНА

МУНИС

Мунис Шермухаммад Авазбек ўғли Хоразмий 1778 йилда Хиванинг Қиёт қишлоғида туғилган. Унинг “Мунис ул-ушиоқ” номли олти минг байтдан иборат девони маълум. Мунисдан “Фирдавс ул-иқбол” номли тарихий асар, хаттотлик санъати ҳақидаги “Саводи таълим” номли рисола ҳам қолган. У шунингдек, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарини форс тилидан таржима қилган. Шоир 1829 йилда вафот этган.

Ўтлуғ фиғоним ўтмиш авжи фалакдин

* * *

Не гўзалсенким, куёшда йўқ жамолинг зийнати,
Оразингдин партавидур, бил, куёшнинг талғати.

Йўқ кадингдек сарви раънойи жаҳон бўстонида,
Балки қаддинг соясидур сарв раъно қомати.

Ўт тушуб кўнглум аро кўргач жамолинг шуъласин,
Тун куяр янглиғ таним қиздурди онинг ҳирқати.

Захмлар солди мижанг новаклари кўнглим аро,
Кўрки қон оқғон нишонидур сиришким хумрати.

Қошларинг кўргач тараб юзланди маҳзун кўнглума,
Ийд муштоқини шод айлар янги ой рўъяти.

Лабларингдин гар зулоли етса ўлғон жон топар,
Ким кўрибдур оқғанин ёкутдин жон шарбати.

Юз очиб, улфат тутиб, васлингга маҳрам қил мени,
Ким муносибдур баци гул бирла булбул суҳбати.

Чехраи зардим сариглиқ улча имкон жазб этар,
Онча билмаски, чекарда қаҳрабо хосияти.

Жилва қилғоч қоматинг, боғ ичра ҳам бўлди ниҳол,
Расмдур таъзимким бўлғай бийиклар иззати.

Не бўлур, Мунисга васлинг бирла берсанг тоза рух,
Ким ани ўлтурғали етмиш фиқокинг шиддати.



* * *

Рухпарвар лаълинг руҳи равонимдур фидо,
Жонфидо ширин сўзингга хаста жонимдир фидо.

Ваҳки, ғамзанг хайли тарож айлади бору йўқим,
Эйки, қошу кўзларингга хонумонимдур фидо.

Зулфи мушкининг камандиға эрур кўнглум асир,
Чашми беморингга жони нотавонимдур фидо.

Хайф эрур элга ниҳону ошкоро шафқатинг,
Эйки, санга ошкорову ниҳонимдур фидо.

Мунча хижрон шиддатин қилмоқ манга рўзи недур,
Лаҳзаи васлингга умри жовидонимдур фидо.

Дарди ишқингга эрур ҳам жавҳари жоним нисор,
Ҳам йўлингга кўнгул отлиғ бўстонимдур фидо.

Нега Мунис сори келмассен хумори ноз ила
Қадди хуш рафторингга назми равонимдур фидо.

* * *

Кўз ёрутгим то жамолинг шамъидин, эй рашки моҳ,
Ҳар кеча парвонадек ўртармен ўзни тортиб оҳ.

Кирмамиш ҳам кўчаи ишқ ичра мен янглиғ киши,
Келмамиш ҳам кишвари ҳусн ичра сендек подшоҳ.

Ваҳ, нечук ойна эркондур мусаффо оразинг,
Ким нишаст этмак анга мумкин эмас гарди нигоҳ.

Тоза-тоза қил муқайяд, эй пари, эл кўнглини,
Ҳалқа-ҳалқа анбарин зулфингни очғил гоҳ-гоҳ.

Хўрдабинлар кўп тараддуд қилди оғзингдин нишон,
Чунки, маълум эрди охир салб бўлди иштибоҳ.

Ҳусн мулки шоҳлари киймиш эди тожу ғурур,
Сен зухур этгач алар енгилдилар, эй кажкулоҳ.

Не ажаб, куйса вужудим ишқ ўтидинким, эрур
Бу бири барқи жаҳонсўз, ул бири ожиз гиёҳ.

Баъзи эл дер, дилбаримиздин вафо кўрдик, ани
Бовар этмон гар тониқлик берсалар юз минг гувоҳ.

Раҳм қил, Мунисға бори даҳр эли ҳолин кўруб,
Ким мунинг жонкоҳ оҳидин алар бордур табоҳ.





* * *

Коматингни гулшан ичра то хиромон айладинг,
Сарвни по дар гилу кумрини нолон айладинг.

Юз очиб чун айладинг хуснинг баҳорин файз бахш,
Ғам хазон этган кўнгулларни гулистон айладинг.

Лаълу гавҳар баҳру кон ичра ёшунди шармдин,
Лаъли серобингни, токим, гавҳар афшон айладинг.

Чехра очдинг шуълаи шавқингга жоним ўртадинг,
Зулф тарқатдинг, ҳазин кўнглум паришон айладинг.

Жамъ қилдинг даврима юз навъ ғам ишқинг аро
Ё қошингдин чекдингу жонимни қурбон айладинг.

Не паёми бирла қилдинг ёдини васл ичра шод,
Мунисингни то асири дарди ҳижрон айладинг.

* * *

Олам менга томуғдур, эй гул узор, сенсиз,
Солмас кўнгулға файзи сайри баҳор сенсиз.

Боғ ичра гуллар ўтдур ўртарға жони зорим,
Бас, мен нечук қилурмен, сайр ихтиёр сенсиз.

Дашт ичра гар улоқсам, ғамдин ажаб эмаским,
Қилмиш мени фироқинг девонавор сенсиз.

Раҳм айлагил мангаким, то уздинг ошнолиғ,
Не бахт ёваримдур, не рўзғор сенсиз.

Хуснинг куёши, жоно, қилғайму ёна равшан,
Ким тийрадур чекардин кўз интизор сенсиз.

Юз дарду ғам бошимда минг кулфату алам ҳам,
Лекин кўнгулдағи ўт юз онча бор сенсиз.

Меҳри мунирдек ет бошим уза очиб юз,
Ким менда зарра янглиғ йўқдур қарор сенсиз.

Жоно, вафову аҳдинг билмонки, қайда бордур,
Аммо, вафода бормен, мен устувор сенсиз.

Ўтлуғ фиғоним ўтмиш авжи фалақдин, эй мох,
Анжум дурур сочилғон андин шарор сенсиз.



Нолам униға раҳм эт, ашкимдин айлагил ваҳм,
Буким иков жаҳонда қўймас мадор сенсиз.

Мунис фироқинг ичра бекас қолибдур андоқ,
Ким дарду ғамдин ўзга йўқ ғамгусор сенсиз.

* * *

Нигоро, ғаминг ичра ҳолимға раҳм эт,
Фироқингда етган малолимға раҳм эт.

Тилаб илтифотингни қон йиғларам қўп,
Қилиб илтифот ашки олимға раҳм эт.

Ҳилол ўлди қаддим фироқинг ғамидин,
Юзи офтобим, хилолимға раҳм эт.

Ғамингдин топар меҳри умрим заволи,
Камоли карамдин заволимға раҳм эт.

Савол айларам юз қўюб ерга лутфинг,
Солиб ажзима қўз, саволимға раҳм эт.

Фироқингда ёлғиз чекармен фиғон қўп,
Бўлуб Мунисим бўйла ҳолимға раҳм эт.

* * *

Гунчалар очилдию қўнглум очилмайдур ҳануз,
Булбул осо хотирим гул майли қилмайдур ҳануз.

Заъф аро ушшоқға ибрат бўлибман, оҳким,
Қўзга аҳволи низорим ёр илмайдур ҳануз.

Ваъдаи васл айлаб эрди, айлади таъхир қўп,
Ё ибо қилдию ё ёдиға келмайдур ҳануз.

Пеша айлаб чарх золи тинмайин тун-қун дами
Дилбаримча жавр ойинини билмайдур ҳануз.

Ерни ашким ғарқ этиб, зўр этти оҳим сарсари,
Недин эркандур фалак тоқи йиқилмайдур ҳануз.

Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсам, не тонг,
Сажда қилмоқликға бошим бир эгилмайдур ҳануз.

Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталиқ,
Панд қилмангким, жунунидин ойилмайдур ҳануз.





ПУБЛИЦИСТИКА



Гулчехра АСРОНОВА

1968 йилда тузилган. Тошкент аграр университетини тамомлаган. “Ота уйим оқиомлари”, “Осмонини топган қуш” номли ҳикоялар тўпламлари нашрдан чиққан. Фарғона вилоятида чоп этиладиган “Водий оқиоми” газетаси бош муҳаррири.

ДИЛДА ДОИМ ВАТАН МЕҲРИ БОР

Ёши саксондан ошган отам хасталаниб, анча вақт кўчага чиқолмай қолдилар. Авваллари бир қадам туюлган Марҳаматдан Фарғонагача йўл, энди унга оғирлик қиларди. Дард – меҳмон, шукрки, падари бузрукворимиз яна оёққа туриб кетдилар. Бу орада сувдек оқиб ўтган қисқагина вақт кадрдон манзилларда қандай ўзгаришлар ясаганидан беҳабар, соғайиши билан бизникига отланибдилар. Шаҳарга кириб келгач эса, бир муддат иккиланиб, наҳотки адашиб бошқа машинага ўтирган бўлсам, деган хавотирга тушибдилар. Сўнг ҳайдовчидан: “Болам, қаерга келдик? Шу ростданам ўзимизнинг Фарғонами?” – деб қайта-қайта сўрабдилар.

– Отахон, анчадан буён биз томонларга келмабсиз шекилли, – кулиб дебди ҳайдовчи. – Жуда катта ишлар бўлган, вақти келса ўзимиз ҳам адашиб қоляпмиз. Бу – янги Фарғона!

Отамни шоҳбекатда кутиб олар эканмиз, уни тетик, хушнуд кўриб жуда қувондик. Кейин эса марказдан то уйимизгача ҳайрату тасанноларидан кўнглимиз тоғдек юксалиб келдик. Йўл бўйи бунёдкор халқимиз, шундай юксак янгилаНИШЛАРГА РАҲНАМО бўлган улуғ Юртбошини дуо қилдилар.

– Буни қаранглара-а, худди юз йил тўшакка михланиб ётганману, кўзимни очиб янги даврга тушиб қолгандекман, – дейдилар машина ойнасидан суқланиб агрофга қараб. – Шаҳар чиннидек ярақлаб кегибди-я! Йўлларни қаранг, ойнадек текис. Кенглигини-чи, худди Тошканнынг йўлларига ўхшайди. Бахтларингдан айланай, болаларим, биз бунақа шароитни тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Хуррият дегани шу-да!

Унинг ҳаяжон балққан нуроний юзи, қувончдан нам тортган кўзларига қараб, шаҳримиз, демакки, ўз ҳаётимизда рўй берган ажойиб ўзгаришларни янада теранроқ ҳис этдик. Ростдан ҳам, кўз ўнгимизда содир бўлган бунёдкорликка ҳатто ўзимиз ҳамон қараб тўймаётган эканмиз, четдан келган одамга нақ афсона бўлиб туюлса, не ажаб!

Вақт югурик, дейдилар. Ҳақ гап. Унинг шиддаткор қудрати охириги уч-тўрт йил ичида биз фарғоналикларга бор бўй-басти билан намоён бўлди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-



коммунал инфратузилмаси объектларини куриш ва реконструкция қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори водий дурдонаси тарихида янги саҳифани очиб берди. Бутун вилоятда рўй берган ўзгариш, янгиланишларни айтиб адо қилиб бўлмайди, чунки бунёдкорлик ишлари ҳануз давом этипти. Фарғонамизнинг шаҳару қишлоқларида эсаётган тараққиёт эпкинлари зумрад гўшани турғунлик ғуборларидан батамом фориғ қилмоқда. Мазкур қарорга кўра Фарғона шаҳрида 1,5 триллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилганлигининг ўзиёқ, вилоятимиз бош кенти меъморчилиги ва инфратузилмасида нечоғлик улкан ўзгаришлар рўёбга чиқарилганига далилдир.

Ҳа, шаҳримизда янгилликлар кўп ва ҳўб. Ёшани яшаб, давр шиддати қаршисида ожизу лол қотиб қолган иморатлар ўрнида замонавий турар-жой бинолари, маҳобатли иншоотлар қад кўтарди, сақланиб қолган бинолар тубдан таъмирланди. Йўллар кенгайтирилиб, янгилари барпо қилинди. Савдо мажмуалари, хиёбонлар – қўйингки, шаҳарнинг ҳар қаричи янгича чирой, оҳор касб этди. Гўзал кент ҳуснига холдек ярашиб тушган 1000 ўринли вилоят Театр-концерт саройи, 20 минг ўринли “Истиклол” стадиони, 500 ўринли Лазер-шоули амфитеатр, 4та ёритқичли мусиқали фавворалар, янги аттракционлар, болалар хиёбонлари – буларнинг ҳаммаси фарғоналиклар учун катта тухфа, мустақил юртимизнинг буюк келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамлагувчи, Ватан равнақи йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга сафарбар этувчи ҳаётбахш омил бўлди. Шаҳар аҳлига эстетик завқ бағишловчи янги маъмурий-маданий марказлар шакллантирилиши билан бирга, экологик муҳитни яхшилаш мақсадида эътиборга молик ишлар бажарилди. Аввало, фаолияти давомида ҳавони ифлослантириб турган “Фарғонаёғмой”, “Фарғонагазапсараат” корхоналари, фуран бирикмалари заводи шаҳар ташқарисига кўчирилди. Кўринишдан салобатли, аммо ичдан нураб турган кекса дарахтлар ўз ўрнини набототнинг ноёб турларига бўшатиб берди: кенг кўчалар, янги хиёбону истироҳат масканларига умрбоқий, ҳусни ва таровати жиҳатидан нодир, ҳавони тозалаш хусусияти беназир бўлган каштан, дуб, япон сафораси каби дарахт ва буталарнинг 30 мингдан ортиқ кўчатлари ўтказилди, ноёб гул турлари келтирилиб, жами борлиқ ранглари мужассам бўлган гулзорлар барпо қилинди.

...Йўл чарчоғи чиққач, эртаси куни отамни шаҳар айлантирдик. Назаримда, худди боладек қувнаб, дили яйраб истироҳат қилдилар. Айниқса, Президентимиз таъбирлари билан “Каштанзор кўчаси” деб аталган хиёбондан борар эканмиз, ажиб мутаносиблик ила саф тортган, ҳали ёш, лекин сервиқор, илдизлари ер билан “эл бўлиб” кетган ниҳолларни кўриб, ушбу экзотик дарахт тури билан астойдил қизиқиб қолдилар. Ер юзидаги энг чиройли манзарали дарахтлар сирасига кирувчи бу азаматнинг бўйи 25-30 метр, ёши 250-300 йилгача бориши ҳақида айтгандик, “Зап оромижон боғ бўлар экан-да! – дея, фахр билан эътироф қилдилар. – Юртимизнинг тупроғи олтин, одамларининг қўли гул-да!”.

Дарҳақиқат, жаннатмакон бу заминда қайси ноёб дарахт ёки гул тури ўсмайди, дейсиз. Шу кўчанинг ўзида яна бир нечта – дроб, магнолия, лола дарахти каби хушманзара буталар барқ уриб ривожланияпти. Каштанзор аллеясининг яна бир неча йилдан кейинги камолини кўз олдингизга келтиринг-а! Бугун Фарғонажоннинг бебаҳо тупроғида ўсиб-унаётган ҳар бир ниҳолда ана шундай юксак ифтихор, ширин орзу-умидларимиз бўй чўзаётир.

Оқшом пайти оила даврасида узоқ суҳбат қурдик. Падаримиз ҳайратларининг адоғи йўқ, шукронаси чексиз эди. Ва шу аснода беихтиёр ўз болалигини эслади.

– Бизнинг замонда бунақа пишиқ-пухта иморатлар қаёқда эди, – деб ҳикоя бошладилар. – Уйимиз гуваладан қурилган, лойсувоғи кўчиб кетган жойларда

тешиқлар пайдо бўларди. Сандалга биқиниб олиб, ташқарида қор ёғишини бемалол кузатиб ўтирган кунларимиз бўлган... Отадан барвақт етим қолганмиз, онамнинг эса тешиқ ямашга вақти йўқ – тўрт боланинг курсоғи деб уззу-кун оғир меҳнатдан боши чиқмайди. Ўшандаям тўйиб овқат еган пайтимиз кам бўларди. Мен кўпинча бир хил туш кўрардим: онам ҳаммамизни чақириб, ўртага бир сават иссиқ нон кўйиб берарди... Биргина овунчоғим – мактаб. Гарчи, биз етти-саккиз ёш тафовут билан бир синфда ўқир, фан деган гап ҳали йўқ, фақат савод чиқармоқда эдик. Тўнғич ўғилман, кун бўйи рўзғор ишларидан бўшамай, кечаси дарс қилардим. Мойчирокни ўчирмай ухлаб қолсам, эрталаб кулгили аҳволда уйғонардик – нафас олганимизда қора дуднинг қуруми бурун катақларимизга ўрнашиб қолган бўлар эди... Эри урушдан қайтмаган ўқитувчимиз кўшни туманга турмушга чиқиб кетгач, ўшагина ўқиш ҳам чала қолган.

Кенг ва ёруғ, жаҳон андозаларига мос таълим даргоҳларидан учирма бўлган болаларим отамнинг ҳикояларини эртақ эшитгандек берилиб тинглашади. Мен эсам, бу “эртақ”лар замирида қанча машаққатлар борлигини яхши биламан. Бир четидан ўзим ҳам тотганман: қишлоғимиздаги мактаб оддийгина уйча бўлиб, қиш кунлари 1-3 синфлар битта хонада қисилиб ўқирдик... Аммо одамзод ҳамиша олға интилиб, яхшилиққа ишониб яшайди. Биз кўрмаган рўшноликлар сизга насиб қилибди деб, шукрини бисёр қилган отамнинг барча чеккан уқубатлари дориломон кунлар шуқуҳидан унут бўлгандек, юз-кўзида мамнуният жилваланади.

– Кеча кўчат бозорида бир йигит билан гаплашиб қолдим, – дедилар кетар чоғида. – Келаси баҳор сари арчаларидан олиб кетаман. Қишлоғимиз гузарига экимиз.

Ҳа, истиқлолнинг фараҳбахш неъматлари, ҳар қандай ёшда ҳам, кишига бугунги кун руҳи билан яшаш учун куч бериши, яратувчанлик, бунёдкорликка рағбатлантиришига заррача шубҳа йўқ. Узоқни кўра билган доно Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан азиз ўлкамизни яшнатиш, янада обод қилиш истаги хур диёрнинг ҳар бир фуқароси қалбида қатъий аҳдга айлангани ҳам ҳақиқат. Атиги чорак асрлик тарихида минг йилларга татиғулик шонли йўлни босиб ўтган мустақил мамлакатимизнинг ёруғ эртасига бўлган комил ишонч ҳамиша қалбимиз ардоғидадир. Осмонимиз мусаффо, турмушимиз осуда, Ватан меҳри дилда барқарор экан, Мустақиллигимиз абадий бўлгай!

ҲАҚМАТ

**Қуғратимизга шубҳа қилганлар биз
қурган иморатларга доқсунлар.**

Амир ТЕМУР



НАЗМ



Тўлан НИЗОМ

Ўзбекистон халқ шоири. 1938 йилда туғилган. Андижон давлат педагогика институтини (ҳозирги АДУ) битирган. Шоирнинг “Сенинг эртақларинг”, “Ифтихор”, “Муқаддас руҳ” ҳамда “Баҳорий майсалар”, “Авжи ёз”, “Заррин япроқлар” номли китоблари нашр этилган.



Йўлга чиқдим сени сўроқлаб

ЁЛГИЗЛИК

Шу кунларда керак бўлдинг сен,
Интизорлик ўтди жонимдан.
Мана, энди, ёлғиз қолдим мен,
Қайғу келур ҳар томонимдан.

Шу кунларда керак бўлдинг сен,
Сир айтарга бирор сирдош йўқ.
Ўн етти йил чидаб келдим мен,
Ҳижрон отар юрагимда ўқ.

Шу кунларда керак бўлдинг сен,
Узун тунлар танҳоман-танҳо.
Ва ўзига ёлбораман, мен,
Ўз дардимни айтганча, оҳо!

Кимлар кетди мендан йироқлаб,
Бир жон бўлиб ўзим қолдим мен.
Йўлга чиқдим сени сўроқлаб,
Қайлардасан, қайлардасан, сен?



Қиш қасидаси

Қалин қор зимнида ухлайди замин,
Кўклам кўк шоҳисин тушида кўриб.
Бағрига жойлайди кунларнинг таъмин,
Вақт кечаси ҳориб ва тонгда туриб.

Қиш эса авжига олар тобора,
Оёқлар остида гўё тош дурлар.
Насиба ахтариб қушлар овора,
Дарахтлар мисоли оқ кийган ҳурлар.

Томларга лаб босиб изғирин эсар,
Катакда мудрайди жавдари товук.
Нафасни қайтарар, ҳовурни кесар,
Қайдан келиб қолди аёвсиз совук?

Кўлларнинг сийнаси ойнага ўхшар,
Дарёлар бўйнига тақмиш оқ шарф.
Кийиклар сирғалиб тоғлардан тушар,
Боғлар кўрпасига сира йўқ таъриф.

Борлиқ оғушида оппоқ сукунат,
Қайдадир тин олар бўрон ва довул.
Хонам тоқчасида очилиб қат-қат
Тошга термилади тувакдаги гул.

Лайлакқор чарх ўйнар кабутар мисол,
Турфа найза янглиғ чумак урган муз.
Қор ўйин бошланур, болалар хушқол,
Бирини дер: Қорбобо келбатин сен, туз.

Қорбобо ясалди, Қорқиз ҳам тайёр,
Жўш урган болалик, мардона ёшлик.
Ҳар кекса кўнгилки, тикилса бир бор
Юракда қолмайди заррача ғашлик.

Қаро тун чўқади, шу дам, шу асно
Уй-уйга тарқалар шўхчан ўғил-қиз.
Меҳмон сифат турган Қорқиз, Қорбобо
Қаҳратон кўчада қоларлар ёлғиз.

Осмон элагини яна элайди,
Дув-дув тўкилади ун мисоли қор.
Эртага куёш ҳам ўтни қалайди,
Эртага талпиниб келар гулбахор!



Яхши одам

Яхшилик не, азалий бахтми
Ё ғойибдан келган бир омад?
Яхшилик не, ёлғон бир аҳдми,
Яхшиликни биларми номард?

Яхшилик гул, яхшилик бир сўз,
Яхшиликдир битта табассум.
Яхшиликдир ёниб турган кўз,
Яхшиликдир беозор, маъсум.

Яхшилик қил, умр жомидан
Май ичолсин мўътабар олам.
Юрак сўзлар борлиқ номидан,
Яхши одам жуда камдан-кам.

Шамол

Тонг чоғи боғим аро ўйнар шамол,
Ранг-баранг гуллар узиб, қувнар шамол.

Ул, эҳтимол, омадим, бахтим билур
Олам кезиб, сўнг келиб сўйлар шамол.

Эркалайди сочларимни тортқилаб,
Менга ҳам бир яхшилик ўйлар шамол.

Соғинганим, зорлигим билдимикан,
Мен томон ёрим каби бўйлар шамол.

Дам-бадам кўнглим учун теграмда ул,
Ҳол сўраб, минг ўргилиб куйлар шамол.

Дил яйратиб нозанин қизлар мисол,
Мен – Низомийга салом айлар шамол.

Куйганёрда

Баллада

Эшитганим ажиб бир миш-миш
Куйганёрнинг гулбоғларида.
“Ишқ булоғи” пайдо бўлганмиш
Қорадарё ирмоқларида.





* * *

Азиз яна жўнади қирга
Узоқ тунни ўтказиб бедор.
Булоқ бўйи, кечаги “сир”га
Бўлган эди асир, беқарор.

Келармикан гўзал Азиза
Сочларини елда ўйнатиб?
Билармикан бу гал Азиза
Йигит қалбин, дилин қайнатиб –

Куйганини кечаги сўзда,
Карашмада, нозда. Бўса-чи...
Расми қолмиш меҳрли кўзда,
Хаёлида у мис кўзаси.

Азиз ўйга толар интизор –
Интизор нигоҳи қотади сувда.
Кўкка қарар, юксак, пурвиқор –
Анжон адирлари уйқуда.

Ловиллайди алвон чечаклар,
Избосканнинг тошлоқларида.
Майса, ўтлар чалар қарсақлар
Шўх дарёнинг ирмоқларида.

Келбати зўр, жигарранг тошнинг
Таг-тагидан сизиб чиқар сув.
Бу – бир булоқ, йигит бевошнинг
Вужудини забт этар туйғу.

Сувга қарар: тиник, мусаффо,
Биллур каби кўзни олади.
Найдек куйи руҳга зўр шифо,
Хаёлига гулу салади.

Қўлда кўза, сув бир баҳона,
Қиз келади элтиб бир ҳаё.
Уни тукқан қайси хур она,
Ардоқлаган қай чаман-маъво.

Қомати гул, атир ҳидлари
Уфуради, қошлар тим қора.
Билар қишлоқ зўр йигитлари,
Қизлар аро Азиза сара.





Лабларида яшар бир сурур,
Тил – лоланинг битта япроғи.
Қандлигига сабаб – тишлар дур,
Мақтовининг йўқдир адоғи.

Қиз келади булоқ бўйига,
Кўзасини кўяди ерга.
Табиат маст ишқнинг кўйида,
У сиғмайди сирнинг сирига.

Йигит хурсанд, қиз қувонади,
Кўзлар кўзга тўймайди сира.
Сўзлашади, қалблар ёнади,
Кўнгиллари тоза, бокира.

Кун ҳам оғди, чўккидан нари
Оқ булутлар кўпайди бирам.
Сув еллари кезар сарсари,
Қиз дилгиру йигит хўп ўктам.

Шундай ўтди кунлар пайдар-пай,
Учрашувлар, тотли бўсалар.
Муҳаббатда ҳеч ким дард кўрмай,
Улар каби ўйнаб, кулсалар.

Энди яшар беқайғу, беғам,
Меҳнат берар ёруғ келажак.
Бугун тонгда йўл олди хуррам,
Булоқ сари куёв-келинчак.

Азиз тошдан айлади бунёд –
Булоқ учун мармар бир ҳовуз.
Тол кўчатин экдилар шод-шод
Ва харсангга битилди шу сўз:

“Ишқ булоғи”. Йигит билан қиз,
Гоҳ-гоҳ келар уни кўргани.
Ҳамма келиб унга чўқар тиз,
Ҳамма билар Азиз қурганин.

“Ишқ булоғи”. Ёзуви қолди,
Қорадарё асрий тошида.
Ва доврўғи дилларни олди,
Тиз чўкдилар унинг қошида.





НАСР



Кулман ОЧИЛ

1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Жайдари фалсафа” ҳикоя ва очерклар тўплами нашр этилган.

ҚАСД

Қисса

Бул одам ўлмай қўлга тушмайди.

“Далли” достонидан

Саломсиз калом

Профессор Панжи Намозов иккинчи қаватдан юрадиган лифтга етгунича хансираб, ҳарсиллаб қолди. Унинг ҳаракатлари анча сусайиб, буғдойранг юзидаги ажинлари кун-бакун кўпайиб бораётган бўлса-да, баъзи тенгдошларига ўхшаб, жуда мункиллаб қолганича йўқ. Аммо етмишни қоралаган одам яна олма ёки ўрик бўлиши қийин. Ҳар куни шу: бир амаллаб хонасига кириб олади-да, кечгача қоғоздан бош кўтармайди. Тушликни ҳам пастдаги ошхонадан ёрдамчиси олиб чиқади. Иш эса кўпайса кўпайиб бораётирки, асло камайишидан дарак йўқ. Қарилик гаштини суриб, уйда ётай деса, раҳбарлари кўнмайди: “Шошилманг, домла, яна озгина чидаб туринг, етмиш йиллик юбилейингизни тантана билан ўтказиб, иззат-ҳурматингизни жойига қўйиб кузатамиз”. Барака топишсин. Бундан катта гап борми. Раҳбарларининг кўпи – ўзининг шогирдлари, қачонлардир университетда ёки академияда ўқитган, илмий ишларига раҳбарлик қилган, китобларига сўз бошию тақризлар ёзган, йўл-йўриқ кўрсатган... Домла “хўп”, дейди. “Шунисига ҳам шукр!” дейди. Тенгдошларининг давраси йилдан-йилга сийраклашиб бораётган, ўзининг ҳам парти кетиб, шарти қолаётган одам бошқа нима десин.

Профессор қабулхонада кутиб олган миқтигина, каттакон қора кўзлари косасига чуқур ботган, эпчилгина ёрдамчисига одатдагидек: “Бугун ҳам ийжадимизни қаҳва ичишдан бошласак”, деган сўзларни айтишни унутмади.

У қабулхонасига кириб-чикқанида, айниқса, ёнида бегоналар бўлса, кўзойнакқинаси доим ялтираб турадиган ёрдамчиси Азимнинг исмини айтишдан қочади, қиснади. Бунинг сабабини бошқалар ҳам сезади, шекилли. Бировлар борки, юзига айтмаса-да, изидан кулади: “Ишхона эмас, эркаклар ҳаммоми”. Ўттиздан ортиқ одам ишлайдиган жамоада аёл зоти йўқ. Ҳатто фаррош ҳам эркак – талаба йигит.

Профессор аёл кишини ишга ололмайди. Олса, уйда ўтирган “аждархо” – Эргаш мўйловнинг қизи – оғзидан олов пуркаб таҳририятга от солиб келишдан тоймайди: “Ҳа-а! Кўнглингиз бошқасини тусаб қолдимиз? Биз камлик қилдикми? Қариб қолдикми?”

Хонасига кириб, столида бир уюм қоғоз – ҳар хил қўлёзмаю хат, ҳужжат, газета-журналларни кўриб, юраги увушди, шуларнинг ҳаммасини ўқиши, тақдирини ҳал қилиши керак.

Кулранг пальтоси ва сувсар телпагини қорамтир шкафдаги темир илгакка осиб, ўзини суянчиғи баланд қора чарм курсига ташлади. Оғир тин олди. Столнинг тагидаги қўлбола супачани пайпаслаб топди ва устига толиқа бошлаган оёқларини қўйди. Шу савилга қўйиб ўтирмаса, пайлари бирпасда увушиб, ҳаракати қийинлашиб қолади. У бошидаги ярғоқни яшириш учун тепасига кўндаланг таралган узун сочларини силаб қўйди.

Нимадир мингиллаб келиб, ўнг чаккасидан чимиллатиб чақди. Тавба, қишнинг чилласида ўн еттинчи қаватдаги тоза-озода хонада чивинга бало борми? Шкафнинг ичида адашиб қолган, шекилли.

Профессор чаккасига қўл юборган эди, бармоқлари кип-қизил қон юқи билан қайтди. “Менинг қонимни ичмаган сен қолувдинг!” деб жилмайди қўлини майингина қоғоз сочиқчага артар экан. Дили ёришгандай бўлди: қон – ёруғлик.

У газета-журналларни четга суриб қўйди. Окшом, уйда бафуржа ўқиши мумкин. Хатларнинг тақдири ҳам тезда ҳал бўлди – бўлимлараро тақсимланди. Ишнинг қийини – қўлёзмаларда. Бир-биридан зерикарли. Ўқиш ҳам, жавоб қайтариш ҳам азоб. Гўё ҳаммасини бир одам – ўта истеъдодсиз, танбал ва қаллоб ёзгандай. Ўнтасидан тўққизтасининг ҳузурини архив кўради. Бандаси ўзи асли ношукр яралган, шекилли. Асарини чоп этсанг, дунёда сендан улуг одам йўқ. Ҳар қадамда етти букилиб салом беради. “Буниси сал бўшроқ экан” деб қайтарсанг, “оқ” қилинасан. Муаллиф илгари юзта асари журналда чиқиб, “машҳури олам” бўлганини эсламайди. Лекин “қайтган” битта қўлёзмасининг аламини рўзи маҳшарда ҳам унутса қани. Тўй-ҳашам, мажлису маърақада дуч келсанг, отасининг қотилини кўргандай афтини буриштиради. Начора, муҳаррирининг, айниқса, ижтимоий-ҳуқуқий, адабий-бадиий журнал бош муҳаррирининг ёзмиши шундай экан.

Ёрдамчи қизил гулли нафис финжонда қаҳва олиб кирди:

– Шакаримиз тугаб қолган экан, – деди хижолатомуз. – Новвот солиб дамлай қолдим.

Профессор билинар-билинемас бош ирғади: шуниси ҳам маъқул – шакар совуқлик, ҳазм бўлиши қийинроқ. Қоринни дамлатади. Новвот қон босимини кўтаргани билан юрак тўқималарининг малҳами. Дўхтирлар юраги дарз кетганларга беҳуда новвот тавсия қилмайди.

– Юзингиз шилинибдими, домла? Қон сизиб турибди...

– Ҳа-ай, кўяверинг! – Профессор бепарво қўл силтаган бўлди. Столининг устидаги қоғоз сочиқчалардан яна бирини олиб, юзини артди. – Саратонда “дордан қочган” бир чивин аламини олди.

Панжи Намозов хушбўй таратиб турган қайноқ қаҳвани ҳузур билан ҳўплади. Шираси кўпроқдек туюлди. Шу бола меъёр деган нарсани ҳеч ўргана олмадида, деб ўйлади. Хаёли жойида эмас. Лекин чумолидай меҳнаткаш. Нақд тоште-шар. Ишга келганидан бери – олти ой ичида бешта ҳикоя берди. Биридан Мурод Муҳаммад Дўстнинг мўйлови кўриниб турса, иккинчисидан Эркин Аъзам самимий жилмайиб қараётгандай. Учинчиси бошловчи мутаржимнинг қўлёзмасига

тортиб кетади. Сал ҳовлиқмалиги бор. Ёзган нарсасини сиёҳи куримасидан эълон қилишга шошилади.

“Азимбой, – деди бир куни профессор, – ёзаётганингизда сўзга, таҳрирга эътибор беринг. Адабиёт гап санъати эмас, сўз санъати. Марафончилар мусобақаси ҳам эма-ас”.

Жумада иш сал камроқ бўлади. Бу аҳли қаламнинг дам олиш кунлари асарини қайта ишлаб, пишитиши билан боғлиқ бўлса керак. Ё ҳафтанинг охирида ҳаммаси ўлғудай чарчаб, сулайиб қолармикан? Хайриятки, бугун – жума. Хат-хабарларнинг тагидан биттагина қўлёзма чиқди. Унчалик қалинга ҳам ўхшамайди. Электрон почтадан келган бўлса керак.

“Муҳтарам профессор!”

Панжи Намозов на салом-алик, на сарлавҳа, на бирор кириш сўз ёки изоҳсиз, томдан тараша тушгандек бошланган “бисмиллосиз” хатни кўриб, ажабланди. Кўнглига қандайдир нохушлик югургандай бўлди, бироқ ажабланиш устун келиб, хатни жиддийроқ ўқишга киришди.

Ҳаммаёқ қип-қизил қон эди

“Муҳтарам профессор! Сиз мени танимайсиз. Биламан, мен каби мухлис-ларингиз сон мингта, балки миллионта. Ҳаммасини эслаб, таниб қололмайсиз. Танимасни эса сийламас, дейдилар. Лекин Сиздан мен фақирга марҳамат кўрсатишингизни – ушбу хатимни охиригача меҳр кўзи билан ўқиб чиқишингизни ўтиниб сўрайман. Сизга бир пайтлар ўзим қўл урган ўта мудҳиш жиноят билан боғлиқ муҳим сирни очмоқчиман.

Сизни ўзимга муқарраб – энг яқин дўст, маслаҳатгўй санаб, ушбу мактубни битдим. Менинг бу адолат саҳросидаги сар-сар кезишларим надомат билан ниҳоясига етмоқда. Дилимни аёвсиз ўртаётган дард шуки, ўз вақтида бир табаррук зотга берган ваъдам – тоатни, фазлу карам матлабини камолига етказа олмадим. Қасд ва алам ўтида ёниб, ўзимни ҳадсиз ранжу аламларга гирифтор қилдим. Ақл-идрок билан тутган тадбирим мени адолат ва ҳидоят йўлига олиб чиқади, деб ўйлаган эдим. Кушойиш топиш ўрнига, талваса гирдобига чўкиб кетдим.

Бу кун ғам ва андуҳ, хасталик ва кексалик ҳам вужудимни, ҳам шууримни беаёв емирмоқда. Йўқ, кемирмоқда. Айниқса, тутқаноқ кун бермай кўйди. Шу топда ёстиғим устига келсангиз, оқ сочиқчага ўралган икки қошиққа кўзингиз тушади. Бири – темир, иккинчиси – ёғоч. Хонам деворида қон излари. Ювган ва қирган билан қон изини буткул ўчириб бўлмади. Беш кун бурун, ярим тунда тутган навбатдаги хуруж асносида не бир муддат тилимни тўхтовсиз ғажиб, атрофга қон пуркабман. Тупурганим йўқ, айнан пуркабман! Тортилган тилим танглайимга ёпишиб қолмаслиги учун қошиқ билан оғзимни аранг очишибди. Юрак ўйноғига чалинган хотиним, тунлари тепамда ўтириб чиқадиған неварам бўлмаганида, ушбу мактубни Сизга жўнатишга улгурмас эдим. Милкларимнинг соғ жойи қолмаган. Вужудим ва шуурим бу кун таомдан кўра дорини кўпроқ хушлайди, айтган гапимни на ўзим, на атрофдагилар англайдиган бўлиб қолди. Дилим билан муҳорабадан беҳад чарчадим. Азроил тепангда қиличини қайраб турганида ўлимдан қутулишинг душвор. Пушаймонлик ҳам бефойда. Шу боис сўнгги чора – хап дори – бензанол тўла қутини титраган қўлларимга сўнгги бор олишдан аввал бор дардимни Сизга ёргим келди. Яратганинг иноятдан ягона умидим – пажмурда вужудимга тезроқ ором инса.

Ўтинчим: хатимни охиригача ўқисангиз. Шунда нега айнан Сизга мурожаат қилаётганимнинг сабабини ҳам тушуниб оласиз. *Мен тўрт одамни асфаласофилнга жўнатган жинойатчиман.*

Яқин-яқинларгача камина зимдан, назаримда, ғоят усталик билан амалга оширган бу мудҳиш жинойатни арши аълода Яратгану гуноҳкор заминда ўзимдан бошқа бирор жонзот билмайди, деб юрар эдим. Аён бўлдики, қотил ҳам, мактул ҳам ўзим эканман. Дарвоқе, воқеалар баёнида адашиб кетмаслигим учун битикларимни сарлавҳаларга бўлиб чиқдимки, бу Сизнинг ғашингизга тегмас деган умиддаман.

Келинг, гапни аччиқ ичақдай чўзиб ўтирмай, аввал ўзимни таништирай. Қишлоқ мактабида тарихдан сабоқ бергувчи эдим. Бироқ бу касбни, яъни муаллимликни азбаройи бани башарнинг серғалва тарихига меҳр-муҳаббатим баландлигидан танлаганим йўқ. Менинг орзуларим бошқачароқ, юсакроқ эди. Очиғини айтганда, изкувар бўлмоқчи эдим. Бадиий, айниқса, “ровийлар андоқ ривоят қилмишларки” деб бошланадиган қадимий, тарихий асарлар, чигал жинойатлар усталик билан очиладиган детектив китобларни болалигимдан ямламай ютаман. Энг оғир, энг қабих жинойатларни очиб, яшириб нима қилдим, Шерлок Холмс каби шон-шухрат қозонмоқ орзусида эдим. Насиб қилмаган экан. Тақдири азал. Икки йил юридик факультетга хужжат топширдим. Баллдан қайтдим.

Университетга киролмаганим учун бировни айбламоқчи эмасман. Ўз айбини бировга ағдаришга, зорланишга мойил кимсаларни жиним суймайди. Бу эркакнинг иши эмас. Ҳақиқий эркак фақат Худога ва ўзига ишонади. Хато қилса, тан олади, уни тўғрилаш пайида бўлади. Хулласи калом, учинчи йили пединститутнинг тарих факультетига энг юқори балл билан ўқишга кирганимни айтсам, гапимни ҳаргиз зардаю кинояга йўйманг. Ношукр эмасман...

Институтни тугатиб, ўзим ўқиган қишлоқ мактабига ишга келдим. Агар бир фожа юз бермаганида ёшлик йилларимни эслаб, бунчалар эзмаланмаган, ушбу иқдорномани йўллаб, Сизнинг муборак бошингизни қотирмаган бўлар эдим. На чора. Айтганимдек, гардуни дуннинг йўриқлари ўзгачароқ экан. Биз Бозор билан апоқ-чапоқ бўлмасак-да, ҳамкасб эдик. Тижорат йўлига киргунича у мактабимизда адабиётдан дарс берарди...

Орадан қарийб ўттиз йил ўтган бўлса-да, ўша кунни жуда яхши эслайман. Ерга тўл тушиб, чўпон-чўлик кўтонидан чиқолмай қолган маҳаллар. Мактабдан келиб, тамадди қилдиму кеч кузда кўмилган тоқларни очиб, тагига кесак солиш умидида томорқага ўтдим. Мотоциклнинг патиллагани эшитилди. Қарасам, мактабда жисмоний тарбиядан дарс берадиган укам Бободўст шалоғи чиққан “Иж”ини миниб, жуфтагини ростлаётир. Мени кўриб имо қилди: “Дарров келаман. Зарил ишим чиқиб қолди”.

Бошимни зардали чайқадим: яна ишдан қочяпсанми, дангаса? Шу маҳалда ток очишдан зарилроқ яна қандай юмуш бор?

Бурилишга улгурмадим. Ниманингдир варанлагани ва тарақлагани эшитилди. Сўнг кимнингдир “Во-о-ой!” деган чинқириғи кулоққа чалиндию жим бўлди. Пастқамгина пахса деворимиз оша бўйласам, қўшнимиз Қамбарнинг қизил “Жигули”си укамнинг мотори варанглаб ётган мотоцикли устига чиқиб кетган. Авария жойига қандай етиб борганиму оғзидан қон отилаётган укамнинг қўлидан қандай торганимни билмайман. Қани энди тортиб ололсам! Нортуйдай йигитнинг икки қўли, елкаси, боши – бутун гавдаси девор билан мотоциклнинг ўртасида қисилиб қолган, мотоциклни эса ҳали мотори ўчмаган машина бор кучи билан девор томонга сурмоқда эди.

Ўзимни машинага урдим. Ҳайдовчининг боши рулда – юзтубан ётарди. Мен аввал уни кучли тўқнашув зарбидан ҳушидан кетган бўлса керак, деб ўйладим. Эшикни очишим билан ерга ағдарилди. Димоғимга “туп” этиб аччиқ арақ ҳиди урилди. Қамбарнинг уст-боши, оёқларининг остигача шилта – кусук. Кейинчалик эшитсам, кўшни қишлоқдаги қариндошининг тўйдан “тўйиб” келаётган экан.

Машинани орқага олдим. Осмондан тушдим, ердан чиқдим – билмадим, қарасам, тепамда Қамбарнинг иккинчи акаси Назар хансираб, кенг оғзидан сўлаги оқиб турибди. Унинг феъли шундай – доим шошиб, ит қувлаган бузоқдай пишнаб-хансираб юради.

– Вой, палакат! – деди у. – Вой, палакат-ей! Яна молдай ичибди-я!..

Назар билан тўн кийишмаган бўлсак-да, сабоқдош, қалин ошна эдик. Унга кейинчалик: “Назаржон, ўзингиз кўрган эдингиз-ку, укангиз ўша куни ғирт маст эди” десам, тонди. “Эсимда йўқ. Мени бу гапларга аралаштирманг, ошна!..” деди ердан кўзини узмай.

“Унда мени ошна дема, Назар! – дедим. – Мен Худодан қайтган билан ошна бўлмайман!..”

Укамни ерга бердик. Унинг таъзиясига ер ёрилиб одам келди. Отамнинг хурмати. Отам раҳбарларининг ҳам айтганини қилиб, ҳам уларга айтганини қилдириб келаётган обрўли чўпон эди. Ҳамма келди. Фақат ака-укалар – на Қамбар, на Назар, на Бозордан дарак бўлди. Отам айтдики, юраги дов бермагандир. Кейин, маъракасига келар. Тили бўлса, бир оғиз “бандалик” деб кўнгил сўрар.

Сўрамади. Қора ердан садо чиқди, аммо бу уч йигитдан, уч кўшнидан садо чиқмади. Маъракани ўтказиб, ён-беримизга қарасак – жимжитлик: на фожиа содир бўлган куни икки соатдан кейин етиб келган ва наридан-бери суриштирган киши бўлган ички ишлар ходимларидан, на прокурору терговчидан дарак бор. Гўё ҳеч кори ҳол юз бермаган. Йигирма етти ёшли йигит ҳалок бўлиб, унинг икки гўдаги етим, ёшгина хотини бева қолмаган. Гўё Қамбар одамни эмас, бесар мушукни, мушук нима, кўлмақдаги қурбақани босиб кетган. Ҳеч вақо бўлмагандай ишига – электр тармоқлари идорасига қатнаб, аввалгидай тўйма-тўй ичиб юрибди.

Чўп сувлиққа ярамайди

– Камбағални туянинг устида ит қопгани шу бўлади, – дер эди отам ўксиниб-ўксиниб йиғлар экан. – Акаси Бозор қараб ўтирармиди – қилар ишини қилиб кўйган-да. Менинг жувонмарг кетган боламнинг йўқлайдиган дурустроқ жигари бўлмаса. Йўқлагани билан даста иштонбоғидан нарига етмаса. Чўп сувлиққа ярамайди!..

Ўшанда англадимки, бирор чорасини кўрмасам, бундай таъна-дашномлар мени умримнинг охиригача адо қилади. Англаш асносида отамнинг гаплари ҳақ-роҳ эканини ҳам тан олдим. У замонлардаги туман матлубот жамиятининг раиси қаердаю, кўл учида кун кўрадиган муаллим каёқда! Қиёсан олганда, на сонда, на санокда бор бир йўқсил эдим-да.

Бироқ мен укамнинг хунини оламан, деб ўлиб турган жойим ҳам, бундай дард-дисарликларга тоби тоқатим ҳам йўқ эди. Ака-укалар салгина бўлсин адлу инсоф билан иш тутса, ўзларининг журъати етмаса, қишлоғимизнинг кайвониларию қари-қартангини ўртага солиб, отамнинг олдига бош эгиб келса, одамга ўхшаб бир оғизгина кечирим сўраса, отидан тушиб қолмас, ўзларининг бошига ҳам

шунчалар мусибат ёғилмас эди! Эшиқдан киргани ит қопмас. Юз иссиқ, кечирмай қаерга борар эдик. Ўлай агар, мен гинадор бўлиб юрмас эдим. Оми бўлса-да, фазлу карам отам бечорага ҳам бегона эмасди. Йўқ, ака-укалар, айниқса, Бозор калта ўйлади. Кажлик тўнини кийиб, “Сен зўрми, мен зўр”ни афзал кўрди. Дуч келган жойда машинасидан устимизга балчиғу лой сачратиб ўтишдан ор қилмади. Кўйиб берса, бетимизга туфлашдан ҳам тоймайдигандек.

Мен ўзимни фазлу камол эгаси дейишим кийин. Лекин хийла чапани, чўрткесар, тиниб-тинчимаган бўлсам ҳам, бировга зулм ўтказишни кўнглига келтирган одам эмасдим. Отам ҳам бировга ёмонлик тилагандан кўра, ўзига ўлим тилашни афзал билган. Ҳаммаси – Қамбарнинг касофати. Мени жиноятга бошлаган, гуноҳга ботирган ака-укаларнинг ўзлари! Бехосдан қурбақани босиб олсангиз ҳам вақиллайди. Тўғрими, муҳтарам профессор?”

“Тўғри, – хаёлидан ўтказди бундай дийдиёлардан дийдаси қотиб кетган профессор ва яна қахвадан хўплади. – Сиз нима қилдингиз? Қўлингизга ов милтиғини олдингизми?”

“Аввал туман ички ишлар бўлимига бордим, – деб давом этган эди мактуб эгаси. “Суриштиряпмиз, – дейишди. – Хавотир олманг, ҳаммаси қонуний, ҳаммаси жойида бўлади”.

Ҳаммаси жойида бўлмаслигини нафақат мен, шу гапни ҳовуримни босиш учун айтаётган терговчи ҳам билиб турар эди. Сўнг маълум бўлдики, Қамбар ўша куни “мутлақо ичмаган”. Ишдан қайтаётганида бир касофат “техник жихатдан носоз мотоцикли” билан тор кўчада унинг қаршисидан чиқиб қолган ва шошганидан деворга урилиб, ўзини-ўзи ҳалок қилган. Буни барча – тиббий, техник, суд, кимё экспертзалари хулосалари тасдиқлаб турган эмиш”.

“Ишни аввал бошидан қаттиқ миҳлашган экан, – деб афсус билан бош чайқайди профессор. – Жўн кўрингани билан бундай жиноятларни очиш – айтишга осон”.

– Ахир бу ғирт кўзбўямачилик, бориб турган ҳақсизлик-ку! – дедим мен. – Адолат борми ўзи?..

– Йўқ! Бўлмайди ҳам!.. – деб йиғлар эди отам.

Аввал келган аввал кетсин экан. Укамнинг ўлимидан кейин отам билан онам кўп куйди. Чўкиб қолди. Терговчига оёғимни тираброқ гапирган эдим, ундай-бундай деб гапни ҳар тарафга жилдирди. Ичим тўла ғам. Дилим ҳам, юзим ҳам қора бўлиб қолавердим. Шунда биринчи марта хаёлим бузилди: кўлимга ойболтани олиб, Қамбарнинг уйига уриб кириб боргим, тит-питисини чиқариб ташлагиларим келди.

Яна шайтонга ҳай бердим. Ўтар дунё, кўп гапларни ўйладим. Ўйлаганим, истиҳолага берилганим сари адолатга, эрка ташна нотавон қулга айланиб бораётганимни англар эдим: аввал Термизга, сўнг Тошкенту ундан нарисигача ёздим. Лекин қаерга мурожаат қилмай, қайси идоранинг остонасига бош уриб бормаи, бир хил жавоб олавердим: “Шикоятингиз ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилди. Фактлар тасдиқланмагани учун...”

Барча уринишларим абас кетди.

Сарғайиб юришларимни Бозор билиб – билмасликка, кўриб – кўрмасликка оларди. Бирор натижа-нажот бўлмаса-да, мен ҳам арзу шикоят деганингизни армонсиз ёзавердим. Сабабки, уларни гўё текширган киши бўлиб келган ҳар бир “комиссия” Бозорни анча нарсага тушириб кетар, бундан кўнглим сал бўлса-да, тасалли топарди. Буёғини сўрасангиз, югур-югурларга менинг ҳам чакана пулим кетгани йўқ. Лекин кўзимга мол-дунё кўринармиди?

Шу зайлда уч йил ўтди. Бир куни орага қишлоқ оқсоқоли Эшбой шўро аралашди. Бироқ унинг аралашуви ҳам туссиз, намаксиз бўлди. Ичкилик қўйилган давраларга, айникса, текинроғу беминнатроқларига суяги йўқ, нафкаш шўро дунёга келиб бирор ишни ҳал қилмаган. Қатиғи ивимайдиган, ховликмароқ одам. Шундай бўлса-да, остонамизни босиб келганида отам унинг гапини ерда қолдирмади.

– Элчилик – элагчилик, – деди шўро қўлларини силтаб, шошиб-пишиб гапирар экан. – Сал кенгроқ, кечиримлироқ бўлайлик. Сиз хўп десангиз, Бозор мўндини ўзим кўндираман...

Унинг одати шундай. Инсон зоти борки, ҳаммасига лақаб қўяди.

– Бировнинг пишагини босиб олган ҳам лоақал эгасидан кечирим сўрайди, – деди отам. – Менинг-ку тоғдай болам жувонмарг кетди!..

Эшбой шўро пилдираганча Бозорнинг уйи томон “учди” ва отам ичиб ўтирган чойнакдаги чой тугамасидан ранги ўчганча қайтиб келди. Эшитсак, Бозор аввалига минғирлабди. Укамнинг айби йўқ. Не бир жойлардан, не бир идоралардан, не бир вакиллар келиб текширмади. Айбини топгани қани? Айбсиз одам нега кечирим сўраши керак?

Кўсанамо юзига доим вазелин суртиб юрадиган Эшбой шўро, чамаси, оқсоқоллигига бориб, муроса йўлида қатъийроқ турган:

– Укангизнинг айби бўлмаса ҳам, нортуядай ўғлидан ажралиб, жиззадай куйиб қолган одамдан икки оғиз илиқ сўзингизни аяманг. Шикоятбозлигу қовоқтумшук қўшниларга ярашмайди. Тўрт кунлик дунёда бағритош деган ном ортирманг...

Бу насиҳат ҳам Бозорга мутлақо ёқмабди. Ёқмаслиги тайин эди. Шунинг учун осмондан келибди:

– Қамбар укам қамалса ё ўлса, ўша ғийбатчи домулланинг куйиб-тутаб ётган кети совийдими!.. – деб ўшқирибди оқсоқолга. – Бориб айтинг, мен билан тирашмасин! Қорақўнғиздан ҳам, боласидан ҳам кўрқадиган жойим йўқ!

“Қорақўнғиз” – отам.

Бозорнинг яна бир даврада айтган гапи қулоғимга етиб келган эди. Демишки, домудла укасининг хунига нимадир ундирмоқчи бўлса, оғзига сикқанича айтсин. Неча пул деса бераман.

– Укам мол эмас! – дедим мен.

“Қасосни қиёматга қолдиринг”

Ана шундай саргардон кунларнинг бирида бошим айланиб Тошкентга, ёшлар газетаси таҳририяга бориб қолибман. Бешинчи қаватга чиқиб, мендан икки-уч кўйлакни кўпроқ тўздирган, лекин сийрак сочларига эрта оқ оралай бошлаган, пешонаси кенг мухбир йигитга учрашганим ёдимда.

– Дардингизни Худога ёзсангиз ҳам жавобини бир жойдан – тумандан оласиз, домудла! – деди журналист. – Худони ҳам алдашдан тоймайдиганлар бор! Ёзишдану югуришдан ҳеч камингиз қолмабди, – у шивирлашга ўтди. – Биласиз, ер лой бўлса, нортуя ҳам тояди. Ундан кўра, ўзингизни аянг. Қисмат, иним. Қазойи муаллақ дейдилар. Ажал қачон, қаердан, қандай келишини бандаси билмайди. Бу – Ҳақнинг ҳукми.

– Жигарим қандай нобуд бўлганини ўз кўзим билан кўрмаганимда ҳам майли эди! – дедим. – Бир бесиёқ ҳаммамизни оёқости қилиб кетаверадими? Бозор мўнди одаму бошқалар чумолими?

Асли касби журналист, қонунчиликдан ҳам хабари бор ўша йигит ақли бутун, сўзи қойим, ўзи кўп шарофатли инсон экан. Бирдан бошини кўтариб, темир гардишли кўзойнаги оша менга синовчан – ҳам сал ҳадиксираб, ҳам анчайин ачиниб қаради:

– Бу салтанатда сиз бош уриб бормаган эшик қолмаган бўлса, мен сизга қандай ёрдам бера оламан, домудла?

– Билмадим. Уйимга сиғмай қолдим. Келгим келаверди – келдим...

У бирпас ўйланиб турди ва бирдан бошини дадил кўтарди:

– Худога ишонасизми, ука?

Бу гапни эшитиб, унга қараганча бақрайиб қолганим хануз ёдимда. Журналистнинг дабдурустдан бундай савол беришини кутмаган, кутмаганим учун қандай жавоб беришни билмас эдим. Нафсиламрини айтганда, даҳрий жамиятда тарбия топган одамнинг Яратганга ихлосини очиқ тан олиши осон эмасди у даврларда.

Иккиланаётганимни кўриб, суҳбатдошим менга далда бергандек бўлди:

– Мен ишонаман.

– Мен ҳам ишонаман!

– Ишонсангиз, домудла, – деди у. – Қасосни қиёматга қолдиринг! Токайгача эзилиб юрасиз... Арш соҳиби ҳаммасини тепада, – у кўрсаткич бармоғи билан осмонга ишора қилди: – кўриб-билиб, ҳисоб-китобини қилиб ўтирибди. Ҳақ билан ботилни вақти-соати билан Ўзи жой-жойига қўяди. Ишонинг!.. Аламни кўнгилдан чиқариб ташланг! Фақат заиф одамгина кечира олмайди. Сиз кечиримли бўлинг!..

Бу гапларни бирор мулла айтса, балки унчалик таъсир қилмас, бандаларига таскин-тасалли бериш иши-да, деб қўя қолишим мумкин эди. Лекин Тошкентда, расмий идорада, журналистнинг, боз устига, ёш йигитнинг тилидан комил ишонч билан кўчган даъватни эшитиб, юрагим тўлиб кетди. Кўзларимдан селим оқди. Ўшанда кўнглим қанчалар таскин топганини, ўзимни қанчалар енгил ҳис қилганимни билсангиз эди!

Бу жойларга Худойим йўлимни бекорга солмаган экан, деб ўйладим. Яхши гап кўнглини ўстиради. Дилимни беаёв ўртаётган аламу изтироблар, қасос ўтига гўё сув сепилди! Кўнглим аламлардан фориғлангандай, дилимни босиб ётган неча йиллик занг-ғубор кўтарилгандай бўлди. Қўл силтадим: ака-укалар ноинсоф бўлса, гуноҳи ўзи билан! Худога солдим!..

Шукрки, Худо бор, муҳтарам профессор! Ул Зот бўлмаганида, бандалари бир-бирининг эт-гўштини еб кўярди!..”

“Афсуски, гапингиз тўғри! – деб пичирлади профессор. – Хў-ўш, ундан кейин нима бўлди?”

“Бу орада пишиб турган онамни ерга қўйдик, – деб ёзган эди мактуб эгаси. – Пайғамбар ёшига ҳам етмаган эди. Онамдан жудо бўлгач, отам ўзини янада олдириб қўйди. Тоши тағин ҳам енгиллашиб, бўлар-бўлмас гапга аралашадиган, менга ҳар қадамда таъна қиладиган одат чиқарди. “Арзимаган иш”ни эплай олмаганим учун бошқаларнинг ҳам мендан кўнгли совуди. Қадрим кетди. Тилимни ва дилимни рўзага чоғлаб, таъналарга чидаб юравердим. Во ҳасрато, кўнглимдаги яра қора кўтир бўлишга улгурмади. Бир оқшом отам ўлим талвасасида ётган бемордек, яна оҳ урди:

– Анави ит, – у Бозорнинг уйи томонга тақир боши билан ишора қилди. – Қандай номаъқулчиликлар қилиб юрганини эшитдингми, болам?

– Йўк.

– Зўр билан кўрда уят йўк. Қишлоқ тўла дувуллаган гап. Укангнинг хотини-

ни машинасига миндириб юрган эмиш, қон қусгур!.. Эшбой шўронинг оғзидан эшитдим... Энди менга бир қулоч арқон топиб бер, болам!..

Бундай пайтда соғнинг тили гапга айланмайди. Келин деган урғочи укамнинг маъракаси ўтар-ўтмас нарса-қорасини олиб, онасиникига қуриганидан бери борди-келди узилган эди. Касалхонада ҳамшира. Дуппа-дуруст семириб, қуйруғини диркиллашиб қолган, деган гаплар қулоғимга чалинганида, бўйида укамдан гумона қолдимикан, деган хаёлларга ҳам борган эдим. Кўзга яқин аёл.

– Келин-ку, ақли калта, аёллигига боргандир, – дедим бирпасдан кейин. – Мовга келган мушукдай миёвлаб қолгандир. Бозор мўндини Худо урибдими, ота? Ҳамсоя бўлса. Қарғишдан кўркмайдими-а?..

– Отини атама шу зоти пастнинг! Раис боши билан оғзини кранга қўйиб сув ичади. Ўзим кўрганман!..

Бирпасдан кейин қўшиб қўйди:

– Бу болалар ўз ажали билан ўлмайдиганга ўхшайди.

Ўйлаб қаралса, бўйдоқнинг уйланиши, беванинг эрга тегиши ё хуштор ортириши табиий. Тешик мунчок ерда қолмайди. Жавҳарлари миясига уриши ҳам бор гап. Тирик жон. Қолаверса, бу дунёда эридан эрга қолган фақат укамнинг хотиними? Орадан қанча сувлар оқиб ўтган бўлса. Биз энди унга ким эдикки, тақдирига хўжайинлик қилсак? Суяк-суягимиздан ўтиб кетгани – келиннинг келиб-келиб, Бозор билан дон олишиб юргани. Бошқанинг этагидан тутса гўрга эди. Билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олиб кетаверардик. Лекин бечора укамнинг хасмини Бозор атайлаб, отам билан менинг асабимизга тегиш, устимиздан қулиш учун йўлдан урганига не дейсиз?

Ит ҳам ялоғини қизғанади

Шу ёшгача ҳеч кимга гапини олдирмаган отамнинг шохи буткул синди. Ўзим беланги бўлгандай букчайиб қолдим. Ахир ит ҳам ялоғини қизғанади. Бу савдонини энди яхшилик билан жойига келтириш қийинлигини англаб турар эдим.

Ўша кезларда ёруғ оламдан, инсон зотидан кўнглим буткул совиб, туни билан илон чаққандай тўлғониб, инграиб чикқанларим ёдимда. Уйқу менга ҳаром бўлди. Юрар йўлимни йўқотиб, галдираб қолдим. Кун ботару тонг отар минг хил режалар туздим. Ҳаммаси бориб ойболтага тақалар, лекин энди ойболтани қўлга олиш ишнинг осони бўлиб туюлар эди. Туяқашларнинг гапи борки, юки оғир келса, туя ўнгга қарайди, чапга қарайди-да, бир қаттиқ пишқиради-ю, ўрнидан туриб, тўғри йўлига кетади. Изласанг, жонингни озгина койитсанг, сен ҳам йўлини топар экансан. Тун оққанида бир фикр миямга келдию ётган жойимдан қандай сакраб турганимни сезмай қолдим. Кейин ўша режани калламда роса пишитдим ва маст туядек наъра тордим: “Энангни эмчагидан осаман!..”

Шу кунгача тарафқашларимга билагимнинг кучини ҳам, қиличимнинг учини ҳам кўрсатмаган эдим. Қонун, муросою мадора, инсоф йўлини ахтардим. Бироқ марҳум укамнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳеч ким – на бирор шарафи манзилат соҳиби, на салтанат аҳли ва на қонунчилик ҳифзу ҳимоясига олди. Кейинчалик ўйласам, халқнинг бошига “қайта қуриш” даҳмазалари тушиб, шаллақилик урфга кирган, сафсата санъат даражасига кўтарилган замондан яна нимани ҳам кутиш мумкин эди. Мен дардимга дармон топа олмадим. Ака-укалар эса Худони унутди. Улар ўзлари учун инсоф йўлини бекитиб, бало эшигини очганини билмас эди. Энди пешонасидан кўрсин!..

Нимасини айтай, вақти-соати келганида тишингни бирров кўрсатиб қўймасанг, бу дунёда сени одам ўрнида кўрадиганлар кам. Не бир каслар юзингга оёғини артиб кетаверади. Бундай пайтда сен ҳам итнинг мурдор оёғи эмас, инсон эканлигингни англатиб қўйишга мажбур бўласан. Мажбур қилишади.

Аслида, у замонларда суд, ҳуқуқ, қонунчилик деганингиз бу замонлардаги бойваччаларнинг тўртинчи хотинидай гап, ўксик бир аҳволда эди: хўжайинли бўлиб бошида тайинли эри йўқ, бева бўлиб кимгадир кўз тиколмайди. Янада аччикроғи, бамисоли етим. Етимнинг эса отаси, раҳнамою хўжайини кўп бўлади. Хўжайин эса ўз билганидан қолмайди. Ўз йўриғига солади.

Ўшанда ака-укалар Худонинг қаҳрига йўликиб, куни битиб, фотиҳаси ўқилиб турганини мен осий қайдан билибман. Аммо бошимизга не бир савдоларни солган, устимиздан не бир жойлари билан кулган бўлса-да, мен уларни маҳв этаман деган хаёлга ҳаргиз борганим йўқ! Ажалнинг бозори кизиби турганини билганим йўқ! Зинҳор! Ишонинг, муҳтарам профессор!

Сиз тажрибали журналист, криминалист, кўплаб детектив асарлар муаллифи, олим сифатида яхши биласиз, уста изкуварлар амал қиладиган шундай қоида бор: жиноятчини фош қилишнинг синалган йўлларида бири – гумондорнинг ожиз томонидан оқилона фойдаланиш. Бунинг учун аввал унинг ҳушёрлигини сусайтириш, иложи бўлса, сездирмай пинжигга кириб олиш керак.

Дилимни аёвсиз ўртаётган ғазаб ўтини икки пиёла бодаи нов билан босиб, юрагимни тошга айлантирдим ва Бозорнинг идорасига тикка кириб бордим. У мени кўриб, бели сингандай ўрнидан туролмай қолди: душманинг хас бўлса ҳам кўрк!

Укам ўлганидан бери Бозор билан деярли бетма-бет бўлмаган эдик. Икки кафтим терлаб кетди. Сездирмай шимимга артиб, хаёлимни йиғиб олдим. Негаки, қилаётган ишимнинг тўғрилигига ишончим комил. Кўзига тик қарадим. Уялса керак, деб ўйладим. Йўқ, тап тортмади. Бети столи тагидан кўриниб турган қора туфлисининг пошнасидан ҳам қалин экан.

– Йўқ демасангиз, сизга бир ишимиз чиқиб қолди, – дедим.

Замон нотинч, дўконларнинг пештахталари қабристондек хувиллаб ётар, пиёда нарида турсин, отликқа ҳам бир қоп ун топиш – катта омад. Бозорнинг бошига кун туққан. Ошиғи фақат олчи турадиган пайтлар. Сабабки, унга иши тушмаган каснинг ўзи йўқ – инсон борки, овқат ейди, кийим кияди, иморат куради. Қишлоқда ҳамма унга куллуқ қилади. Эшитганим бор, қўл остида – давлатнинг йигирмага яқин магазини. Уларга товару мол, демакки, ҳаёту жон тарқатувчи – Бозор.

Мен унинг олдига гўё ун сўраб бордим.

Илтимосимни эшитиб, ўлиқдан ҳам ўпич тилайдиган раиснинг хурсандчиликдан юраги тарс ёрилгудек бўлиб, ўрнидан туриб кетди. Гапим унга ёққан, жуда ёққан эди. Устимиздан ёзиб-чизиб, кўнгли кўпчилаган бу инжиқ муаллим энди мендан бир нарса ундириш кўйига тушибди. Майли, шу бечора ҳам бир нималик бўлиб қолсин, деган хаёлларга борганини пайқадим. Лекин хонасига киришим билан қўлимга, костюмининг чўнтақларига ўғринча қараб олганини ҳам сездим. Юз-кўзимга ҳадик аралаш кўз югуртирди. Мен ҳам: “Қани нималар деб валдирар экан?” деб бир муддат атайлаб сукут сақлаб, бепарво турдим. У безовталанди, гўштдор қўллари титраб, қақшаб, узоқ ғимирланди. Энди, ўзим саломига келганимда, лоакал, кўнглим учун бўлса-да: “Биздан ҳам айб ўтган бўлса, узр!”, деган гапни айтиб, *озгина пушаймонлик билдиришини кутдим*. Шундай деса, шояд, вужудимни аёвсиз қуйдираётган қасос ўти сўниб, аҳду жаҳдидан қайтар эдим. Йўқ, ўша пайтлар урфга кирган темир тугмали пўрим

кўйлак кийиб, тепаси лойсупадек теп-текис кузалган сочлари жайранинг найзаларидек тип-тикка даққионус бунинг ўрнига ялтоқланишни афзал кўрди.

– Эски гапларни кўйинг, – деди у бирдан шофёрига танбех бераётгандай кўлини пахса қилиб. – Хизматлар бўлса, тортинмай айтаверинг. Бемалол!

У олдидаги қаламдондан кўзини узмай гапираётган бўлса-да, юзида: “Тавбанга таяниб келар экансан-ку!” деган истехзо ўйнаб турар эди. Гапларини эшитиб, тилим ҳам, кўлим ҳам ёмон кичишди. Икки путининг ўртасига, оч биқинига яхшилаб тепиб, хумордан чиққиларим келди. Чайир йигит эмасманми, урсам, столининг тагига тиқиб кўяр эдим. Ундан кейин гап билан яхшилаб чақиб олиш ниятим ҳам йўқ эмасди: “Келинимизга меҳрибонлик қилиб юрган эмишсиз, Бозорбой. Ушлаб олган қушингиз муборак бўлсин!..”

Шу гапларни хаёлимдан ўтказар эканман, яна ўйладим: “Укам яғрини ёзик, бўйи тоғдай, келишган йигит эди. Бу эса бир қоп гўшт. Йўқ, гўшт нима, атала. Келин деган мегажин бунинг нимасига учди экан?.. Пулига учган. Ҳа, пулига. Нафс ўлсин-а!” Лекин ўзимни тийдим. Ичимдагини сиртимга чиқармадим. Чиқара олмадим! “Худо бетингни тескари қилсин!” – дедим ичимда.

– Майли, – дедим ташимда. – Бўлар иш бўлди. Энди эски гаплардан наф йўқ... Бирор қоп уннинг иложи бормикан?

– Нима? Ун?

– Ҳа.

– Қирқ кило уннинг нонини кимнинг оғзидан топасиз, икки қоп олинг! – Бозор илтимосимдан кўрғошиндай эриб, рапидадек юзлари ёришиб кетди. – Пулидан қочманг... Шофёримга айтаман, ҳозир уйингизга олиб бориб ташлайди...

Ўзимни соҳиби беғараз тутиб, ака-укалар билан тез орада ичак-қорин бўлиб кетдим. Ўртадаги совуқчилик кўтарилиб, бир-биримизга анча эркиншиб, кўзимизга тик қараб гапирадиган бўлдик. Қишлоқда гап-сўз ўрчиди. Биласиз, бекорчи аҳлининг оёғи эмас, тили кўпроқ ҳаракатда бўлади. Отамнинг кўнгли кўтарилар деган умидда йиққан-терганимга эскироқ “Москвич” олиб берганимдан кейин бундай гаплар суваракдай болалаб кетган эди: “Фалончи укасининг мурдасини эски машинага алмашибди”. Хаёлимда ҳамма устимдан кулаётгандай. “Кулса, энасининг қорнига”, дедим. Ганимларим билан аввалгидан ҳам яқинроқ бўлиб олдим. Гўё орада ўлим бўлмаган, хусумат йўқ, араз йўқ. Лавҳу лубба мойиллигимиз ортиб, гўё ўйин-кулги, таралабедодликни касб этдик. Тез-тез бирга ичамиз. Баъзан пул тиқиб, баъзан шунчаки, эрмак учун қимору шип-биш ҳам ўйнаймиз. Баъзан Бозорбойдан атайлаб қарз сўрайман. Лекин у пулини қистаб келган кун бўлмайди, дарҳол узаман. Ака-укалар ҳашар қилса, “ҳорманг, бор бўлинг”га чиқаман. Ҳазил-хузул, ўйин-кулги – мўл-кўл. Илгари мени унчалик кўзига илмайдиган Бозор энди ўзи билан тенг кўрадиган бўлиб қолди. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлар эди. Мен ҳам уларнинг хурматини жойига кўйиб юравердим.

Ҳандақдаги фил

Бу орада тўрт-беш ҳовли нарида яшайдиган Эшбой шўро неварасининг кўлини ҳалоллаш олдидан тўй маслаҳати қилди. Биз томонларда тўйнинг маслаҳати камида йигирма-ўттиз кишилик зиёфат билан ўтади. Қишлоқ магазинларининг тушига ҳам кирмайдиган тансиқ таомлар – гўшт, колбаса, пишлок дастурхонда уйилиб кетади, арағу коньяк, вино деганингиз дарё бўлиб оқади. Эшбой шўро ҳам тўй маслаҳатига ўзининг кўнгли етарини териб-териб айтган

бўлса-да, ўттиз чоғли одам йиғилди. Қишлоғимиз “катталари” – кичикроқ хос хонада, биз – “қора қозон эгалари” ўн икки болорли меҳмонхонада ўтирдик.

Бир яшиқ арақни шофёрига кўтартириб Бозор ҳам келди.

– Биздан хозирча шугина тўёна, раис бува, – деди ва мен томонга кибрли назарини ташлагач, яна кўшиб кўйди: – Тўй куни ҳали яна гаплашамиз!

Назар пойгакроққа чўкмоқчи эди, атайлаб ёнимга, ўртароққа чақирдим. Бирпасдан кейин сўлжайиб кириб келган Қамбар эшикнинг олдида қолди. Ака-ука борди-келдини узган. Ўзи новча бўлгани билан қозикқа боғлаб олти ой боқсангиз ҳам устихонига бир тишлам эт инмайдиган бу одамга тўрдан чой, пойгакдан жой тегмай қолган. Сал ичса, кутуриб кетади, хунар кўрсатмасдан кўймайди. Юриштириши бир алфозда. Соч-соқоли – патак. Эгнидаги қирмизи кўйлагига қачон совун текканини Худо билади. Афтидан, хотини, бола-чақаси ҳам қарамай кўйган, безор бўлган.

У аввалига, “биз ичишни ташладиқ”, деб бироз таранг қилиб турди-да, сўнг арақни туядай симира бошлади. Назар ҳам дурустгина оляпти. Сирасини айтганда, уч ака-ука уч хил эди: сахти сумбатю ранги рўйи ҳам, феъли хўйи ҳам. Назарнинг бир силтови десаммикан, бир қайнатими десаммикан, камроқ. Дарди девонароқ. Сездирмай пуфласангиз, пуфақдек шишиб кетади. Аслида, аччиғланса, бунисининг ҳам Қамбардан пеш жойи йўқ. Кўёнчиғи тутади. Ўзи филдай. Йўлини тошган бу “фил”ни ишга солиб, хузурини кўриб ётади. Мақтаса бас: “Назар полвон турган жойда бошқаларга хандақда биров пишириб кўйибдими!.. Кўшиқни Муҳаббат Шамаева айтсину лойни Назар полвон отсин-да, биродарлар!” Бундай гапдан кейин уста Назар шимининг липпасини ҳимариб, ўзини хандаққа уради. Бас дегунингизча лойни қорийди. Пишитиб, тепага отади. Ора-сира мақтаб турилса бўлгани: “Ў-ў, қаддингдан, Назар! Бир ўзи ўн жигитнинг ишини қилади-я!..”

Тентакка тел бер-да, кўлига бел бер.

Эшбой шўро дастурхонга овқат деганни уйиб ташлади. Зиёфатнинг учинчи таоми – ковурилган курка гўшти келганида мен бош чайқадим:

– Аҳ, шўро ака-я, шу ишингиз сал хом бўпти-да! Ҳай аттанг-а!..

Уй эгаси бу гапимни Қамбарни тадбирга бекор айтибсиз-да, деб тушунди, чамаси.

– Нима қилай, ука? Ҳамсоячилик... Ҳамманинг ўз насибаси бор...

– Тўғри-ю, лекин Назар ошнамит анчадан бери курка гўшти емай кўйган-ку, – деб киши билмас кўз қисдим. – Хабарингиз йўқ экан-да. Мумкин эмас. Жондайгина ҳамсоянгизнинг соғлиғини ўйламабсиз-да!..

Ҳазиллашаётганимни сезиб, мезбон кулди.

– Гапим тўғрими, ошна? – дедим ёнимда қора тўнига ўраниб ўтирган Назарга қараб. – Курка гўшти, айниқса ковурилган бўлса, “сарик”қа чалинган одамни кийнаб кўяди-да.

– Тўғри, – деди Назар. – Дўхтир бизга парҳез буюрган.

Ҳамманинг мийиғида кулги ўйнади: “Ана, холос! Курка гўшти арақдан ҳам зўр бўлади, дейишарди, рост экан-да, а?”

– Сизлар бемалол олаверинглар, – деди Назар култ этиб ютинар экан. – Биз чой-пойни майдалаб ўтирамиз. Ўрганиб қолганмиз...

Димоқни ҳам, иштахани ҳам беаёв қитиқлаб турган курка гўштини маза қилиб туширдик, ичкиликдан пайдар-пай олдик. Назар девона етимдай шумшайиб, сўлагини ютиб ўтирди. Лаганлар йиғиштирилар маҳал:

– Гўшти-ку, майли, – деди тамшаниб, – лаганнинг тагидаги ёғдан бир хўпласам қандай бўлар экан, ошна?

– Зўр бўлади! – дедим. – Фақат кўп ичманг...

У сопол лаганни оғзига олиб бориб узок ялади...

Пишитган режамнинг ибтидоси синовдан ўтди.

Туш

Ёдимда. Ўша куни куёш кизариб ботган бўлса-да, уфқни тўсиб олган баҳайбат қора булут юракни эзиб, икки чаккам туни билан зиркириб чиққан эди. Маст уйкуда ётган эканман. Алоқ-чалок туш кўрдим: боши – ириллаган ит, кети – куйруғи катта ҳисори кўчқор қаршимдан чиқиб, мени сузмоқчи – тишламоқчи бўлди. Отамнинг чўпон таёғи билан бошига солиб, қонига ботирдим.

Кўрган тушимни менга арши аълодан юборилган ишора деб тушундим. Лекин, яна таъкидлайман, муҳтарам профессор, ака-укаларга фалакда кафан тўни бичила бошлаганини хаёлимга келтирганим йўқ. Минбаъд!

Кўй қирқимга келиб, одамлар жунни қопга қуриштиб солаётган маҳал. Мактабда дарслар сийраксиз қолгани учун кечроқ бориб, эртароқ қайтамиз. Шағал босилган кўчамизга кирганимда яна таниш манзаранинг устидан чиқдим: ўқирган, бўқирган, сўқинган овозлар. “Тўйиб олган” Қамбар хотинига эшикни оч, деб темир дарвозани тепар, фалакнинг қулоғини қар қилиб бақирар эди.

Сал берида, уйининг кўланкасида Назар гоҳ энқайиб, гоҳ чўнқайиб кўй қирқаётди. Гўё ўн қадам нарида дунёни бошига кўтариб сўқинаётган йигитнинг унга алоқаси йўқ. Гўё “томоша” театр сахнасида ёки телевизорда бўлаётдиру Назар уни кўрмаётди, эшитмаётди.

Назар менга қаради. Юзимни тескари буриб, кўрмасликка олдим. Оқибатда шундай қилиб, тўғри йўл тутганимга бот-бот амин бўлдим. *(Кейинчалик судда ҳам фожиа юз берганича Назарга ҳам, белга ҳам кўзим тушмаганини айтдим. “Ишдан чарчаб, бошим қаттиқ қақшаб келаётган эдим, – дедим. – Назар полвон қаердан, қандай пайдо бўлди? Кўрмай-билмай қолдим”).*

Иш айна тобига келганини сездим. Яратганга таваккал қилиб, тадбиримни бошласам бўлаверарди.

Томоғимни қаттиқ қириб, атрофга яна бир марта синчиклаб разм солиб олдим. Яқин-ўртада одам зотининг қораси кўринмаётганига ишонч ҳосил қилгач, ака-ука эшитадиган овозда ҳайқирдим:

– Яна жанжалми? Яна шармандаликми? Вой, тавба-а! – Қамбар ўқиршидан тўхтаб, мен томонга анграиб қаради. Шилпик кўзларидан бирор гапни англайдиган даражада эмаслиги кўриниб турарди. – Акаларини қачонгача шарманда қилади бу бола-а?..

Ўнг кўзимнинг чети билан кўрдим: Назар қаддини ростлади.

– Ўв, қоч! Қоч деяпман сенга, Қамбар! Қочмасанг, ҳозир Назар полвон каллангни сапчадай узиб ташлайди! Қо-оч!.. Сендай уканинг боридан йўғи яхши!

Гапим гўё Қамбарга айтилаётгандек бўлса-да, аслида Назарга қаратилган, неча марта ўйланган, пишитилган эди. Мабодо, бирор бегона қулоқ эшитиб, даъво қилганида, гувоҳлик берганида ҳам, пишанг бериш – гиз-гизлаш эмас, аслида огоҳлантириш бўлгани кўриниб, англаниб турарди. *(Судда ҳам шундай гувоҳлик бердим: “Укасининг иснодига чидаб туролмаган Назар полвоннинг феъли хўйи бузиқлигини сезиб, Қамбарни огоҳлантирдим. “Қоч!” дедим, қочмади...”)*

Назар шу гапимни кутиб ўтиргандек қайчини оёқлари қантарилган қўйнинг ёнига ташлаб, девор тагида ётган белни қўлига олди.

Бел лой кесадиған “кафтча” эди. Мен лойкесарни шунгача кўрганим йўқ, кўзим тушган бўлса-да, Назарнинг ерда ётган белга ёпишиши тушимга кириб-дими! Пахсачилар яхши биладики, “кафтча”нинг юзи ойнадай силлик, қирраси қиличникидай ўткир бўлади.

Кўнглимга фалокат соя сола бошлаганини сездим. Қичаниброқ юрдим ва ўзимни ичкарига урдим. Дарвозанинг тирқишидан бутун вужудим кўзга айланиб кузатмоққа берилдим. Энди ўйласам, ўша маҳалда менинг инон-ихтиёримни ҳам қасос ўти, ҳам изкуварлик ҳаваси, ҳам ғалаба нашидаси, ҳам кўркув туйғуси қамраб олган экан. Бироқ қилаётган ҳар бир ишим, гапираётган ҳар бир гапим менга хузур бағишлаётганини англаб турган бўлсам-да, шу куни Назар ўз укасининг азройилига айланишини, ўзининг ҳам паймонаси тўла бошлаганини сезмаган, билмаган эдим. Мен, ўзимча, Назар айикдай бўкириб турган укасини икки-уч шапалоқ урса ёки тепса, Қамбар таъзирини еса, хаёли жойига келар, менинг ҳам аламзада кўнглим сал таскин-тасалли топар, деган ўйларга борган бўлсам керак. Лекин Назар тентак, Назар гуппи, Назар девона ундай қилмади. Лопиллаб бориб, белнинг қирраси билан укасининг чап ўмровидан солди.

Қамбар белига ўроқ тушган оққурайдек ерга кулади. Сўнг... Бўлди қиёмат, бўлди қиёмат. Жоним ҳалқумимга келиб томорқа оша мактаб томонга қочишга тушдим. Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас, хушига келган девона белни кўтариб устимга келиб қолса, нима қиламан?..

(Терговчи: “Нега ака-укани ажратишига ҳаракат қилмадингиз? Орага тушиши ўрнига, қочиб кетдингиз?” – деб сўради. Мен тўғриси айтдим: “Кўрққанымдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Хаёлим жойига келиб, қарасам, мактабимизнинг “Тарих” кабинетида қандайдир китобларни титиб, дир-дир қалтираб ўтирган эканман...” Терговчи ҳам, суд ҳам, Бозор ҳам – ҳеч ким мендан гўмондор бўлолмади.)

Қамбарнинг жанозасига отам билан бирга чиқдик. Ҳовлисини одам тутиб кетган, биров Қамбар бечорани кўммакка, биров Назар полвонни кўрмакка келган. Остонада “укамлаб” турган Бозорга бош ирғаб, ҳамдардлик билдирган бўлдик.

У отамдан ҳам қорайиб, куйиб кетган эди.

Бир укасини ер ўз қомига тортиб, иккинчи укаси қамалган, икки келини беваю етти жияни етим қолган Бозорнинг қандай аҳволга тушганини ёзиб ўтирмайман. Мулла минган эшакдай ювош тортган. Жавдирашларини кўрганнинг раҳми келади. Унинг кўҳна касали – “қанди” кўзигач чўпдай қотиб, сомондай сарғайиб кетди.

Кейинчалик камоқдан суроби тўғри бўлиб келган Назар ҳам кўп яшамади. Жигари касал эмасмиди, қон қуса-қуса рост дунёга равона бўлди.

– Учови ҳам ўзининг бошини ўзи еди! – деди отам.

Тўй тўйдаё бўлсин

Муҳтарам профессор!

Ўзимнинг бир ожизлигимни тан оламан: бўлган воқеада менинг қўлим борлигини писанда қилишдан ўзимни тийиб, сиримни ичимга сиғдириб туролмадим. Энди ўйласам, ўша кезларда ўзим амалга оширган хуфиёна ишлардан сармаст, ақлу хушимни иблиси лаинга буткул бой бериб, ҳарислик йўлига тамомила кириб кетган эканман. Бир ширакайф даврада Бозорни ўлдирмасам ҳам, ўлгандан баттар қилдим:

– Назарбойни ўша куни “Қорақўнғиз”нинг боласи бир гап билан чақиб, ўйноқлатиб ташлаган экан, деб эшитаман!

У менга ялт этиб қаради. Қарадио гап нимадалигини тушунгандай бўлди. Мен: “Хўш, энди қалайсан?” дегандек унинг қорачиқлари кенгайиб кетган кўзларига кулимсираганча тикилиб туравердим. Чунки билардимки, унинг қўли аллақачон калта тортиб қолган, бозори ўтиб бўлган. Замон ўзгарган.

Гапимга Бозорнинг ҳарчанд ишонгиси келмаётгани сезилди. Ишонай деса, бир гап – “бир чақиш” билан икки одамни гўрга тикиш амри маҳол. Ишонмай деса, жигарлари – ер комида. Даврада ҳеч кимга гап бермай ўрганган одамнинг тили кесилгандай бўлиб қолди.

Мен ўзимни сархушликка олдим.

– “Қорақўнғиз”нинг боласи яна бир гапни айтган эмиш, – деб шипшидим унинг қулоғига.

– Ҳим?! – деб юборди у беихтиёр ва менга ҳадик билан қаради.

– Ким олдимга кўндаланг бўлса, ҳаммасини чалиб ташлайман, дебди. Ўтмас пичоқ ёмо-он сўяди-да!

Баногоҳ айтилган бу гапларни Бозор на ҳазилга йўйиб қуларини, на жиддий тортиб, бирор сўз айтишини билмай қолди. Қаттиқ сесканиб кетгани сезилди. Ажал кўланкасини ҳис қилганида одамни ана шундай қаттиқ ваҳима босса керак. Хаёлида кимдир унинг бўғзига, биқинига пичоқ тортиб юборадигандай туюлаверади. Менинг ниятим ҳам аслида шундай – уни таҳликага солиб, томоша қилиш эди. Масхараомуз ишшайиб туравердим. Унинг рангида ранг қолмади. Бозор ажал шарпасини сезган эди.

– Жонга ишонч йўқ, – дедим яна. – Бир пиёниста укага яхшилик қиламан деб, икки жонга зомин бўлиш ҳеч гап эма-ас!..

У тамом бўлди. Мен эса минг йиллик насиясини ундирган тужжордай димоғим чоғ, босиб-босиб ичдим, қаҳ-қаҳ уриб қулдим...

Сўнг яна бир ишга қўл урдим. Дилимга қасдни маромига етказмоқлик таманноси тушди. Шу қилмишим, ғофиллигу, ожизлигим, йўқ, кажлигим учун ўзимни ҳеч қачон кечирмайман. Кечира олмайман! Ҳеч қачон!

Энди, орадан шунча йиллар ўтгач, эсласам вужудим оловга айланиб кетади. Назаримда, ўша кезлари озурда кўнглим ўзим, ота-онам, етим қолган жиянларим чеккан хўрликлар, ситамлару хорликларни Бозор ҳам тириклигида бор бўйи билан кўришини, ҳис этишини, эзилишини, “тўй тўйдайд бўлишини” жуда-жуда истаган!..

Аввалига ўзимни шундай деб овутиган, ўзимга таскин берган, қилмишларимни интиқом ўтининг васвасаси билан оқлаган эдим. Кейинчалик ўйласам, бу – ўтакетган нодонлик, йўқ, палидлик экан. Мен ўйинга берилиб кетиб, сахнада Дездемона мақомини ижро этаётган аёлни бўғиб ўлдириб қўйган актёр ҳолига тушган, меъёрни унутган эканман. Бозор укаси Қамбарни савқи табиий равишда ҳимоя қилган бўлса, менинг мақсадим бутунлай акси – ака-укалардан ўч олиш, уларни эзиш, эл-юрт олдида таҳқирлаш ва бадном қилишдан бери бўлмаган! Энди-энди иқрор бўлмоқдаманки, ёлғон ва фитнанинг ҳадди-худуди йўқ, кўлами бора-бора ортса ортар эканки, камаймайди...

Муқоясам Сизга балки дағал туюлар. “Хўкиз ўтдан тўймаса, ётмайди”, дерди раҳматли отам. Мен қасдлашиб тўймаган аламзадага, ёвузга айланган эдим!

Бир куни топган-тутган кийимларимнинг энг пўримларини эгнимга илиб, гўшангага кираётган куёвдек бўлиб шаҳарга йўл олдим. Пединститут дарвозасининг олдида машинамни кўндаланг қилганимда кун қиёмга келган эди.

Бир тўда аёлга кўшилиб Қамбарнинг хотини чиқиб келди. Ясанган-тусанган. Муллатўрғайнинг калласидай кичкина бошчасига танғилган ҳарир рўмоли ярашган. Мени кўриб, чамаси кўзларига ишонгиси келмай, таққа тўхтаб қолди. Зеб берилган бигиз бармоғини гажак бурунчасининг учига теккизди.

– Иби, домулла! – деди оғзидаги сақичини қарсиллатиб чайнар экан. – Тинчликми?

Бошланғич синфларга сабоқ берадиган бу аёлнинг кўнгли менга сушт кетиб юрганини сезар эдим. Шунинг учун дадил гапирдим:

– Тинчлик, – дедим. – Бир хонимни кутиб турибман. Исмлари – Жонгул!

– Ростданми?

Шартга олди эшикни очдим:

– Ёлғон бўлса, машинамга минманг!..

Лорсиллаган сийнасини кўз-кўз қилишни хуш кўрадиган бу жувон йўлга тушишимиз билан менга қия-қия, сузилиб-сузилиб боқиб, қикир-қикир кула бошлади. Аёл кишига унчалик ярашмайдиган қилиқларни қилди:

– Энди мени қаерларга олиб борасиз, акажон?

– Қаерларга олиб боришимни истайсиз?

– Сиз юр десангиз, дунёнинг нариги буржиги бўлсаям кетавераман!..

Аёл мендан кўзини узолмас эди. Унинг хаёлидан не бир тотли орзулар кечаётганини сезиб турар эдим. Бошқаларга, айниқса, аёл зотига ёқиш қандай мароқли. Мен чор чизикли чиройли қизил дастрўмолимни олиб, ўнг қўлим билан юзимни артган киши бўлдим. Дастрўмолим тоза-озода. Дазмолланган. Хушбўй атирлар пуркалган. Рўмолчамнинг ўзи ҳам менинг кимлигимни айтиб, кўрсатиб, ёнимда ўтирган ҳурлиқонинг жонини ҳалқумига келтириб турар эди. Тўшалиб ётган қорним бўлмаса-да, биқинимни ичимга тортиброқ ўтирардим.

Яширмайман. Машинамни овлоқроқ жойга буриб, тирсиллаган тиззасини тиззамга, ўтдек куйдирувчи билагини тирсагимга дам-бадам теккизиб олаётган аёлга оч бўридек ташлангиларим келди. Ташлансам, йўқ демасди. Муродимга етардим. Лекин, хиёнат, ҳаром-хариш юриш одагимда йўқ. Ишонинг, шу ёшга етиб бегона ожизанинг қўлини ушлаган эркак эмасман. Раъйига қарасангиз, тантиқ кўнгил нималарни тусамайди дейсиз. Қолаверса, эрини ўлдириб, хотинининг оғушига кириш учун одам Худодан қайтган махлуқ бўлиши керак.

– Сабрнинг таги – сариқ олтин! – дедим сирли кулиб. – Шошилманг!..

Овул ўртасидаги баланд қирда, почтахона билан қишлоқ шўросининг ўртасида тўхтадик.

– Ижозатингиз билан сизни шу ерда туширсам, – дедим Жонгулга. – Буёғи уйингизгача – тўрт кадам. Мен почтахонадан отамнинг пенсиясини олишим керак. Иннанкейин, иккаламиз қишлоқ оралаб юрганимизни бирор эркак кўрса, ҳасаддан ўлиб-нетиб қолиши мумкин...

Эр йигитнинг оғуши, эркалашу ширин гапларини соғинган суқсурдек жувонга бу лутфу илтифотим ёқди. Лекин оғир хўрсинди ва иттифоқо ўта муҳим бир гап эсига тушгандек юзлари ёришиб кетди:

– Ойлик олган кунимиз сизни бир жойга таклиф қилсам бўладими?

Нега бундай деди, билмайман. Балки мени харажатдан қочди, деган хаёлларга бориб, қитиқ патимга тегмоқчи бўлгандир. Балки самимий айтгандир. Эҳтимол... Сабабини жувондан ўша маҳал ҳам, кейинчалик ҳам сўрамадим. Ўзимни ундан мудом олиб қочиб юрдим.

– Фақат шошилмай турасиз, – дедим қуруққина қилиб. – Эшик ичкаридан очилмайди. Кеча дастаги тушиб қолган эди савилнинг.

Мен айланиб ўтиб, эшикни очдим ва Жонгулнинг тердан нам тортган оппоқкина, қайноқкина кўлидан ушлаб, машинадан оҳиста суяб туширган бўлдим. Йўқ, шу топда эски автомобилдан тушган жувон Бозор мўндининг укаси – Қамбарнинг беваси, бечора бир қишлоқ аёли, муаллимаси эмас, олиймақом бир зот, балки буюк бир салтанатнинг қироличаси эди. Одатда қироличаи озодалар тантанали маросимларга қадам ранжида қилганларида ана шундай юксак ҳурмат, салобат ва фасоҳат билан кутиб олинади ва уловидан туширилади. Атрофда аҳли кибор, аҳли салтанат тавозе билан бош эгиб, соме туради.

Мен ҳам сезиб, ҳис қилиб турар эдимки, атрофдагилар – почтахонанинг соясида ўтирган бир тўп бекоркасал ҳам, қишлоқ шўроси идорасининг деразасидан синчков мўралаб турганлар ҳам, мен Қамбарнинг бевасига кўрсатаётган “юксак илтифот”дан оғзи очилиб қолган.

– Қани буйтибгина юрибсиз, домулла? – деди бекорчилардан бири, кимлиги ҳозир ёдимда йўқ, сигаретамни чақмоқтошидан тутатиб олаётганимда сирли тиржайиб.

– Йигитнинг яйлови – санамнинг тўши, деган гапни эшитганмисиз? – деб илмоқли жавоб қилдим мен. У “йўқ” маъносида елкасини учирди.

– Яйловдан келяпман! – дедим мен ва кўзимни сирли қисиб қўйдим. – Домулланинг оти ем емайди, деб сизга биров айтганмиди?..

– Чекмасдингиз шекилли?

– Ичмасдим ҳам!

Одамлар орасида гап ётармиди? Бу гапларим – тутантирик, бир зумда катта алангага айланиб, бутун қишлоққа ёйилишига шубҳам йўқ. Аланга ўрнидан туролмай ётган Бозорнинг тўшагигача етиб боради, уни куйдириб, кулга айлантиради.

Мухтарам профессор! Ўшанда шайтон сездирмасдан афсунини авжга чиқарганини, мен осий эса унга бутун инон-ихтиёримни топшириб, нағмасига йўрғалашдан бошқа ишга ярамай қолганимни сезгандек бўлган эдим. Бироқ ўзимни тўхтатишга на сангинлик ва на тамкинлик топа олдим. Ожизлигимни жуда кеч англадим. Англаганимда саҳифаи аъмолим қилмишларим билан “безалиб” бўлган эди.

Қибладан эсан совуқ шамол

Бунга Бозор билан бўлган суҳбатдан кейин тамомила амин бўлдим. Ўша кунлари у икки марта чопар юборди. Уни-буни баҳона қилиб бормадим. Нокасининг бўсағасига улла-булла қадам босмайман, деб аҳд қилган эдим. Оёғим ҳам тортмади: нодондан узокроқ юрганнинг боши саломат бўлмай. Ўғли учинчи марта келиб, отасининг аҳволи жуда оғир эканини айтгач, бир жуфт ноннинг устига уч бош узум қўйиб, чикдим. Лекин ҳадигим бор эдики, у яна бир балони бошламасга гўрга.

Шиддат билан ёғётган ёмғир ҳамма ёқни кўлобга айлантириб юборган, қибладан эсаётган кучли шамол баданни тешай дейди. Фақат кўча четидаги баланд қайрағочгина ёмғиру шамолга пинак бузмай, бардош бериб тургандай.

Боши оқ белбоғ билан танғилган Бозор узун хонанинг тўридаги ёғоч каравотда шифтга қараб ётган экан. Шарпамни сезиб, чўчиб кетгандай мен томонга илқис ўтирилди ва турмоққа шайланди. Димоғимга дори аралаш зах ҳиди урилди.

– Уринманг, – дедим саломлашар эканман елкасидан секингина босиб. – Бемалол дам олаверинг...

“Ака” дегиларим келди. Дея олмадим. Тилим бормади. Раҳмим келди. Менинг

кўзларим ўрганган, кўча-кўйда гулдурос солиб юрадиган басавлату бақалок, дадил Бозордан асар ҳам қолмаган. Япроқ гулли кўрпа-ёстик орасидан эти устихонига ёпишиб, бақбақалари дами чиққан пуфақдек шалвираб, бўйинлари тиришиб қолган чолнинг мажолсиз, саросима тўла кўзлари йилтираб кўринар, аранг қимирлаётган, куриб-қовжираган лабларидан қон сизиб турар эди.

Ёнидаги оқ тумба устида бир хийла дори, ғилоф ёпилган чойнак.

Икки ҳамсоя озроқ тумтайиб ўтирдик. Мезбон гап қотди:

– Оғзимни яра босиб кетган, – деди у. – Тишдан қолмади.

– Ранги рўйингиз яхши-ку, – деб таскин берган бўлдим. Лекин мен бу ерга Бозорнинг кўзёшларини артгани келган эмасдим. Судлашаётганлар бир-бирининг кўзёшини артмайди.

– Энди у ёқда яхши бўлади, – у қабристон томонга имо қилди.

Қаердадир ўкиганим: “Ҳар кишига гўрда ётмоқ муқаррар бўлса, уйда ётмоққа имкон бўлмас”, деган гап хаёлимдан ўтди. Негадир айтгим, чақиб-чақиб олгим келди. Иложсиз эдим, тилимни тийдим.

– Инсулин ҳам қор қилмай қўйди, – деди бемор инқиллаб.– Дўхтир ҳозир ҳам нинасини санчиб кетди. Тезроқ ўлсаму бу дунёнинг азобларидан осонроқ қутулсам...

Энди: “У дунёда роҳат-фароғатда яшашингга шунчалик аминмисан?”– деб юборишимга сал қолди. Яна тилимни тишладим. Минг қилганда ҳам қаршимда ётган – бемор.

– Яхши ният қилинг, – дедим хушхоллик билан ва гапим самимий чиққанига ўзим ҳам ҳайрон қолдим. – Бир терининг ичида қўй неча марта семириб, неча марта озади.

Айни навозишдан сўнг Бозор бирпас сукутга кетди. Чамаси, менга айтмоқчи бўлган гапини қандай бошлашни суроблаётган эди. Деразага қарадим. Ёмғир забтига олган. Шамол ишқомдаги тоқларнинг сарғайиб сўлган сўнгги япроқларини аёвсиз торқилаб ўйнамоқда эди.

Токлар кўмиладиган пайт

– Ука!

Мен чўчиб тушдим. Бу гал Бозорнинг овози анча дадил чиқди. Чамаси, боя олган муолажаси қувват бера бошлаган эди.

– Ука! Неччи кунлик умрим қолди, билмайман. Кўзим илинди дегунча, раҳматли укаларим тушимга киради. “Буёққа келинг!” деб имлайди. Шу тонг ҳам иккаласи идорамга келди. Мени Қамбарнинг машинасига миндириб, қаёққадир олиб кетди... “Йўл бўлсин?” десам, “Отам чақиряпти” дейди... Домулла! Мендан сизга ситам ўтган бўлса, кечиринг!

“Кечиринг?” Хаёлинг энди жойига келдими? Беш йил бурун, ота-онам “болам”лаб ётганида қаерда эдинг? Укаларинг кўчқордай ўйноқлаб юрганида қаерда эдинг, Бозор? Шу биргина “кечиринг” деган сўзни тилга олишинг учун энангни Учқўрғонда, хумдай бошингни жодининг орасида кўришинг шартмиди? “Нортўя тиз чўкди. Тиз чўктирдим-ку энагарни!..”

Бир йўлчивин ташқарига чиқмоқчи бўлиб, деразанинг кир ойнасига урилганча жон талвасасида визиллар эди. Адашган чивинга сўзсиз тикилиб қолдим. Иссиққина хонада жон берганинг яхши эмасми, жонивор? Ташқари совуқ. Зах. Кесакдай қотиб қоласан-ку.

Бозор яна тилга кирди. Айтдики, менинг кўзимни-ку, бир ҳовуч пул – бир ҳовуч писта пўчоғи шапақлантириб кўйган экан! Ўзимни жуда бой-бадавлат, зодагон чоғлай бошлаган эканман. Кўрмаганнинг кўргани курсин, ука. Мен-ку шу даражада нодон, басир эканман. Сизни қандай жин урган эди? Сизнинг хаёлингиз жойида, ақлингиз расо эди-ку. Мен, ҳақми-ноҳақми, бечора укамни ҳимоя қилган бўлиб, ўзимни ҳар кўйга солдим. Уч боласи сағир қолмасин дедим. Биласиз, Қамбар бечоранинг ўзи ҳам етим ўсган эди. Кун кўрмай кетди. Учаламиз ҳам бировларнинг бўсағасида сарғайиб ўсган эдик, ука... Қамбар бечора хотинини ўлгудай яхши кўрарди...

Бемор томоғига бир нарса тикилгандай тўхтовсиз тамшаниб, ютиниб қолди. Чой куйиб бердим. Ютоқиб ҳўплади.

– Укам хотинини ўлгудай яхши кўрарди, – деди у. – Ҳаммадан, ҳатто Назар билан мендан ҳам рашк қиларди. Хотини тўрт ўғилнинг ўртасида раъйи қайтмай ўсган арзанда киз. Укамни унчалик назарига илмасди. Қамбар бечора нималарнидир сезгандай бўлиб, алаמידан ичарди.

Индамадим. Назаримда, Бозор узоқ гапиришга чоғланган эди.

– Айтинг, менинг ўрнимда сиз бўлганингизда нима қилардингиз? – деб сўради у бехосдан.

Мен бошимни илкис кўтардим. Гапирмадим. Нима демоқчи бўлганимни у, чамаси, тундлашган тарзимдан англаган эди: “Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда нима қилардингиз? Ахир менинг укам Бободўст ҳам гўнгнинг, нурининг орасида бодраб чиққан бўрикалла эмасди-ку!”

Бозор юзини тескари бурди. Чивиннинг визиллашига кулоқ тутгандай кўзларини юмганча анча тек ётди.

– Ҳамма кўргиликларни сиз уюштирганингиз ростми? – деди оҳиста. – Идорага атайлаб ун сўраб борганингиз? Биз билан атайлаб апоқ-чапоқ бўлиб кетганингиз? Қарз-қавала қилиб турганингиз? Кейин Назарни Қамбарга пишанг бериб урдирганингиз?.. Ҳаммасини атайлаб... қасддан уюштирганингиз ростми?

Иқрор бўлишни ҳам, инкор этишни ҳам билолмай, бир лаҳза жим қолдим. Бир лаҳза. Нега ёлғон гапиришим керак? Иқрорим Бозорнинг ажалини тезлатишни сезиб, англаб турар эдим. Барибир ўзимни тия олмадим.

– Ҳа. Рост.

– Ҳамма-ҳаммасими?

– Ҳа.

– Жонгул келинни атайлаб йўлдан урганингиз ҳам ростми?..

– Ҳа. Рост!..

– Йўғ-е?.. Шу даражада... шу даражада... палидмисиз, ука?.. Эрини ўлдириб, хотинига кўз олайтирдингизми? Бундай ҳаром, бундай ифлос иш қандай кўлингиздан келди?.. Уялмадингизми?.. Ахир ҳамсоя эдик-ку!

– Иб-е!.. – Томоғимга бир нарса қаттиқ тикилди. – Ўзингиз-чи, ака? Ўзингиз укам раҳматлининг аёлини машинангизга миндириб юришдан ор қилмадингиз-ку? “Ҳамсоя эдик!” “Ака-ука эдик!” “Уят!” Булар энди эсингизга тушдими?..

– А? Менми?.. Қачон? Кимни?.. Бободўстнинг хотинини?.. Ҳа-а, ҳа!.. Бир марта... Бир марта миндирганман...

– Миндирганмисиз?

– Ҳа, – у ҳансирай бошлади. – Тан оламан, ука. Лекин... лекин мен Бободўст бечоранинг хотинига кўлимни ҳам теккизганим йўқ. Бундай ниятим ҳам бўлмаган. Худо – шоҳид. Шофёримдан сўрашингиз мумкин... Бир куни маж-

листан қайтаётсам, шаҳарнинг четидаги остановкада... бир аёл турган экан. Қош қорайиб қолганди. Эътибор бермабман. Анча ўтиб кетганимиздан кейин шофёр айтди. “Бободўст бечоранинг хотини экан”, деди. Қайтдик. Шофёр эшикни очиши билан аёл бечора ичкарига қараб жон ҳолатда талпинди! Талпиндию, менга кўзи тушиб хайкал бўп қолди. “Чиқинг, сингил! – дедим. – Ҳаво жуда совук... Чиқинг!” Почтахонагача олиб келдик. Эғнида дурустроқ кийими ҳам йўқ. Оёғида эски каллиш. Тиши тишига тегмай қопти бечоранинг. Кела-келгунча кўз ёшини тия олмади. Сездим. Укаси эрини ўлдирган одамнинг машинасида аёл боши билан юриш осонми. Айниқса, кеч кирганда. Эзилиб кетдим. Етимгина болаларини кўз олдимга келтирдим. Хўрлигим келди. Ишонинг! Етимлик нималигини бошқа билмасам ҳам, мен яхши биламан, ука!.. Отам бечора сувга чўкиб ўлганидан кейин энам ҳам кўп яшамаган. Уч гўдак уч қариндошимизнинг уйига бўлиниб, ўқиб қолганмиз...

Бозорнинг елкаси титрай бошлади.

– Келин... келинингиз касалхонага, бетоб онасини кўргани борган экан... Эртаси куни Эшбой шўрога айтиб, нафақахўрлар рўйхатига илаштириб қўйдим. Уйига бир қоп ун жўнатдим. Миннат қилаяпти деманг. Ўзи асрасин бундай гуноҳдан. Ҳа, Ўзи асрасин! Лекин ўша қишда келинингиз катта ҳамшира лавозимига кўтарилганидан сизнинг хабарингиз ҳам йўқ... Худо бўлмасам, пайғамбар бўлмасам, пошшо бўлмасам! Қўлимдан келгани шу-да, ука!.. Сизнинг ёз-ҳа ёзингиз билан Қамбар бечора қамалиб кетганида, бу дунёда етимлар кўпайганида, кимнинг арпаси эрта пишиб, хирмони ғаллага тўлар эди?.. Айтинг, кимнинг? Икки укам, икки жигарим жувонмарг кетди. Ҳеч кимнинг арпаси эрта пишмади-ку! Ё пишдими?!

Ичимдан оғир хўрсиниш, дард босиб келди. Қўлларим титрай бошлади. Бемор менга ёш тўла кўзларини тикиб турганини сезиб, хис қилиб турар эдим.

– Укаларимни ўлдирганинг каммиди? – деди у бирдан. – Нега келинимга кўз олайтирдинг? Бундан кўра тўғри келиб бошимга ойболта билан солсанг бўлмасмиди? Сўйсанг бўлмасмиди мени? Ўзинг айтган ўша ўтмас пичоқ билан сўйсанг ҳам майли эди!.. Беда қирқадиган жодига солсанг ҳам майли эди! Шунча иснодни энди у дунёга қандай кўтариб кетаман?.. Инсофинг бўлса, айт! Қандай?!

Мен катта-кичик дори кутиларига бақрайиб қараб қолдим. Нигоҳимни узолмасдиму лекин уларни кўрмас, англамас ҳам эдим. Биров гўё бехосдан тос тепамга мушт тушириб, икки чаккамга шапалоқ тортгандай, кулоқларим битиб қолди. “Укаларимни ўлдирганинг каммиди?..”

Сесканиб кетдим: “Мен одам ўлдирдимми? Қачон?.. Мен қотилманми?..” Ўша кунгача қилмишларимни, юз берган воқеаларни гўё ўйин, бировнинг бошидан ўтаётган кирдикор ҳисоблаб, замиридаги фожиа, мусибату кулфатларнинг моҳиятини, юкини, ғамини, аламини ҳис қилмаган, қилсам-да, тан олмай юрган эканман. Менинг гиз-гизим билан ҳали икки йигит нобуд бўлдими?

“Укаларимни ўлдирганинг каммиди?..”

Аччиқ алам, чексиз нафрат тўла бу савол юрагимга наштардек санчилди. Шу топда ҳад деган бебаҳо неъматни харислик деб аталмиш сийқа тангага осонгина алмаштириб юборганимни англагандек бўлдим. Инсоннинг фожиаси шундаки, у амал қилишдан кўра, талаб қилишга кўпроқ мойил бўлади.

– Кўз олайтириб нима қилибман? – Овозим титраб-қақшаб, жуда дағал чикқанини ва узоқдан, жуда узоқлардан эшитилганини сездим. Одатда уришмоқдан бери бўлиб тортишаётган одамнинг овози шундай шанғиллаб кетади. – Пединститутга иш билан борган эдим. Жонгул чиқиб қолди. Малака оши-

риб юрган экан. Бирга олиб келиб, сиз айтган ўша почтахонанинг ёнида туширдим. Лекин менинг шофёрим йўқ. Рулда ўзим эдим.

– Қаватингизда ўтирган эдимиз?

– Ҳа. Ёнимда ўтирса нима бўпти? *Лекин мен ҳам унга қўл теккизганим йўқ...*

– Қасам ичасизми?

– Йўқ! Ичмайман! Қасамга арзимайди. Ишонсангиз – шу. Ишонмасангиз ҳам ўзингиз биласиз.

– Ишонмайман!..

– Начора. Сизга – ёлғон, Худога – чин.

Боя Бозорнинг ўгли олдимга сузиб кўйган пиёладаги чойдан хўпладим. Со-виб қолибди. Беморнинг ҳақиқатлагани эшитилди.

– Шу миш-миш мени йиқитди, – деди у. – Эшбой шўро ўз кўзи билан кўрган экан...

– Одамзодни ғийбат, ерни шўр бузади, – дедим бирпасдан кейин ва овозим мулоим торганини сездим. – Кўйинг. Энди фойдаси йўқ.

– Энди... Энди нима қиламиз, ука? Мени кечирасизми?

“Энди” эмиш! Беш йил ҳаммани ўтда ёқиб, бугун топган гапинг шу бўлди ми? Эркакмисан ўзи?”

Шу топда қаршимдаги одам ўлим тўшагида ётган хаста эмас, дадилрок бўлганида, балки уриб абжағини чиқарар эдим. Кўлим билан бўлмаса, гапим билан урар эдим. Бир умр эсидан чиқмайдиган қилиб урар эдим! Кошки шундай қилолсам! Ўзимни босдим. Бошқа иложим йўқ эди.

– Беш йил олдин қаерда эдингиз? – дедим овозим титраб. – Шу гапни лоақал Эшбой шўро уйингизга муросага чақириб борганида айтсангиз бўларди-ку?

– Ким? Эшбой шўро? Қачон?..

– Эсингиздан чиқибди-да? Об-бо! Кимни, қачон машинангизга миндиргансизу туширгансиз, қайси хотинга неччи қоп ун бергансиз... Эслайсиз. Эшбой шўро қачон орага тушиб боргани ёдингизда йўқ... Буни қаранг! Яна бировлардан ўпкалайсиз!.. Суф-е сизга!..

– Йўқ! Йўқ, бундай деманг. Жон ука, бундай деманг! Шошилманг! Эсимда! Жуда яхши эсимда! Сизларникидан чиқиб келган эди... меникига. Тўғрими?

Мен зарда аралаш сезилар-сезилмас бош ирғадим.

– Эсимда. Жуда яхши эсимда, – деб такрорлади у. – Уй тўла меҳмон эди. Энди яшириб нима қиламан. Орадан шунча йил ўтди. Қамбарнинг ишини “тўғрилашга” ёрдам берган акахонимиз келган эди. Шаҳардан. Аёли билан. Ширбозхўрликка. Учтами-тўртта машинада. Дурустгина кайфим бор эди. Бир пайт шўро кеп қолди. Айбим – уни ичкарига киринг, демадим. Киргиси келди. Меҳмонлар билан ўтиргиси, “бешта-бешта” олгиси келди. Биласиз, ичишни, гап сотишни яхши кўради. Лекин оғзи бўш, бировлардан суюнчи олишга ишқибоз. Қулоғимнинг тагида нималардир деб минғир-минғир қиляптию, дам ўтмасдан меҳмонхона тарафга қараб кўяди. Ҳалиям кўз олдимда турибди. “Кейинрок гаплашайлик” десам, кўнмади. Менга пўписа қилмоқчи бўлди. Бақириб юбордим. “Худодан бошқа ҳеч кимдан кўрқадиган жойим йўқ!” дедим. Бўлган гап – шу, ука!.. Эшбой шўро элчи бўлиб келганини туш билибманми? Соч толасининг ҳам сояси бўлади, ука. Кечиринг! Шу юкни у дунёга елкалаб кетмай...

– “Қорақўнғиз”нинг боласи-чи? “Қорақўнғиз”нинг боласидан кўрқадиган жойим йўқ, деганингиз-чи?

– Ё, тавба!.. Ё, астафуриллоҳ! Ука, шу ёшга кириб инсон зотини лақаби билан атаган одам эмасман. Атаган бўлсам, оғзимга сиғмай ётган шу тилгинам кесилсин! Тилим бормайди. Сабабини биласиз... Раҳматли отамнинг отига ҳам бировлар ёмон сўзни кўшиб гапирди... Баъзан юзинг-кўзинг демасдан, олдимда ҳам айтади...

Мен тасдиқ маъносида бош ирғадим: ўша сўз “кал” эди.

– Ўзимга раво кўрмагани душманамга ҳам раво кўрмайман, ука... Мени кечиринг. Мен, аҳмоқ, укангиз раҳматлининг жанозаси куниёқ отангизнинг оёғига бош уриб, кечирим сўрашим керак эди. Нодонлигим, хомлигим шунда. Отангизнинг аччиқ устида ур калтак, сур калтак қилиб қолишини ўйлаб, боришга дидим олмади. Буни етим ўсган билади. Тушунади. Сағирнинг доим икки елкаси қисилган, кўзлари ерга қадалган бўлади, ука. Икки тиззаси мудом қалтираб туради... Ҳар кимнинг суянадиган тоғи бўлсин экан!.. Кейин... кейин отангиз раҳматли саломимга алик олмай кўйди. Сиз бўлса у ёқдан бу ёққа устимдан ёзишга тушдингиз. Қачон қараманг – комиссия, қачон қараманг – текшир-текшир... Мени адо қилди. Ота-бола шунчаликка борасилар деб ўйламовдим! Ўрлигим тутди...

Сездим, тортишувимиз икки ғанимдан ҳам кўра, икки гинадор қариндошнинг ўпкалашувига ўхшаб кета бошлади: “Сен менинг тўйимга келмадинг!” “Ўзингчи? Ўзинг ҳам отам бандалик қилганида бир оғиз кўнгил сўрадингми?..”

Мавриди келди. Бозорнинг идорасига бош уриб борганимни эслатдим. Ўшанда хаёлингиз қаерда эди? Лоақал, кўнгил учун, одамгарчилик учун: “Узр, ука, биздан ҳам айб ўтди”, десангиз отдан тушиб колармидингиз?

– Идорамга келганингизда?.. – У чайналиб қолди. – Ҳа-а... Эсимда. Узр сўрамоқчи бўлдим. Худо ҳаққи. Сизган бўлсангиз, ғамирланиб, титраб-қақшаб қолдим. Беозорроқ қилиб айтиш йўллари кидирдим. Бор-ей, ёкса-ёқмаса айтаман, деб *бир иркилдим*. Лекин кўзингизни лўқ қилиб, қаҳр билан тикилиб турганингизни кўриб, тилим айланмай қолди. Жанжаллашиб кетишимиздан кўрдим...

Тортишув фойдасиз эканини сездим.

– Уйингизга келган ўша шаҳарлик меҳмонингиз ким эди? – деб сўрадим хорғинлик билан.

– Эргаш ака. Эргаш мўйлов, десангиз Сурхонда ҳамма танийди. Тилла одам!.. Лекин хотини рухсат бермаса, ҳожатхонага ҳам боролмайди бечора, – у кулгандек бўлди. – Янга ширбозни яхши кўради...

Ичимдан кўтарилиб келган заҳархандани қасдан юзимга чиқардим: бу дунёдаги жамики мусибатларнинг илдизи таъмағирликка бориб тақалади.

* * *

Кўклам нафаси сезилиб қолган бўлса-да, ҳали ҳамал кириб, дов-дарахтлар япроқ ёзмаган, ҳали мўрилардан тутун аримаган эди. Ота-онам, укамнинг қабрини зиёрат қилгим келди. Нега иттифоқо бунга эҳтиёж сездим? Билмайман. Балки уларнинг иссиқ тафтини, меҳрини қўмсагандирман. Балки ғойибона дардлашгим келгандир. Эҳтимол, шу йўл билан тавба-тазарру қилиб, хаёлимни бошиб, руҳимни эзиб ётган оғир ўйларни, ёлғизликни ўзимдан қувгим келгандир.

Қабристонга жўнаш олдидан машинамни дарвоза олдига чиқариб астойдил ювдим. Сўнг ўзим ҳам покланиш, ҳам кийимларимни алмаштириш учун ичкари кирдим. Чикиб қарасам, уловимнинг тўртгала шинаси ҳам пучайиб ётибди. Кимдир тешиб, йўқ, қовундай тилиб-тилиб кетибди. Ямашнинг, тузатишнинг ҳеч иложи йўқ!

Атрофимга олазарақ алангладим. Сал нарида, баланд қайрағочнинг тагида уч ўспирин – уч йигит менга синовчан қараб турарди. Танидим. Уч ака-ука – Бозор, Назар ва Қамбарнинг ўғиллари. Ич-ичимдан бир нидо, балки олов отилиб чиқкандай бўлди: менинг ўғлим йўқ-ку! Энди нима қиламан!.. Беш қизни берган Худойим менга биргина ўғилни раво кўрмади.

Негадир Бозор ёдимга тушди.

– Ишни босди-босди қилган Эргаш мўйловни каердан, қандай топгансиз? – деб сўрагандим ундан ўша видолашган кунимиз.

– Қаердан-қаердан... Тошкентда ишлайдиган бир журналист дўстим бор. Ҳарбийда бирга бўлганмиз. Қашқадарёлик. Олим йигит. Ўшанинг қайногаси бўлади...

Ўша куни қабристонга боролмадим. Бир ҳафтадан сўнг, ярим тунда тутканок келиб бўғзимдан олди. Туни билан қон пуркаб чиқдим. Ушбу сатрларни ўқиётганингизда эса мен укам, ота-онам билан ҳилхонамизда суҳбат қуриб ётган бўламан”.

Маҳмадона

Профессор қалтираган қўллари билан столи тагидаги тугмачани босди. Ёрдамчи кирди.

– Валидол борми, Азим?

– Бор. Ҳозир!

Ёрдамчи изига қайтар экан, қўлидаги қоғозни столга қўйди:

– Эрталабки кўлёманинг давоми.

Қоғозга беихтиёр кўз қирини ташлаган Панжи Намозов сесканиб кетди:

“Муҳтарам профессор!

Каминанинг ожиз қаламидан чиққан ушбу битикларни охиригача сабрбардош билан ўқиганингиз учун Сиздан ғоят миннатдорман. Умид қиламанки, у Сизни бефарқ қолдирмади. Мен уни Сизга атайлаб сарлавҳаю изоҳсиз, имзосиз тақдим этдим. Балки ёзганларим бемаҳал чакқан чивиндек асабингизга теккандир, балки шираси баланд қаҳва мисоли шусиз ҳам юқори юрадиган қон босимингизни янада ўйнатиб юборгандир. Дариғо, ҳарчанд уринмай, феълимдаги қусур битикларимда ҳам панд бераётганини сезаман. Шу боис сурбетлигу тўпорилигим, шошқалоқлигу маҳмадоналигим учун бир қошиқ қонимдан кечинингизни ўтиниб сўрайман. Ижодингизнинг бир умрлик шайдоси бўлган мендек бир ёш мухлисингизнинг ушбу камтарин машқини, иложи бўлса, дебчасига бир энлик шарҳ битиб, журналингизда чоп этсангиз, бошим осмонга етар эди.

Мендан – ғайрат, Сиздан – дуо, устоз! Дарвоқе, ушбу киссамга мен “Қасд” деб сарлавҳа қўйишни ният қилганман...”

Профессор енгил тортиди. Ёйилиб кулди. “Маҳмадона! – деди овозини чиқариб. – Оббо, маҳмадона-ей!...”

Қулимсираганча бир зум ўйланиб ўтиргач, қўнғироқ тугмачаси томон ўнг қўлини чўзди.

НАЗМ



Турсун АЛИ

1952 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Зангори овоза”, “Юракдаги сўзлар”, “Ёруғ кунлар”, “Изтироб остонаси”, “Тун товуши”, “Ёлғизим”, “Уйғоқ сукунат”, “Ой япроғи”, “Қор шугъласи”, “Қуш пати” каби шеърӣ китоблари нашр этилган.



Юраётган йўллар

Достон

Юрагим қон томирларидай йўллар...
Қум.
Сахро.
Ёнаётган ҳаво.
Турфа илон кесиб ўтган йўлимни.
Руҳимни чулғаган мунгли бир наво.
Осмону фалакка чўзмай бесамар – калта қўлимни.
Оёғимдан чалар чарчоқ, ҳорғинлик, унсиз дўқ
Чатнаб кетган қум узра чопдим, йиқилдим, эй, сайёд!
Овоз бердим: Ким бор? Ким бор?
Овоз йўқ,
Синикқан юрагим қаърида йиғи кўтарар фарёд.
Беҳудуд сахро узра,
Қум кечиб бораман, теграмда умид қушим.
О, ўзимдан топиб нажот, йўқотмай ўзимни сира,
Йўл юраман,
Озодлик сари,
Эрк сари.
Йўлларимни ютган йўлларга қарайман.

1

Юрагим қон томирларидай йўллар...
Изларингдан чопдим.
Дуч келган йўллардан юрдим саргашта:
Шамол измидаги булутлар каби,
Тўлқин қўйнидаги балиқлар мисол,
Билмадим, қай томон юраётганимни!
Изларинг йўқотдим,
Гоҳи топдим мен.
Бироқ,
Изларинг изладим, севгилим!

2

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Эс-хушим ўзимда йўқдир.
 Адашган боладек жавдираб қарайман сержилва дунёга.
 Улкан бинолар бағридан итқитар,
 Навниҳол дарахтлар қўл чўзмас менга.
 Атрофим тўла одамлар
 Тафт йўқ,
 Музлардир улар...
 Овоз йўқ,
 Садо йўқ уларда.
 Улар гунг.
 Улар ҳам йўлин йўқотган, балки?

3

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Нимжон шабададай кирдим

“Юраётган йўллар” достонига қарашларим

Таникли шоир Турсун Алининг “Юраётган йўллар” достони миллий шеърятимизда кейинги пайтларда анча оқсаб қолаётган ижтимоий йўналишда битилган асардир. Достоннинг илк ўзига хослиги шундаки, шоир салмоқли ижтимоий фикрни кўнгил призмасидан ўтказиб, шахсиятига тегишли масалага айлантира билгани учун у шунчаки бир ҳаёт фактидан инсон руҳиятини акс эттирувчи эстетик ҳодисага эврилган. Шоирнинг ғоядан одамга эмас, балки шахс руҳиятидан ғояга боргани асарнинг ўқишли бўлишини таъминлаган.

Достоннинг тўла ретроспектив усулда битилгани шоирга кечани бугуннинг назари билан қайта идрок этиш имконини берган. Асарнинг илк сатри: **“Юрагим қон томирларидай йўллар”** экани, муаллифга йўл билан хотирот тегирмонини мувозий айлантиришга имкон яратган. Достонда Тошкентдан водий сари кетган темир йўл тасвирланади. Лекин бу йўл улов юриши мумкин бўлган ташқаридаги макон эмас, балки шоирнинг нақ юрагидан ўтган руҳият чизгисидир. Шу боис, бирор ўринда яланғоч чақирик, сунъий кўтаринкилик, куруқ олқовга йўл қўйилмаган ва бу ҳол битикни ўқирманга яқинлаштирган. Тасвир самимияти шоирга темир йўлни ўзидан наридаги нарса эмас, балки юрагининг қон томирлари каби туйиш ва тасвирлашга пароят яратади. Шоирнинг асардаги: **“Йўлларимни ютган йўллар”** тарзидаги ташбеҳи ҳам оригиналлиги, ҳам маънодорлиги билан эътиборни тортади.

Достоннинг йигирма беш бўлимдан иборат қилиб битилганида ҳам чуқур маъно бор. Муаллиф ўз умрининг турфа йигирма беш босқичини йигирма беш бўлимга табиий жойлаштира олгани, асар композициясига ўзгача таъсирчанлик ва долзарблик бахш этган. Шоир етимликда кечган болалиги, мустамлака йилларининг азоблари ҳақида ахборот ва ҳукму хулоса бермайди, балки лирик руҳий манзаралар чизади. Ана шу манзараларни идрок этиш асносида ўқирман ўз хулосасини ўзи чиқариб олади.

Достондаги: **“Шам ёнар булут ортидаги юлдуздек”**; **“Нигоҳим қиш қуёшидай қолди қотиб”**; **“Шамол турди тўсатдан – Уйғониб кетган сармаст одам мисоли”**; **“Йўл ёқалаб оқаятган ариқча, Менинг чопаятган умримга ўхшар шу қадар”**; **“Қуз бошидан пахтазорга ёпириллар болалик. Шу зайл эриб кетаверди йиллар”** сингари кўплаб ифодалар ўқирман хотирасига муҳрланиб қолиб, тасвирнинг ёрқин ва таъсирчан чиқишига хизмат қилади.

Битикдаги болаларининг оч қолаётганини кўриб, уларга нон топиб беролмай қийналаётган отанинг ночор ҳолати лирик қаҳрамон томонидан:

Ўша лаҳзаларни эсласам туйқус,
 Ҳозир ҳам
 Бугудойдек янчилар синиққан кўнглим
 Хотирот тегирмонида, –

Панжаралар ортидаги қаҳвахонага сокин.
 Ола қоронғи,
 Шам ёнар булут ортидаги юлдуздек.
 Кимдир қўшиқ куйлар ажнабий оҳангда.
 Раққоса хиромда қанот қоққан товусдай.
 Қўлда ичилмаган шароб,
 Эркак тиззасида ўлтирар сархуш, сочлари тилло аёл.
 Гўёки дунёни унутган буткул.

4

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Анҳор соҳилидаман,
 Мажнунтол сочларин сувга санчади.
 Яланг илдизларин ялайди сокин мавжлар.
 Қайиқ каби оқаётган оғочда нажотсиз чумоли
 Югургай у ён,

тарзида эсланиши ҳам ҳаёт ҳақиқатига мослиги, ҳам бадиий қудрати жиҳатидан эътиборга молиқдир.

Пахта майдонларида ишлаётган аёллар ҳолати ҳам ўта таъсирчан тасвир этилган:

Кун тиғида қиз-жувонлар чопишар гўза,
 Бағирларин чопишар сукутла.
 Кетмонлар чарчайди,
 Бироқ,
 Чарчамас улар.

Бу ифодаларда шоир ниятини очик айтмай, ишора, рамзга қўп эътибор қаратгани сабаб тасвир ўзгача жозибга касб этади.

Достонда ғоят ўринли қўлланган гўзал ички мантикий тазодлар учрайди: **“Юпун кезинган у мусофирлик кўчаларида энг башанг орзулар ила”**. Лирик қахрамоннинг юпунлиги билан орзуларининг башанглиги ўта назокат билан сездирмай қаршилантирилган.

Битикнинг йигирма тўртинчи бўлимидаги:

Кафтимдай ерда –
 Ватанимда
 Боғ яратдим
 Истиклол куёши остида, –

сингари одатда “қизил” туюлиши керак бўлган сатрлар ҳам расмиятдан йироқ ва самимий экани билан диққатни тортади. Асарда сатрларнинг қофияли бўлишига қатъий амал қилинмаганлиги шоирга тасвир эркинлигини берган.

Айни вақтда, достонда айрим нуқсонлар ҳам учрайди. Чунончи: **“Сомон йўли сари етаклар мани. Мен бир кун кетаман юлдузлар сари”** сатрлари ҳам қуруқлиги, ҳам “мен” тарзидаги сўзнинг ҳеч қандай заруратсиз “ман” шаклида ёзилгани билан ўқирман гашига тегади. Достоннинг тугалланишида ўринли бўлмаган умидсизлик бордай. Менимча, асар, айнан, кетар йўлини билган одамнинг хотиржам умидбахшлиги ифодаси билан яқунланганда тасвир қудрати ортган бўларди. Асарда хотира эмас, йўл бирламчи. Шунинг учун “Юраётган йўллар” мантиққа мувофиқдир.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
 педагогика фанлари доктори





Югургай бу ён.
Охир,
Гирдоб ўз домига тортди.
Нигоҳим киш қуёшидай тўнгида бирдан.

5

Юрагим қон томирларидай йўллар...
Уфқ лола рангга бўялди.
Шамол қалқди тўсатдан –
Уйғониб кетган сармаст одам мисоли.
Дарахтлар шохларин эгди,
Букди,
Синдирди,
Кутурган телбага хос.
Қайлардадир итлар улийди ҳорғин.
Кўк юзида чакмоқ,
Момақалдирок,
Қора булут изғиди бошимда.
Талотум очун ичра ёлғиз қолдим мен.

6

Юрагим қон томирларидай йўллар...
Энтиқдим қошингда, соҳибжамол.
Кўзларингга кирдим мастона,
Киприкларинг парда.
Кўзларингдан,
Юзларингдан ўпдим.
Сочларинг майсазори аро
Зулматда қолгандай адашдим.
Кўзларингга дуч келдим
Мен англамаган ҳаёга.
Воҳ, ўзимни қаён яширдим мен?
Энди йўқман,
Энди йўқман,
Соҳибжамол!

7

Юрагим қон томирларидай йўллар...
Қалбингни забт этдим сенинг.
Юзингга тикилсам, гулдан-да гўзалсан.
Сутга чайилган бармоқларинг нозик нақадар,
Қоп-қора сочларинг тунни чулғайди.
Тилингдан таралган оҳанг – мени сеҳрлар,
Мен ўлдим,
Мен тирилдим қошингда,
Дунёга қайтдим
Яна.



8

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Водий сари ўрлаган йўл.
 Довон.
 Булутлар силайди чўққилар бошин.
 Тоғларнинг эгнида яшил кўйлак, бунда кезар баҳор,
 Ўнгирларда қадим қорлар эрир офтоб тафтида,
 Менинг соғинч ёшларимдай силқир томчилар.
 Келинчақдай салом берар майсалар шаббода этагида,
 Тоғ бағрин ёқалаб темир йўл югурар болалик сари.
 У заранг тоғ қаърига киради шошиб, энтикиб,
 Кириб бораман мен ҳам, йўлим ойдин, чароғон,
 Юртим боғлар оғушида товланар кўкдаги камалакдек.



9

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Туғилган қишлоғим.
 Толкўча.
 Бу ерда дарахтлар осмон бўйлаб кезадир.
 Йўл ёқалаб оқаётган ариқча,
 Менинг чопаетган умримга ўхшар шу қадар.
 Ана,
 Болалигим кезаетир сарпойчан, ялангбош.
 Онамнинг товуши чинқира қалқитиб ҳавони.
 Отам йўлларига кўзларин тўшаган болалигим.
 Чархпалақдай питирлар ариқчада болакай.
 Шаркираган ариқчада,
 Наздимда,
 У ҳамон қийқириб чўмилгай
 Тушларимда ҳам.



10

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Лойсувоқ кўримсизгина тегирмон.
 Бўй-басти кичик тегирмончи
 Эзилиб-янчилган буғдой – унини
 Қоплар кийим-боши оқарган кўйи.
 Буғдой елкалаган отам,
 Янчиб беринг, дея,
 Эланар тегирмончига.
 О, у эрта келасиз, дер,
 Овози ҳавони кесиб ханжардай.
 Нон йўк уйда,
 Болалар оч...
 Тегирмончига мўлтирар, жавдирар отам.
 Дон талашаетган чумчуқлар янглиғ,
 Воҳ,





Улар чўкишар,
 Сўкишар, дунёни талашар...
 Мен момақалдиروقдек бақириклардан,
 Чақириклардан,
 Ох, чўчиб йиғладим овозим йиртиб.
 Ўша лаҳзаларни эсласам туйкус,
 Ҳозир ҳам
 Буғдойдек янчилар синикқан кўнглим
 Хотирот тегирмонида.

11

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Туғилган уйим остонаси,
 Дарахтлар мунчоқдек тизилган боғ ҳовли.
 Зах босган хонага кираман маъюс,
 Онам ётар сукунат қучиб.
 У ёнда чирқираган укаларим,
 Бу ёнда кенжамиз совутан кўкракка тирмашар...
 Кўзларда мотам,
 Сўзларда мотам,
 Дилларда мотам,
 Тилларда мотам.
 Мотамнинг ўзида мотам.
 Мотамни кўриб дунёнинг
 Мотами – жимлик.
 Отамдек мунғайиб қолган бир мотам.

12

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Дала йўли,
 Чанг-тупроқ,
 Атрофимда зангор ғўзалар –
 Денгиздай чайқалар.
 Кун тиғида қиз-жувонлар чопишар ғўза,
 Бағирларин чопишар сукутла.
 Кетмонлар чарчайди,
 Бирок,
 Чарчамас улар.
 О, пақир кўтарган, пақирдай болалигим,
 Сув улашар уларга,
 Меҳр улашар,
 Олқиш улашар юрак-юракдан.
 Кўксимга сиғмайди етимча қалбим.
 Ота, ота, онамни соғиндим...
 Болалигим кўзларида инграйди соғинч,
 Болалигим кўзларида гуллар айрилиқ.



13

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Сўқмоқ.
 Тиконзор оралаб юрдим,
 Тиззамга,
 Товонимга
 Тиконлар кирди бешафқат.
 Сув димланган отма
 Бўйига етдим,
 Офтоб тиғи остида.
 Яланғоч болалар дўнглик узра
 Ненидир йўқотган кимсадай шумшайган.
 Ёхуд
 Ёмғир остидаги дарахтдай мунгли.
 Биз томон шўнғиб ўт, дея, мени имлашар,
 Қай бири йиғлашар.
 Мен ўзимни сувга отдим...
 Сув қаърида кўрдингми,
 Қўллари қалтироқ Эркин акани?
 Сувга чўкиб кетди у,
 Қўллари сузишга ярамай.
 Ана,
 Қўйлари юрибди ўтлаб,
 Қўйбоқар йўқ,
 У энди йўқ, дея, болалар мўлтирашди,
 Йиғлашди узоқ,
 Кўзлар юзди сув узра,
 Сўзлар юзди сув узра.
 Бироқ,
 Ўша-ўша топилмади Эркин ака,
 Сув қаърига чўкканича, кетди у.
 Бугун,
 Ҳамон излар
 Қўллари қалтироқ қўйбоқар акани
 Кўнгли ўксик болалигим.

14

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Дарахт новдалари каби
 Айқаш-уйқаш тақдирлар...
 Қишлоқ кўчаси.
 Қўшним Мурод тоға,
 Сочларига оралаган оқ.
 Мўйлаби,
 Соколи бодирок.
 У биз болаларни кўрган захоти
 Бир ўпич бер, дея,
 Қувлар эди изғитиб.
 Бизлар эса,





Мурод тоға, дея,
 Қочар эдик тўзғишиб.
 Гар у
 Кимни тутса,
 Ўпар эди юзидан.
 Сен бизларга ўғил бўл, дея,
 Эркалар эди бениҳоя.
 Уйга бош суқсанг –
 Болалик товуши чулғайди,
 Ширин холанг қувнайди.
 Ширинликлар бирла сийлайди, дея,
 Чорлар эди уйга.
 Эланар эди.
 Мурод тоға билан Ширин холанинг
 Йўқ эди кўзларин оқу қораси.
 Йўқ эди биргина дилбанди.
 Бутун қишлоқ болалари,
 О,
 Уларнинг эдик суюк боласи.
 Бу кун кўчамизда улар йўқ.
 Бирок,
 Биз тенгқурлар
 Соғиниб яшаймиз
 Мурод тоға билан Ширин холани.
 Нега шунақа?

15

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Дала.
 Худди кулиб турган келинчакдек
 Пахталар очилган оппоқ.
 Пайкал этагида –
 Саф тортган тутларда тебранар беланчаклар,
 Ойдек болакайлар қийқирар шодон
 Жажжи қўлчаларин чўзганча куёшга.
 Эҳ-эҳ, воҳ,
 Пахтазор узра,
 Қорақуш – самолёт учар пастлаб,
 Қўланса ҳидларни пуркаб.
 Тамшаниб қолади болалар,
 Тутлар паноҳини тутар нолалар.
 Ё, Оллоҳ!
 Осмону фалақдан ёғилар фожиа.
 Ёмғирдек ёғилар кўзёшлар,
 Ёғилар ҳасратлар,
 фарёдлар,
 синиқ оҳанглар...
 Ёмғирдек ёғилар ҳузун дардлар,
 узун дардлар...



16

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Хўрозлар қичқирар тонг отмай туриб.
 Болалигим уйида кўсак чувир каттаю кичик.
 Кул босган ўчоқда қўр тугайди арқондай
 Эшилиб-эшилиб.
 Кўзларни,
 Юзларни,
 Вужудни қоплаган аччиқ бир тутун.
 Эҳ, йўлин йўқотган тутунлар
 Борликқа илондай тирмашар,
 Илондай чирмашар.
 Ҳали замон пахта сўраб келар,
 Тошали бригад:
 “Режадаги пахта” бўлмаса агар...
 Уй эгаси беради жавоб:
 Ахир, пахта учун шонлар тикилган,
 Имконлар тикилган,
 Умрлар тикилган,
 Жонлар тикилган.

17

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Эски,
 Энамдай букчайган мактаб.
 Алифбе дарси.
 Муаллим дарс бошлар,
 Биз мурғак болалар тинглаймиз уни.
 Гўё кирган синфга офтоб,
 Руҳимизни ёритар китоб.
 Оҳ, ҳали танисмай харфларни,
 Ҳали билмай санок рақамларни,
 Куз бошидан пахтазорга ёпирилар болалик.
 Шу зайл, эриб кетаверди йиллар,
 Эсаверди шамоллар шу зайл.
 Ҳамон эсаётган шамолларга тутаман бағримни,
 Ҳамон кезаётган хаёлларга тутаман бағримни.

18

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Кўчамиз бўйидаги харсангтошда
 Ўлтирар эди чўнқайиб қўшнимиз Полвон ота.
 Биз болалар аланглаб,
 Қимтиниб –
 Қимтиниб,
 Ўтар эдик Полвон ота қошидан.
 “Ҳой, Ўрмоннинг ўғли, салом бермайсанми?
 Сочларинг ўсибди,





Қиз боламисан ё
 Кофирмисан? – дея койир эди Полвон ота. –
 Нега кеч қайтдинг мактабдан?
 Далага тез ҳайда қўю сигирни,
 Ҳадемай оқшом кўнади,
 Бир ўтларга тўйсин-да жониворлар”, –
 Дея ундар эди Полвон ота.
 Бизни тергар эди Полвон ота.
 Бугун сочларимга ўрмалаган оқ,
 Юзларимда йилларнинг изи.
 Гар кишлокқа борсам,
 Энтикиб кетаман ўзимдан-ўзим,
 Зимдан гўё
 Мени кузатар ҳамон,
 Харсангтошда чўнкайиб Полвон ота,
 Унинг кўзларига каролмайман тик.

19

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Тоғ сўқмоқларидай қалтис ҳам жозиб
 Ўн саккиз ёшлигим:
 Энг маҳзун,
 Энг шодон мавсум.
 Юпун кезинган у мусофирлик кўчаларида
 Энг башанг орзулар ила.
 Тошкент.
 Себзор даҳаси.
 Тарновбоши маҳалласи.
 Боши берк кўча, ижара уй.
 Қанотлари нақшин дарвозани очиб оҳиста
 Ийманиб кирган,
 Тортиниб чиққан
 Ўн саккиз ёшлигим.

Хонадон соҳиби – вазмин одам,
 Отамнинг биродари – Асадулла ота
 Паноҳида кечса-да ўн саккиз ёшлигим,
 Оила аъзолари шажарасига кеч ўтқазилган
 Ниҳолдек қисинган,
 Қимтинган кечмиши.

Ўн саккиз ёшлигим...
 Сохир шеърятга ташна юрагим,
 Гуллари гуркираган ҳовли ғунчасин севган,
 Ҳар недан уни ортиқ кўрган,
 Ғунча қошида энтиккан,
 Дийдорига кўз тиккан бедор.



Ўн саккиз ёшлигим...
 Издиҳом шаҳарнинг
 “Эски китоблари”ю,
 Қолган ҳамма китоб дўконларин
 Беш бармоғидек билган.
 Қўлтиқлаган:
 Пушкин, Некрасов, Лермонтов,
 Қахҳор, Ойбек, Миртемир...
 Эй-й, қанча-қанча қўлма-қўл ўқилган
 Нодир китоблар...



Ўн саккиз ёшлигим...
 Овозим ва умрим етмайди сира,
 Ўн саккиз ёшлигим...
 Кундуз ишлаган,
 Оқшом таҳсил олган кечки мактабда.
 Шўх-шаддод тенгқурлари билан
 Қизларни кузатиб қўйган остонаси қадар.
 Тунлар шеър машқ қилган.
 Абдулла Орипов “Митти юлдуз”и
 Хужрасин чарағон этган.

Ўн саккиз ёшлигим...
 Анорзор ҳовлисин кўмсаган.
 Тупроқ кечган кўчаларин соғинган.
 Пахта далаларин изтироб билан эслаган.
 Танасига исмин битган дарахтларин соғинган.
 Соғинчлардан анор доналаридек
 Бағри ситилган.
 Гоҳ сокин,
 Гоҳ саркаш оқувчи ариқларни кўмсаган.

Ўн саккиз ёшлигим...
 Мархума онасин қайта-қайта кўриб тушида
 Кўзларидан ёмғир томчилаган,
 Юрагида гумбурлаган момақалдиروق,
 Гуллаган чақмоқ.
 Янтоқ илдизидек узун ўйларида отаси...
 Рутубатли кечалари укалари ила сирлашган,
 Йиғлашган,
 Сикташган.
 Юлдузлар-ла бўйлашган,
 Ўйлашган...
 Ўн саккиз ёшлигим...
 Умримнинг чўнг маҳзун,
 Чўнг маъсум мавсуми.
 Шошқалоқ куйчи сой, жилғалардан
 туғилган
 Азим дарё сингари парчаланар, бок...





20

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Себзор даҳаси.
 Турфа хил дарахтлар илдиз ёйган ҳовлида
 Тоғдек ўрик дарахти ўсар солланиб.
 Чавандоз умримнинг шошқин кунлари,
 Намхуш тунлари ўрик остида кечган.
 Дарахтнинг олтин мевалари,
 Ох, қандоқ тотли,
 Оғзимда қантдек эриган.
 Ёзнинг ўтли кунларида
 Мени қуёш тигларидан асраган,
 Руҳим осмонига сепган ёғдулар,
 Қушлари-ла
 Елкасида қувнаган ёшлигим.
 Навқирон умрим, о,
 Ишқ хиёбонин кезганди сармаст.
 Бу кун ўша ўрик дарахтин
 Йиллар гўзгин шамоли қулатган бешафқат.
 Йўк-йўк, ўсаётир у,
 Кўзларим ва хотирам кенгликларида
 Ҳамон у хушқад.
 Ўсаётир юрагим боғларида гуркираб...

21

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Олийгоҳ дарсхонаси.
 Адабиёт.
 Барча фанлардан суюқдир менга
 Шеърят.
 Навоидан олдим мен сабоқ,
 Гарчанд,
 Олийгоҳ ўргатмаган Абдулҳамид Чўлпонни,
 Қодирӣ, Усмон Носир, Фитрат,
 Барча-барчасидан севишни ўргандим Ватанни!
 Ваган.
 Кўксимдаги сўнгги ҳайқирик!

22

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Турфа хил бўёқлар анқиган босмаҳона.
 Ҳарфлар –
 Сўзлар терилар
 Буйруқ бажараётган аскардек.
 Рангларга бўялган қарорлар...
 “Эртамиз порлоқ –
 Қурамит синфсиз жамият,
 Гулга бурканар Ваган –



Жонимиздир тан”, дея,
 Ёзилади газетларда.
 Зотан,
 Ҳикматсиз мафкура бўлмагай,
 Ҳикматсиз бўлмагай жамият.
 Заволга юз тутди
 Не-не ҳикматсиз тузумлар.
 Ҳикматнинг асоси – иймон, эътиқод!
 О, ёшлигим,
 Сувда қалқир.
 Ёнар ўтда.
 Йўқ, йўқ...
 Бугун ўйласам,
 Англасам,
 Ёшлигим эврилиб Қакнус кушга,
 Ў, ҳаётим, кечган экан гўёки тушда.

23

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Дил энтиқар,
 Дил тошиқар,
 Дил ҳаприқар...
 Парчаланган истибдод,
 Чақмоқдек қарсиллаб узилган занжирлар.
 О, энди ўзимники тил,
 Ўзимники ер-ҳаво,
 Қалбимни чулғар ажиб бир наво.
 Энди менга дунё эшиклари очиқ.
 Юлдузга гар чўзсам
 Етар қўлларим.
 Тунларда ҳам ёруғдир йўлим,
 Истиқлол эпкени силар юзимни,
 Кўзимни,
 Вужудимни.
 Руҳим боғларида тароват.
 Қонимда кезади ўтли бир шукуҳ.
 Озодлик,
 Истиқлол!
 Озод Ватан,
 Қалбим эрурсан,
 Жоним эрурсан!
 Ўзлик суврати чизгилари мисол адоқсиз.

24

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Эрк йўли,
 Улуғ йўл,
 Боряпман дадил,





Саррин
 Хузурбахш
 Еллар елади
 Рухимнинг бепоён кенгликлариди.
 Эрк йўли,
 Улуғ йўл,
 Димоғимга
 Урилар
 Муаттар
 Бўйлар.
 Тилимдан
 Тўкилар
 Бол каби
 Сўзлар,
 Кўзларим
 Дунёсида
 Нурга чўмилган Ватан,
 Эрк йўли,
 Улуғ йўл.
 О,
 Бу йўл
 Не-не улуғ зотлар армони эди.
 Не-не интизор кўзлар.
 Эрк йўли,
 Улуғ йўл.
 Намхуш,
 Совуқ шамолларга тутиб кўксимни,
 Шўртаъм ёмғирзорда
 Бормоқдаман мардона.
 Эрк йўли,
 Улуғ йўл.
 Чақмоқ қадамларимдан
 Потраб чиқар
 Нофармон гуллар,
 Буюк тоғлар,
 Мангу яшил боғлар,
 Умидбахш тонглар.

25

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Тақдир кенгликларига
 Бир маҳал сепиб кетилган.
 Дўрмон.
 Кафтимдай ерда –
 Ватанимда
 Боғ яратдим
 Истиклол куёши остида.
 Олди дарахтларим йигирма беш ёшда,



Мен-да,
 Йигирма беш ёш шоирман.
 Дуркун ўсаётган дарахтларим
 Қўл чўзар очун сарҳадларига.
 Зангор япроқлари шовуллар бетин,
 Уйқудан уйғотиб замин, оламни.
 Рангин капалаклар,
 Сўзанақлар
 Гулдан-гулга ўйноқлаб учар.
 Менингдек улар ҳам сурурли орзулар кучар.
 Чуғур-чуғурлаб кушлар,
 Бахт ҳақида қўшиқ куйлайди.
 Дўрмон.
 Кафтимдай ерда –
 Ватаним тупроғида
 Боғ яратдим – Озодлик боғи
 Дунёни бўйлайди!

* * *

Юрагим қон томирларидай йўллар...
 Орзуларга туташ йўл,
 Бағри оташ йўл.
 Эгнида ям-яшил либос –
 Ястанган дала
 Шовуллар буғдойзор
 Куёшга тутиб бошоқлар.
 Серфарзанд онадек жилмаяр боғлар.
 Ва мағрур боқади тоғлар.
 Умримдек чайқалиб оқар дарёлар,
 Ялангтўш кўприклар
 Соҳилдан-соҳилга ўтказар отам елкасидай.
 Ҳар қадамда муаззам бинолар,
 Абадият бўйлаган қадамжолар
 Қадимий дунёга ҳикмат-ла боқар.
 О, йўллар!
 Юлдузлар каби саноқсиз.
 Шундоқ,
 Ҳаёт манзиллари оралаб-оралаб,
 Замину осмонга сачратиб шодлигимни,
 Истиклол йўлидан борурман айқириб.
 Хумо куши бошимда порлоқ қанотларин ёзган музаффар!
 Ў, Сомон йўлига туташдир йўлим!

Юрагим қон томирларидай йўллар...





ЗАРРАДАГИ ОЛАМ

Роман¹

Қурама чўли бағрига босиб ардоқлаб келаётган Нўғай овулида сабру бардоши ва имонига суяниб танҳо яшайдиган Болибек дилини занжирбанд айлаган жувон чиндан атиги бир қошиқ сув билан ютгудек нозик ниҳол барно бўлиб, қалин киприкларини тун қароқчилари каби эсон қасдига ханжар қилганди, анбар ҳидини таратувчи мушкдай қора зулфи райҳонларини белига келиштириб ўраб² олганди, алқисса, ҳеч бир таърифга сиғмас кўрки камоли ўзлигини топишни мақсад қилган Аваздек содик ҳабибни ағёру ўзлигини аллақачон бой берган Халил пурча янглиғ ғаламис ғанимни дўсту ёр қаторига қўшаётган Зилола хусни жамолига мувофиқ эди...

– Опажон, қилпоча саман тулпорни кўриб билдимки, сиз бевафо чарх найранглари боис жигари хуну бағри бийрон бўлган Лобарсиз?! – Аваз яхши ҳам эшитиш қобилиятидан маҳрум эмас деган ўйда жилмайди. – Лекин бахтингиз борлиги рост, Мусабек оғадай имони бутун ва нияти холис азамат йўлингизга нигорон, номингизни ёд этиб, қаноти қайрилган қарчиғай каби бўзлаб юпанмоқда!..

– Ихмм, шунақами? Ҳе-ей, аттанг, ҳали мен номард биров хасмига харидор эканман-да?! О-о, наҳот бўғзимгача гуноҳи азимга ботибман ва жисмимни нечун комига тортмаётир қора тупроқ?!

Болибек шундоқ ҳам сим-сим оғриётган юрагига тиг санчилган каби аламангиз инграниб қулочини ёзди. Ёноқлари лоладек қизарган ва юраги қафасдаги қушдек потирлаб тепаётган Лобар эса маънодан маҳрум сўлғин нигоҳини номаълум нуқтага қадаганча ғилтиллаб ютинар ва бот-бот кафтини чаккасига босар эди. Фақат ақлу хушидан жудодек, ажиб хушхабардан боши кўкка етгани, дилида қайтадан орзу-умид ва ишонч илдиз отганини айтиш иложини тополмади; кўнглини тўкиш ниятида тўлиқиб лаб жуфтлар, бироқ қалампир ёпишгандай куйишиб ачишаётган бўғзидан тегишли каломлар ўрнига хўрсиниқ отилиб чиқаётган эди.

Ҳаддан ташқари хайрли ва қувончли мужда, фақат рағбат туюётган Лобар эмас, бутун Қурама чўли қалбидан ёлғон шарпасини бутунлай ҳайдаб юборганди. Олуваш дудокларига нозик табассум инган малак, Авазни бағрига босгач, оққушниги сингари опшоқ бўйнига осилган кумуш тусли нафис чанқовузни садафдай тизилган тишлари орасига қистирди ва зулукдай қошларини хиёл чимириб черта кетди. Моҳир уста зангламас пўлатдан меҳрини бериб ясаган митти соз шодон ва маҳзун нолалар чека бошлаган ҳамоно ўқ еган охудек бетоқат титранди, ўша захоти оқу қораси бирлашган бўлса ҳам чиройини йўқотмаган қийиқ кўзларидан тиркираб шўртак ёшлар сочилди ва шаксиз улар кўпдан бери дили билан жисму жонини ғарқ айлаган соғинч, ҳасрат ҳамда армон уммони мавжлари эди...

– Тангри таоло ёрлақанган азамат ўғлон, меҳру оқибатинг учун беҳисоб ташақкур, умринг илоё боқий бўлсин! Ҳозир сен Лобар қалбига чинакам офтоб олиб

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

² Алишер Навоий.



кирдинг! – Чанқовуз ботинидан таралаётган мулойим оҳанглар Аваз жон қулоғи остида эҳтиром сўзларига эврила бошлади. – Сен еткизган хушбахар салмоғини торгадиган тарози йўқ оламда! Умрини фақат ҳақ ва савоб равнақи йўлига тиккан ва лафзига гард юқтирмаган Мусабек хайриятки тирик экан!..

Чанқовуз бийронлигу дилкашлик бобида ҳаргиз севгиси кучига инониб яшаётган Мусабек ҳамдами саналмиш жонон дутордан қолишмасди ва ҳатто ундан бемалол ўзажагини ошкор этаётганди. Ҳар ким ҳам назарга илмас мўъжаз асбоб шу қадар улкан имкон соҳиби экани сирини фақат худо билади ва у Авазни орзиқтирган қўйи баҳор тароватидан масту масрур бўлган булбулдай мулойим куйлаётганди.

Бир дунё умид ва қайғу ташувчи мусиқий тарона Аваздан кўра Ниҳонни кўпроқ қойил қолдирди. Фаришта бунақасини Одам Ота ва Момо Ҳаво замонидан буён илк маротаба эшитаётгани учун айрича завқу шавққа чулғанди. Сўнг Мусабек жонида асрайдиган дутор ҳам латофатли эзгин нолалар орқали оғир фалокатни тўлиб-тошиб изоҳлаганини хотирлади ва қайси бир устунга суянганча бўшашиб жавдираётган Болибек рафторига ачиниби тикилди. Чўлистон деса ўзини томдан ташлайдиган ва асосий мартабаси бўйдоқлик бўлган мезбон чанқовуз арзи ҳолини ҳайрат ичра қизиқиб тинглар, лекин бу арзи ҳол қисмат йўлида қоқилган жафокаш аёл қисмати шарҳи, яъни ажиб ҳикоятдан иборат эканини англаш сирасида ожиз эди...

Ўшанда Лобар марди майдон Мусабек каби дилида чуқур илдиз отган шафқат ва оқибат қурбонига дўнганини сезгандан кейин дўзах оташдониди куяётгандек қийналди. Саховатпеша тангри таоло ҳомийлигида Бойчибор дангал амалга оширган жасорат туфайли Тоғай илқидан қутулганда севиниш ва енгил тортиш ўрнига баттар эзилиб куйди: арслоним мендек нотавонни асло ёнига йўлатмас деган хулосадан ўлардай чўчирди. Ноилож аламини фақат аччиқ-аччиқ йиғидан олаверди, ётса ҳам, турса ҳам бағрини аёвсиз тиглаб, сочларини битталаб юлаверди. Охири шўртак ёшлар охуваш кўзлари оқу қорасини емирди, ҳеч бир рисолада йўқ қаттиқ изтироб эса тилу забонига кишан урди. Яхши ҳам қизлик даври ёдгорлиги саналган чанқовузни бўйнида тумор каби авайлаб осиб юрарди. Чексиз соғинч, ноумидлик ҳамда аламу армон олови бутун борлигини жизганак қилиб куйдирган кезларда доим унга юкуниб овунадиган бўлди ва охири у дилини шарҳловчи дилкаш дугонасига айланди...

– Ҳе-ей, опагинам, чанқовуз таърифидан билдимки, худо ҳаққи ифбат олами маликаси экансиз. Демак, холис ниятли жами аёл зоти шабнамдай покиза этагингизни ўпса арзийди. Тақдир буюрган синов онларида сиз барча ҳуқуқи чекланган тутқун аҳволига тушибсиз, сиз ҳатто Мусабек оғадан ҳам кўпроқ ва оғирроқ азият чекибсиз. Энди тириклик дунёсида алоҳида ўрин тутадиган чинакам роҳату фароғат ва иззат-ҳурматга лойиқсиз. Ҳозироқ риё найзасини сабр қалқони билан дангал синдирган баҳодир ёстикдошингиз ёнига жўнаймиз!..

Айни мавридида қатъий айтилган ажойиб таклиф ҳамон изиллаб нимадандир чўчиётган Лобар дилида ожизона липиллаётган умид учқунини беихтиёр аланга олдирди. Аллатовур ийиб руҳлангач, тили бийрон содиқ дугонасини авайлаб бағрига босди-да, даҳшатли ҳижрон охирги томчи қонини зулукдай сўраётганини имо-ишоралар ила тушунтирди ва бошини эгиб айвондан четлашди. Қачондир Мусабек айрича ҳавасланиб Бойчибор дея атаган ва чиндан ҳам ҳар тарафлама ўша афсонавий дулдулдан қолишмас тулпорни Аваз кўмагида эгарлади. Сўнг улар қулоқларини чимириб мастона кишнаётган Бойчиборга мингашиб олишди ва жиловни сокин жимирлаётган кенгликлар сари буришди.

Ҳаял орасида ёниб битаёзган Болибек ланг очик дарвоза олдида ҳайкал каби

чор-ночор қотиб турарди, тасавурида сўнгсиз соғинч, ҳасрат ва ўкинч аксланган охуваш қийик кўзлар жонланар ва шўр пешанамга дарди бедаво айрилиқ битилганини қаёқдан билибман маъносида қуруқшаган лабларини қимтиб астойдил ўксинар эди. Сўққабош йигит изтироб чекаётганидан беҳабар Бойчибор кулоқларини чимирган кўйи шамолвойдан қолишмай елиб бораётганда кўксида тош қозик бўртган Тоғай дарди дунёсига ғарқ Айригум жариди чийралганча ажал фариштасини тўрт кўз билан интигу интизор кутиб ётарди ва чексиз надомат жам эди ўқтин-ўқтин Қурама чўли узра янграётган эзгин ноласида...

Ўн олтинчи сайр

Чархи каж нақадар қаттол: дилини хайрли туйғу истило қилган ва шу туйғу ҳаётини яхшилик сари буриб юборишига тамомила ишонган Болибек дафъатан ниҳолдек букилди: қанотли тулпор эканини исботлашга киришган Бойчибор гўё метиндай қаттиқ туёқлари орқали шундоқ ҳам бемор кўксини шафқатсиз тарзда беомон босиб-янчиб ўтган, бору йўғини ортмоқлаган ва номаълум томонга ола кетган эди, ҳайхот, бу мусибат бутун умр ёдидан чиқмаса керак.

Болибек энди киндик қоним томган гўшага сиғишим даргумон деган ўйда батгар эзила-эзила боши оққан томонга жўнаганда Бойчибор мағрурона кишнай-кишнайн Туманак харобазорига юзлашган эди. Олис йўл босиб келган азиз меҳмонларни кўрган заҳоти қалдирғочу бўзтўрғайлар чинакам ихлос меҳру оқибат бўстони, хусумат эса разолат чангалзорини кўриқлаши ҳақида алёр куйлашди; алёр оҳанглари зумрад либосли баҳор ёмғири ёки денгиз мавжлари шовуши янглиғ дилрабо бўлиб, замин тугул фазо кулоғигача етган ва айниқса малоикаларни масту масрур айлаган эди.

Тинмай олам кезадиган таъби нозик чўлистон хонандаларига ҳадемай дилларни суву селоб қилиб дутор жўрлашди. Умидни доим жон жавҳарига менгзайдиган фидойи чолғу алоҳида шиддат, ифтихор ва завку шавқ билан моҳирона тарғиб этаётган интизорлик достони ажиб кечимларга кўмилган Аваз ва Лобар қалбларини мулойим аллалар ва хаёлларини кундек равшан тилакларга ошна қилар эди. Жадал йўрғалаётган бедовдан беихтиёр илдам сирғалиб тушган Лобар илоҳий нурдек осуда товланиб таралаётган ҳам маҳзун ва ҳам диловар наволар тўлқини ичра чинакам жозиб тўлқин бўлиб оқаётганди. Назарида тобора сирли эшилиб авжига минаётган куйда мислсиз дардга йўлиқиб тавбасига таянган Мусабек юраги дукурлаши, томирларида кўпириб оқаётган қон ҳарорати, бўғзига тиқилган заҳардек аччиқ ҳасрат ва хўрсиниқлар пинҳон эди.

Эй меҳри дарё дутор,
намунча сархушланиб жўшаяпсан,
қаттол зарбага учраган юраклар ярасига
малҳам босишми ниятинг?!
Мақсадингга эришгин илоё,
ана шунда ёвуз чангалдан халос бўлажак
покиза ва беғараз икки жон!..

Қиёмдан оғаётган ҳимматли куёш табассумидан бетакрор шукуҳ ва сирли навозиш ўзлаштирган дутор хонишлари баҳона Аваз хаёли янада кучлироқ қанотланди, айрича рағбатланган ва Мусабек ёнида кечирган масъуд онларини эслаб орзиққан Лобар эса нимагадир интиқ чанқовузни олудек қирмизи дудоқларига қистирди, сезимлари ғалати тебрана-тебрана мулойим жилмайгач, бўй-бастига ярашган навозиш ила узун-узун қайрилма киприқларини юмди; ўзидек алданиб, ҳажр ва армон

тутқунига айланган ғуссакаш ёстикдошини суяш ва юпатиш илинжида эди. Эзгу ниятини дарҳол фаҳмлаган кадрдон дугонаси назокату малоҳат, эҳтирому жунун бобида дутордан ўзиш учун тиришди, енгил тўлғаниб ийувлар экан, бутун Қурама чўли жаннатдек яшнаб, тилка-пора қишлоқ узра ярим айлана шаклидаги камалак балқиди ва сарҳовуз шовуллаб қирғоғидан тошди.

Офарин, эй мунис чанқовуз,
чексиз мурувват ила
шафоат чироғидан огоҳ этипсан,
ва холисона истакларга мойилсан!
Кошки ўша чирок
мислсиз жабру жафо тортган
икки дилдан қайғули асорат саналмиш
лангу балони тобад кувласа!..

Юпанч ва сурурга йўғрилган беғубор фикрлар Аваз шуури қатларида олмосдай ярақлаб шуълаланди ва бариси қайсидир жиҳатдан завол билмас эзгулик асосига ўхшарди. Ана шуни чуқур туйган заҳоти ғойибда азалу абад маркази саналмиш арши аълода ҳар қандай дардга малҳам бўлувчи чинакам нажот ҳукми ўқилгани эълон қилинди. Сўнг еру осмон оралиғи аллатовур тиниклашиб, бир нечта ирмоқ ягона ўзанда бирлашса ҳайратга молик улкан дарё яралгани сингари, қўшалок дилбар соз наволари қовуша-қовуша ажиб туғёнга эврилди ва у долғаланиб Мусабек ва Лобар дилига кўчди. Натижада улар ажабтовур энтика-энтика қарчиғай каби бир-бирига талпинишди ва карами кенг тангрига беадад шукрона айтишди. Ногоҳ шунда миялари тарки очилиб, онадан қайта туғилган эгизаклардай баравар яшаришди: қароқларини қошлаб, руҳларини ёруғ дунёдан бездирган ва орзу-умидлари гулини аёвсиз қийратган зулмат пардаси чириган занжирдек парчаланди; эзгу имтиёзини йўқотган тиллари тутуни ечилиб, шуурларида туғилаётган ва тўқис ҳаёт сари ундаётган маъноларни эмин-эркин ифодалай бошлади...

Фақат дутору чанқовуз афсуни эмас, муҳаббат кўрғонини асровчи сабру қаноат қудратига ҳам чексиз таҳсин ёғдирган Аваз бир-бирига мароқланиб боқайтган Мусабек ва Лобарни, беҳад оғир сафарни яқунлаб қайтган, яна йўлга шайланаётган эътиқодли сайёҳларга менгзагач, ҳар иккисини хосиятли дамлар билан орзиқиб кутлади. Гижинглаб мастона кишнаётган Бойчиборда улар Камолон шаҳри томон жўнашганда суви айнимас сарҳовуз бўйида паришон ўйга толганди. Бугун меҳрибон қодир худойим ёрлақаб тағин ҳам теран англадики, адолат ва имонни оғишмай ардоқлаган жон ҳеч қачон букилмайди, ҳижрон ва соғинч азобини чекиш жараёнида муттасил камол топиб, охири муроду мақсадига етади. Ишқилиб ўзи суяниб келайтган ишонч илоё нобакор ёлғон кутқусидан холи бўлсин, йўқса келгусида жуда қаттиқ қоқилиши мумкин...

Навбатдаги сирли мўъжизавий интиҳо покликка интилиш самараси эканини қайта-қайта эътироф этган Аваз ҳаёти ташвишу таҳликадан иборат Туманак харобазорида Мусабек каби муқим ўрнашди, аллақачон унутилган ғалати макондан жилгиси келмай, сарҳовуз бўйидаги ёғоч сўрида тиззалаб ва чалқанча чўзилиб Зилола йўлини пойлар эди. Назарида қайлиғи нафратга лойиқ хатосини ниҳоят англаб, пихини ёрган Халил пурчадан буткул воз кечиб, узоқ муддат айрилиқ аламини ютган ва охири ундан қутулган Лобар йўриғини такрорлаши лозим эди.

Аваз эркакча кийинган Зилола Бойчибор тахлит қанотли отда оппоқ субҳидамда ҳузурига келиши ва икковлон ўша бедовда Шифо дарёси сари елишини орзулаб мамнун илжайди ва Ниҳон бу эзгу муддаосини дарҳол пайқади. Қурама чўли хотира дафтарида Тоғай қилмиши туфайли заҳару заққумга бурканган ишқни

муфассал тасвирлаган Ниҳон фаҳму фаросатда тенгсиз Лобар жасорати ҳар қандай паривашга буюриши душворлигини таъкидларкан, томоғига суяк тикилган каби типирчилаб, Зилола ташрифидан умид узди ва тутдек тўқилган ҳалиги қўрғонга яқинлашди. Қўрғон қора қуён босқинигача ҳавас қилса арзийдиган кўркам иншоот бўлганини ўйлаган заҳоти шамолвой хуштаги орасида таҳликали сас эшитилди. Сандалга ўхшаш кесак устида йўғонлиги ўқлоқдай келадиган, қизғимтир боши найза учига ўхшайдиган, елкасидан то думига қадар кўплаб сариқ хол ва қорнига пистокчи чизиклар чекилган ўқилон юмалоқланиб ётарди.

Аваз ўзини ҳар қанча дадил тутишга тиришса ҳам бирдан каловланиб гардан қашлади ва юраги сувга тушган олмадек қалқиниб қўйди. Сира ақл бовар қилмас: Айригум жари ёқасидаги овлоқда Заранг дароз жанда чопони чўнтагида яшайдиган чипор илон билан аёвсиз савашган ва охири ғалаба қозонган қизилбош қаршисида турарди ва ўта совуқ турки таровати ўша таҳликали онлар тафсилотини эслатмоқда эди. Қизилбош оч яшил аланга сочаётган кўзларини Авазга айёрона тикиб, истасам думчаси сувламаган сен сапчани ҳам ҳозироқ нариги дунёга жўнатаман маъносида томоғи гупдай шишиб вишиллади, ғимирлаб белига қадар кўтарилгач, рақс тушаётгандек абжирона тебранди-да, қизғимтир тилини қайчи қила-қила кесак ковагига яширинди. Ортида қолган қандайдир мубҳам таҳлика дарҳол Аваз қалбини чулғади, бас, ўрни келса бу нокас пайини қирқиши лозим. Ҳозир эса манзил сари янада дадил ошиқаётган Ниҳонга эргашади, сўнг ундан пайтини топиб етти қийғирни эзғилаб суриштиради, ҳарқалай қанотли дўстлари буткул кўринмай қолгани сабабини у билса керак. Тунов куни пайинг қирқилгур қовоқари афтидан тузоққа илинишган, ўққа учишган ёки касалга чалиниб ўлишган қабилда ғудунглаб тусмоллади ва сал қолди Аваз кўксини чоклаб бўзлашига...

Етти қийғир ҳақида аниқ маълумоти йўқлиги боис Ниҳон ҳам қовоқари сингари ҳар хил тахминларни қалаштирди. Вақти-соати билан жумбоқ ечими топилишини таъкидлагач, босиқ оҳангда бошқа муҳим мавзуга кўчдики, Аваз астойдил сеvingани баробарида мубҳам ғашликка чулғанди. Омади кулган Мусабек ва Лобар садоқатли Бойчиборда Камолон шахрига етишгандан кейин элга ҳаётларини ғаму андуҳга буркаб, дилларини вайрон айлаган мудҳиш фалокатни оқизмай-гомизмай сўйлашади. Сўнг бир нечта сўқиму кўчқор сўйдириб, катта ош беришгач, қайта никоҳ ўқитишиб, тағин бир ёстикқа бош қўйишади. Висол майига қониб, азиятларни сал унутишгач, бир баҳонада Тоғай аҳволдан хабар топишади-да, дийдалари юмбаб, нобакорни ноилож кечиришади. Ўта оққўнғил эру хотин гинаю гидирни йиғиштириб гуноҳидан ўтсак, ярамагур тезроқ узилар, қиёматгача эзилиб афсусланиш азобидан қутулар ва шаънимизга ёғдираётган маломатларини тўхтатар деган муддаода шундай қилган бўлишса керак.

Эру хотин ҳақ ёки ноҳақ экани
барча нарсани билувчи ва кўрувчи ёлғиз худога аён
ва бу борада бандаси ожиз...

Дангали,
ўртада яна бир синоат муқаррар,
гап шундаки,
тангри таоло иродасига кўра,
адолат эгизаги саналмиш эзгулик
фириб уруғини сочувчи
т о ғ а й л а р
қавмини ер юзидан
бутунлай супуриб ташлашда масъулдир.

Қиёматгача Айригум жариди
кониға чўмилиб қийналувчи Тоғай
мазкур жараённи тезлаштиришда
албатта кўмак беражак...

Аваз назарида инсофини буткул кадиға қамаган Тоғай омонат дунёдаёқ дўзахий бўлган ва барча шундай ғурбатга йўлиқишини тилайдиган битлиқи каслар пешвоси эди. Багтолни худо кўшқўллаб урган-да! Қайси куни айбини тан олиб пушаймон егани ҳам аслида фирибдир ва ҳар бир хужайрасида шу унсур яшайди, шундай экан, қиёматга қадар тириклай азоб есин ва ҳатто бу кунидан баттар бўлсин!..

Эргалабдан буён чарақлаётган куёш булутдан бетига парда тортиш орқали Аваз тўхтамларини маъқуллади. Борлиқни соя қоплагач, Қурама чўли қаърида гувиллаб зилзила кўлди, кучли силкиниш юзага кўчган заҳоти қитмир шамолвой Айригум жари тарафдан кўкси пора-пора Тоғайнинг аччиқ ингроқларини учириб келди. Нобакор банда муттасил чекаётган залварли оху фарёдлар ўкинчли ёлборувга эврилгач, сал нарида баданлари диркиллаган йигирмадан зиёд кийик беозор ўйноқлаб тўхтади ва улар орасида Шафоат пари бўйлаб турарди.

Қиялатиб нопормон чит рўмол танғилган пешанасида сидирға оқарган бир тутам сочи қилганоқдай бўртган, чеккасиға сўлиган кўкиш сачратки қистирилган ва хиёл бужмайган қулоқларига ловиядек нуқра зирак тақилган Шафоат пари ўзини анча эркин тутаётганди; аммо чўпдай озғинлиги, кўзлари ўрасиға чўккани ва оғзию бурни ҳалпона айтишиб қолганидан уялаётгандек паришон эди. Қуруқшаб чўккан кўкси, яъни оқ-пушти кўйлаги ёқасидан сал қуйиға, қатрон тусли маъдандан ясалган мўъжаз кўғирчоқ тахлит жимити қирпи ёпишиб олмиш...

Хуркович кийиклар даврасидан бафуржа узоклашган Шафоат пари чор атрофга беланчақда чалқанча ётган чақалок каби беозор мўлтираб боқаётган қирпини аста силаб-сийпалаб чўлп-чўлп ўпгандан кейин кўпдан буён ўсма тегмаган қировли сийрак қошларини чимирди. Сўнг аллақачон эскирган омонат дунё иморати пойдеворини жаҳолат охири очофат қуртдай тамомила кемириб адо қилажаги, тумшуғи тагидан нарини кўролмас ношуд ва нотавон одамзод азалу абадга тегишли бу ҳақиқатни пайқаб улгурмай мияси айниб ўлишини эзмаланиб изохлади, Зилола хаёли билан машғул Аваз индамай тескари ўтирилгач, шунчаки томоқ кирди-да, недир гуноҳға йўл қўйгандек хижолат чекиб бўзарди.

– Хай, мани кўмгур, шугинани бокволдим, ҳа-а, болам ўрнида болам бўсин дедим-да! – Тунда ухламай қовоқлари кўпчиб қизарган Шафоат пари яна чулдиради ва қирпи тахлит кичрайиб қолгандек туюлди. – Ёруғ дунёни кўрмай жувонмарг бўган ўғилу қизига аза тутаётган мазлума дардиға бошқа қандай тузукрок чора топсин?!

– Сизга йўл бўлсин, моможон?

– Ҳе-е дариг, адашип қоппан, болатой. Йўл кўрсат, кечикмай Заранг полвон ёниға боришим керак. Ашу десанг, мен бечора юрагимни кўшиб марсия айтаман, кейин ўзи тўқиган кўшиқниям айтаман, шўрлик хузур қилса керакки, жимгина тинглайди!..

– Сиз марсияни боплайсиз, моможон!..

– Жа-а каштасини кетирасан-ей! Ҳимм, ҳалиги, менга ачиниб ўзингни кўп қийнамагин, Авазбой. Уфф, иложим қанча, Заранг полвон билан дийдор маҳшарда! Лекин у раҳмат нури ёритган гўрида ҳамиша бедор: мани интизор кутмақда ва мен тез орада албатта кўйниға кирман!..

Ногоҳ шу орада, бирон рақиб оромини бузгандек, қизилбош ўқрайган кўйи нимқоронғи ковакни жадал тарк этди ва асабий чириллаганча сандал тахлит

йирик кесак узра бўй чўзди. Нобакор газанда хатту ҳаракатини Аваз умуман сезмади, негаки, Шафоат пари айтган кейинги сўзлар баҳона дилида чўкиб ётган ва мудом ҳолини танг қиладиган армон тоши оғир кўзғалиб кетган эди. Ногоҳ кўкси жизиллаб, кампирдан нигоҳ узмай, кузги япроқдай мўртлашган муҳаббати тақдирини қайта тарозига солди. Орзу-умиди гуллари мева тугиши бирламчи навбатда Зилола меҳру оқибати ва фаҳму фаросатига боғлиқ, агар парисиймо малак алдамчи майллар асосида беўйлов иш тутса ва ўша илоҳий гулларни қадрламай топтаса, Аваз ҳам топталади ва тирик мурда бўлиб яшайди. Афсусли жойи шуки, айни шу ҳақиқатни тегманозик барно қиз тушуниши даргумон: эндиликда у оқу қора ва аччиғу чучукни фарқлаш заруратини ортиқча даҳмаза санайди, ҳатто бургут ҳам забт этажаги амри маҳол юксак девор ўраган муҳам оламга юзланиш пайида ва барча йўли тўсилган ўша олам аслида Халил пурча кўнгли-да...

– Ҳай, юмшоғим, санам билибгина кўйгин-ей, ҳамма сарсонун саргардон тоғ-ғораси теш-шик кўхна дунёда! Ман-ку овора, манга кўшилиб санам овора-я, ҳе тўвба! – Энди Шафоат пари томоғига йиғи аралаш хўрсиниқ тикилди. – Сани топганим учун худога беҳисоб шукр, эвоҳ, йўқса қандай юпанар эдим?! Апсус, ўт-олов ёшлик пайтимда тангри ғазабига учраб, эрмак бўлдим хиёнат қўлида! Ўша исқот қоғур емишига ҳар кун битта тирик одам сўрагич аждор экан! Бугун консираган қилич ва найза билан куруллангон лашкар тортган пуқаро устига!..

– Ҳақсиз, тўпоригина моможоним!..

– Тўвба, ўламса заман нуқул ўз кўмачига кул тортиб, жеззи тилла дея боплаб пулловчи ва камига хупия кўшмачилик қиладиган гўрсўхталарга бирам қойишади-ей! Вақти кеса жоннатдан истаганча мулк сотволишига ишонадиган ашу тоипа дарғаси Халил пурча сан суйган Зилола учун Қаноат боғида саройдақа уй, қобристонда Ҳожар мегажинга атаб шийпончали даҳма қуропти! Бошқа тузук эрмак-шермак тополмай, қичимаган жойини қашияпти худодан тонган муттаҳом!..

– Эшшакмия епти-да, ҳей, аттанг!..

– Анову лаби ғунча, қоши қалам, яноғи афтоп эркатой пари қўлтиғига майли сув пуркасин, яромагурга уйланмоқчи экан-да! Аммо қайранглаб юрган жодугарни ундоғ сийлоши нимаси?!

Аваз аввалдан бадавлат, тажанг ва шопирилма бўлган Халил пурча бугун бо-сар-тусарини билмай баттар хўпиқаетгани сабабини эслаган заҳоти қизилбош яна асабий чириллади, совуқ йилтираётган кўзларида қандайдир қаҳру ғазаб аксланди-ю, ҳақу ноҳақни қиёслаб афсус чекаётган Шафоат пари томон шувиллаб отилди; ҳаво бўйлаб учаётганда баданидан ҳовуч-ҳовуч чўғ сачраётгандек туюлди. Дарҳол сергақланган Аваз яхши ҳам Шафоат парини четга итариб юборди, йўқса у қоронғи қабрида осуда ётган Заранг дароз ёнига жўнар эди. Ўзини тўхтатолмаган газанда нураб юпқалашган ихота деворини чириган латгани тешгандай осон тешиб ўтди, қақир тикану янтоқ пайкалида бир дам майизак бўлиб ётгач, сукунат кучган кенгликлар қаърига соя янглиғ сингиб кетди...

– Ҳа-ай, юмшоғим, кўрқдингми? Ман жа-а кўрқдим. Қодир эгам шу турқи совуқни яратгани учун жудаям уялса керак! Ҳе, қаҳратон совуқда муздай қотиб, балиқдай товада қоврилиб ўлсин. Ҳали тушимдаям ўтакамни ёрса керак дўзахдан қочган шумғия! Исқот қосин-ей, ўзиям шуниси етмай турувди-да!..

Шафоат пари қиршига ачиниб мурожаат қила-қила ва уни авайлаб силай-сила кийиклар сари шошилди ва кажрафтор дунёда кўпинча жон жондан айро тушиши, умид умид оғушида қовжираб сўлиши, ихлос ихлосни инкор этиши ва аросат ўз қонига ташна бўлиши хусусида эзиб-эзиб марсия айта бошлади. Аҳил

кийиклар ихотасида у Туманак харобазори манзарасини афсусланиб кузатаётган пайтда Аваз кўнгли икклимида қизилбош вишиллаб ғавғо солаётганди. Сирли товуш руҳини чирмагач, Ниҳон ҳарчанд йўлини тўсиб койинганига қарамай, телбаланиб олға югурди. Жони танига сиғмай қолган серғайрат ва чайир қизилбош қуёш қиздирган майин қумда қинғиру қийшиқ из нақшлаб жадал ўрмалар ва гўё интиқланганча қондошу жондош жигаргўшаси хузурига ошиқаётган эди ҳамда айрича қатъият билан ҳаракат қилишга ундовчи қандайдир тушунуксиз соғинч ифодаси учкунлаб турарди совуқ нигоҳида...

Ўпкаси шишиб ҳансираётган Аваз охири қизилбош бирон тилсимга мансуб шекилли деб тахминлади. Ярамагур ўзини бутун чўлистон маҳрига тушгандай ўктам, саркаш ва жангари тутаётганди. Ҳадемай у из солган кенг сайҳонни нимасидир Олача карвонини эслатадиган йилқи уюри шиддатли йўсинда олатасир кесиб ўтаверди. Куюқ чангу тўзон ичра Қарчиғай бўлиқ ёли елпиниб чопар, жисмига ярашган бежирим эгариди жомакор ва қулоқчин кийган Халил пурча қўнган эди ва ўрма қамчисини ҳавода дўлғай-дўлғай мастона қичқириб қўярди. Ҳадемай уюр еру кўкни титратганча Чегирма тўқайи сари бурилди, қора кўпикка ботган Халил пурча жийрон қашқада елаётган бақай қаролга ниманидир эзгилаб уқтиргач, ҳасад яшини зарбидан қулоқ етмас танаси қоқ иккига бўлинган ва ҳамон тақдиридан кўксини чоклаб нолиётган эман олдида жиловни тортди.

Анча йирик уюр Чегирма тўқайига ёндош киру адирлар этагида мўру малахдек ёйилиб ўтлаётганда Аваз шамолвой оҳиста шитирлатаётган кенг юлғунзорда паналади. Тасарруфидаги зотдор арабий йилқилар ва айниқса Қарчиғай хислатларини ичида ошириб мақтаётган Халил пурча эса ногирон эманга хотиржам суяниб олганди (айни шу ҳолатида нимасидир Заранг дарозга ўхшарди). Салдан кейин негадир ғалати қунишиб, бирон рақибидан устма-уст аччиқ дакки эшитгандек тажанглаша бошлади, энди аллакимнинг йўлига интиғу интизордек сийрак қошларини чимириб тўрсаяр, тугмасимон кўзлари ғилтиллаб олма-кесак терар ва оғзи кўпирганча дағал товушда сўкинар эди. Қачондир юраги тубидан сенсиз ҳолгинам забун ва ёруғ дунё лаззатидан маҳрумман деган сўзлар отилиб чиқди-ю, аъзои бадани қалтираб хўрсинди. Сўнг дил чигилини ёзишу сал-пал овуниш учун Қаноат боғида жадал суръатда қурилган иморат ичаги эгри ва ҳасадгўй бандалар жону жаҳонига олов қалаши бобида Зилола билан ғойибона баҳслашди ва охири қўлларини кўксида қовуштириб мизғиди...

Қаттиқ чарчагани ва иссиқ элитгани сабабли Аваз ҳам ўтирган жойида аллатовур лоҳасланиб пинак қилди; тушида Зилолани охудай эркалатганча кучоқлаб ётарди, ҳей, қайлиғи тушида намунча дилдору диловар, ҳушида эса саркашу дилозор, ҳайҳот! Чатнаган лабларини ақиқ лабларга чиппа босишни чамалаб қулувдики, начора, дафъатан қулоғига таҳликали ёввойи вишиллаш чалиниб, беихтиёр сачраб уйғонди. Сал нарида қизилбош сокин ялтираганча ваҳимали чайқалмоқда эди. Сўнг сен қувқалла билан охири ҳисоблашгум маъносида тилини липиллагиб, турфа ҳашаротлар шовур-шувири қамраган юлғунзор орқали ногирон эман сари интилди ва хуррак тортаётган Халил пурча пойида калава мисоли дўмпайиб ётди. Ҳар замонда арқондек буралиб қимирлар, нимқизил силлиқ бошини кўтариб мамнун мўлтирар, холдор думини тарс-тарс ерга урар ва нигоҳидан қаҳрабо рангига мойил яшимтир аланга сочар эди. Охири тобу тоқати битиб, жони борича кучаниб асабий чинқирар экан, тушида Қаноат боғида Зилолани етаклаб юрган Халил пурча эловлаб уйғонди. Аранг ақлу ҳушини ўнглаб, аллатовур талтайиб қувнаётган қизилбошни кўргач, беихтиёр кўкси тоғдек юксалиб, меҳрибон қодир эгамга ҳамду сано айтди.

– Ов, жисмим жавҳари, қайларда бунча санқидинг?! Ёки бирон рақиб билан олишдингми? Оббо, роса соғинтирдинг-ку! Ўтинаман, бундан кейин кўп узоқ улоқма, биласанки, сенсиз тирноқча ҳаловатим йўқ, юрагим паққос ёрилиб ўлишим мумкин! Лаънати ажалдан жуда ёмон қўрқаман, негаки, ҳали молу давлат ҳавасига қониқиб тўймадим ва қачонки тўйсам балки муродим ҳосил бўлур!..

Энди тугмасимон кўзларида шубҳа ва илинж мавжланаётган Халил пурча ҳалимдай юмшаган ва ўйноқлаб куму тупроққа ағнаётган кизилбош билан бир тану бир жон эканига ишора бериб ғудранаётган эди; овози керак бўлса кўхна дунёни гаҳ дебон нақд кафтига кўндира оладиган одамники сингари ўктамона эди. Анча узайган ва йўғонлашган газанда эса, барисини миридан сиригача тушунаётганди чамаси, мағрурона ялтоқиланиб вишиллар ва тангри ёрлақанган ишончли кўриқбон, мустаҳкам суянч ва содиқ ҳамроҳ эканини уқдирар эди. Охири чиройли тебрана-тебрана Халил пурча оёқлари оша тани ва бўйнига бовлиқдай ўралар экан, шундоқ ҳам лолу ҳайрон Аваз баттар ажабсиниб томоқ қирди, ахир, қачондир Заранг дароз ва чипор илон ўртасида кечган шу хил ғаройиб ҳодисани бениҳоя ҳовлиқиб томошалаган ва ниҳоят Айригум жари ёқасидаги овлоқда турки совуқ икки газанда ўртасида кечган дилни мислсиз таҳликаю талвасага солувчи жангу жадал шохиди бўлган эмасмиди?!

Чегирма тўқайи узра турфа қушлар ўзаро қувлаша-қувлаша чуғурлаша бошлаганда кизилбош Халил пурча белидаги кумуш тўғали камарга осувли мўъжазгина заррин қопчиқ сари талпинди. Тобора ҳайрати ошаётган Аваз назарида у недир афсун таъсирида сонсиз зарраларга бўлина-бўлина кўнгли аллатовур ўсган сардор борлигини эгаллаганди. Ғоят ажиб ҳангомани қизиқиб кузатган куёш қовоқ солди, куёш авзойи ўзгарганини пайқаган Халил пурча ҳадиксираб оғир кўзғалди, бақайчага тагин ниманидир ғулдираб тайинлагач, белидаги заррин қопчиқни севикли аёл ёноғини силагандай орзиқиб силади-да, хизматга тайёрман маъносида кишнаб гижинглаётган Қарчиғай жиловини силтади...

Ўн еттинчи сайр

Худо ҳаққи тушуниш мушкул,
ахир,
Халил пурча ким,
шунчаки разил илонбозми
ёки қилни қирқ ёрадиган афсунгар?!
Наҳот у шунчалар зол ва маккор,
яъни истаганда нафас уриб,
тоғни жойидан кўчиргай,
денгизни чим-чирс музлагиб,
улкан дарёни тескари оқизур, худойим?!

Энди нақд пайлари узилгандек эсанкираган Аваз нобакор Халил пурча хусусида оғриниб узоқ-юлуқ мулоҳаза юритди (илгари Заранг найновни ҳам шундай маломат қилганди) ва беихтиёр бағри куйишди. Мана энди сардор жуда кўп тортишув кўзгаган бежирим заррин қопчиғи, аниқроғи, кўйнида тирикликни пайҳон айловчи қушанда асрашини Аваз яхши билади. Аммо бу далилдан кўплар қатори Зилола ғофил: ўн гулидан бир гули очилмаган малак ғаламис одамни ҳаётим эгаси деб атаётгани ва дилини унинг ихтиёрига топшириш учун интилаётгани бедодликдир. Илк севгиси ҳурмати, инсоф ва кадру қиммат юзасидан Аваз барисини тезроқ қизгина қулоғига қуймоғи керак, токи у кимни йўлида ҳамроҳ қилаётганини тушуниб етсин, янада муҳими, кўнглида табиий равишда бўйлаган

меҳру муҳаббат қасридан кўра, Қаноат боғида ҳийлаи макр орқали тикланаётган хушомад қасрини авло билаётгани бехосият эканини чуқур англасин...

Аваз таниш ҳовли бўсағасига яқинлашган дамда безовта гусурлаб тепаётган юрагида тотли умид куртак ёзганди; ҳатто назарида ҳимматли куёш ложувард ва нилий тусли осмонни аллақачон тарк этган ва ундан-да кенг кўнгли иқлимида порлаётган эди. Нимяшилга бўялган кўш табақали ёғоч дарвоза биқинидаги эн-сизгина пастак дарчани, хумор-хумор сузилиб Зилола эмас, истехзоли кулимсираб Ҳожар момо очди-ю, ўша умид куртаги бирдан қовжираб, томоғига ханжар тиралгандай эсанкиради; гўё рўпарасида бири катта ва бири кичик чоғир кўзлари ангишвона каби ўйик, кўкимтир сочлари қамиш попилдириғи тахлит кўкиган ва қилтирик бўйнида кўй кумалоғидан тузилган қорамтир маржон осилган ёсуман бўйлаганди. Дасти ростакамига узуну бели бақувват олғир неваракуёв буюраётгани боис қадам олишлари тамомила ўзгарган айғам³ буви Аваз саломига жавобан нописанд йўталгач, пешанасига ой ва юлдуз балқиган ойпарчамни қаллиғи Қаноат боғида меҳмон қилаётган бўлса керак дебон чулдиради, сўнг сен дарбадар гумроҳ қорасини кутлуғ даргоҳимда бошқа кўрмайин маъносида қалам сурилган ингичка қошларини керди-да, дарчани силтаб ёпди Аваз бетига, ҳей дариг!..

Ота-она меҳрига қонмай улғайган ва умрни кўпинча шунчаки эрмак санайдиган Зилолани мудом эҳтиром ила кузатган ва қаршилаган дарча жони аччиқ оғригандай зорланиб ёпилди, ўша заҳоти Ҳожар момо қилган таъна аралаш дағдаға афсусга ғарқ Қурама чўли бўйлаб рутубатли гармсел бўлиб уфурди. Шамолвой каби у, парранда ва даррандалар аҳволини забун айлаб, чор атрофга кўрк бағишлаган зумрад майсаларни кийратди-ю, анвои гул ва дарахт япроқларини бужмайтириб ташлади, ёпирай, бариси атиги бир неча сония ичида кечгани нақадар ҳайратомуз!..

Тобора кучайиб хуруж қилаётган гармселда нафаси қайтган Аваз бир оёғи гўр лабида турган кайвони аёл ёлғонламас деган ўйда елка қисганча дарҳол Қаноат боғи сари отланди. Аслида эса ҳозир бурмача ёқали саккиз тепки атлас кўйлак кийган Зилола жимжит уйда ҳар хил майда-чуйда юмуш билан машғул эди; сахий бойвачча эканини исботлаш тилагида Халил пурча таъмирлатган шином хонадаги нақшинкор тошойна ёнида ҳақиқий омад шикаста дилларни даволаши ва уқувсизлик хусумат етаклаб келиши ҳақидаги эски кўшиқни хиргойилаб бўяниб ўтирарди ва ойни уялтирувчи хусни жамолига жилмайиб тикила-тикила тезда ҳаётини болдек ширин ҳаловатга бурковчи данғиллама тўй-ҳашам, кадр қимматини янада оширувчи гавҳару тиллаю кумуш тақинчоқлар, ўзи шарафига жадал тикланаётган кўп опёнали мухташам кошона хусусида энтикиб ширин хаёл сураётганди, назарида ҳозир ундан кўра худо ортиқча қўллаган ва ошиғи олчи турган бахтиёр қиз бошқа топилмасди курраи арзда ...

Қуриб кетгур ёлғон
қадим дунё тенгдоши,
иблис ҳамдами,
хиёнат ва разолат хизматкори-да...
Аччиғу чучук ва оку қора,
яхшию ёмон ва узуну калта ўртасида
иккиюзламачи воситакаш саналур.
Беқарор муридларига мудом
манмансираб йўл кўрсатади ва
охири уларни
тубсиз ўпқонга қулатажак...

³ Айғам – зол ва олғир (шева).

Сал шубҳа қилиш ҳам ноўрин: азалу абад туб моҳиятига тегишли беҳад муҳим ушбу тушунчалар ҳамиша ҳалоллик, инсофу диёнат, савоб сари дадил қайишиш ва кўнгилни пок сақлаш лозимлигини уқтиради. Ана шу заруратга суянадиган хокисору оқил банда ўтрик билан асло келишолмайди ва мабодо тақдир дор остига боришини тақозо этганда ҳам шубҳасиз рост тарафида муқим қолади.

Фуқарони оғзига қаратиш бобида устаси фаранг Ҳожар момо мазкур ҳақиқат мағзини тузукроқ чақиши учун етти қовун пишиғи бўлса керак. Ғаму андуҳни қувонч ўрнида кўрадиган Шафоат парини жини суймас кампиршо замон ва макон ҳайбатли уммон каби тинмай чайқалиб ётганда бошоғритар жумбоқларни бир четга суриб қўйиш, арзигулик иззату икром ва оғир тош босадиган фойда келтирувчи имкониятларни қўлга киритиш тадбирларини маъқул ҳисоблайди.

Ҳожар момо асосий жиҳатни тушунмаски, ҳеч бир қуюшқонга сиғмас кирдикори беҳисоб, бинобарин, башарасига қалин чарм қоплашу хайрли маслакларни машъум режа асосида қийратиш бобида моҳир ёлғонга тоабат бирдек суяниш иложи йўқ, ахир, улуғ ҳақиқат доғули ноҳақлик қошида ҳадеб сукут сақламайди, мавриди туғилган ҳамоно дарҳол сергакланиб, бепарво қўл қовуштириб турмай, бебошвоқ уйдирма тигига кўксини қалқон қилиб тутади, фириб кетидан қувиб чарчамас тухмат оёқларига охири кишан уради ва ҳамиша оч кўзларига бетўхтов мил тортади. Келгусида ўзани бўйлаб сут шаклида диёнат, меҳру мурувват, сабру бардош ва барака оқадиган Шифо дарёси окни оққаю қорани қорага ажратувчи улуғ ҳақиқат тамойилларини маъқуллаши, инсонни ғафлат уйқусидан уйғотиши, манфурона унсурларни йўқлик қабрига дафн этишда кўмақдош бўлиши шубҳасиз. Ана шунда бутун Қурама чўли ва ҳатто курраи арз бўйлаб чинакам тозариш мавсуми бемалол тантана қилажак...

Чиндан ҳам Ҳожар момо бундай тушунчаларни жилла курса хаёлига келтириш ва ёки кўҳна дунё эзгу амаллар туфайли кадрли эканини андак англаш бобида нўнок, чунончи, алифни калтак дейдиган чаласавод талаба сингари ожизу нотавон эди ва шу боис холис ниятли Авазни тап тортмай бемалол чалғитди. Кўнглида минг хил гина-гидир томир отган бўлса ҳам Аваз у келиштириб тўқиган алдовга лакқа учди, қолаверса, Зилола ҳалитдан чор тарафга доврўғи ёйилган иморатни кўриб завқланиш муддаосида Қаноат боғи сари қанот қоққани эҳтимолдан холи эмасди.

Пихини ёрган Халил пурча қўйнида заҳарли илон асрашини билгандан кейин Зилола албатта чексиз пушаймонга чулғанса ва аҳду қарорини тамом ўзгартирса керак. Йироқларга маъюсона нигоҳ қадаган Аваз бунга деярли шубҳа қилмай илгарилар ва хаёлан Зилолани инсофга чорлар эди. Ҳар қандай адашган кимса ҳақиқий тўғри йўлга тушиб олиши учун аввало руҳини ислоҳ қилиши лозим ва бундай ислоҳ тан билан қалб бирдек покланган тақдирда тўқис амалга ошади.

Дангал хулоса шуки, азалу абад йўриқлари асоси саналмиш мазкур қонуниятни Аваз айниқса мардона ардоқлаши керак, ана шунда илоҳий таскинга эришади, ҳар сония ғайратига ғайрат қўшилиб, хайрли мақсади йўлида учрайдиган, сабру бардоши ва эътиқоди қаторида қалбини аямай синайдиган жамики оғиру энгил ғовларни янада дадил энгиб ўтади. Ҳеч бир шубҳасиз улар ҳар жиҳатдан барча нарсани билувчи ва кўрувчи кароматгўй тангри таоло иродасини ифодалайди, шундай экан, ҳар қандай шароитда ҳам аҳду қарорига содиқ қолсин ва етуклик омили саналган қаноатдан сира қисилмасин...

Аваз иложини топса кўҳна дунё ва бани башарни сарсону саргардон айлаб шишинаётган жами қингирлик, адоват ва ҳасад устидан бир йўла қора чизик тортарди, аттангки, ҳозирча бу борада ожиз, вақти-саоти етиб, Шифо дарёсидан барча башарий сифатларни ўзлаштиргач, салоҳияти бир неча баробар орта-

ди ва нияти шаксиз ушалади. Нимагадир кеча бир баҳонада Ниҳон ошкоравий ғаламислигу иллатлар эмас, хуфия савдойи шўриш ҳамда офатлардан кўпроқ кўрқил дебон огоҳлантирди. Ҳозир кулоқлари остида шу ўғит жаранглар экан, рўпарасидан сарғимтир сочу соколи ўсган, тўқсон яшар чолдек букчайган, тўши яланг ва чўпдек озгин кимса ҳий-ҳийлаган кўйи илдамлаб келаверди.

Кимса теваракка дарғазаб бўри таъқибига учрагандек беҳад ҳадиксираб олазарак боқарди, беш-ўн қадам ҳаллослаб югургач, бирдан тўхтаб бетини қонатгудек бўлиб тимдалар, ғилтиллаб ютинар ва мен топган ёмби қайда тарзида кекирдик чўзиб бақирар эди. Кўзлари ўрасига чўкиб ғилайлашган ва шилимшиқ парда билан қопланган эмасми, кўча четида хода ютгандек серрайган Авазни кўрмай, шамолвой ҳамласи боис енгил шовуллаётган толзор четидаги илгари Заранг дароз ёлғиз сўшпайиб яшаган, эгасини соғингандай маъюсона мунғайган лойсувоқ кулбага бош сукди ва ҳадемай ўша ердан надоматга мойил ёввойи кулгиси эшитилди.

Сароб тахлит ному нишонсиз йўқолган ва ортида мислсиз нотинчлик қолдирган хазинадан ҳамон умид узмаган Норимқул тарки дунё қилган дарвеш янглиғ абгор, беҳушу беҳол, мискин ва жиззаки эди. Рафтори ошланмаган теридай тиришиқ бўлиб, киртайган кўзлари тубида сўнгсиз ҳасрату ғусса чайқалар ва анчайин қалин туссиз лаблари куруқшаб ва пўст бойлаб тарс-тарс ёрилган эди. Ҳадемай кулбадан телбавор алфозда отила чикиб, яна тошлоқ кўчадан ий-ийлаб ва қаҳқаҳа отиб чопа бошлагач, Аваз тириклай қаро ерга кираёзди ва икки ўт ўртасида чийралди, ахир, оиласи теграсида тоқайгача қаттол жабру жафо булутни қанот ёзгай, эй меҳрибон қодир эгам?!

Ҳавода осуда пирпираётган Ниҳон ҳадеб эзилаверип бефойда эканини куйиниб таъкидлагандан кейин Аваз андак юпанди ва Норимқул бир аҳволда кириб чиққан кулбани ҳатто бурда нони ва бир коса обиёвғони йўқ юпун гадо ҳам ҳазар қиладиган ғурбат уйига қиёслади. Сўнг дилидан омад ўзи омадга зор бўлиши, ниҳоят, Заранг дароз ўзи учун ўзи тўқиган ажиб маслак чанғалида яшаб ўтгани бедодлик эмасми тарзидаги фикр кечувдики, ғойибда дутор билан чанқовуз айрича эшилиб хониш айлади ва Қурама чўли гирдига алвон ҳошия тортилган уфққача кенгайиб, шимол томонни тўсган япалоқ тақир дўнглик сийнасига турли шакллар ўйилган кўнғир харсанг пойига пояндоз мисоли тўшалди.

Аваз бармоқ тишлаган заҳоти қоя ўнг ёнидаги куриган чашма биқирлаб қайнай бошлади, чап тарафда шарқираб оқаетган асов сой тўлғаниб чиппа куриди. Ажрик қоплаган кирғоқда яшил сочларини ёйганча чуқур хаёлга толган мажнунтол мен ўзимдан жудоман маъносида хўрсинар экан, найза тумшукли қарғалар таъзирини берган Тажанг тўра қавмдошлари Чегирма тўқайи узра шоду хуррам рақсга туша кетишди. Маълум ва машхур тўқайни умр бўйи мардона кўриқлаган ва охири ҳасад яшини зарбасига учраган эман шамолвой қилиқларидан задасираган мурғак ниҳол билан бетоқат ўксиниб сирлашмоқда эди. Эски хотираларини эслаётгани, ботини ва зуҳурида андух хукмронлик қилаётганига қараганда қисматини Қурама чўли билан боғлаган Заранг дароз дийдорини кўмсаётган эди. Ўтинчи чол туғишган кадрдон инисидай ҳамиша ҳолидан эринмай хабар олгани, қувончи ва қайғусига шерик бўлганини шивирлаб айта-айта тинчигач, шамолвой ва Ниҳон каби тинмай олам кезган ва юлғун шохчасига кўниб нафас ростлаган қовоқари Аваз бурни остида ғурунглашга киришди...

Қовоқари жория қилмаса ҳам Қурама чўлини донишманд ва захматкаш бузруквор деб ардоқлайдиган ва унинг меҳваридан шарбат эмадиган бўтакўз етти йил тирноққа зор бўлгани овоза эди. Бултур баҳорда сабр косаси тўлган ва номусдан ўлаёзган эри андўз охири жаҳл устида учталоқ айтганини ҳам барча бешкўлдек

биларди. Ноилож қолган мазлума узок иккилангач, юрак ютиб чақир тикан никоҳига киргани ва яқинда дуркунгина хушрўй лолаой топгани эса янгилик...

Аваз кўриқчиларга кулоқ тутишни истамаган лайлақлар подшоси Қаноат боғи этагига туташ жимжит чакалақзорда ёлғиз истироҳат қилиб юрганда адашиб қолганини эшитиб ишонмади. Аслида қовоқари зиғирча ёлғон кўшмай сўйлаётганди. Манзилини тополмай буткул тинкаи мадори қуриган ҳукмдор куш ўшанда ногаҳон баттар шўри кисиб, мункиллаган камбағал овчи тузоғига илинди. Узокни кўролган қария шафқатини дариг тутмай бўшатиб юборгани эвазига ундан чинакам мўъжизалар яратувчи қайнар хумча, очил дастурхон ва ур тўқмоқ каби беҳад ноёб буюмларни ундирди ва дунёдаги энг бадавлат одамга айланди.

Баджаҳл қайсар жайралар доим тирноқ остидан кир қидирадиган, икки боласини очликка маҳкум этган, ўзи гоҳ тулки, гоҳ шоқол инида мунтазам меҳмон бўлиб қорин тўйғазган инилари бўрсикни ўлар даражада тошбўрон қилишгани ҳақидаги хабардан Аваз ҳам аччиқланди, ҳам кулди. Қаттиқ жазодан кейин бўрсик бир ҳафта сулайиб ётган эди. Озгина куч тўшлаган ҳамоно шумгазак ғанимлари пайини қирқишга тушди. Фаросатсиз туялар томонидан таланган Қаноат боғида яссибурун каби яйраб семираётган сарик чаён ёрдамида бирин-сирин барчасини тинчитди...

Бойкушлар сардори дангалчи Тажанг тўра роса чўзилган музокарадан кейин калхатлар етакчиси Дов Мугуз меҳмони бўлди. Тўкин дастурхон устида юз йил мобайнида ўзаро ёвлашмаслик ва аҳилу иноқ турмуш кечириш юзасидан тузилган битим имзоланди. Натижада доврўғига доврўқ қўшилган Тажанг тўра Айригум жаридидаги Тош Мугузнинг яқинда дайди ўққа учган укасига тегишли, бинобарин, турли кушларнинг чиройли патлари билан жиҳозланган шинам уяга кўчди, қудаси Шўрачи шумни туғилган кунда ҳар қандай жонзот ҳатто қарагани чўчийдиган йирик чангалзор билан сийлади ва паққос қандини урсин...

Ўрнида итни итгаю битни битга гиж-гижлаб қўядиган ва бу қилмиши баҳона мириқиб мақтанадиган қовоқари бугун кўҳна дунё пасту баландини бинойидек ажрата оладиган зийрак синчига ўхшарди. Ҳар бир хабари Аваз қизиқишини оширди ва дилига нақшланиб қолди. Барисидан ҳам овчи чол эришган ютуқдан роса қувонди, хусусан, у қойил-мақом ур тўқмоқ ёрдамида кеккайган мурдор каслар попугини пасайтириб қўйгани, бева-бечора ва ғарибларни қанотига торгани таҳсинга лойиқ эди. Агар ўша хил қуроли бўлса Аваз дастлаб Халил пурчани тавбасига таянтирарди ва доғули ёнига гулдай нозик Зилолани йўлатмасди. Ҳозир ой юзли малак, Ҳожар момо эътирофига кўра, Қаноат боғидаги шийпонлардан бирида Халил пурча билан айрича нозланиб, гулдай яшнаб ва хандон ташлаб кула-кула суҳбат қуриб ўтирибди...

Аваз пароканда ўйлардан бўшамай ва аллатовур шубҳа оғушида Қаноат боғига яқинлашган заҳоти жазирама пуркаётган куёш сенга сабру бардош тилайман маъносида аста хўрсиниб чимирилди. Чап табақасида дандон сопли эгри ханжар ва ўнгида алвон атиргул тасвирланган улкан дарвозани гўё ўнлаб шайтон кўриқлаётган эди. Анчайин кўпол расмларни, калласи калу кўнгли нозик Халил пурча буюртмаси бўйича, фаҳми пўстак яссибурун чизганини таҳминлар экан, туйкус оёқларидан мадор ариди ва гандирақлаб гуппа йиқилаёзди. Ахир, ишониш қийин, бўсагадан сал нарида бир нечта баланд ёғоч дор қатор тизилган бўлиб, мардикорлар кавлаган айлана чуқурда ўнлаб қўтирлаган туя ва бўталок, айғир-бия ва той, хўкиз-сигир ва бузук жасади қалашик эди. Ичкарироқда куялаган буғдой ва арпа уюмини калта думли ҳаққалар талашиб титкилайди; қорайган тошўчоқларда ланғиллаб олов ёнар ва биқирлаб қозон қайнар эди. Йўғон танаши шилинган олма дарахти остида маъсум кўзларини таҳлика аралаш мунг

қоплаган ҳомиладор она кийик серрайиб турарди. Шўрлик гоҳо телбавор тарзда ирғишлаб, елкасига елимдай ёпишган маймоқ сарик чаённи даф қилишга уринарди. Аммо бу ишни уввало эплолмай, жон аччиғида аламноқ бўзлаб, беҳолу бемадор аста қулагач, Қурама чўли ҳаёти учун хос ўзида ўлишу ўзида тирилиш қоидасига бўйсуниб келаётган Қаноат боғи мотам либосига бурканди.

Қовоқари хабарларини аллақачон унутиб, батгар эсанкираб ғашланган Аваз тезроқ Зилолани топиш иштиёқида эди. Ҳозироқ қайлиғи билан дилдан берилиб сирлашмоғи, яъни сира чўчимай унга Халил пурча авраю астарини очиб ташламоғи лозим, акс ҳолда, ғишт бутунлай қолипдан кўчади-да, барча уволу савоби бир пул бўлиб, юраги тарс ёрилиб ўлади, хайҳот, аслида қаттол айрилиқ ва соғинч исканжасида тирик юрган, ҳар сонияда минг марталаб тавбасига таянган ва йўқни йўндиришга бефойда урингандан кўра ажали етгани яхшироқ эмасми?!

Аваз афту ангорларига чангу тупроқ аралаш лой-луй чапланган, нимкўкиш коржомою темир қалпоқ кийган кимсалар ва тахминан ўн таноблик майдон ўртасида тикланаётган иморатдан нигоҳ узмай режасини пишитгани сайин тобора калласи ғовлаётган эди. Қачондир ғойибда пурвиқор тоғ турганда кумалоққа суяниш гумроҳлик тарзидаги фикр янгради ва туйқус хушёр тортиб ўмганини кўтарди. Энди назарида ҳайбатли бино ҳатто ҳаёл етмас олис минтақадан кўчириб ола келинган ва ушбу майдонда эҳтиётлаб кўндирилган эди.

Эй худо суйган ёронлар,
суврати чиндан ҳам улуғвор,
аттангки,
сийратида турфа ишқал мужассам,
аниқроғи,
асло ишқ тимсоли эмас,
аксинча,
кулфат даракчиси эрур.
Ана, бутун қиёфасида сохталик,
ашаддий фириб,
мағорлаб битлаган фитна яширинган...

Тошлари

*зам ва машаққат тоғидан келтирилгани,
ғиштлири эса*

*дарду бало тупроғидан ясалгани⁴
ва таназзул сари элтувчи
кибру ҳаво зуваласига йўғрилгани
офтоб каби равшан...*

Ҳаргиз меҳру вафо нуридан маҳрум,
яхшилик ва ихлос гавҳарига тоабд бегона,
заволот ва таназзулга ҳамдаму ҳамнафас,
хиёнат билан иноғу иттифоқдош,
демак,
поклик дунёси ва
имону эътиқоддан айро!..

Янада дангали шуки, ҳатто Камолон шаҳрини безаган кўпгина улкан уйлар билан бемалол беллашадиган мазкур бино аслида Заранг дароз ўзи учун ўзи яратган замини бўш маслак, бинобарин, ақл бовар қилмас азобу укубатдан иборат турмуш тарзи самарасига ўхшарди, аниқроғи, ўтинчи чолни бир неча йил

⁴ Алишер Навоий.

мобайнида мунтазам қийнаган чегарасиз аламу армон, ҳасрату соғинч, умидворлик ва надоматнинг таърифлаш амри маҳол пойдевори узра бўй чўзганди. Бежирим бағдодий эшигу ромлар, занжирдек чирмашган қалин деворлар ва моҳирона сайқал берилган турли нозик нақшлардан чўлпараст қария омонат дунёдан ўзимни топмай ва кўнглимни англамай ўтдим маъносида телбавор мунғайиб боқаётганди, ҳатто улардан дилларни алғову далғов айлагувчи ва сезимларни нозик тебратувчи маҳзун кўшиғи узлуксиз ларзон-ларзон таралмокда эди...

Ҳалитдан чор тарафга довруқ таратган иморат тезда шаксиз тўласинча битиб, ҳавас қилса арзийдиган муаззам кошонага айланади, барча тирик жон қаторида, ҳар бир зарра ва ҳатто ҳиммат бобида тенгсиз куёшни ҳам бемалол мафтун этади. Сўнг оҳорли-нафис келинчақлик либосига ўралган, ингичка қошлари ва шаҳлолари ўсмаю сурмага беланган Зилола иқболи кулган ва эртаси ойдин сулув бека сифатида остонасидан ҳатлайди, бетакрор файзу шукуҳга тўлғин ойли ва ойсиз сокин кечаларда шинам хоналаридан бирида Халил пурча кучоғида жайрондай эркаланиб ва ўтли эҳтирос нашидасига чулғаниб ётади, ҳайҳот, эй Норимкул ўғли мулла Аваз, машаққати беадад олис йўлдан умид ила тиним билмай Шифо дарёси сари талшинаётган сендек ориятли ва имони бутун ўғлон учун бундан-да оғир ва ноҳуш кўргилик борми ёруғ дунёда?!..

Ўн саккизинчи сайр

Фалак сари юксалган бино ҳузурида
 Аваз кенг дунёга сиғмай титранар экан,
 кўксини ёргудек безовта тепаётган юраги
 ундай мудҳиш ва чигал ҳодиса
 бошқа йўқ деб ҳайқирди.
 Заранг найнов суврати билан сийрати
 ўртасида адашиб яшагани хусусида
 яна бир бор фикр юритган Аваз
 худодан ўтина-ўтина юпанч тилади.
 Ногоҳ шунда Курама чўли
 бағри тилка-тила бўлиб ингради,
 уфқ сари думалаган куёш,
 кумуш балдоқ каби нафис ҳилол ва
 кўкни безаган беқасам тусли камалак
 гирён-гирён ёқа чоклади,
 улкан қоялар питраб тўкилди,
 саксовуллари чечаклар бовур доғлаб,
 жайронлар мўлтираб аччиқ-аччиқ ёш тўкди...

Тез орада рўй беражак ўша мусибат, бинобарин, Зилола Халил пурча қўйнига охудай тўлғаниб кирадиган кун қайғуси Аваз назарида пурвиқор тоғдай залварли эди. Аста-секин бу хулоса шуурини ажриқдай чирмаб, бахту тахти саналмиш муҳаббатини бой бериш ҳаётини ўнглаш ва қалбини ислоҳ қилиш учун суву ҳаводай зарур барча имкониятни йўқотиш билан баробар эканини яна бир қарра уқтирди.

Худо ҳаққи тушуниш амри маҳол, ахир, қаттол ҳижрон сандонида тобланган Заранг дароз наҳот пихини ёрган ва таралабедод қилиб яшайдиган Халил пурча манфаати учун бир умр тинмай тер тўкибди. Хушомад қасри Заранг дароз жасадини босиб-янчиб қад ростлагани чиндан аянчлидир ва бу ҳодиса қайси рисолага тўғри келади. Ҳунаргир аждодлари ёдини мудом эъзозлаган Заранг дароз, азобу укубатни роҳату фароғатга тенглаштиргани етмай, жанда чопонда

асралган хазинанинг атиги увокдай қисмини кундалик тирикчилиги, қорни ва усту бошига яратмай қисинибди. Сал муқаддам Аваз афсус ичра ўйлаганидек, чиндан ҳам қурмагур битини сиқиб қонини ялаган Халил пурча қавмига мансуб бўлиб чиқди. Доим ўзини шафқатсиз йўсинда мискинлик ва фақирликка маҳкум этгани тушуниш амри маҳол феълу атвори нишонасидир, демак, Мажид гушна ва шериклари унга кўр-кўрона ихлос қўйиб инсофга энишган ва ҳидоят йўлига киришган: чексиз машаққат эвазига бунёд этилган Қаноат боғи тангри таоло мағфиратига эришишлари борасида жиддий восита вазифасини ўтаган...

Кажфеъл чархдан нолий-нолий ўртанаётган Аваз, аламини кимдан олиш ва пешанасини қайси тошга уришни билмай, серажин ҳамда озғин бетлари чўян янглиғ чуйкалган усталару ҳашарчилар атрофида жимгина ўралашди ва охири истараси иссиқ ўрта яшар пакана кишидан хиёл чўчиб Зилолани суриштирди. Енглари шимарилган ва башараси ҳамирдай кўпчиган пакана у яқин орада кўринмаганини талмовсираб айтгач, ҳафсаласи беҳад пир бўлди ва икки дунёси куйишини сира ўйламай тилидан тойган Ҳожар момони афсусланиб лаънатлади.

Зумда чор атрофни кезиб чиққан Ниҳон увада лас чопондаги ғазна сеҳридан кимдир мағлубу кимдир ғолиб бўлганини эслатган заҳоти Аваз баттар ғашланди, аниқроғи, Тегана қишлоғи, Курама чўли бўйлаб ий-ийлаган ва оғзидан кўпик сачратган кўйи чошиб юрган Норимқул рафторидаги ваҳима сояси яна бир қарра руҳини тундек зим-зиё қилди. Хиёл шанғиллаётган қулоқлари остида мен топган ёмби қайда хитоби янграган чоғда безовта нигоҳи муздек совуқ таъқибкор нигоҳ билан тўқнашди. Турли ашё ва қақир куқирлар орасидан кўхна дунёда муҳим мавқеи борлиги ва бу имконни сафарбар эта билишига қатъий ишонган қизилбош мўралаётганди. Бигиз тешигидай митти кўзларини қамраган оч яшиллу сарғиш аланга темир ҳавозадан берирокда кўлларини белига тираганча охиста чайқалаётган Халил пурча боқишларида жам қаҳру ғазаб ва ғараз ифодаси эди. Қурилиш суръати ва сифатидан қоникмаётган сардор бурқиратиб тамаки чекаётган, хумсимон бошига соявонли носранг қалпоқ кўндирган ва тумтоқ иягида чечак изи қолган ғундалак ишбошига кўлларини пахса қила-қила ғудраниб кўрсатма бераётганди; хўппа семиз силлик ёноклари анордай қизаргани, тақасимон мўйлови ғалати тикрайгани, сийрак қошлари ўртасини чандиқ тахлит тугун эгаллагани ва қирра бурни жийирилганига қараганда бинойидек сархуш эди.

Сиркаси сув кўтармайдиган ғундалак дор остидан қочган айрим ўламса ялқовлар қозон бошида танда қўйишу қорин тўйғазиш ва панада хуррак уришдан бошқа корга ярамай асабини бузаётганидан ижирғаниб нолий бошлаганда Аваз боғдан узилганди. Ҳадемай чор атроф димикиб, бутун борлиқ англамсиз рутубат ходирига ўралди ва Аваз кўнгли ҳам аллатовур нотинч бўлди. Шайтонлиги тутган қитмир шамолвой визиллатиб хуштак чалганча сўлинқираган дарахт япроқларини тўкаётганда анча тик бархан этагидан етти қийғир каби кўпдан буён кўринмай қолган Олача карвони жадал суръатда шовқин солиб ўтаверди ва ҳадемай эллик қадамча нарида қоронги гўрни ёриб чиққани яққол сезилиб турган ҳамда сарғайган сурп кафан ёпинган Заранг дароз қад ростлади.

Уқпар булутлар ёриғидан сизаётган куёш нурларига осилиб учаётган Ниҳон шундай ҳол рўй бериши лозимдай зиғирча пинак бузмади. Дафъатан кўзлари соққаси кенгайган Аваз эса жони борича отахон деб қичқирди. Яланг оёқлари ва чўяндек қорайган ёноклари териси кўпчиб палахса-палахса ёрилган Заранг дароз нигоҳида мен доим тирикман, кадрдон Курама чўли ва Шафоат пари бағрига тоабат қайтдим тарзидаги ажабтовур маъно чўғдек чакнаётган эди.

Чиндан ҳам Заранг дароз карами кенг тангри таоло иродаси билан ҳайратга

молик бошқа ҳаёт бошлаган кўринади, ортидан мамнун ҳанграб эргашиган чинок хачирга қайрилиб қарамай, елка қисиб одимлар, навкирон йигитдай мулойим илжайиб ва яланг тўшига муштлай-муштлай хиёнат тиғидан бовури пора-пора Шафоат пари дийдорига интиғу интизор эканини куйиниб баён айлар эди. Сал ўтмай ғойибда сен ҳам эътиқод, ҳам аросат одамисан, шу боис туяётган соғинчинг ботинида ғурур ва ишонч қаторида мискинлик ва маломат мужассам деган нидо янгради. Ажиб мусиқий оҳанг касб этган нидо сукунат ичра сукунат, сароб ёнида сароб бўлди ва ўша заҳоти туғилган сирли пардани кўйлаги ёқасига кирпи кўндирган ва кўзлари киртайган Шафоат пари пилдираб ёриб чиқди ҳамда Заранг дарозни чўли биёбон ичкарасига етаклади...

– Ҳай, полвоним, намунча қайсар ва тинмасак одамсан, қабрдаям тинч ётишни истамабсан-да!?! Биламан, шу баҳона яна бир марта беқарор дунё устидан кулмоқчисан! Ёки мани соғинганинг учун тирилдингми, балки жанда чопонингни кўргинг кегандир?! Эй худо, тез орада сен билан лаҳадда қовушмоқчи эдим-а!

Тўпиғидан қайноқ кум кечиб олазарак йўрғалаётган Шафоат пари бекорчи қулоқ топганига ишонган ҳолда гинаю кудуратни тўлиб-тошиб саржиндай қалаштирди, сўнг туғилмай гулдек қовжираган гўдақларига ҳануз азадор эканини айта-айта инграиб сочларини юлар экан, Аваз нозик жойига бир йўла ўнлаб тиғ санчилгандай бўшашди. Жанда чопон ўрнида баданини ёпган сарғиш сурп кафан учини хушламай ғижимлаётган Заранг дароз ҳам Шафоат парининг юракка жизиллаб тегадиган ҳасратларини хомушона тинглади, чархи каж бевалик унвонини қадимда тасдиқлаганини истехзо билан орага қистиргач, анчайин тиниқ товушда суйган кўшиғини тўлиқиб куйлай бошлади. Надоматли оғриққа йўғрилган сатрлар тақдир кулфатлари ва кўнгил кемтиқларини эслатиб янграган заҳоти Қурама чўли шиддатли йўсинда оғир силкинди, сокин товланаётган мовий осмон бағри куйиб кўмирдек қорайди, поёнсиз ўлчамлар супрадек торайиб, пурвикор тоғлар нурай-нурай қулади.

*Гул билан гул қовушмас,
Ҳижрон эрур бу олам.
Ғам кулганда жон кулмас,
Қонга бўлур қон малҳам.
Мангу бедор қуш висол,
Қафас эрур шум ҳижрон.
Севги бўлса гар увол,
Бахт етиму дил вайрон.
Қайдан сени сўроқлай,
Бағрим ёнар гирёна.
Охир изинг тополмай,
Ғамга бўлдим ҳамхона...*

Заранг дароз юраги кўри, эҳтиросу изтиробларини жамлаган сўзлар ҳаргиз афсунгар эди ва замирида пинҳон сирли жоду бурунгидек яшин тезлигида Аваз қалбини истило қилди. Натижада қутилмаган илоҳий ўрамга тушиб қолди, Заранг дароз каби меҳру оқибат гадоси ва андух ҳамхонасига эврилганини туйиб, ақлу хушини ўнгласаки, Қаноат боғи яқинида, иситмалаб ва қону зардоб ютиб, етим бўталоқ каби чалқанча чўзилмиш, тепасида Ниҳон маъюсланиб муаллақ қотган...

Аваз кўрган ғаройиб туш тафсилотини хаёлидан кечираётган Ниҳон вақт ганимат экани ва олдинда чексиз азобу уқубатга тўла олис йўл кутаётганини анча кизишиб эслатди. Ниҳон ҳақлигига имон ўтирган Аваз худодан сабр тилай-тилай

олга босди ва кўп ўтмай оёқлари тушовланган тойдек беихтиёр саросар тўхтади, негаки, Қаноат боғига ёндош қалин саксовулзор орасида юзлаб таноб ерни эгаллаган, пахса девор билан ўралган ва бақиру чақирга кўмилган равог бўйлаган эди. Қандайдир эълон ҳақидаги хабар битилган қоғоз ёпиштирилган тахта пешига кўнган Ниҳон Халил пурча тасарруфидаги қиморхона қошидасан деб шивирлар экан, сира буни кутмаган Аваз баттар каловланди, айна пайтда кўнгилида ичкарига кириш иштиёқи туғилди ва илдам олга юрди. Вожаб, кўш табақали темир дарвозани кўкнор тутунидан сархушланган ва нимдош шоҳи белбоғига ўрма камчи қистирган яссибурун кўриқлаётган эди.

– Ҳи-хи-и, тезагингни тер, шўртумшук! – Аваз ҳозирок бўғзига пичоқ тирайдигандек, яссибурун кўзлари пахтаги ағдарилиб қичқирди. – Энангди учқўрғондан кўрсатмай туёғингни шикиллат! Нима бало, хумпар, елканг қулинг ўргилсин шаллок⁵ таъмини соғиндими?! Локин ўзиям кўлим кўпдан бери ёмон қичияпти-ёв!..

– Бир пиёла сув берарсан, жигар?!

Асаби таранглашиб баттар олайган яссибурун сендақа сахро қашқирга қишда парча муз ҳам ҳайф дея кесатди, сарғайган тишларини ғичирлатганча камчи дастасини тутган чоғда Айригум жари тарафда Тоғай нола чекди, оху фиғони кучайиб тинган заҳоти олисда нуктадек соя жимирлади ва ҳадемай йириклашиб суворийга айланди. Аваз кўзлари ола-кула бўлиб елаётган Қарчиғай белида виқор тўкиб ўтирган ва камарига заррин қопчиқ осилган Халил пурчани таниган заҳоти даҳанаки жангга ҳозирланди. Тинмай безовта кишнаётган бедовдан сакраб тушган Халил пурча, чўнқайганча мириқиб чилим сўраётган яссибурунга бирров қараб тамшангач, Аваз сари ўтирилди ва дафъатан совундай кўпирди.

– Қанақа бетайин одамсан, жигит? Доим дашту далаларни эринмай титиу пит қилиб нимадир кидирасан, лекин топганинг ҳеч вақо! Мен эса истаган нарсамга ҳатто қорним сувини қимирлатмай эришаман!..

– Тўғри, сиз балойи азим ўқисиз! – Аваз нафсонияти симиллаб оғриб кетганини дангал ошқор қилди. – Сиз шайтони лаъиндан сабоқ ўзлаштирган соатларга минг лаънат!..

– Овв, кўп ҳаддингдан ошма, галварс! Ҳимм, тунов куни Қаноат боғида тикланаётган қаср қошида кетинг куйди-я! Қаср лойихаси Зилола назорати остида чизилган!

– Ҳимм, чоҳ қазипти-да ўзига!

– Кўп шопирилма дедим, занғар! Ахир, сен билган тераклар аллақачон кесилиб кетди-ку! Тангри ёрлақаб, мен ўзимга маъқул теракларни қатор қилиб эктим ва энди кўкдан истаган юлдузимни узиб оламан!..

– Оббо, шунчаям жўнми бу юмуш?!

– Мен учун албатта жўн! Хўш, жулдирвоқи, биламан, бечора киссанг ўғри шилгандай бўм-бўш, шунга карамай, сени ҳар кун зўрлар йиғилиб куч синашадиган даргоҳимга таклиф қиламан. Овв, шўртумшук, мен билан ошиқ суришмоғинг керак. Начора, ақчанг йўқлиги сабабли ўртага ўзингни тикасан ва ютқазининг аниқ!..

Халил пурча ҳатто жумлаи оламни лолу ҳайрон қилувчи хунарим жуда бисёр дегандай лабу лунжини шишириб ишшайди; овозидаги кибру ҳаво ва ғурур оҳанги аралаш истехзо чиндан ҳам Қурама чўли тугул бутун заминга татигулик эди. Недир шубҳага чўмган Аваз ўзини тағин ҳам шоду хуррам ва эркин тутаётган сардор ортидан хушламай эргашгандан кейин ҳайратига ҳайрат кўшилди.

Худо ҳаққи ишонини қийин, ахир, қачон қурилгани номаълум равог ечими топилмас жумбоқдан иборат ажиб олам эди; гўё коинотдаги аллақайси ўлчами йўқ ўлчамдан андоза олганди ва ҳар қадамда мазкур силсилада фақат кўнгили майл-

⁵ Шаллок – калтак (шева)

ларини ёқловчи дахлсиз қонунлар амал қилишини уқтирувчи мужмал битиклар учраб турарди. Муҳими, шунга яраша, қадамда ҳазм қилиш амри маҳол риё ва фириб, аниқроғи, инсоф пайини қирқадиган ғирромлик ҳукм сураётганди: қатор тизилган димикқан уйларда ошиқ ва қарта ўйини, тўрдаги махсус майдонда беданаю хўроз, иту кўчқор уриштириш авжига чиққан бўлиб, ютуқдан умидвор кайфи тарақ каслар бақиру чақири кулоқни қоматга келтирмоқда эди.

Аваз айрича ихлос нишонаси саналган ёғоч катакчаю катакларда меҳр ила боқилаётган турли ёшдаги юзлаб бедана, хўрозу кучук, кўчқору буқалар жамоасини кузатиш асноси чуқур мулоҳазага берилди. Ростдан ҳам Халил пурча Қурама чўли ҳаётини безаган шу жониворлар билан ёшлигидан буён роса чиқишади, бинобарин, уларни уриштириш ҳадисини пухта билгани боис мислсиз шухрат орттирди ва ажаб тарзда бойиб кетди. Энди эса олдига янада қатта мақсад қўйган кўринади, яъни ихтиёридаги маконда, тил бириктирган муридлари кўмагида, барча рақибини тузоққа осон илинтириш, бурнини ерга ишқалаш ва чўнтагида борини ҳатто бир мири қолдирмай қоқиштириб олиш истагида бўлса керак...

Кунботиш саридаги гулзору сабзасор қўйнида бўйлаган ва қуббасимон томига сидирга қизғиш лахтакчалар ёпиштирилган улкан катак кўринганда Халил пурча беихтиёр мийиғида кулди ва тугмасимон кўзларида камина ёруғ дунёдаги барча парранда ва даррандани оталиғига олган васийман тарзидаги маъно ифодаланди. Сувратию сийратида барча тирик жон, ҳатто яхшию ёмон, аччиғу чучук албатта мен билан ҳисоблашур деган ақида яширинган мазкур бошпана замин қаъридан кўзиқориндек ўсиб чиққан ва чиройини тантиқланиб намойиш қилаётган кулбага менгзарди. Одам бели баробар ғиштин девори, нақшинкор ёғоч дарчаси, қалин тамал тоши ва оҳакланган шифтини туташтирган гулчин нақшли темир устунлари кўзларни қувнатиб товланаётган эди.

Махсус буюртма асосида

Халил пурча дидига мослаб қурилган катак
чиндан ҳам бетакрор меъморий дурдона бўлиб,
ичида,

не мудҳиш савдоки,

кўпдан бери ному нишонсиз кетган ва

Аваз ташвишига ташвиш қўшган

е т т и қ и й ғ и р

бору йўқни унутиб мудрамоқда эди...

Тақдир ҳукмига кўра, ўзи ҳам тутқун бўлгандек, ҳангу манг ҳолда қаттиқ ўкинган Аваз аста кўксини чангаллади ва ярамас кўзларим нечун оқиб тушмаёттир деб ғудранди. Назарида қандайдир куч таъсири остида ҳозир ҳаёт кадрини йўқотган ва бошқача ўзанга кириб қолган, аниқроғи, садоқат ва меҳру шафқатга суянувчи эътиқод катак бўсағасида фаолиятини бутунлай яқунлаган эди, беномус хиёнат билан тил бириктириш бобида устаси фаранг разолат эса имону ихлосни камситишдан бошқасига ярамайдиган омонат амалларни сафарбар этаётганди.

Ҳамон айрича ғурур ва завқу шавқ туюётган Халил пурча бежирим заррин қопчиқдан мўралаб вишиллаётган қизилбошни эркаловчи илиқ сўзлар орқали улуғлаб чарчамасди. Баъзан руҳи сирқираётган Аваз бетига ўқрайиб тикилатикила кўксига газаклаб ётган мудҳиш эски дардни қайта-қайта супра қилиб ёяр, яъни етти ўғри тимсоли саналган етти қийғирни ашаддий ғаними сифатида тутақиб лаънатлар эди. Томирларида Мажид гушна ва у бошлиқ қаззоб ўғрилар қони оқаётган жониворларни тезроқ тузоққа илинтириш учун тузган турфа режасини шу қадар мириқиб таърифладики, Аваз оч биқинига тепишдан зўрға тийилди.

Халил пурча машғум ниятини амалга ошириш ва хумордан чиқиш истагида бир кўчада якдил тепкилашиб ўсган Камонча лақабли овчи дўстини катта сармоя эвазига ёллаганди. Ҳалигача Мажид гушна тўплаган хазинани топиш ва бойлигига бойлик қўшиш фикридан қайтмаганди. Касбу кори устаси бўлган Камонча дарҳол овга отланди: тоғу тош, ўру қир, тўқай ва дашту далаларда ҳаловатидан кечиб танда қўйди. Лекин бирон тайинли нагижага эришолмай аламга тўлди. Сўнг айёрлик бобида отнинг қашқасидек танилган кушбоз чолдан ўргатилган олғир қарчиғай ундирди. Айригум жаридеги инларида тинчу хотиржам яшаётган етти қийғирни чангали дов ўша йирткич кучли ҳамлалар орқали осон овлаган, яъни чўқилай-чўқилай юксаклардан беҳушу беҳол қулатган ва қолгани аён: улар эришган ҳар неки бойликни буткул тортиб олди катак...

Ўн тўққизинчи сайр

Хабар бергил, эй қодир эгам,
 Тириклик ирмоқлари қай хил ўзанга тушди
 ва оқибат қолдими оқибатда?!
 Эй саховатли парвардигор,
 мулки муборагинг бўлмиш фалақдан
 илоҳий нажот ёмғири нечун тагин ёғилмаётир?!
 Гоҳо шивалаб ва гоҳо шаррос қуйиб,
 нобакор темир панжарали катакни
 нечун бир йўла яксон айламаётир
 ва ер юзидан супуриб ташламаётир,
 муҳими,
 шўри қисган етти қийғирни
 мардлигу жасорат йўриқларини тутишу
 кенгликлар сари талпиниш
 ва хайрли умидлар сарҳадини
 кучишга ундамаётир?!
 Надоматга мойил фикрлар Аваз билан Ниҳон кўнглини ҳовуч-ҳовуч чўғ бўлиб
 камради, ҳатто муаззам куёш, тўлин ой ва юлдузлар ҳам шу хил мулоҳазалар
 оғушида сим-сим қуймоқда эди. Кафтдаги йирик тўртбурчак ўйинчоқни эслатув-
 чи темир панжарали катак эса пинак бузмай турар ва бу ҳолати Халил пурчага
 алоҳида шодлик бағишлаётган эди.

Илож қанча, ушбу онларда Курама чўли ҳаётини тамойилини белгиловчи ўзида ўлиш ва ўзида тирилиш ҳодисасини ҳақиқий мувозанатдан маҳрум сирли моҳият бошқараётганди ва шу ўзгариш туфайли жуда кўп ўлчовлар қадри йўқолиши ҳеч гап эмасди...

– Тавба, алдаш ёмонми ёки алданиш?! Найзадек тўғри теракни қийшиқ дебон кесиш ва ёқвориш инсофданми?! Топишим йўқотишу йўқотишим топиш бўлса, ўзим ўрталиқ қурбони эканман-да?! Ахир, интила-интила Шифо дарёсига яқин келдимми ёки ундан узоклашдим?!
 Аваз темир панжарали катак сари мўлтираб қарай-қарай кўнглида борини тўқар, тўккани сайин гоҳо хиёл енгил тортар, гоҳо ғашлиги кучайиб лоҳасланар ва Ниҳондан бирон имдод кутар эди. Тобора хомушланаётган Ниҳон негадир аввал чурқ этмади, салдан кейин сабру қаноатга суяниш руҳига қувват ва ши-жоат бағишлашини уқтирди. Ошналар Халил пурчани офат бандаси сифатида лаънатлай бошлаганда етти қийғир потирлаб уйғонди ва силлиқ сувалган бетон

устунларга туташ пастаккина ёғоч охурчалар томон талпинди. Зўр иштаҳа билан аҳилона донлашиш асноси тинмай чуғурлашар ва овозлари Аваз шуурида карами кенг қодир эгамни улуғловчи шукрона сўзларига эвриларди. Қоринлари тўйган ҳамоно финжон тахлит шиша идишлардан сувлашиб, шошилмай жойларини эгаллашди ва тагин ёнма-ён ётиб кўзларини юмишди...

– Энди аниқ билдим, юрагингиз бир парча муз экан! – Аваз гўё мисли йўқ оғир таъна тошлари орқали Халил пурчани бир йўла анжирдай мажақлаб ташламоқчи эди – Нима бало, ёруғ дунёни разолат ва алдовга тўлдириб юборишми мақсадингиз?! Янглишмасам, бу борада сиз йўрғақдаёқ шайтон билан битим тузгансиз ва ўша битим иншооллоҳ охири фитна ғиж-ғиж бошингизни егай!

– Овозингни ўчир, тирмизак! – Халил пурча бўғзига аччиқ йиғи аралаш қахру ғазаб ва нафрат тикилган Авазни кўрсларча қайириб ташлади ва тугмасимон кўзларини йириб ўқрайди. – О-о, сен ярамас, сен фаҳми пўстак ниманиям тушунардинг!? Мен бурчимни бажараяшпан ва бўйнимда қолган эски қарзни узаяшпан!..

– Нақадар эгри ичагингиз!..

– Хўш, айт-чи, маҳмадана, бир вақтлар чангалидан қон томган Мажид гушна, ҳа, ўша ҳаромхўр, отам Розик қиморбозни итдек хўрлаб ва молу мулкани талаб тўғри қилганми?! Раҳматли қазои муаллақ чоғида боладек хўнграб айтган васиятини унутсам, гуноҳи азимга ботмасмидим ва дўзах ўтида тоабад ёнмасмидим?!

– Менимча, кек сақлаш бефойда! – Заррин қопчиқни ғимирлаб тарк этган қизилбош Халил пурча бўйнига ўралгани ва қўйнига кирганини кўрган Аваз қаҳрагон совуқда жунжикқандай ногоҳ сесканди. – Ҳақ йўлига кирганлар кечиримга лойиқ!..

– Сафсагандан тўйдим, хумпар! Худо эҳтимол гуноҳларидан ўтгандир, аммо мен асло ўтмайман! Хўш, ҳозироқ каллаларини шартга узиб таплашим мумкин. Локин бу жазо арзимамайди. Манови гўшада охирги нафасларига қадар осмон ва чўли биёбонни соғиниб қуйманишса бошқа масала: бундан кирои завқланаман ва падарим арвоҳи шод бўлади!..

Халил пурча таънаю маломатга йўғрилган нутқини яқунлагандан кейин нарироқда серрайиб турган яссибурун гарданига етти қийғирни алоҳида назоратда туттиш, яъни уларни қулай шарт-шароит асосида озуқа ва сувга зориқтирмай муносиб парваришлаш бўйича вазифа юклади. Чиндан ҳам мен аслида инсофу диёнат одами маъносида ишқиргач, энди иккимиз тўйиб май ичамиз-да, зот талашамиз дея ғудраниб, салобатига кўра кескин ажралиб турган кўп хонали оқ уй сари ошиқди.

Оёқ тираш бефойда эканини пайқаган Аваз ноилоҳ патгиламу адрас кўрпачалар тўшалган айвонда гоҳ сафсата сотиб, гоҳ ҳазил-мутоиба отиб қимор ўйнаётган бандалар даврасига қўшилди. Назарида тўқину сочин дастурхон ёнига шамолвойни тулпор қилиб минган ва тоғу тошлар оша етиб келган шайтон ҳам кўр тўққанди. Кўнгли чўккан Аваз қиморга наҳот ўзимни тиксам деб оғир хўрсинган пайтда Халил пурча ютоққандай устма-уст икки коса шароб сипқорган ва қарийб ақлидан адашган эди. Кўп ўтмай бутун давра аҳли буткул алжираб қолди, тонг сутдек оқарганда барчаси ҳар жойда сулайиб ётарди; ўқтин-ўқтин оёқларини ўйнатиб ҳавони тепишар ва телбавор тарзда минғирлаб алаҳсирашар эди.

Ярим кечада Зуҳал юлдузида малоикалар меҳмони бўлган, Қаноат боғи билан равоат ҳаётида кечаётган турли нохуш ҳодисалар атрофлича муҳокама қилинган мажлисда иштирок этиб қайтган Ниҳон ёнида субҳидамни бедор қаршилаган Аваз нафси ҳакалак отган гумроҳлар ўлиқдан ҳам баттар эканига имон ўғиргач, чексиз надоматга лойиқ қалтис вазифани зиммасига олган катак дарчасини ланг очди ва илжайиб кафтини кафтига ишқалади.

– Фақир содиқ иниларингман!..

Нимагадир Аваз шундай дейишни лозим топди, лекин холис нидоси анча семирган ҳорғин нигоҳли етти қийғир қулоғига етмади ва ҳеч бири кўнглини ёрмади; ҳатто туморли қийғир ҳам сукут сақлади. Сўнг улар айрича орзиқаётган Авазга қайрилиб қарамай, малол ичра эринибгина ташқарига йўналишди. Аввалги ўқтамлигу журъатдан маҳрум ҳолда, хушламай ҳорғин одимлашар, бирон ёвуз махлуқ таъқибига учрагандек, аллатовур ҳадиксираб жавдирашар эди. Бир неча сония бўсағада типирчилаб туришгач, маъюсона сайраб кўк тоқини нишонга олишди. Аста-секин қуёшдан нур эмгандай кучу қувватга тўлишди-да, тезлик суръатини муттасил ошириб, мовий бўшлиқда учраган тўсиқларни енга-енга олис манзиллар сари интила бошлашди. Охири нуқта каби кичрайиб, фалак сахнига турфа нафис шакл бўлиб нақшланган анвойи ранглар билан бирлашиб кетишди: яна хурлик мақомига эришганлари учун Қурама чўли, бутун борлиқ ва ҳатто арши аъло хайрихоҳ тарзда қутлов ёғдирмоқда эди...

– Ҳе-е, хайрият, худойим қўллади-я!..

Розиқ қиморбоз васиятига содиқ қолган Халил пурча ниятини дангал чиппакка чиқарган Аваз кўнгли ёришиб айрича энтиқди; гўё Шифо дарёси соҳилига қадам босган ва қалбида чексиз суруру севинч кўклам абри найсонлари мисоли жўшиб тошаётган эди. Назарида Халил пурча суянчиғи бўлган катак қадру қиммати йўқолганди. Чиндан ҳам у аввалгидек теваракка мағрурона боқиб керилмас, аксинча, шира бўронда ивиган гувала қулбадай чўккан ва шашти сўнган эди.

Сокин ҳавода шовурсиз муаллақ юзаётган Ниҳон янада ҳарир товланиб қувончини изҳор қилди, тангри манзур санайдиган хайру савобга сира чўчимай қайта қўл урган Авазни қулоч ёзиб қутлар экан, қитмир шамолвой хуштак чалиб, ҳар жойда масту аласт чўзилиб хуррак тортаётган давра аҳли устига хазон, кум ва тупроқ сочди. Ҳаммадан аввал қовоклари кўпчиган ва оғзидан қора сўлакай оқаётган яссибурун инқиллаб хушёр тортди, сирқираб оғриётган хумдек оғир бошини чангаллаб, хавотир ичра оқсоқ нортуюдек лўкиллаб катак томон чопди.

– Эвоҳ, қуришти-ку шўргинам!..

Тутқун қушлар ному нишони кўринмагандан кейин кайфи тумандек таркаган яссибурун бирдан ўтақаси ёрилиб айюҳаннос солди ва кутургандай дарчани тарсиллатиб тепди. Жағи бир томонга қийшайган Халил пурча сари қарагани сира ботинмай, музлаган қўл тубидан чикқандек, лаблари кўкариб қалтирар, тиззалаб ер ўпар, тилини ҳаққа чўкигандай ғулдураб афу тилар ва дафъатан туғилган бемаъни мушкулотни Камонча жуда осон ҳал қилажагини таъкидлар эди...

Халил пурча хону монидан айрилган ёки оёқлари жодида қирқилган кимсадек тутақди. Бўшаб қолган катакка тикилгани сайин баттар бўғилиб кўрсларча сўкинарди. Айни пайтда эшигим сиғиндиси бўлган битлиқи Норимқул папалаб ўстирган арзанда жонимга чикқан чипқондан ҳам баттар деган захардек аччиқ ўй миясини куядек емираётган эди. Сўнг биргина имоси билан тақрон майдонда ошиғич йирик ўра қавланди ва ишидан севинаётган Аваз унга бўғзигача кўмилди.

Ҳаял орасида қора терга пишиб бўғриққан ва ҳансираб аранг ҳаво ютаётган Аваз ер юзида шайтон ҳамтовоғи кўплиги, лекин ҳеч бири Халил пурча олдида ип эшолмаслиги хусусида фикр юрита-юрита нуқул кинояли жилмаяр эди. Бутун борлиғини ўра девори чор тарафдан занжирдек қисгани сайин хотиржам тортаётганди; қуёш тифида қорайган ёқимтой бетига тариқча қурқув, талваса ёки эсанкираш аломати сезилмас, аксинча, умиду ишончга йўғрилган қатъият ифодаси ҳукмрон эди, муҳими, ўзанидан инсон учун суву ҳаводек зарур хислатлар ошшоқ сут бўлиб оқадиган Шифо дарёси дийдорига етишмоқ тилаги жўш ураётганди бағрида...

– Аваз, биласанки, руҳ тан ва жон қалқони!..

Катак устунларига суйканаётган Ниҳон хитоби баҳона Аваз дилида тотли кайфият уйғонди ва ҳар битта ҳужайрасида ўнлаб ва эҳтимол юзлаб шам порлади. Аччиқ ғам ва надомат ютиш ўрнига ўзини мамнун ва хотиржам тутаётгани Халил пурча назарида бориб турган телбалик эди. Тошўчоқда ланғиллаб ёнаётган оловда кашпир тоблай-тоблай чилим сўраётган яссибурун ҳам айнан шу фикрга бориб ёғинди. Салла деса калла келтиришга ишқибоз сур гумашта баданда чиройли нақш ўйишда анчайин тажрибакор эканини минғирлаб айта-айта Авазни ниҳоят чуқурдан чиқарди. Қаттол жазога руҳан ҳозирланган йигит уйқуси бузилгандек шунчаки енгил эснади ва бурнини ғалати жийирганча мен отам каби латтачайнар ёки лапашанг эмасман деб қўйди ичида...

Ҳозиргидай ёдида, қайси бир зим-зиё кеча отардан тўрт-бешта совлиқ ва кўчқор ўғирлаб кетилгани боис, Норимкул ашаддий ношуд чўпон сифатида мудҳиш жазога тортилганди. Беозор гўдак мисоли буткул бегуноҳ бўлса ҳам шўрлик сим билан кулукланган ва чақир тикан қоплаган ерда кўртепки остида юзтубан ётқизилган эди. Жон аччиғида вой-войлаб ҳар қанча ялинса ҳам қилча раҳму шафқат қилишмади ва қамчи зарбидан пуфаклаб шилинган кураклари орасига қиздирилган ҳокандоз босишди. Натижада ярим кун иситмалаб беҳушу безабон ётган, бир ойдан зиёдроқ оғир бетобдай ранг-рўйи зарча каби сарғайиб беҳол юрган, ҳаловатини йўқотиб инграган, еган-ичгани сира татимай, нобакор Халил пурчани кирчинингдан қийилгур дебон роса қарғаган эди.

Ҳаддан ташқари кайфи ошиб, ғалати сузилаётган яссибурун Халил пурча соясига ўхшарди; зарурат туғилса хожаси пойини ўпиш, этагида бемалол намоз ўқиш ва уни йўқотиш ниятида отилган ўққа паққос кўксини тутишга тайёр эди. Капа калланг ёнғоқдек чақилгур лағча чўққа эврилган кашпирни беписанд илжайганча айлантриб томошалай бошлагач, Аваз отаси каби оху фиғон чекмаслик учун катъий онт ичди. Қандини урсин, кодир эгам ёрлақаб лафзини бузмади: кип-қизил кашпир думбаси ва елкаларига жизиллаб чиппа ёпишганда ҳатто инграмади. Фақат беўхшов бақрайиб йириклашган кўзларидан милт-милт қайноқ ёш окди-ю, кўкариб шипинқираган ёноқлари оша томирлари ўқлоғидек бўртган бўйнини ювди ва аста-секин шуурини зулмат чулғади, қачондир оғир титраниб ҳушини ўнғласаки, тагин лаънати ўрада тутқун...

Аъзон бадани териси шилинган ва остига туз тикилгандек ачишаётган Аваз тишини тишига босиб беун инграр, додлаб юбормаслик истагида хаёлан Зилола билан ҳаёт ва мамот моҳияти бобида суҳбатлашар ва охири фароғатли дамлар буюришидан умидланар эди. Қачондир Ниҳон чинакам азоб кўнгил иқлимида пинҳон сабру бардош булоқларини ҳаракатга солувчи ва жаҳолат моҳиятини англаувчи омил эканини яна бир карра таъкидлагандан кейин иродаси ва сабру бардошига ишончи янада ортди. Аслида эса аҳволи тамом забун бўлиб, азиз жони аранг қилга илиниб турарди: ҳадемай кўчу кўронини елкалаган, жами қувончи ва қайғуси, алам ва армонини бағрига жойлаган кўйи охираг сафарига жўнаши эҳтимолдан холи эмасди. Беадад қийноғу захмат ичра чувалчанг каби чийралиб ўлаётганидан афсуски Зилола буткул беҳабар, бас, иккисига ҳам энди видолашув буюрмайди, дийдор маҳшарда қолаётир, маҳшарда!..

Қуриблар кетсин чархи каж найранглари: фавкулодий аҳволи Айригум жари хилватида мўлтираб жон талашаётган ва укубат одамига айланган Тоғай аҳволига ўхшарди. Ногоҳ қошига етиб келган Ниҳон сен ҳар қандай бадбин фикрни миянгдан суриб ташла деб танбех берган дамда Тоғай номинг ўчкур Азроил ташрифига ҳаргиз интиқман маъносида оч қашқир тахлит гингшиб увулламоқда эди. Замирида чексиз ҳасрат жамланган оғир фарёд абадият чўққисига бошқатдан ҳужум бошлаган қузғунлар қичқирғига қўшилди ва ҳатто темирни ҳам эритувчи эзгин марсияга

эврилди. Аслида у пушаймонга тўла юракдан тўкилаётган заҳардай аччиқ арзи ҳол эди, фақат поёнсиз чўлистон эмас, қимирлаган ҳар бир тирик жон ва ҳатто юксакларда учаётган етти қийғирни ҳам нимадандир огоҳ этаётганди. Феруза фалак гумбазига бемалол тўш уриб, ҳаловатдан маҳрум қитмир шамолвой ва ниҳоят турфа қушлар билан қувлашиб толиққан етти қийғир охири узлуксиз чув-чувлаб қуйига шўнғишди, ойнадай силлиқ махсус супача четида аста кўнишгач, тезгина йўрғалаб катакка киришди ва ачқимтир ҳид анқитаётган хасу хашак тўшакда думалашди...

Зилу замбил куму тупроқ комида аранг ҳарсиллаб чидаётган, Зилола ва Шифо дарёси дийдори буюришидан умиди узилаёзган Аваз шоҳидлигида етти қийғир муаззам қуёш, малоҳатли ой ва юлдузлар безаган ҳаёлдай кенг фалақдан гугурт қутиси янглиғ тор катакни афзал билганди. Ҳатто боғлаб қўйса ит ҳам турмас каттак шаклу шамойили гўё жисму жонларига чинакам ҳузуру ҳаловат, куч-қувват ва сурур бағишлаётганди; гоҳо омонат кўҳна дунё ғаму алами, рости ёлғони, шодлигию ғурбати чикора маъносида мамнун сайрашар, бир-бирига эркаланиб суйканишар, ликонглаб илдам ҳакалашар ва охурчаларда уйилган дон-дун, нон увоқлари ва мева қолдикларини чўкилаб тановул қилишар эди...

Баъзан Халил пурча сени Зилола барнодан қолишмас сулув жононга уйлантириб қўйишини айтиб лақиллаган кезларда зўр одам эканига ишониб суюладиган яссибурун ташвиши янада ортди. Ҳар эрта ярамагур, оламшумул вазифа бажараётган каби, телбадай ҳовлиққанча елим қоп ёки картон қути кўтариб келарди. Шоша-пиша охурчаларни егуликка тўлдира бошлаганда катак аввалгидек кеккаярди; гўё шу баҳона қадру киммати тагин ортгани ва келгусида зиммасидаги ўта масъул бурчни мардонавор тарзда ҳалолу покиза уддалашини таъкидлар эди.

Яссибурун ичкарию ташқарини супуриб-сидириш пайтида мирикқан кўйи қултиллаб бот-бот чилим сўради, кўзлари ғалати сузила-сузила ҳамма ёкни ёғ томса ялагудек қилиб тозалагач, шамолвойга соғинч исканжасида жигарбағрим кабоб ва бу ҳолимга чорасизлик чора бўлаётганини Зилолага етказ деб ўтинаётган Аваз олдида ёзилган шол дастурхонда яримта қотган нон, миталаган майиз-туршак ва бир дўлча бижғиган лойқа сув қўяди. Очлик қийноғини амаллаб унутган, бироқ чўллаш азобини лаҳза сайин кучлироқ туюётган Аваз зантлаган тунука дўлчадан нигоҳ узмай мўлтирар, қуруқшаб ёрилган лабларини ялай-ялай чор-ночор инқиллар ва баъзан тасавурида жангари бойқушлар маконига айланган Туманак харобазори юраги саналган сарҳовуз гавдаланар эди...

...ВА ОХИР

Курама чўли галдаги тунда кўрган
анча ногинч аломат тушида
Одам Ота ва Момо Ҳаво давридаги
айрим онларини қайта кечирди,
аниқроғи,
ўшанда борлиғини қийнаган
аччиғу чучук оғушида титранди.
Натижада Курама чўли танида тану жонида жон
бўлиб яшаши буюрилган фаришта Ниҳон ҳам
тинчлиги бузилиб азобланди
ва ҳамишагидек тун бўйи ухламади...

Ниҳон қоқ ярим кечада Зухал юлдузида малоикалар тириклик дунёсини ташвишга солган етти қийғир тақдирига бағишлаб ўтказган анжуманни ҳеч қачон унутмаса

керак. Тонгта қадар чўзилган йиғинда беқарорлик имонни ошқора ёки хуфия ғорат айлагувчи омил экани ва разолат тегирмонига сув кўйиши алоҳида қайд этилди. Ана шу ибратли хулоса баҳона кўп ўртанди ва маъюсланиб ортига қайтди. Зулмат чодирини парчалаган субҳи содиқнинг маъво бўйлаб тарам-тарам ёйилган кумуш тусли соч толаларига осила-осила заминга яқинлашар экан, Айригум жаридан эзгин нола таралди. Ҳадемай хувуллаган жар гирдига кўниб, аллатовур чийралганча аламангиз инграётган ва тақдирини қарғаётган Тоғай сари нафратомуз тикилди, хайҳот, қиёматга қадар ажалини кутадиган бул нокасу нотавон юрагидан тинмай сизадиган қора қон наҳот охири жафокаш Қурама чўлини ҳайбатли уммон бўлиб ютади ва қурраи арз ҳамда башар суянчи саналмиш эзгулик фаолиятини чеклаб ташлайди?!

– Эй нобакор Тоғай, сен Қурама чўли қасдига битган чипқонсан, ғараз мақсадида қазиган чоҳинг аввало виждонинг қабрига айланганини наҳот сезмайсан?! Менга қолса, сени тириклай кўмиш керак, токи офат чорловчи арзи додингни бир зог эшитмасин!..

– Эй қадрли Қурама чўли, яққол биламанки, Тоғай ва Халил пурча каби ноқобилу ножинс фарзандлар қошида хижолат чекиб эзиляпсан ва диёнатдан маҳрум шундай касларни ёруғ дунёга тақдим қилганинг учун ўзингни сира кечирмайсан! Бағрида инсофу диёнат ўрнида маломат илдизлаган ўша гумроҳларни аллақачон дуоибад қилдинг, шундай экан, худо ҳаққи ортиқ ғам емагин, ундан кўра палаги тоза довқур ўғлонларингни алқа ва хусусан Авазга чин дилдан оқ йўл тилагайсан!..

– Эй Қурама чўли, *кўнглини заму андуҳ ва алам лашиқарини энгувчи баҳодир*⁶ ҳисобловчи Аваз сени мен каби суяди ва берган нону тузингни тоабад оқлаш учун орзуманд! Бағрингда муқаррар Шифо дарёсини охири топиб муродига етажак! Ўшанда ҳусни малоҳати жумлаи олам хирожига татийдиган Зилола висолига ҳам етишгай, аттангки, ҳозирча холис ниятли йигит ўша офатижон кўйида овораи абгор!..

Ниҳон тўлиб-тошиб бемалол сўйланар, дилида борини тўққани сайин Қурама чўли ҳамдами эканини янада теран туяр ва олис уфқ сари энтикиб талпинар эди. Майин кумликларда орзиқиб чўмила бошлаганда Тоғай оху фиғони барханларга урила-урила тобора кучайиб, ҳамон бўғзигача тупроққа кўмилган, гоҳо хушёру гоҳо бехуд бўлган Аваз ташвишига мислсиз ташвиш кўшаётган эди. Энди борликқа тенгсиз жозиба бағишловчи анвойи ранглар оҳордан маҳрумга ўхшарди, куёш аразлаган инжиқ бола янглиғ жамол кўрсатмай кўйгани устига, сароб қамраган жимжит ёбонларда ҳаракат буткул тўхтаб, сайроқи қушлар паршон сукутга толишганди. Мангу тириклик зийнати саналмиш кўркам тонглар дараксиздек туюларди, ана шу боис Аваз балки у дийдамда отаётгандир деб таҳминлар ва димоғига ҳузурбахш насим нафаси урилаётгандек энтикар эди...

Азалий ва абадий жараён тақозосига кўра,
ўзида ўлиб, ўзида тирилаётган Қурама чўли
катакдаги етти қийғирга бир куйса,
зилу замбил кум-тупроқ ичра
аранг ҳаво симираётган ва
Зилолани эслаб эзилаётган
Авазга икки куймоқда эди.
Етти қийғир ғафлат,
Аваз эса ғамга ботгани сайин
бутун замин оғир-оғир ўксинади ва
жонсарак тўлғанади...

Қачондир равот ҳамсояси кўнғир қоя

⁶ Алишер Навоий.

лойдек юмшаб қоқ иккига бўлинди;
 нимжон қумурсқа ини оғзида ғимирлаб,
 шовурсиз шовурни тинглай-тинглай,
 бувраниб бовур тифлади;
 хаёли қочган попушак
 бўйнига ғул бойлаб,
 ўзини қўлмакка чўқдирди;
 тажанглиги тутган нар ҳакка
 жуфтини патлай-патлай ҳайдади ва
 зим-зиё хилватга чекинди...

Айригум жариди уялаган кулранг бўри риё, макру ҳийла ва гидирга камарбаста катакни яксон айлашу кулини кўкка созуриш истагида шишиниб тиш қайради. Кенглик фароғатига юкинишни хушлайдиган қоплон, сиртлон ва айик ҳам мазкур ташаббусни кизгин маъқуллади. Мислсиз қаҳру ғазабга минган махлуқлар ушбу муҳим режани хамирдан қил суғургандай осон бажаришни мўлжаллашарди. Зиммасидаги вазифа салмоғини пухта билган катак эса, исён аҳлини зиғирча менсимай, пихини ёрган яссибурун назорати остида, етти қийғирни ҳурлик дамларини тамом унутиш, хотиржамлик ва тўқинлик ваъда қилаётган янги ҳаёт қадрига етиш, алҳол, укувли ва омилкор банда эканини қайта-қайта дадил исботлаган Халил пурчани алқаб улуғлашга чорларди.

Бўйнига ғул чирмалган попушак вижирлаб қўлмакка чўқаётганда Аваз соққалари кенгайган кўзларини катакда хотиржам мудраётган етти қийғирга қадаб астойдил ачинмоқда эди. Туйкус нигоҳини олиб қочар экан, юраги тўхтаб қолгандай туюлди. Имони шаксиз комил: Зилола ситамлари олдида айни дамларда кечираётган даҳшатли оғриқлар арзимас, аниқроғи, одамзод тани пора-пора бўлганда бир амаллаб бардош бериши мумкин, аммо кўнгул уйи вайронага эврилса чидаши амри маҳолдир. Чинакам ишқдан маҳрум юрак очофат қурт кемириб илма-тешик айлаган ташландиқ кундадан фарқ қилмайди, ундай юракда умид дарахти асло ўсмайди, мабодо ўсган тақдирда ҳам чаман-чаман гулламайди.

Иситмаси ошиб, аҳволи тагин ҳам оғирлашган Аваз тонг арафасида андак мизғиди ва тушида зулфи райҳонларини майдалаб ўрган ва бурмача ёқали сак-кизтепки атлас қўйлак қийган Зилола билан шарқироқ сой бўйида етаклашиб юра-юра масала талашди. Сахархез тўрғайлар вижирлаши баҳона орзикиб уйғонсаки, рўпарасида қошу қобоғи солинган ва тақасимон мўйлови мойлангандек йилтираётган Халил пурча нимагадир интиқланганча гердайиб турибди. Тугмасимон кўзларида камина сира букилмас осмон устуниман, шу боис Зилола меҳру муҳаббатига лойиқман ва ул паривашни фақат мен бахтли қилишим мумкин тарзидаги иддао муҳрланган эди. Ана шуни илғаган Аваз товада қоврилаётган балиқдай жиз-биз бўлди ва кўқарган лабларини тишлаб қонатди.

– Ҳимм, ўпканг шишиб нимага эришдинг, итвачча? Бундан буён етти қийғир ҳамиша ихтиёримда! Мен нимани истасам, улар ҳам шуни исташади ва охири парвоз нималигини унутишади!..

Халил пурча шундай деб вайсагандан кейин ашаддий рақибга йўлиққан жайрадек ҳўрпайди, суҳбат чоғида тилидан мудом бол томадиган Зилолани эслаб мамнун илжайгач, Қарчиғай жиловини аста яссибурунга тутқазди ва масъулиятли бурчини сира оғишмай ҳалол ўтаётган катак атрофида ярим соатча бафуржа айланди, нияти ушалаётгани, яъни етти қийғир белгилаган маслагига тобора яхшироқ мослашаётганини эътироф қилгач, ғоз юриш ила ботинан тутақётган Авазга яқинлашди-да, арпаси хом ўрилгандек баттар тўрсайди: худо қарғаган

бу девонаи дарбадар намунча чайир ёки лаънати жони метинданми нима бало?! Ногоҳ шуурида лип этиб чакнаган бу фикр етмиш икки томирига қадар сим-сим қақшатди, тишини тишига босиб аранг чидади-да, айрича ялтоқиланиб тавозе сақлаган ва совуқ нигоҳида фақир ялоқхўр итингизман деган маъно аксланган яссибурунга ниманидир қатъий уқдирди. Сўнг янада гердайиб, барваста гавдасини олд ва ортга раққос мисоли ташлай-ташлай, Аваз аҳволига Ниҳондек астойдил қайғураётган Курама чўлини бошига кўтариб хоҳолади...

Афту башарасига кўкнори тутуни ранги тепчиган ва янтоққа тўйган туядек хўпиқаётган яссибурун галдаги буйруқни адолат собит бўлишини таъминловчи ажойиб тадбир деб баҳолади ва вақтни бой бермай жону дили билан бекаму кўст ижро этди: суякларига қадар қарахт тортиб ҳолсизланган Авазни, тагин чуқурдан юмалоқ-ёстик қилиб чиқаргач, Олача карвонидан ажратиб олинган саман той думига чатиб бойлади. Энди у онасини нақд учкўрғондан кўришига ишонган ҳолда завқланиб кулаётган Халил пурчага сирли кўз қисди-да, пишқириётган тойни қамчи билан савалаганча қумликлар сари ҳайдаворди.

Ажиб манзарадан аллатовур таъсирланган бир гала тўрғай кўҳна дунё ҳар бир гардигача разолат ва нифоқдан иборат эканини ҳатто ўзидан ҳам яшириши хусусида алёр куйлади. Ҳадемай алёр Айригум жарининг абадий тутқуни Тоғай нолаи афғони ва абадият чўққисини чўқиладиган жангари кузғунлар қичқириғига қўшилиб янгради, аллатовур афсунга мойил мусиқий оҳанг, Аваз кўксини тигдай аёвсиз қиймалагач, сокин жимирлаётган осмоний ҳудудларни бемалол кучиб, ўлчамларида осуда мудраётган юлдузлар хузуру ҳаловатини бузди...

Ҳали умуман минги бўлмаган бақувват ва абжир той Аваз қалбига кулоқ тутиш фикридан тамом йироқ эди, аниқроғи, қаттол топшириқни қойиллатиб бажаришдан бошқасини ўйламай, бўлиқлашган ёлини елпитган кўйи тақир ўруқир, тиканзору қиёқзор, чакалакзору бўзлок бўйлаб кучаниб ва ихраниб тинмай йўртаётган эди. Пажмурда гавдаси қумликларни узлуксиз тўзғитгани ва кесагу тошга ликонглаб урилгани сайин Аваз юраги билан сирлашиб аччиқ кулимсирар, шуурини ойсиз кеча зулмати чулғар ва ўзини тириклик неъматларидан мосуво ночору нотавон тутқунга қиёслар ва буям бир шараф дебон овунар эди.

Ақлу идрок доирасидан хорижда кечаётган қалтис вазиятда шафқатсиз азроил таъқиб қилишини қўймади. Жони бўғзига тикилса ҳам Аваз бўш келмаслик чорасини қидирарди, адолат соябони қодир эгамни доим содиқ ҳамроҳ ва дўсти ёрон билиб, сабру бардошига суянар ва ажал фаришгасини Тоғай ёнига бора қол деб калака қиларди; ютаётган ва чиқараётган нафасида хосиятли тафт ҳукмрон эди. Эртанги кунига ишончи ортгани сайин дилидан рутубат бадарға бўлиб, асов той хаёлида чуқур ўрнашган ва эртанги кунини ардоқлайдиган Шифо дарёси сари елаётгандек туюларди. Баъзан димикқан ҳавода муаллақ юзганча тўзимумомад тилаётган Ниҳонга маъюсона мўлтираб боқар, етти қийғир қисмати ҳақида савол ёғдирар ҳамда фурсатни фарқлаш қийин кечаётганидан зорланар эди.

Энди чиндан ҳам азалу абад асоси саналган куну тун билдирмай ўрин алмашмоқда эди, гоҳо чувалчанг тахлит имиллоқ ва гоҳо жайрондай югурик онлар толиқиш нималигини билмасди ва Аваз юрагини мунтазам ларзага соларди. Манзили номаълум Олача карвони таркибида улғайган асов той қудратли сониялар оқимиға тақлид қилаётганди. Лекин у охири имкони ниҳоясиз ўша унсур олдида ўзини беҳад ожиз ва ҳимоясиз сизди, ўпқасини қўлтиқлаб чопа-чопа силласи қуриди-да, ортиқ тобу тоқатим йўқ дегандай зорланиб маҳзун кишнади; ҳозирок жон риштаси узиладигандек, қисқа-қисқа ҳансираб пишқирар, кўзлари косасини ёриб чиккудек ғилтиллар ва дир-дир қалтирар эди.

Асов той тўхтаган чоғда
 чинор рағбатланиб наъра тортди.
 Мехри ийган капалак
 барака топ тарзида шивирлади.
 Хонқизи ҳайрати ошган юлғунга
 чираниш фойдасиз дея қиялатиб қаради.
 Бир гала ориятли жиблажибон ҳамда
 жони танига сиғмас қирғовул,
 чигиртка ва жизилловуқ хониши остида,
 давра тузиб ва қийшанглаб рақс туша кетди.

Гоят кўзлари киртайган Аваз ғаройиб маросимни кўрадиган ва ундан завқланадиган аҳволда эмасди. Ғаму андуҳга ботган Ниҳон ҳарир қўллари билан авайлаб бетини силагандан кейин хиёл сергакланди ва чор атрофга аланглаб дафъатан ғалати чимирилди: қачондир Мусабек кўноқ қилган ва ниҳоят ўзидек ҳижрон балосига йўлиққан бардошли ёстиқдоши Лобар билан топишган Туманак харобазори, аниқроғи, тутдек тўкилган кўрғон ва суви айнимас сарҳовуз оралигида чалқанча чўзилган эди, эвоҳ, наҳот шу гўшада кўнгли иқлимидан узоқлашиб, Зилолани соғина-соғина танҳо жон таслим қилса ва ҳатто юз қақирим наридан бемалол ҳид оладиган ўлаксахўр кушлар емига айланса?!

Туманак харобазори шамолвой учириб келган Тоғай ноласини тинглаб ва қора қуюн барбод қилган тўкис турмушини хотирлаб қайғураётганда шимол тарафда ташналагани яққол сезилаётган баданлари ялтироқ кийиклар юмшоқ мўъради. Ўтли нигоҳларида ҳадик аралаш шубҳа ва ажиб интиқлик аксланган жониворлар елкасига жимити кирпи кўндирган Шафоат парини оналари каби эркалаб ўровга олишганди. Эндиликда қадду баста янаям букилиб, қаҳрабодай сарғайган озғин бети ажинлари кўпайган ва лаблари оқаринқираб гезарган кампир Қурама чўли сийнасини оғритиб қўйишдан чўчиётгандай оҳиста одимлаётган эди. Негадир теварагига хавотир ичра олазарақ боқарди, кирпини авайлаб силарди-да, хомуш ҳолда изидан эриниб йўргалаётган ниҳолдай нозик сулув қизни суҳбатга тортиб, турмуш пасту баланди, аччиғу чучуғи, қолаверса, разолат уруғини аслида хушомад ва лоқайдлик кўкартириши борасида тутилиб сўйланар эди, эвоҳки, анчайин асабий ҳорғин овози бир дунё тушунуксиз нафрату надомат, ранж ва ҳасратга лиммо-лим!..

Мурувватли қодир эгам, тезроқ хабар бер, ахир, чирой бобида жаннат хурилиқо санамларидан ўзадиган анови нозанин ким: наҳот қачондан буён Халил пурча алдовларига лаққа учиб аҳду қарорини ўзгартирган, ростдан ёлғонни ажратолмай, Аваз бовурини оғули тиг санчиб ўртаётган ва ҳақлигига астойдил ишонган ғамзакаш Зилола бўлса, ёпирай, наҳот Аваз тик оёқда алахлаб туш кўраётир ёки инсу жинсга йўлиқдимми ва ёки қандайдир кўланка қошида эсанкираб турибдимми?!

Худоба беадад шукурки, асло ундай эмас, ғаройиб учрашув ҳушида кечаётган ва ҳатто Ниҳонни ҳам ҳайратга солаётган ҳақиқат эди: ҳозироқ покиза ниятли *боғбон сарв дарахтини кесиб бутунлай ёқсин, суман гулини шамолга сочсин, негаки, айни пайтда қадду қомати сарвдай тўкис, юзи раъно баргидай чандон нафис маъшуқаси дардлаиши*⁷ ва аҳвол сўраш учун келибди. Умринг узоқ бўлгур ниҳоят йўлидан адашгани, лафзни бузиш гуноҳи азим сифатида бўйинга каттол сиртмоқ бўлиб тушиши, мехру вафода қойимлик эса яхшилиғу комиллик сандиғи қулфини очадиган сеҳрли калит эканини англабди, демак, тангри таоло иродасига кўра, зулмат исканжасида қийналган кўнглини инсофу диёнат зиёси ёритмиш!..

– Ва-а-ай, тўвба-ей, сандай валломат шунқорни қайси қирчинингдан қийилгур

⁷ Алишер Навоий.

бунақа аҳволга солди?! Мурдорни адолатпеша эгам илоё жодига тикиб бурдаласин! Йўқ, қонхўр жаллодга дучор қисин, ўша жаллод кўксини поралаб ёрсин-да, юрагини суғуриб кўппакларга берсин!..

Шафоат пари афсус ичра кесиб айтган кинояомуз сўзларни ер бағирлаб учаётган қалдирғочу тўрғайлар, жазирамада барглари чуйкалган терагу чинорлар, сарҳовуздан сувлаётган кийиклар ва ниҳоят тўкилган кулбалар аллатовур ўксиниб такрорлашди. Киприк намлаган кампир инқиллаб ҳаво ютаётган Аваз тўпикларини қийган арқонни амаллаб ечгандан кейин не қиларини билмай ёғочдек қотган Зилола зулфи райҳонларини ғижимлаб билагига ўради. Сўнг аста бош чайқаб, Қурама чўлини кезиб улғайган барно йигит қадрига етмаганинг учун худойим сени жазолади дебон маъюсона пичирлади. Баттар эсанкираган Зилола маъюсона чақнаётган нигоҳини номаълум нуқтага қадар экан, ногоҳ калта-калта вишиллаш янграб, сал наридаги кесак қавагидан Халил пурча белидаги заррин қопчиқда яшайдиган қизилбош мўралади.

Аваз мўлтираб оғир-оғир хўрсинаётган ва мунг аралаш афсус чўккан шаҳлоларидан қайноқ ёш тирқираётган Зилолани ҳар қанча койиса ярашарди. Аммо бундан тийилиб, бариси тақдир иши деган ўйда нигоҳини қизилбошга кўчирди. Негадир у бугун фавқулудда хомуш, дилгир ва тажанг бўлиб, гўё оғир дард юқтирганди; боқишида жамики ишонганим саробга эврилмиш тарзидаги тушунча ифода топганди ва Аваз ғоят мужмал мазкур тушунча Халил пурча билан орасида мавжуд сирли муносабатга тегишли эканини яққол пайқади...

– Аваз ака, худо ҳаққи сўқир эканман! Ҳай, сиз чўлпараст сифатида бир қанча тўсиқни енгибсиз, мен гўрча эса бу касбни иснодга йўйибман ва рўёдан иборат чаманзор сари юзланибман! Натижада кўнглим ёлғон билан ошна тутинмиш! Энди мағорлаб чириган ёғочдек, ёруғ дунёга ортиқчаман ва ягона тилагим қўлингизда жон бериш! Акажон, ҳозироқ ҳиммат қилинг-да, пичоқ тортинг бўғзимга!..

Бутун борлиғида англамсиз инқилоб кечаётган Аваз аслида ўзини Зилола пойига гушпа ташлаш, лўппи ёноқлари, зулфи райҳонларини силаш ва кўзлари тубига чўкиш учун шайланиб турарди. Мудҳиш айрилиқ дамларида ажалига рози бўлаёзгани, чексиз соғинч исканжасида зориқа-зориқа қон қақшаганлари, лекин сира букилмай, юраги амрига қулоқ тутиб, умидвор чўлистон кезганлари борасида тўлиқиб сўйламоқ истагида эди; ҳатто Шифо дарёси ҳақида батафсил маълумот бериш ва ўзанидан оппоқ сут шаклида оқадиган эзгуликни таърифлаш баробарида ўша дарёни биргалиқда излашни таклиф қилишни чўтлаётганди. Чексиз афсус ва ўкинчга йўғрилган сўзларни эшитгандан кейин хамирдек бўшашиб аҳду қароридан қайтди, беихтиёр ажиб гумонга чулғанди-да, ҳаргиз аллатовур ўртаниб хўнграётган Зилоладан нигоҳ узолмай қолди. Ишониш қийин: қайлиғи бўй-басти хиёл тўлишган ва қорни тарвуз каби юмалоқ эди, ҳайҳот, ҳали бундай мудҳиш ёзук ҳам бормиди шўрлик пешанасида?!

– Ху-у, Аваз, қурибгина кетсин: ман бечора зўрлик дастидан қону зардоб ютиб қаридим! Эвоҳ, манови қиз эса алдов чангалида бору йўғини бой бериб ўтирибди! Худо ҳаққи ишон: иккимизниям кўлимиз оқу қорани аралаштириб юборган чарх ёқасида! – Қировлаган қошлари чимирилган Шафоат пари искаланиб қўяётган кирпини кафтига қўндириб сийпалади. – Чамаси, Зилола армони меникидан чандон оғирроқ! Ҳалиги, садағаси кетай, шаптолиқоқиям тегмагани боис етим кўзичоқдай аҳволи забун! Орттирган нарсаси бўйидаги чўкиртақ! Мегажин Ҳожар невараси аҳволига чидолмай бирдан эловлаб ўлди! Аммо чамаи чўти чикора: сунянчи йўқ дардисар кимсадай чет-чақада кўмишди. Димоғи шишган Халил пурча анойи эмас-да: вақти етса даҳмага ўзимни қўясанлар деб васият битган эмиш!..

– Ўша иблисни илоё ергина ютсин!..

– Албатта ютади, қизим! – Шафоат пари ёрилар даражада яна ўқраб юборган Зилолани хўрсиниб аста кучди ва лаблари гезарган Аваз сари ўтирилди. – Никоҳига киритмай тегинипти-я! Дарров бошқа бир оёғи суюққа кўнгили қўйиб, юкли-ку демай, кўчага ҳайдапти, шуни раво кўрган, турки совуқ қаззоб! Ҳай, пақат сан номид кимагин, агар санам қувласанг қайси гўрга боради бечорагина!..

Шафоат пари овозида мужассам какрадай тахир ўкинч Аваз дийдасини баттар қиймалади. Натижада тили танглайига ёпишган кимса каби чурқ этолмай аламангиз бўзарди, безовта дили эса ярадор қарчиғай мисоли беҳад ёниб бўзлади, фақат дили эмас, ҳар битта ҳужайраси инграна-инграна беадад надомат чекаётган эди.

Кўксида кечаётган инқилоб даъватига кўра, Аваз эзилиб мунгранаётган Зилола бўй-бастини яна ётсираб кузатди, кузатгани сайин ҳоли-руҳи баттар чигал тортаётганини сезган Шафоат пари айни пайтда нафси ҳакалак отган Халил пурча хилватда янги жазмани кўнглини овлашга уринаётганини изоҳлаб қарғанди. Илоҳий салоҳиятига кўра, хуфия ҳодисаларни кўпинча ғойибона биладиган Ниҳон бошқа фикрга борди ва ажабтовур куйинаётган Аваз қулоғига айни пайтда Халил пурча кўнглига қил сиғмайди деган гапни пичирлаб айтди.

Дарҳақиқат ҳозир сардор гоҳо иситмалаган ва гоҳо совуқсираган кўйи қилпоча Қарчиғайда Туманак харобазори томон ошиқмоқда эди; тугмасимон кўзлари ўнгида саноксиз оқ тангачалар жимирларди. Ўқтин-ўқтин қуйманиб белидаги заррин қопчикни пайпаслаб ушларди, қопчиқ эса бўм-бўш: буни қайта-қайта билиб ўксинар, нафаси қисаётган каби ҳаприқар, бўйинини тирноқлари билан қонагудек сидирар ва агар сендан айрилсам даҳшатли зулматга маҳкумман дебон асабий ғулдирар эди; муқаррар ҳалокатдан дарак берувчи палағда овози гўё, бўғзи ва оғзи бир ёқда қолиб, оҳиста қалтираётган елкасидан тутун мисоли сизиб чиқаётганди ва айнан шу ҳолати ҳам Ниҳонга яққол аён эди...

Қарчиғай кишна-кишна вайрона кўрғонга яқинлашган заҳоти Аваз Зилола юраги остида асраётган норасидани ўзини ўзи кемириб тугатадиган омонат орзу тимсолига менгзади ва чуйкалган бетидан оғу томаётган Халил пурчани мушукдай бўғиб ташлаш учун хезланди. Рафтори оташпақ урган довуччадай буришган сардор қизилбош дийдорига интизор эди ва ишқилиб мендан аразлама деб ўтинаётганди. Сўнг қадрдон йўлдошини ҳозироқ топиб бағрига босишу заррин қопчиғига солишни тилади, астойдил тилагани сайин борлиғи сирли рутубатга чулғаниб борарди. Қачондир таниш вишиллаш эшитилгач, ногоҳ сергакланиб қувонди-ю, ичида кажфеъл чархдан астойдил нолиётган Авазга қарата энди анови гўзал гулни бутунлай ихтиёринга топширдим дея ғудранди; Аваз қандай жавоб қилишни билмай депсингандан кейин мен билан ғурур талашиб тирашадиган шоввоз ҳали онаси қорнидан тушмаган маъносида чирт тупурди.

– Тўнғиз кўпсин илоё гўрингда!..

Халил пурча пичинги баҳона яраси баттар тирналган Зилола тўзғиган сочларини юлиб қарғанди ва овозида жам аччиқ ўкинч Қурама чўлини аёвсиз силтаб юборди. Бутун борлиқ ва хусусан Туманак харобазорини Олача карвони шовқину сурони тутганда қизилбош мағорлаган қоронғи ковақдан илдам узилди, тутаб-тутамай ёнаётган Аваз ва Зилола атрофида бирров беозор билтанглаб айлангач, шиддатланиб кўкка ўрлади, ҳаял кечмай янада жадал суръатда қуйига шўнғиб, тақасимон мўйловини мамнун бурай-бурай керилаётган Халил пурча сари йўналди.

Аваз келгусида Зилола билан муносабати қандай кечиши ва умуман, муҳаббати тақдири нима бўлишини ақлига сиғдиролмай икки ўт ўртасида тўлғанмоқда эди. Мазкур жумбоқ ечими топилиши душвор деган ўйда афсус чекар экан, бадани-

дан симиллаб заҳар томаётган қизилбош кутургандай ваҳшиёна чириллай бошлади. Бутун Курама чўлини тутган Тоғай нолаи афғони ва абадият чўққисини чўқиляётган жангари кузғунлар товушига мислсиз залвор бағишлаган ажиб кичкириқ беҳад ҳайратомуз бўлиб, Халил пурчани ногоҳ таҳлика гирдобига улоқтирди. Сира буни кутмаган сардор титраб-қақшаб карами кенг меҳрибон тангрига ёлбораган заҳоти Аваз кўнгли замирида ажабтовур норозилик пинҳон фавқулодий сирли нидони таржима қилишга киришди.

– Танимда жонингни асраб келдим!

– Аттангки, энди рақибингман!

– Барча қилмишингга чидадим!

– Беозор содда қизни авраб, дилига тикан санчганингдан кейин сабру қарорим тамом битди! Сен онаси қадрини оёқости қилувчи худбин басирсан ва ҳагто куёшни ҳам кўришинг душвор!

– Турқингдан нақадар бездим!

– Мақбули исён, ҳа, шубҳасиз исён!..

– Фақат сен баттол касни эмас, ўзимни ҳам фақат офат ёғдирувчи ва разолатни қўлловчи аллақачон занглаган мудҳиш кишандан тоабод озод айлагум, тоабод!..

Митти кўзларидан яшил аланга сочаётган қизилбош ногоҳон жим бўлгандан кейин эгарда яйраб ўтирган Халил пурчанинг не-не ғараз ва хусумат ажриқлаган кўксини найзадек тешиб ўтди, ҳаял кечмай тақир ерга санчилиб, ному нишонсиз йўқолди. Дарҳол қора қонига бўялган сардор оҳ дейишга улгурмай эгарда тош қотди, асабий кишнаб сувлиқ чайнаётган Қарчиғай эса жонсиз танасини саробу сукунат қоплаган дашгу далалар сари ола кетди.

Аваз худди шундай аломат ҳодиса рўй беришини аввалдан жуда яхши билгандек қарийб пинак бузмади ва ажиб қониқиш оғушида олға босаётган Ниҳон пинжиги суқилди. Курама чўли ўртасида бўйлаган абадият чўққисини кунпая-кун айлаш мақсадида жангари кузғунлар тагин тинмай чағиллаб чўқиляётган, Айригум жаридан Тоғай ноласи таралаётган, Чегирма тўқайида бойқуш ва зағчалар жой қизганиб саваш бошлаган пайтда шамолвой авайлаб супураётган сердарахт дўнгликка кўтарилди. Чўккан туяга ўхшаш дўнглик этагида кўндаланг тушган, энли-узун ва беҳад чуқур экани яққол сезилаётган ботқоқ биқирлаб кайнамоқда эди. Чексиз хавотирга чулғанган Ниҳон дарҳол қайтгин дея ёлборди ва бу қадим хилқат жуда кўп чўлпараст бошини еганини таъкидлади.

Шифо дарёси дийдорини янада интиқланиб қўмсаган Аваз, холисона илтижони ҳагто эшитишни ҳам истамай, бутун оғирлигини руҳи равони ихтиёрига топшириб, дафъатан ғайрату шижоатга минди. Натижада недир сирли куч аллатовур авайлаб қўлтиғидан кўтарди-ю, беҳисоб оқиш пуфакча сачратаётган ботқоқ сиртига оёқлари тегиб-тегмай одимлай кетди; гўё қуму шағал тўкилиб шиббаланган текис йўлга тушиб олганди. Айни шу ғаройиб юриши ҳақида қувноқ ўлан куйлай бошлаган турфа чечаклар қоплаган анчайин текис пайкалга чиққанда елкасига жимити кирпи кўндирган Шафоат пари мулойим жилмайиб ёноғидан ўпди. Ногоҳ шунда сал муқаддам тинмай кечирим сўрайвериб ва йиғлай-йиғлай товуши бўғилган ва бодом ковоқлари кўпчиган Зилолани кўргиси келди. Лекин безовта нигоҳ билан теваракни ҳар қанча синчиклаб кузатса ҳам нияти ушалмади, ҳайхот, қандай қору ҳол бўлди маъшуқасига...

Тамом



НАЗМ



Жўра МУҲАММАД

1954 йилда тугилган. Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Шоирнинг “Ҳаёт ишқи”, “Ватан ҳақида кўшиқ”, “Эврилиш лаҳзаси”, “Мунаққаш туйғулар” шеърий китоблари нашр этилган.



Марвариддек ялтирар ёмғир

Униб чиққан ҳар майса, гиёҳ
Ернинг менга муҳаббатидир.
Нақш этилган ҳар қатим сиёҳ
Изҳорларга тўла хагидир.

Кошки, ўқий олсам бир бора!

Шудринг кечиб юраман гоҳо,
Майса ўпар саҳарлар пойим.
Шивир-шивир қилар япроқлар,
Лолу ҳайрон қоламан доим.

Кошки, тинглай олсам бир бора!

Тебранади ўтлоқлар шоён,
Тортқилайди қўлларим тутиб.
Тонгда чўчиб уйғонган гуллар
Йўл бўйида олади кутиб.

Кошки, англай олсам бир бора!

Ҳар нарсанинг якуни бордир,
Тинар бир кун ишқ сози, албат.
Изим кучар майса, гиёҳлар –
Изҳорга зор ўтган муҳаббат.

Кошки, уқий олсам бир бора!



* * *

Кўнгил – қуш, бўйсунмас хонага,
Бир соғинч уйғотар сахарни.
Шошаман, қишлоғим – онажон,
Тарк этиб сершовқин шаҳарни.

Фурсатнинг қўллари тортқилар
Учқур поезд ғилдирақларин.
Тўлиб-тошар шовқинга вужуд,
Тинглаб осмон гулдирақларин.

Кўзларимнинг харитасига
Манзаралар чизади туйғу.
Сочим силаб шамол юракдан,
Қикирлайди бедард, беқайғу.

Хаёлларим – содиқ сирдошим,
Очадилар ҳислар қулфини.
Болалигим, сени кўмсайман,
Дарвозангнинг ўпиб зулфини.

Излагайман, бўзлагайдирман,
Тусмолинг, дарагинг қайдадир?
Осмон – чўғ, юлдуз – чўғ, ой чўғдир,
Сойларда, эҳтимол, найдадир?

Йўлларим – шу, уйларда шудир,
Ҳар қадамда меҳрнинг изи.
Неларнидир туширар ёдга
Ҳовлиларда райҳоннинг иси.

Шу ердадир шодлик ва қувонч,
Сохталигу алдовларга ёт.
Қучоқ очиб қаршилар доим
Меҳнат билан эгизак ҳаёт.

Топганим сен, йўқотганим ҳам,
Мен – ҳайратга йўғрилган бола.
Ғийбатлардан безиб, яшагим
Келар иссиқ бағрингда, она...

...Сўнг дафъа, сўнг дафъа умидим
Чопар қишлоқ кўчаларида.
Кўз юмади соғинч руҳимнинг
Армон отлиғ қўлчаларида.



* * *

Чилланинг қаҳри-ей, қаҳрли,
Дарахтлар осмонга сўрраяр.
Қорларни учириб, ўкириб,
Шамолнинг шиддати зўраяр.

Атрофни қоплайди оқ туман,
Новдалар синади қарсиллаб.
Қуёшнинг нафаси қайтади,
Кун бўйи чопганча ҳарсиллаб.

Бир илинж бошлайди кўчага,
Гарчанд дил оғриниб кўяди.
Шивирлаб анҳорнинг сувлари
Тушларим яхшига йўяди.

Мудрар дала, мудрайди чорбоғ,
Адирлар ҳам мудраб ётади.
Аммо, ернинг бағрида илдиз
Қиш кўксига тигдай ботади.

Кезинади сўнгги йўқ аёз,
Ҳукмдордир ер, осмонда қор.
Умидим бор, бу кеч ухлайман,
Эрта билан уйғотар баҳор.

* * *

Бу тезкор замонда дунё бир қадам,
Минглаб муаммолар лаҳза ичра ҳал.
Олис сайёралар аро сайр этсам,
Кафтини кафтимга кўяди Зуҳал.

Ҳатто нур тезлигин шоширар ақл,
Меридиан чизиғи киприкча эмас.
Парвозга шайланса ақл, тафаккур,
Тоғларнинг тоғларин кўрдим ҳам демас.

Чиндан-да қудратнинг тимсоли буюк,
Бир зумлик йўл эрур эллар ораси.
Аммо, нима қилай, тузалмас сира
Бир оғриқ зарбидан кўнгил яраси.

Гарчандки, иккимиз жуда яқинмиз,
Сенда ситам кўпдир, менда меҳр мўл.
Минг бора уринмай, енгиб журъатим,
Азизам, қалбингга тополмайман йўл.





* * *

Уйғонаман тонг-сахар ногох,
Эшитилар ёмғир шитири.
Димоғимга урилар гоҳ-гоҳ
Она ернинг хузурбахш ҳиди.

Кўзларимни юмаман бир зум,
Бирам тиниқ торта бошлар ўй.
Бир илиқлик югурар танга,
Умидларим кўрсатади бўй.

Ёнгинамда шивирлар кимдир,
Кўксим очиб кўлин солади.
Мушки анбар таратиб аста
Юрагимни қамраб олади.

Сира тиним билмайди шовқин,
Шамол ҳар ён югурар ғир-ғир.
Новдаларнинг танаси узра
Марвариддек ялтирар ёмғир.

Айрилиққа чидолмасман ҳеч,
Қиш ўксиниб йиғлар шикаста.
Вужудимнинг асов титроғи
Тонгга зиё беради аста.

ҲУКМАТ

**Қониқмаслиқдан эмас, қаноатдан
қаноатдан.**

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ



Замира РЎЗИЕВА

1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Мунаввар юртим”, “Гул ислари”, “Атиргулга айланаман”, “Офтобжамол”, “Жон риштаси”, “Сарчашма”, “Ташнадил” каби китоблари чоп этилган. “Шухрат” медали билан тақдирланган.



Хаёлдаги атиргул ҳиди

* * *

Шукр, сийловларсиз қўймади ёшлик,
Кўзимга гоҳ қувонч, гоҳо дард тўлди.
Саботга суяниб боравердим тик,
Энг буюк топмишим муҳаббат бўлди.

Суйсам орзуларнинг хаёли билан,
Райҳон йўлак бўлди юрган изларим.
Куйсам қайғуларнинг малоли билан,
Шўр сувин юракка тўкди кўзларим.

Тонларга сўз тутдим ростгўй тил билан,
Офтоблар тафтини олди баётим,
Кунларга кўз тутдим ташна дил билан,
Севгига бурканиб борди ҳаётим.

Баланд-паст йўлларда адашдим ҳам гоҳ,
Шафқатсиз ўтларда ёнди бу жоним.
Ўзим йиғлаб, ўзим юпанганим чоғ,
Сабр кенгликлари бўлди маконим.

Севгим атиргули тутганда ифор,
Хуш кайфият топдим ғолибларга хос.
Ишондим, беҳуда кечмади баҳор,
Беҳуда кечмади қадрдоним ёз.

Сочим қаролари оққа алмашиб,
Учрашиб турибман мана куз билан.
Мезонлари билан хуш саломлашиб
Остонасин босгум ёруғ юз билан.

Умримнинг кузи бу, кўнгил кўксим тўқ,
Кексалик файзига тутарман рухсор.
Ортга кўз ташласам хижолатим йўқ,
Изимда райҳонзор йўлакларим бор.



* * *

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,
Соғинчлар келади юракларимга.
Сира кетмайдиган озодлик, хурлик,
Бутунлик келади тилакларимга.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,
Шахт топиб томирда оққан қонимдан
Бирдан қудратланиб, юлиб отаман
Зайфлик деганин тану жонимдан.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,
Севги барқ уради ҳосилларимда.
Ўзи, ҳазар қилмоқ бахтин бер дейман,
Муҳаббатсиз кечган фаслларимдан.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам,
Оғриғи муборак дард кўргим келар.
Қизимни чаманда энг тоза гулюз,
Ўғлимни сафарда мард кўргим келар.

Мен Ватан ҳақида ўйлай бошласам...

* * *

Кўнглингизда бир не бормиди
Мен умримни беришга лойиқ?
Хаёлдаги атиргул ҳиди,
Орзудаги чирокдай ёниқ.

Дилизорим дея агасам,
Борми тоза ишққа зорингиз?
Изингизга жоним қадасам
Кўтарарми эътиборингиз?

Сезармисиз, мен бир гул, майса,
Шабнамимда қулган қуёш бор.
Кўнглингизда борми бир нарса,
Мен умримни айласам нисор.

* * *

Ёшим каби улғайиб борар
Кундан-кунга орзу-истаклар.
Юрагимда бир олов ёнар,
Ортда қола бошлар эртақлар.

Шарҳи бўлиб нурнинг, зиёнинг,
Из соламан манзиллар сари.
Изларимда энди дунёнинг
Ечилади сир тугунлари.



* * *

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи,
Нега тушларимга кириб имлайсан?
Кеч кузга етгунча йўлнинг чароғи,
Жондан тўйдирганин билмайсан.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи,
Изларим омонми кучоқларингда?
Хуш бўйингда борми кўнглим ардоғи,
Исмим тебранарми титроқларингда?

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи,
Кўзимдаги дийдор эгаси қани?
Дилида ёнганми иқбол чироғи,
Арзирми севгидан кечиб топгани?

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи,
У ҳам хўрсинарми ёлғиз қолган пайт?
Сувратим асрарми кўзим қароғи,
Соғинча борми биз ёдлаган байт?

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...

* * *

Дарёдил онамнинг меҳридан масрур,
Кунлари беғубор – гўзал болалик.
Соғинсам, кўнглимга кириб келар нур,
Ўйласам, ўйларим гулу лолалик...

...Онам ўриб қўйган сочим бир қарич,
Учига бойланган пиликлари оқ.
Дадам олиб берган ковушчам ғарч-ғурч,
Кувончимга шерик латга қўғирчок.

Қушлар қанотига осилиб учган
Нигоҳимда гўзал орзу бор эди.
Ариқ сувларидан ҳовучлаб ичган
Онларим шу қадар бахтиёр эди.

Ўша бахтиёрлик тотини бугун
Соғинаман, излаб топмайман фақат.
Орзиқиб кўмсайман, дилда минг тугун,
Қайдасан болалик, беғубор хилқат?





Беҳзод ФАЗЛИДДИН

1983 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетини ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг магистратурасини тугатган. Шоирнинг “Муқаддас замин”, “Богларингдан кетмасин баҳор”, “Қутмаган кунларим, қутган кунларим”, “Сен қачон гуллайсан?” номли шеърый китоблари нашр этилган.

Қутганимга жуда ўхшайсан, баҳор!

Қиш эртаги

Паға-паға қор эди,
Қиш ўчоғи тор эди.
Ўз уйимда ўз иним,
Тур, уйингга бор, деди.

Қотиб қолдим дафъатан,
Қор урар ҳар тарафдан.
Изғиринда қотмаган,
Қарахт бўлдим бир гапдан.

Тинмас осмон элаги,
Ерни оққа беллади.
Шундай оппоқ оламда
Зиркиради юрагим.

Бўрон бошлар дийдиё,
Юпун қишлоқ зим-зиё.
Кўча томон увиллар,
Бўримиди, итми ё?

Тутун пуркар мўрилар,
Аёздан ҳам зўр улар.
Энди ичимда гала –
Увиллайди бўрилар.

Паға-паға қор эди,
Қиш ўчоғи тор эди.
Ўз уйида бир одам
Ўз ўрнига зор эди...



* * *

Баҳорлар ортидан баҳорлар келса,
Фақат гуркирасанг, фақат яшнасанг.
Бағринга муаттар эпкилар эсса,
Бўғар тугмаларни ечиб ташласанг.

Варракдай ҳаволаб учса юрагинг,
Олис-олисларга сўзингни элтса.
Сўрасанг, энг олий кунлар сўрагин,
Кўклам ҳаққи, шояд, ижобат этса.

Гарчи, чорламакка андак кечикдим,
Яна ўзинг келдинг ҳолим сўрарга.
Соғиндим. Овундим. Куйдим. Ичикдим.
Мажол ахтараман хаёл сурарга.

Кучоғинг тўлдириб нурлар ола кел,
Унут бўлаёзган куйларни уйғот!
Саркаш ҳаётимни изга сола кел,
Муз қотган туйғулар, ўйларни уйғот!

Фасл танламайман, қилмайман ирим,
Ахир, ҳар мавсумнинг ўз ҳикмати бор.
Кўпроқ сен биланми боғлиқ тақдирим,
Кутганимга жуда ўхшайсан, баҳор!

* * *

Кир ювишдан бўшамас онам,
Бор умрини яша(й)ди шундай,
Тоғорага дардини айтар –
Тушунмайди ғамсуймас олам.

Битиб кетган зираксиз қулоқ,
(Топилмади йўқолган сирға.)
Тоза кирлар илинар симга,
Күёшбобо қуритар узок.

(Эрмакталаб арзанда кўнглим
Жигар тусаб қолар шу тобда.
Куйиб кетди онам офтобда –
Қоврилади – ўчокбоши дим.)

Бир ғалаён бошланар кўрда,
Ногоҳ эсиб шаббода – енгил.
Отам қурган кўлбола дорда
Ҳилпирайди тозарган кўнгил...





* * *

Ҳадемай ёришиб кетади осмон,
Тим қора булутлар чекинар бирдан.
Мен, ахир, бошқа бир дунёнинг хасми,
Бош олиб кетаман бу мальюн ердан.

Юрак тилга кирса, сўзламас ёлғон –
Ҳали кунлар келар – ёруғдан-ёруғ.
Бир олий маслакда бирлашар осон
Айро тушиб қолган вужуд ила рух.

Бошимдан айланиб, ўргилар само,
Кўксимда нимадир ярқ этар шу тоб.
Ердан бир фатвога ўхшаган дуо:
Юлдузингни қидир, юлдузингни топ!

Фалакка қоришиб кетарман охир,
Ҳақиқат тонгига уйғун тушларим.
Ҳеч кимга, ҳеч кимга ботмайди оғир
Толе юлдузимнинг жилмайишлари...

* * *

Юрак урмай кўйган анчадан бери,
Кўпдан буён руҳнинг ҳарорати паст.
Ўксинганим сари, куйганим сари
Армонлар жонимга қилаверар қасд.

Тим қора тунларим, тиниқ тонгларим –
Ўзимдай ўйга ўч, сўзимдай ғариб.
Нечун бирдан бари кетмас ўнгланиб,
Не учун тобора бемаъни бари?

“Кўлингдан келганча ўйна, ўйнаб қол!”
Кўшилмам дунёнинг эски нақлига.
Ҳали абсурд ҳислар этмасдан ишғол,
Дуолар қилурман ҳаёт ҳаққига.

Ахир, кўнгил кўзи очилур ҳали,
Куртаклар кўзида умид яширин.
Гўдаклар қулгуси бергай тасалли,
Ҳали сийқа эмас поклик кўшиғи...



НАСР



Акбар МИРЗО

1961 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Орзуга оқ йўл”, “Қалб исёни” ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Аёзи чўзилган баҳор”, “Нажот кemasи” қиссалари, “Оқтепалик ўғри” ва “Ажал билан юзма-юз” романлари муаллифи.



ЗИЛЗИЛА

1966 йилнинг 26 апрелга ўтар кечаси. Қоронғи осмонда юлдузлар ҳам, ой ҳам аранг кўзга ташланади. Атрофдан эса онда-сонда дайди итларнинг овози эшитилиб қолади. Бунга яқин ўртада жойлашган кўлмакдаги қурбақаларнинг қуриллашию чиргирткаларнинг тинимсиз чириллашлари жўр бўлади.

Пастак деворнинг ҳовли томонидан кимнингдир боши кўринди. Кўчада бегона шарпа ёки товуш йўқлигига амин бўлди чоғи, кўлидаги тугунни девордан оширди, сўнг ўзи ҳам апил-тапил ҳаракат қилиб ўтиб олди. Ортидан қуриган кесакларнинг тупроқлари тўкилди. Кўзлари жавдираб у ёқ-бу ёққа қаради. Кўлга тушиб қолса, уркалтак-суркалтак бўлишдан қўрқиб, зудлик билан сал наридаги тор кўчага ўзини турди.

Ҳовлига дарвозадан эмас, жўхориюя билан беркитилган девор тешигидан кирди. Оёқ учиди юриб келиб, четдаги хонага кулоқ тутди. Отасининг калта-калта йўтали кулоққа чалингач, уйғоқ эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, ётоғига ошиқди. Даҳлизга кирди, шамни қаерга қўйгани эсида, топиб ёқишга қийналмади. Хона ичи ёришгач, аввал эшикнинг занжирига ёғоч қозикни тикди, сўнг ҳар эҳтимолга қарши деб деразанинг эски сарғиш пардасини ҳам тортиб қўйди. Бурчакка борди-да, шам ёруғида тугунни очди. Уч-тўрт бўлак оддий мато кўлга илинди, пешонаси тиришиб тагини кўтарганди, шамнинг липиллаган шуъласида кўзлари ялтириб кетди: тугуннинг тагида йигирманчи ипда эринмай бўлак-бўлак қилиб боғлаган пуллар бор эди. Шошиб бирини кўлга олди. Қараса, пулга бир парча қоғоз ҳам қистириб қўйилган экан. Қизиқиб шамнинг ёруғига тутди. “Тўрковга беш сўм”. Иккинчи боғламга кўз югуртирди: “Ювғич хотинга уч сўм”, яна бирида “Совунга”, кейингисиди “Дуррага” деган ёзувлар бор эди. Ҳарфларнинг қинғир-қийшиқ, аммо диққат билан ёзилганига қараганда кампирнинг ўзи эринмай, битталаб тайёрлаганга ўхшайди. Ўғри йигит пулларни жамласа, анча кунга етадиган маблаг бўлишини хаёлидан ўтказаркан: “Овим бароридан келибди”, – деди кафтини

бир-бирига ишқаб. Аммо шу пайт тугундаги яна бир бўлак қоғозга кўзи тушиб, ҳайрон бўлиб қолди. Негаки, катак дафтардан йиртиб олинган қоғозчага пул қистирилмаган эди. Бироқ унга: “Ўттизта рўмолчага пул йиғишим керак!” – деб ёзиб қўйилган эди. Ўйланиб қолди. Каттагина ундови бор ёзувга қайта нигоҳ ташларкан, кампир эчкисини астойдил кўриқлаб ётишининг боисини энди тушунгандай бўлди. Токчадаги сопол косаларда турган сутни эрталаб сотса керак. Тушган пулнинг бир қисмини еб-ичса, бир бўлагини... Ўйини давом эттиролмади. Саксонга кирган кампирки, ғимирлаб, ҳам бир кунини кўрса, ҳам ўлимликка пул йиғаётган бўлсаю у қайси виждон билан бировнинг пешона тери эвазига тўпланаётган маблағини “ғиқ” этмай ҳазм қилади. Биринчи марта ғалати ҳолатга тушди. Нариги хонада ётган касал отасини ўйлади. Унинг ҳам кунда сўрайдиган нарсаси битта: “Ўлимлигимга деб йиғиб қўйган пулимни ишлатиб қўювдинг, жойига қўйдингми?”

“Ҳа-а!” – дейди энсаси қотганини билдирмай. “Унда менга кўрсатиб, кўнглимни тинчлантирмайсанми!” “Ҳа, хўп”. “Менга қара, ҳов бола, бунақа нарсалар билан ҳазиллашма. Бошингга бир балони орттириб олмагин тагин. Ёлғиз ўғилсан-а. Ажалимдан бурун сен ўлиб кетсанг, мени ким кўмади? Орқамда қолишингни истайман, ахир”.

Бирор ишнинг бошини тутмай, кўча-кўйда, бозор-ўчарда киссавурлик қилиб юрган йигит шундан кейин отасининг пулини жойига қўйиш

Ҳаётини воқеаларнинг залворли хулосалари

Бу дунёда биз англаб-англамаган илоҳий ҳақиқатлар, ажрлар бор шекилли. Дейлик, гоҳида кўнгил талаб-эҳтиёжи боисми, инсоф йўриғига юрибми, недир эзгу ишга қўл урилади ва мутлақо қутилмаганда бир муддат бурунги саъй-ҳаракатнинг беғараз, чандон зиёд мукофотига дуч келинади. Ёинки билъакс: фурсат чархпалаги суръати тезлашгани сабабми, нафс қуткусига учиб амалга оширилган ёвузликнинг жазоси қирқ йилда ва ҳаттоки қирқ кунда эмас, қирқ сонияда етиб келади...

Ёзувчи Акбар Мирзо бир қарашда жуда оддий, кундалик турмуш тарзимиз бўлиб кўринган воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳиятидаги мана шу ҳақиқатни “киши билмас” тарзида шундайгина кўз олдингизга намоён этиб қўяди. Яъни ҳодисот билан танишасиз, “алқисса”ни эса закий ўқувчи сифатида ўзингиз чиқарасиз.

“Зилзила” шундай ҳикоялар жумласидан. Ўзбекда “ўлимлик” муқаддас. Унга унча-мунча одам даҳл этолмайди. Аммо Файзулла шу ишга қўл урган, отасининг ўлимликка йиққан пулини ишлатиб қўйган. Шу ҳаракати биланоқ у нафратга сазовор. Бироқ ўғрилиққа тушган Файзулла қутилмаганда ёлғиз бир кампирнинг “Ўттизта рўмолчага пул йиғишим керак!” деган аҳдидан бохабар бўлиб, иккиланиб қолади... Табиийки, ҳикоя кўнгил, виждон зилзиласи ҳақида. Шу синовдан омон-эсон ўта олган Файзуллани муносиб ажр кутиб турарди...

“Қоядаги чақалоқ”да ҳам ўзига хос воқеа-хулоса: табиатга зуғум қилгач, ундан марҳамат кутиб бўлмайди. Ҳикоянинг сюжети бир қарашда ғайри одатий кўринади. Лекин адабиётда бадиий тўқима деган тушунча борки, у ёзувчининг ўқувчини ўз ҳаёлотга яратган воқеага ишонтира олиш қобилиятидир. “Қоядаги чақалоқ” шу нуқтаи назардан қутилмаган сюжет тугунига эга бўлиб, унда ечим атай очиқ қолдирилади.

Ҳикоялар дидли, мушоҳадали, ўқувчига айтар сўзи бор қаламкаш томонидан битилгани кўриниб турибди. Шу сабабли мазкур машқларни мамнуният ила сеvimли журналимиз “Шарқ юлдузи” ўқувчиларига тавсия этмоқдамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср ижодий кенгаши

ҳаракатига тушиб қолганди. Ҳайлаб-ҳайлаб нариги маҳалладаги кампирнинг уйини танлади. Каттагина эчкиси бор. Оғзини боғлаб, бир амаллаб кўчага олиб чиқса бўлди. Тўғри бозорга олиб борадию кўтарганига пуллайди. Бирок кампир шундоқ оғилхонанинг олдида ётаркан. Ундан ўтиб, оғилхона эшигини очиш мушкул. Ноилож, уй ичини титкилаб, эски кўрпа-тўшакларнинг орасидан тугун топиб олди. Бекорга бу ерга яширмагандир деб, қўйнига тикди. Мана энди шу тугун олдида боши қотиб ўтирибди. Нима қилса экан? Эрталаб пулларни отасига кўрсатиб, кўнглини хотиржам қилсамикан? Ёки... қайтариб қўйиб келсамикан-а? Йўғ-е? Шунча пулни-я?

Бирок отасининг таъкид билан айтган гапларини эслаб, яна тагин бирор балога гирифторм бўлишдан кўрқди. Пули йўқ қоғозчага қараб-қараб қўяркан, бирдан мардлиги тутиб кетди. Темир каравотининг бош томонидаги ялтироқ қисмини тагидан бир урганди, ажралиб чиқди. Ичи бўш трубага – каравотнинг ўнг оёғига худди бирор нарса кўринадигандай кўзини қисиб қаради. Кейин шуруп билан қотириладиган тешикчага диққат билан разм солди. Қирқалик ғалтак ип жойида турарди. Қора ипни аста тортганди, бир нечта обдон ўралган ва боғланган пуллар бирин-кетин чиқиб кела бошлади. Боғламларни битталаб санади: ўн иккита чиқди, демак, олтмиш сўм пули жойида турибди. Энг охиридаги боғламни ушлаб, ипни тиши билан узди, ўралган бир сўмлик пулларни санади, беш сўм, тўғри. Кейин ўтгизта дастрўмолчанинг пули қанча бўлишини ҳисоблаб кўрди. Ўн олти тийиндан бўлса, тўрт сўму саксон тийин бўларкан, энди бу ёғига ўйлаиб ўтирмади, шомшаса бўлмайди, тонг отиб қолиши мумкин. Беш сўмлик ўрамни кафти билан текислаган бўлди, унга қоғозчани қистирди-да, тугунга солди. Кетиш олдидан каравотини тўғрилаб қўйди.

* * *

Кампир ҳали уйғонмаган экан. Мушукдай писиб кириб, тугунни жойига қўйди. Яна девор ошиб кўчага чиқди. Вожаб, бирор ишидан бунчалар кўнгли тўлмаган эди. Тўғри, ўғирлик қилиб, уч-тўрт сўм топса, хурсанд бўларди, аммо кимнидир қақшатгани учун барибир юрагидан севинмасди. Бу сафар бутунлай бошқача ҳиссиётда эди. Яхши иш қилдимикан-а? Ўзи сезмаган ҳолда ёқимли ўйларга берилиб бораётган лаҳзада бирдан қаттиқ тебраниб кетди. Йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Нима бўлди ўзи? Яна тебранди ва у шундагина ер қимирлаётганини пайқаб қолди. Кўча ўртасига ётиб олмоқчи эди, аммо атрофдан қасир-қусур овозлар эшитилиб, эсини чиқариб юборди. Сал ўтмай одамларнинг ярим яланғоч ҳолатда бақир-чақир билан кўчага отилиб чиқаётганини кўрди. Ҳамма саросимада эди. Кимдир томи ўпирилиб тушган уйига қараб дод солади, кимдир бешикдаги боласини кучоқлаганича қаерга қочишни билмай атрофга аланглайди. Шу пайт оқ яқтак-иштондаги чолнинг бир қаватли ёғоч дарвозаси остида қоқилиб тушганига, энди ўзини ўнглаб турмоқчи бўлганида устига эски девор ағдарилганига кўзи тушиб қолди. Ий-е! Ахир унияма касал отаси бор эди-ку, унга нима бўлдийкин? Деворлари нураб ётган уйи босиб қолмадимикан? Йигит кўз ўнгида рўй бераётган ҳодисалардан даҳшатга тушиб, гандираклаб, йиғи-сиғи қилаётган, бир-бирини ахтараётган одамлар оралаб чошиб кетди. У қарсиллаб ағдарилаётган

уйларнинг чанг-гўзонига чап беришга ҳаракат қилар, бироқ сал ўтмай кимгадир туртилиб кетар ёки оёқ остида ётган нимагадир қоқилиб забти билан ерга ағдариларди. Лекин дарҳол ўрнидан турар ва яна илдам қадам ташларди. Қанча югурмасин, йўли кўпаймаётганга ўхшарди. Қараса, оксоқланиб қолибди. Демак, оёғи қаттиқ лат еган. Аммо бунга эътибор қилиб ўтирмади. Отаси тирикмикин, уйлари ағдарилиб тушмадимикан? Ва ниҳоят... кўшнинг уйи кўринди. Кўча девор қулаб тушгани учун устунлари қийшайиб ён томонга оғиб қолган айвони бир аҳволда кўзга ташланди. Юраги типирчилаб ўз уйига қаради. А-а! Уйи қани? Нега ер билан яксон бўлиб ётибди? Ий-е, ахир отаси бор эди-ку! Унга нима бўлдийкин? Қўрқинчдан юраги ёрилиб бандаликни бажо келтирдимикан ёки қулаб тушган уйлари босиб...

– Ота!

Отасидан айрилиб қолганига аниқ ишонган ўғри йигит айқаш-уйқаш бўлиб ётган тахталар, синчлар ва кесак гувалаларни босиб ўтиб олдинга интилди. Отаси ётган хонани тахмин қилиб, яқинроқ борди-да, овозини борича яна бақирди:

– Ота!

Ҳеч қандай жавоб эшитилмади. Қандай эшитилсин! У вайрона остини қарашга қарор қилди. Ёғочларни кўтариб нарига отмоқчи бўлди, аммо бир-бирини босиб қолган синчларнинг бирортасини ҳам жойидан қимирлата олмади. Ана энди тақдирга тан бериб ростмана йиғлаб юборди.

– Мени деб шу кўйга тушдингиз! Менинг касримга сиз қолдингиз! Бу балога мен гирифтор бўлишим керак эди, ота. Айтинг, қаердасиз? Қандай қутқарай, сизни?! – дея тиззаларига аёвсиз муштлай бошлади. Зирқираб оғриётган оёғини ҳам унутиб, устма-уст зарба туширди. – Ота, мени кечиринг, мен нодон ўғлингиздан рози бўлинг!

– Файзулла!

У донг қотиб қолди. Кимдир чақиргандай бўлди-ми? Овози танишми?

– Файзулламисан?

Йигитнинг юраги кўйиб юборди. Турган жойида шарт орқасига ўтирилди ва ҳожатхона томонда қўлига тунока човгум ушлаб олган отасига кўзи тушди.

– Тирикмисан, ўғлим?

– Тирикман, ота. Тирикман.

– Э, хайрият-ей... Мен сени... Буни қара-я, Худога айтган жойимиз бор экан-а?

Файзулла бунга жавобан ҳеч нима дея олмади. Фақат вайроналар орасидан бир амаллаб ўтиб борди-да, отасининг дир-дир титраётган гавдасини маҳкам кучиб, бағрига босди.

ҚОЯДАГИ ЧАҚАЛОҚ

Куёш тоғ ортига ўтди. Қурбон ака отнинг белига ташланган хуржундан қалин латтага ўралган кўнғироқ олиб, боши баробар кўтарганича қаттиқ чалди. Адирни бирдан кўй-кўзиларнинг баъраган овози тутди. Кўзичоқлар диконглаб чопишдан тўхтаб, оналарини қидириб қолишди.

– Қани, ўтовга, қайту қайт!

Қурбон аканинг ҳайқириғидан сўнг адирни яна жимлик қоплади. Серка буйруқни тушунгандай йўл бошлади, пода аста адир ёқалаб пастга йўрғалади.

Тоғнинг сояси чор-атрофни қоплай бошлади. Узоқдаги қорамтир булутларга кўзи тушган Қурбон ота тоғ ҳавосига ишониб бўлмаслигини яхши билади, кўнглига келган хавотир ичида: “Олапар!” – деди қўнғироқни жигарранг хуржунга жойларкан. Олапар эгасига бир қараб қўйди-да, лапанглаб подани бироз тезлатди. Сурув қоронғи тушмасдан ўтовга етиб келди. Қурбон ака кўра олдида пешвоз чиққан ўғлини кўриб ҳайрон бўлди. Йўлда Олапар бежиз хуримаганини, ўтовга етар-етмас чопиб кетганининг боисини энди англади.

– Тинчликми, Эргашали, эрта қайтибсан? – Хавотирини яширолмай сўради Қурбон ака Олапарни силаб эркалаётган ўғлига тикиларкан.

– Тинчлик, дада, тинчлик, – деди Эргашали қаддини тутиб, дадасига саллом бергач.

– Биратўла имтиҳонларни топшириб келаман, дегандинг-ку? – отдан тушишга шошилмаган ота ҳамон ўғлига синчков назар ташлаб турарди.

– Ўтган йили ижара турган уйимизда одам бор экан. Яна ўн кунларда бўшармиш. Шаҳарда тентираб юраманми, деб келавердим. Унгача сизга қарашиб турарман, дада, – деди Эргашали энди отнинг жиловини қўлга олиб, унинг кенг пешонасини силаркан.

– Шунақа дегин? – Қурбон ака бу ғамхўрликнинг боисини тушунолмай яна ажабланди. Эргашали эртароқ бормасам бўлмайди, деб туриб олганди-да. Ахир имтиҳонга яқин кетарсан, унгача яхшилаб тайёргарлигингни кўр, яна ўтган йилга ўхшаб киролмай қайтиб келмагин, демаганмиди? Хўш, ким ҳақ бўлиб чиқди? Наҳот бу қайсар бола хато иш қилганини энди тушунган бўлса? Балки шунинг учун отанинг кўзларига тик қарай олмаяптимикиан? Ҳа, пушаймон бўлганга ўхшайди. Бўлмаса бунчалар меҳрибончилик қаёқда эди. Қурбон ака ҳамон виқор билан ўтираркан, бошини тебратиб қўйди. Эргашали дадасига қаради: “Тушасизми?” Буни ўзича тушунган ота, ниҳоят, узангига оёғини тиради, пастга тушгач, отининг кетига аста-аста уриб, бугунги хизматига миннатдорчилик билдирди. Толмас бунга жавобан бўйнидаги узун ёлларини силкитди.

Ота-бола кучоқлашиб кўришишди. Эргашали дадасининг соғинганини сизди. “Ота барибир ота-да”, – деди ичида, сўнг чакқонлик билан ишга киришди: отни боғлаб, кўранинг оғзини беркитди. Қурбон ака ўтов четидаги ўчоқ бошида куймаланиб юрган келинига, тарвақайлаб кетган қари тутнинг тагидаги супачада кўлларини йўрғакдан чиқариб олганча оғзидаги сўрғични тинимсиз сўраётган неварасига бир-бир қараб чиқди. Тийрак нигоҳлари яна кимнидир қидирди. Ўтов ичидан кўлида дастурхон билан чиқиб келган хотинига кўзи тушгач, вужудини хотиржамлик эгаллади.

Ишини тамомлаган Эргашали супа томон юрди. Тут шоҳига илинган чироқни бураб ёқди. Кейин бугун роса уч ойлик бўлган фарзандининг устига энгашди. Гўдак дадасини танигандай митти қўлчаларини ўйнатиб талпинди, оғзидан сўрғични чиқариб юборди.

– Сени соғинибди, – деди хонтахта устига дастурхон ёзаётган Тошхон ая жилмайиб. Аммо кейин бирдан ўзгарди: йиғлаб юборишдан ўзини зўрға

тйди, дилини ўртаган гапни эса пичирлабгина айтди: – Буларни опкетиб қолсанг... қандай чидарканман?

– Ҳали кетаётганим йўқ-ку. Аввал ўқишга қирай-чи.

– Барибир-да, – деди Тошхон ая неварасини кўлга олиб, жажжи бармоқчаларидан кетма-кет ўпаркан.

– Бўлди, она, – Эргашали дадаси томон кўз қири ташлади. – Илтимос, бошламай туринг. Дадам эшитса...

Итининг феъли эгасига маълум, дейдилар. Тошхон ая дарров ўзини кўлга олди: ҳеч нарсадан хабари йўқдай, эрига: “Келдингизми, чарчамай”, – дедию келини томон юриб намиққан кўзларини яширган бўлди.

Оила дастурхон атрофида тўпланганда адир тагидаги ўтовга яна файз кирди. Қурбон аканинг наздида ўғли бироз сермулозамат эди, ўзини анча эркин тутиши, ўқишга киришига ишонч билан гапириши ҳам эътиборини тортган, ҳатто таажжубланишига сабаб бўлаётганди. “Қизик, – хаёлидан кечиради ота ошни иштаҳа билан паққос тушираётган фарзандига зимдан назар ташлаб. – Нега бунчалар ичи қизияптийкин?”

Дастурхонга дуо қилинган, Қурбон ака неварасини бағрига олди. “Данагидан мағзи ширин-да”, – деди негадир мўлтираб турган хотинига кўз қирини ташлаб. Кейин болақайни эркалай бошлади. Эргашали бу ҳолни узоқ кузатиб ўтиролмади, ниманидир баҳона қилиб ўрнидан турди. Мазали паллов учун раҳмат эшитган келин аввал идиш-товоқларни, кейин дастурхонни йиғиштирди. Каттагина суяк билан сийланган Олапар кўра томон кетди.

* * *

Эргашали барвақт туриб, сурувни олдига солди. Отаси ҳамроҳ бўлай деганди, унамади.

– Чарчагансиз, дам олинг.

Бу ғамхўрликни ўзича тушунган Қурбон ака ноилоҳ ўтовда қолди. “Мендан кейин боқаверасиз, подайизни, дегани-да бу”, – дея хаёлидан ўтказди кўлига кетмон оларкан.

Ўғли шаҳарга кетгандан буён экин-тикинга қарай олгани йўқ эди. Ишлашга фурсат топилгани учун бошқа гапларга кўл силтади. Тепадан сизиб келаётган сув йўлини тўсиб, помидор экилган эгатларга тўғрилади. Кейин сал пастроқдаги теракзор томон юрди. Анча кўзга кўриниб қолган дарахтлар унинг кўзини қувонтирди. Энди уларнинг ёнидан чиққан майда шохларни кесиб, шакл бериш кераклигини ўйлаб ўтовда анча ишлар йиғилиб қолганини пайқади. Эргашалига руҳсат берганига ачинди. Шу ишларни у бажарганда яхши эди-да. Олтмишга кирганда дарахтма-дарахт чиқиб юрмайди-ку ахир. Яхшиси, эртага ўғлини ўтовда қолдиради. Ростдан ҳам кетиб қоладиган бўлса, барча қийин ишларни тугатиб кетсин. Қишдан бир амаллаб чиқиб олишса, у ёғи бир гап бўлар.

Гўдак йиғиси эшитилди. Қурбон ака невараси уйғонганини англаб, чайлага қайтди. Қуёшнинг тафти танга ёқа бошлади. Тут соясига келиб ўтиргач, келинига: “Қани, полвонни опчиқинг-чи!” – деди меҳри товланиб.

Зурриёд! Қурбон ака гўдакни кўлга олиб пешонасидан ўпганда юрагида қандайдир ўзи дарров англаб етмаган ҳислар жўш урганини сизди. Насл да-

вомчиси туғилганида бир қувонган бўлса, ҳозир у кучоғини тўлдириб турганидан, бобосига қараб жилмайиб қўяётганидан минг қувонди. Қани эди, Йўлдошали юриб қолган бўлсаю, қадами етган бутун ерларни кўрсатиб чиқса! От миндириб, атрофдаги борлиқ жониворларни бир-бир таништирса, уларга ошно қилиб, меҳр уйғотса... балки шаҳарга кетишни истамаган бўлармиди?

Хотинининг кечаси алламаҳалда айтган гапи эсига тушиб, кўнгли ғашланди. Нима эмиш, агар ўқишга кирса, бола-чақасини олиб кетармиш. Ёпирай, бу нарса унинг хаёлига қаердан келди? Ёки келин шунақа шарт қўйдимикин? Тавба, бу бола шаҳарга ўқиш учун кетяптими ёки оиласини боқишгами?

Уйқуси қочган Қурбон ака кечки овқат устидаги гап-сўзларнинг моҳиятини эндигина англагандай бўлди. Ҳм, ўзини сал баланд тутиши бекорга эмас эканда. Ҳали институтга кира оладими, йўқми? Яна ўтган йилга ўхшаб... лекин имтиҳонлардан ўтса-чи? Унда нима бўлади?

Қурбон ака беихтиёр қўлидаги гўдакка термилди. Яна бир неча кундан кейин невараси кетиб қоладигандай уни маҳкамроқ кучди. Дадасига йўлдош бўлсин деб, исмини Йўлдошали қўйгани-чи? Энди афсус чекишга ҳожат йўқ: чақалоққа исм қўйилган, қулоғига азон айтилган. Балки ақлини танигач, бобосининг олдига қайтар? Қариган чоғида белига қувват, кўзига нур бўлар. Яна ким билади? Ахир ўғлига ҳам не умидлар билан Эргашали деб исм қўйганди менга эргашсин, ўрнимни боссин деб. Аммо оқибати нима бўлди? Беш-олти кун шаҳарда юриб: “Бирор ҳафтада кетаман”, – деб ўтирибдию, бу гўдак у ернинг нонини еб, ҳавосидан нафас олса, қайтиб келармиди?

Қурбон ака биринчи марта ўзини ожиз сизди. Бироқ тезда фикрини жамлади: ҳозирданоқ умидсизликка тушишни эп кўрмади. Чақалоқни кўтариб ўтов атрофини айлангирди. Келинининг иссиққа олиб чиқманг, деб куйинганига эътибор қилиб ўтирмади. Тоғнинг тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олсин, дея соя-салқин жойларда анча юрди. Ҳатто қорни очқаб йиғига тушганда ҳам онасининг қўлига тутқазिशга шошилмади.

“Даданг менданам қайсар чиқибди. Эсини таниганда “Сени ўқитаман”, деган битта гапимни маҳкам ушлаб олганини қара. Ростдан ҳам чин кўнгилдан айтганманми ёки отдан қулаб касал ётганимда жаҳл устида гапириб юборганманми, билмадим у аммо оғзимдан чиққани ҳақиқат. Шунинг учун лафзимдан қайтолмай, ўқишига қаршилиқ қилмадим. Негаки, қиролмаслигига кўзим етади-да. Чўпоннинг ўғли институтга кира олардими? Эргаю кеч қўйнинг ортидан таёқ кўтариб юрган бўлса, қанақа билим бўлсин унда? Ойда бир-икки марта мактабга бориб қўйса, ҳисобга ўтарканми? Ёки мактабни тамомлагани ҳақидаги гувоҳнома нима учун ёзиб берилганини билмайманми? Эҳ, Эргашали-я, Эргашали, гапимга қулоқ тутмади. Ана, ўтган йили нима бўлди? Йиқилган курашга тўймаслигини биламан. Нега сал кунда қайтиб кетаман, деб гапирдийкин? Бу эси паст даданг нимага бунақа дедийкин? Ё мени синаш учун атай айтдимикин? Гапир, гапирсанг-чи, миттивой! Ғала-ғовур шаҳарга кетасанми ёки мана шу тинч, осуда адирда мен билан қоласанми? Мана бу боғни кўряпсанми? Ҳов, анави баланд тоғларни-чи? Ҳа, баракалла. Энди буларнинг ҳаммаси ўзимизники, болам. Уларга кўз-қулоқ бўлмасак, асраб-авайламасак, нима бўлади? Ие, Бургутвой ҳавога кўтарилибдими? Қара,

кўряпсанми? Ана, хув, ана. Лекин... сал безовтами, дейман. И-и, шеригиям чиқиб олибди-ку. Нега боласини ёлғиз қолдирди экан? Ё сенга ўхшаб уларнинг ҳам қорни очдимикин? Онангни чидолмай олдимизга келаётганига қараганда уям сенинг очикқанингни сезганга ўхшайди. Бўпти, қани, юр-чи, бўлмаса”.

Райҳон ўғлини олиб ўзларига ажратилган чайлага кириб кетди. Қурбон ака дастурхон ёзилган супага келиб ўтирди. Иштаҳаси йўқлигидан, биқинига ёстиқ тиради. Кейин неча йиллардан буён Боботоғни макон қилган Бургутойга термилди. Унинг гоҳ пастлаб, гоҳ баландлаб учишини, баъзида таниш овоз чиқариб кўйишини сал хавотирланиб кузата бошлади. Бояқиш ўтган йили боласидан айрилиб, аламзада бўлиб анча учиб юрди. Бир жойда кўним тополмай ўзини тоғдан тоққа ургани-чи? Тинчлангунча атрофдаги жонзотларни анча ҳалак қилди. Ҳартугул бу йил полапон очиб, яна хотиржам парвоз қила бошлади. Нечта очдийкин? Боласи қанот чиқариб қолгандир?

Дастурхонга нигоҳи тушиб, бир пиёла чой қуйди. Бироқ хаёли ўғлига кўчиб, иштаҳаси йўқолди. “Бу ерда кўп қолмасмиш. Шаҳарда яшаса, худди ўқишга кириб кетадигандай гапирди-я. Нимасига ишонапти бу бола? Ишлаб қорнига, ижарасига пул топадими ёки ўқишга тайёргарлик кўрадимми? Ростданам тушунолмай қолдим. Ҳали келса, жиддийроқ гаплашаман шекилли”.

* * *

Кечкурун суҳбат учун умуман имкон бўлмади. Кийимларини апил-тапил алмаштирган Эргашали қишлоққа тушиб кетди. Синфдоши уйланаётган экан, бормаса бўлмасмиш. Ўғлининг ортидан қараб қолган Қурбон ака балки тўй учун қайтиб келгандир деган ўйга борди. Ижара бандлигини баҳона фаҳмлаб, бошини сарак-сарак қилганича телевизор кўриш учун ёнбошлади.

Эрталаб ўғлини эгарланган от устида кўриб гапиришга яна ботинолмади. Эркаклик туси ураётган Эргашалига от жуда ярашиб турарди. Уларга қараган одам “От – йигитнинг қаноти” деган мақол нақадар тўғри айтилганига яна бир бор амин бўлиши аниқ. Шундоқ ўктам йигитнинг раъйига қарши боргинг ҳам келмайди. Бунинг устига адирма-адир кўй боқиш узок сафарга чиқиш билан баробар. Йўлга отланган одамнинг дилини билиб-билмай оғритиб кўйсанг, иши юришмаслиги мумкин. Худо кўрсатмасину мабодо бирор хатарга йўлиқса, бир умр афсус-надоматдан қутулолмайсан. “Кейинги пушаймон – ўзингга душман”, деб бекорга айтилмаган ахир. Марҳум дадасидан эшитган панд-насиҳатлар хаёлидан ўтиб, ортиқча гап қилиб ўтирмади: “Бўпти, яхши бориб ке. Омадингни берсин”.

Тушдан кейин осмонда яна таниш қушлар пайдо бўлди. Дикқати бўлинган Қурбон аканинг кўли ишга бормади. Бургутларнинг шиддатли парвози кўнглини хижил қилди. Нима бўлдийкин уларга? Кечаям бунчалик безовта эмасди-ку? Ёки инига бирортаси таҳдид солдимикин-а? Бироқ қояга чиқиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келадиган иш эмас. Балки илондир дейишга одамнинг тили бормади. Чунки бургут тоғу тошдаги ҳар қандай тажовузкор илондан кўрқмайди. Унда бургутларнинг тинчини бузишга ким журъат қилдийкин? Бу кадрдон кўшнисининг ҳаловати йўқолиб, нега чир айланиб учяпти?

Қурбон ака отга миниб Боботоғ томон борсаммикин, деб тараддудга тушиб қолди. Эгар-жабдуқни энди қўлига олганди, бирдан хотини юз очдига кетгани миясига урилди: аттанг! Чор-атрофга нажот билан термилди. Анчагача ҳам ҳеч кимдан дарак бўлмади. Шундай пайтда Олапари ёнида бўлмаганига афсусланди. Уни бемалол қоровул қилиб ташлаб кетиши мумкин эди. Гарвузи қўлтиғидан тушган одамдай ҳафсаласи пир бўлди. Қўлидаги нарсаларни жойига ташлади. Кечадан бери бир жойда туриб қолган Толмас бу ҳолатдан жаҳли чикқандай ер депсинди. Қурбон ака: “Нима қилай, чорасизман” – дегандай қўлларини ёнига шапиллатиб урди.

Боботоғ тепасида бир жуфт бургут ҳамон чарх уриб учарди. Келиннинг ўзини қолдиришга кўнгли бўлмаган Қурбон ака жойида ўтиролмай қолди. Хотини ҳали-бери келмаслигини билиб, баттар аччиқланди. “Шу хотинларга ҳам ҳайронман, – деди ўз-ўзи билан гаплашиб. – Бир гапга тушиб кетишса уйи борлигини ҳам унутиб қўйишади”. Тер босган пешонасини артаркан, бирдан бекорга жаҳл қилаётганини англаб қолди. Бу тоғу тошда, ўтовда ҳаёт кечиришнинг ўзими? Хотини бечора шунақа пайтларда бир яйраб олмаса, қачон яйрайди? Худога шукрки, келин олиб, айниқса, неварга кўриб бағридилди очилган, баъзида шу кенгликларга ҳам сиғмай кетади. Майли, тўйга бормаганга яраша, юз очдида бемалол ўтириб келсин. Анов гаплар чин бўлиб, келин ҳам шаҳарга кетиб қолса... юраги яна яримта бўлиб қолади. Худди анави безовта бургутлар мисоли ўзини қаерга қўйишни билмай қолса керак. Бояқишга қийин бўлади-да.

Қушлар ўтовга анча яқин келиб учиши Қурбон аканинг хаёлини бўлди. Одатда улар ўтов тепасига камдан-кам келишарди. Ҳа, охирги марта қачон келганини эслади. Чақалоқ овози қир-адирларда акс-садо берганда уларни шу яқин-атрофда кўрганди. Гўё қутлагани келишгандай анча парвоз қилиб қайтиб кетишганди. Қурбон ака янглишмаса, ўша кунлари уларнинг полапонлари ҳам кўз очганди. Бургутларнинг ҳозирги хатти-ҳаракати ўша пайтдаги сокин парвозга сира ўхшамас эди. Овоз чиқаришлари ҳам бўлакча. Гўё бошларига хатар тушгандай, ундан огоҳ этмоқда. Ёки тоғда қандайдир ёв ўрмалаб юрибди...

Қурбон ака қўл-оёғи ипсиз боғланган одам деган нақлнинг моҳиятини ана энди тўлиқ тушунганди. Ўзидай ночор аҳволга тушиб кўзлаган манзилга кета олмаган одам айтган экан-да, деб фикр юритди кўрғон атрофини айланар экан. У шу зайлда бот-бот тулпорининг ёнига келиб қолар ва эгарга кўз ташлаб қўярди.

Бургутлар бу ерда ҳеч қандай нажот йўқдай бирдан ғойиб бўлишди. Аммо кечга яқин негадир поданинг устида айланиб учиб ўтовга яқинлашишди. Улардаги бу журъатни кўриб Қурбон ака яна таажжубга тушди. Улар энди безовталаниб қанот қоқишмас, бир-бирини таъқиб ҳам қилмас эди. Тинч ва сокин парвоз Қурбон аканинг кўнглидаги ғашликни бироз аритса-да, неча йиллардан буён кадрон бўлиб қолган бу қушларнинг жимгина ўтовни кузатишлари алланечук ғалати туюлаётганди.

Ўғлига разм солди. Эргашали одатдагидай сипо эди, аммо қаттиқ толиққани билиниб турарди. Қурбон ака отга нигоҳ ташлади. Жонивор яхшигина дам олган чоғи, чарчоқ аломатлари сезилмасди.

– Бургутлар бугун жуда безовта бўлишди-да, ини атрофида бегона одамга кўзинг тушмадимми?

Эргашали бу саволни кутган шекилли: “Йўқ, кўрмадим”, – дея хотиржамлик билан жавоб қилди. Бироқ кўй-кўзиларни кўрага қамаркан, кўз қирини отасидан узмади.

– Қоронғи тушиб қолди, қайтишса бўларди.

– Ҳайдаб юборайми?

– Улар одамзоднинг гапига қулоқ солмайди, ўғлим.

– Милтиғингиз бор-ку.

– Нима, уларга ўқ узмоқчимисан?

– Кўрқитсак, қайтиб кетишармиди, дейман-да.

– Ана, кетишяпти.

Дарҳақиқат, бу пайтда бир жуфт бургут ўтовдан узоқлаша бошлаган эди.

* * *

– Хўп десангиз, бугун экин-тикинга қарасам, – деди Эргашали юз-кўлини шошилмасдан ювиб келгач.

– Ҳм, чарчадингми?

– Онамга ҳам қарашай-да. Тошкентга кетиб қолсам...

– Шунақами? – дея хотинининг юз-кўзида пайдо бўлаётган маъноли ифодалардан бир нималарни уққан Қурбон ака белини маҳкамроқ боғлади. – Майли, онангга қараш, экин-тикинларни эпақага келтир. Ишқилиб, бугун-эрта кетиб қолмайсанми?

– Ўтовдаги ишларни тугатай-чи.

– Бўпти, мен кетдим. Ийи, полвоним билан хайрлашмадим-ку. Бор, олиб чик!

Қурбон ака набирасини қўлга олиб эркалатди. Шоп мўйловини жажжи қўлларига ишқаб кулдирди. Бу орада ўғлига юзланиб, шу қувончни биздан олиб кетмоқчимисан, дегандай бошини сарак-сарак қилди. Кейин нари кетаркан, ичидагини барибир гапирди.

– Бу полвон шаҳарнинг боласи эмас. Аनावи эркин бургутлардек шу кенг қир-адирларнинг, осмонўпар тоғларинг шунқори бўлади. Сенинг йўлингни тўсмайману аммо бу паҳлавонни олиб кетиб қолма. Ўқишни битирсанг, у ёғи бир гап бўлар.

Эргашали гап орасида бургутлар деган сўздан кейин хаёли чалғиб, паҳлавонни полапон деб эшитгандай бўлди, тезда бошини эгаркан, ер остидан тоққа қараб кўйди. Дадаси сал узоқлашгандан кейингина енгил нафас олди.

Тупга яқин Сарвихон ая: “Дадангга овқат ташлаб келай”, – деган баҳонада ёшларни холи қолдирди. Она фарзандининг дилини сезади, келиннинг ҳаракатларидан ниятини билади. Ахир у она-да.

Эмин-эркин қолган ёшлар бир-бирининг дийдорига тўйишди. Кейин озроқ тамадди қилган бўлишди-да, яна ўтовга ошиқишди. Ичкари иссиқ ва дим бўлгани боис, чақалок инжиқлик қила бошлади. Райҳон болани тутнинг соясидаги беланчакка солиш учун ташқарига олиб чиқди. Нимадир ёдига тушиб, ўғилчасини супачага ётқизди-да, яна ичкарига ошиқди. Гўдагининг оёқ-

қўлларини яхшилаб йўргаклаб қўймаса, кимирлаб уйғониб кетиши мумкин. Маҳкам йўргакда бола тинч ва узоқ ухлайди.

Эргашали дарров қайтган хотинини бағрига тортди.

– Болани ҳали ётқизмадим.

– Бўлақол, жоним.

Райҳон кўзлари юмилиб кетаётган чақалоғини юзларидан ўпиб-ўпиб йўргаклади, энди беланчакка ётқизмоқчийди, белидан боғлайдиган боғични олмагани ёдига тушди. Беланчакни ўртасидан боғламаса бўладими?

– Келдингми, асалим.

– Бирпас сабр қилсайиз-чи. Хаёлимни ўғирлайсиз-а.

– Ҳм, яна нима?

– Боғични олмабман-ку. Беланчакни боғлашим керак.

– Бўпти, бўпти. Борақол. Ҳа, тўхта, биласан-а, яқин кунларда сени шаҳарга олиб кетишимни. Яхши бир жойни ижарага олиб маза қилиб яшаймиз, – деди Эргашали хотинининг елкасидан кучиб. – Бу тоғу тошларда тентираб юрмаймиз. Биз бошқача яшаймиз!

– Аввал ўқишга кириб олинг-чи.

– Мана кўрасан, бу йил албатта, кираман.

– Бўпти, ҳозир келаман.

– Шошма, бир ўпиб олай.

– Бола ташқарида қолди.

– Ке, келсанг-чи!

Эргашалининг бакуват қўлларидан чиқиб кетиш осон бўлмади. Эрининг иссиқ бағрида Райҳоннинг кўз ўнгидан ҳамма шароитлари бор пинам хонадон ўтди. Қандай яхши! Қирни машина ювса, гиламни чанг ютгич тозаласа, сув иситмаса, ёзилгани ташқарига чиқмаса. Биргина юмуш – овқат тайёрлашгина қоларкан-да унга. Эриб кетди. Эргашалининг оташ бўсалари унга порлоқ келажак ҳадя қиларди...

Бир пайт Райҳоннинг чинқириғи бутун борлиқни тутди. Тоғнинг баланд қояларига урилиб акс-садо берди. Нафаси ичига тушиб кетган Эргашали ташқарига отилиб чиққанида хотини дод солганича қандайдир баҳайбат қушнинг ортидан чопиб борарди. Бир пайт бошидан рўмоли учди, сочлари тўзиди, қадамлари тезлашди. Бақирди борган сари ҳам кучаяр, ҳам пасаяр эди.

“Бу урғочи бургут-ку! Нима, у ўғлимни олиб қочдимми?”

Эргашали Райҳоннинг: “Боламни қайтар! Қайтар деяпман сенга!” – деган нидосини энди англади. Мудҳиш ходиса рўй бергани миясига урганда тамом бўлди. “Қасос!” У кечирилмас хатога йўл қўйганини тушуниб етганида бўғзидан ана шу биргина сўз отилиб чиқди.

– Ўлдираман! Ўлдираман, боламни жойига қўй! – дея бақирди Эргашали. Унинг ҳам ғазаб, ҳам ўкинчга тўла овози узоқ-узоқларга етиб борди.

Райҳон бирдан тўхтаб, орқасига ўтирилди. Эрининг таҳликали бақирғи уни шунга мажбур қилганди. Эргашали гандираклаб ўтовга кириб кетди. Бағрини тиглаётган ёш онанинг кўнгли яна бир даҳшатли ходиса рўй бериши мумкинлигини сизди чоғи, энди ортига қараб чопди. Йиқилиб тушди, аммо бунга эътибор қилмади. Оёқлари қийшайиб кетса-да, чопди, унинг бирдан-бир мақсади тезроқ ўтовга етиб келиш эди. Бу пайтда кўзлари қонга

тўлган Эргашали кўлида кўшотар билан ўтовдан чиқди. Вақтни бой беришни хохламади, отмаса, бургут унинг ўғлини қоядаги инига олиб кетади. Типирчилаган бола у ердан тушиб кетиши мумкин. Шунча баланддан қулаган чақалоқнинг тирик қолиши... йўқ, у тошларга урилиб, нобуд бўлади. Ундан кўра қушни яралагани маъқул. Ўлжадан айрилишни истамаган бургут гўдакни ташлаб юбормайди. Аста бирор ерга кўнади. Хаёлидан яшин тезлигида ўтаётган бу фикр унинг назарида тўғри эди. Мўлжалга олди. Отди, аммо шу он кимдир кўлларига тирмашди: ўқ хато кетди.

– Отманг! Асло ота кўрманг! Ўқ боламга тегса нима бўлади? Уни ўз кўлларингиз билан ўлдирмоқчимисиз?

– Нар и тур!

– Отмайсиз!

– Ўлдираман бу газандаларни! Тухумини қуритаман!

Эр-хотин тортишар, бургут эса шиддат билан қоядаги ини томон учиб борарди.

– Милтиқни менга беринг! Боринг орқасидан, боламни олиб келинг!

– Болани қоядан олиб тушиб бўлмайди.

– Мен билмайман, боринг, боринг дедим сизга!

– Э-э.

– Бўлмаса, ўзим бораман! Қаердалигини айтсангиз, бас.

Эргашали нима қиларини билмай қолди. Бургут ундан қасос олганди. У икки кун тоққа қандай чираниб чиқиб, унинг боласини ўғирлаган бўлса, қушчанинг онаси ҳам шундай йўл тутганди. Жонга жон бўлди: ўч олинди. Бундан беҳабар Райҳон йиртқич қушларни қарғашга тушди. Бу ерга келин бўлиб тушганига афсус-надомат чека бошлади. Боласига бир нарса бўлса, ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлашини айтганда Эргашали чидаб туролмади, милтиқни ўтов томонга улоқтирди-да, қоя сари йўлга тушди.

– Ҳой, отга минмайсизми?

Эргашали хаёлини йиғди, дарвоқе, тулпори бор-ку. У отга эгар уриб ўтирмади. Бир сакраб устига минди-да, энди оёқлари билан биқинига ниқтаган эди, дадасига кўзи тушди. Райҳон қайноғасини кўриб, ўкириб йиғлаб юборди.

Нима ходиса юз берганини кўрган Қурбон ака ўғлининг йўлига ғов бўлди. Эргашали отни аранг тўхтатиб қолди. Дадасининг ғазаб тўла нигоҳларига чидай олмай бошини ҳам қилди.

– Боласига тегиндингми?

Эргашалининг тили айланмади.

– Сендан сўраяпман, ярамас!

Эргашали зўрға бошини қимирлатди. Шу ишорани кутиб турган Қурбон ака ўғлига яқин келди-да, қарсиллатиб шапалоқ тортиб юборди. От ҳуркиб кетди, Эргашали ўмбалоқ ошиб ерга қулади.

– Кўрнамак! Кимга сотмоқчи бўлдинг? Нега катта гапириб қолди десам, гап бу ёқда экан-да.

– Ота, кечиринг мени, пулга қизиқиб... – Эргашали ўрнидан туриб дадасининг оёқларига ёпишди.

– Пул деса виждонингни ҳам сотасанми?

– Жон ота, билмай қолдим, сиздан ёлвориб сўрайман, боламни қайтаринг!

– Сен менга эмас, анави бургутларга ёлвор, аҳмоқ!

Эргашали бундай қараса, хотини тепасида турибди. Кўлида кўшотар. Кўзлари кинидан чиқиб кетган эр бир отасига, бир нафрат билан тикилиб турган Райҳонга қаради.

– Нима қиялсан? Э-э-эсинг жойидами?

– Агар боламни тириклайин олиб келмасангиз... сизни ҳам, ўзимни ҳам отиб ташлайман!

Қурбон ака хотинини сурув олдида қолдириб келиб тўғри қилганини тунди. Бу кўргиликларга гувоҳ бўлганида чидармиди, бояқиш. Келинида пайдо бўлган журъат Қурбон акани сергаклангирди.

– Полапонни қаерга яширдинг?

– Тепалик ортидаги дарахт ковагига.

– Бор, опке!

Эргашали отга қамчи босди. Қурбон ака мулойим гапириб, келиннинг кўлидаги куролни олди. Қаердадир чақалоқ овози эшитилгандай бўлди. Райҳон бошини чангаллаб яна дод солди. Кейин йўлга тушган қайнотасига эргашди.

– Йўқ, сиз шу ерда кутинг.

– Бормасам бўлмайди. Бургутлар боламни тилка-пора қилиб ташлаган бўлса-чи? – тиззаларига муштлади келин.

– Улар ваҳший эмас, қизим. Полапонини кўришса... қайтиб келади. Мана кўрасиз, набирамга зиён етказишмайди.

– Хўп, ота. Боринг, борақолинг, бўлмаса.

* * *

Эргашали полапонни қояга олиб чиқмоқчи бўлди. Қурбон ака унамади. Баланд тепаликка кўтарилиб, ерга оқ чойшаб ёйди ва унинг ўртасига бориб қанот чиқариб қолган қушчани икки қўллаб учуриб юбормоқчидай боши узра бир неча марта ҳаволатди, лекин эркига қўймади. Очққан қушча ота-онасини қидиргандай нолий бошлади. Унинг ғазабкор овози аста кучайди. Қурбон ака қоялардан кўз узмас, бир зум жим қолган полапонни юқорига кўтариб, жаҳлини чиқаришда давом этарди.

Ана, ҳавода бир эмас, икки бургут кўринди. Қурбон ака вақт бўлганини англади ва полапонни чойшаб устида қолдириб, пастга туша бошлади. Қушлар овозни таниган эди, шундай бўлса-да, тепаликка кўнишга шошилмади. Обдон айланишди, ҳеч қандай хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина эркак бургут биринчи бўлиб боласининг олдига тушди. Лекин чойшаб устига чиқмади. Полапон қанот силкиб жойида тураверди. Шунда қандайдир овоз чиқарди, афтидан боласини ёнига чорлади. Бу ҳолдан она бургут хавотирланди чоғи, пастлаб учиб келди-да, қанотлари билан полапонни нари сурди. Чойшабдан тушган қушча икки-уч кадам ташлади. Худди шу пайтти пойлаб эркак бургут панжаларини ишга солди: боласини чангаллаб осмонга кўтарилди.

Қурбон ака енгил нафас олди.

Эргашали қояга тикилганича донг қотиб тураверди.

– Кетдик!
 – Қаерга?
 – Ўтовга.
 – Ўғлим-чи?
 – Ўғлинг ишончли жойда.
 – Дада! Ҳазилнинг вақtimi, ҳозир?
 – Бола ўғирлагитиш қалай бўларкан?
 – Дада! Мазах қилманг, илтимос. Мен ҳозир...
 – Қаёққа?
 – Қояга чиқиб...
 – Бургутларнинг учта ини бор, қайси бирига чиқасан?
 – Ҳозир қорни очиб йиғлай бошлайди. Шунга қараб, қаердалигини билиб оламан.

– Шу ердан кимир этма. Кут! Мен сурувнинг олдига кетдим. Онанг таъзирини егандир.

– Нимани кутама? Қачонгача кутама? – сўради Эргашали отга минаётган дадасидан жаҳли чиқиб.

– Бургутлар болангни олиб тушгунгача.

– Олиб тушмасачи?

– Улар сенчалик бағритош эмас.

– Дада!

– Нима, дада? Шаҳарга кетганидан кўра... қояда униб-ўсганиям маъкул менга.

– Йўқ, уни олиб тушмасам бўлмайди. Мана кўрасиз, ҳали замон келинингиз ҳам етиб келади. Мен чиқмасам... у ўзини қояга отади. Бу ерда қўл қовуштириб ўтираверсам, икковидан ҳам айрилиб қоламан.

Эргашали шундай деб йиғлаб юборди.

– Майли, йиғла-сиқта. Аммо ярим соат жойингдан қимирлама. Мен тезда қайтиб келаман.

Қурбон ака сурув томон от чоптириб кетди. Ўғлининг ўкириб йиғлашига юраги эзилса-да, ортига қарамади.

* * *

Анчадан кейин осмонда таниш бургут кўринди. Бироқ унинг чангалида йўргакланган бола кўринмади. Эргашалининг кўзлари тиниб, боши гир айлана бошлади. Томоғи қуриб, оғир-оғир ютинди. Тиззалаб олганича қояга тикилди, тикилаверди. Энди унда биргина илинж қолганди: ҳадемай инда қолган урғочи бургут парвоз қилади ва унинг ўткир панжаларида йўргак бўлади...



КҮНГИЛ МУЛКИ

Абдулла УЛУҒОВ

Филология фанлари номзоди. 1960 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Қалб қандили” каби китоблари, “Адабиётишуносликка кириши”, “Туркий халқлар адабиёти” сингари ўқув қўлланмалари нашр этилган.



ЮРАКНИ УЙҒОТГАН СЎЗЛАР

Эшқобил Шукур шеърларида сўзлар янги жилоларини намоён этилади. У сўзлардан завқланади. Бошқаларга ҳам ўзи ҳис қилган шу завқни юқтиради. Тилшунос, адабиётшунос, шоир, адиблар сўз тўғрисида кўп фикрлар билдиришган. Аммо, шу пайтгача ҳеч ким “сўз – тилнинг ҳужайраси” демаган. Эшқобил Шукур кўпчилик эътиборидан четда қолган шу ҳодисага назар ташлади. Аниқроғи, у бу муҳим ҳақиқатни жуда нуқтадонлик билан топиб кўрсатди: “бу оламни сўз кўзлари билан кўриш мумкин”. Сўзни сув ёки бошқа моддий нарсалар сингари кўролгани учун, “сўзнинг кўзлари бор”, деди. Бу, албатта, ғалати туюлади. Кимдир эътироз этиши табиий. Мантиқан, бу – асосли. Кўпчилик кўриниб турган ҳодисаларни идрок этиди, мантиқ мезонларига мувофиқ келмайдиган нарсаларни қабул қилмайди. Инсоният шу боис мантиқ исканжасида яшаб келади. Аммо кишилар ўйлаб топган, узок тажрибалардан ўтказиб, турмушга жорий этган мантиқ ўлчовлари инсон оламини тўла-тўқис қамраб ололмайди. Чунки олам ва одам мантиқ миқёсларига сиғмайдиган сир-синоатларга тўла. Сўз турли товушларнинг мураккаб уйғунлашишидан ҳосил бўлади. Сўзни вужудга келтирувчи товушлар одамнинг ички оламидан чиқади. Бу товушларнинг юзага келишида одамнинг бутун вужуди иштирок этиди, шу боисдан ундан турли маънолар англашилади.

Эшқобил Шукур шеърлари, аввало халқ кўшиқларига хос оҳанги билан диққатни тортади. Сўз худди халқ кўшиқларидаги каби жаранглаб туради ва оҳанги юракка етиб боради. Энг муҳими, тўқнашувлар гирдобиди турган инсон қалб драмасыни акс эттиради. “Ҳамал айвони” ҳис-туйғуларнинг янги оламига олиб кириб, кишига у илгари ҳис қилмаган бўлакча дунёни тақдим этиди. Олам ва одам ҳақида тасавуруни теранлаштириб, дунёга қарашларни кенгайтиради. Ҳар бир киши “Ҳамал айвони”даги шеърларда чуқур драматизм ва жўшқин лиризмга йўғрилган теран миллийликни ҳис қилади. Шоир “Илтижо” шеърларида ёзади:

*Бир қарвон булут бергин,
Дарё бер тизим-тизим.
Бир қатрон музлик бергин,
Ўзинг тўзим бер, тўзим.*

“Тунги гуллар”да инсон қалбидаги қарама-қарши кечинмалар, турфа хил туйғулар тиниқ ташбеҳларда ифодаланади. Уларда сўзлар хилма-хил рангда товланиб, турфа оҳанг таратади. Киши воқеликдан чинакам завқланганида шундай туюлади. Бу завқни туғма шоиргина шундай ифодалай олади. У борликқа бошқача нигоҳ билан қарайди. Шоирнинг ўткир нигоҳи оддий, жўн кўриниб келган нарсаларда нур, жозиба борлигини топиб беради. Унинг бу хабари кўнгилга сурур олиб киради. Шоир қаҳратон кишининг зулмат кечасида кимсасиз чўлда ўтовига кетаётган чўпон ҳолатини бундай тасвирлайди:

*Булутлар қорларнинг қўйнида ухлар,
Чўл қисирлар аёз қамчиларидан.
Қирлар тун бетиға уфурган уҳлар
Музлайди изтироб томчиларидай.*

Қоп-қоронғи кечада совуқдан титраб-қакшаб, умидсиз қолган чўпонга осмонда кўринган ой нажот беради. Шеърда бирорга жўн мисра йўқ. Ундаги ўн олти мисранинг барчаси ташбеҳ, жонлантириш, сифатлашдан иборат. Улар занжир ҳалқалари сингари бир-бири билан боғланиб кетган. Чўлда ойдан нажот олиб, умидга тўлиб, ишонч билан кетаётган одам ҳолати жуда таъсирчан ифода этилган. Шоир тун манзаралари, қишлоқ оқшомлари, чўл осмони кишида қандай ҳиссиётлар уйғотишини худди рассом каби чизиб кўрсатади. Табиат манзараси маҳорат билан тасвирланган картинани кўрганида эса киши беихтиёр ҳаяжонга тушади. Шоирнинг “Чўлда юрган ой” туркумидаги шеърлари худди моҳир мусаввир томонидан ёрқин бўёқларда ишланган манзара сингари ажиб ҳиссиёт уйғотади:

*Шомдан сўнг ёмғирсиз кунлардан ўксиб,
Ҳориб ўтовига қайтди чўпонлар.
Оёғи остига ой нурун қалаб,
Ўзига ўт қўйди зарҳал қўтонлар.*

“Сочлари сумбул-сумбул...”, “Тунги гуллар”, “Ҳамал айвони” шоирнинг кўнглида ҳиссиётлар мавжланиб туришидан далолат беради. Аниқроғи, сўзлар чинакам шоирга ҳамиша ўзининг очилмаган оҳанглари, жилоларини тақдим этади. Улар шоирнинг тасаввур-хаёлида жонланган ажиб манзараларни ёрқин рангларда гавдалантиради. Бошқаларни ўзининг хаёл-тасаввури билан ҳаяжонга солиш, тўлқинлантириш шоир оддий одам эмас, балки бахтли инсон эканлигини билдиради. “Худо, – дейди Оноре де Бальзак, – Пайғамбарга минг йиллар қаърини кўриш, шоирга борликни қайтадан идрок этиш, мутрибга оламнинг мусиқий оҳанглари топиш салоҳиятини бахш этган”. Чиндан ҳам “Нажот”, “Ёмғирдан олдин” ёки “Юракни уйғотиб юборинг”да шоирнинг борликни бошқача идрок этиши, унинг ўзгалар кўролмайдиган қирраларини кўра олиши сезилади. У жонсиз нарсаларни ҳаракатда кўради, кўринмайдиган нарсаларни яққол тасаввур қилади.

Ҳар бир одам ўзи туғилиб ўсган маконга меҳр кўяди. “Дил косаси лим-лим муҳаббат”га тўлган шоир қишлоқ оқшомлари, чўл, дашт осмонини меҳр тўла соғинч билан таърифлайди. Ижодкорнинг нафақат ватан, балки бошқа мавзулардаги шеърлари марказида ҳам шу макон туради. “Чўлда” шеърида ана шу маконга муносабати орқали ўзининг қалби – ботиний оламини очади:

*Тун осойиш кўзғалиб шамол,
Юлдузларни эркалаб овлар.
Тўхтамдаги сурувлар мисол,*

*Ўз майлида мизгир ўтовлар.
Мен бу ерга ёнгани келдим.*

Шамолларнинг қолдузларни овлаши, ўтовларнинг тўхтаб қолган сурув қўйлар тўдаси сингари ухлаши, майсаларнинг оёғи чиқиб, елларни эркалаб етаклашини бошқалар ҳаёлига келтиролмайди. Шоирнинг қалбида эса бу хил ғаройиб манзаралар мавжланади. У қалбига таважжух қилиб, яъни юзланиб, мантиқ мезонларига сизмайдиған, кўз билан кўриб бўлмайдиган бир-бирдан ажойиб манзараларни маълум қилади. Бу маконнинг бошқалар пайқамайдиган гўзалликларини баён этиш асносида унга романтик тус беради. Дашту далаларга “ёнгани, елгани келган” шоирнинг ҳаётга фалсафий қараши ундан завқланиш билан уйғунлашиб кетади. Шундан улар кишида жўшқин ҳиссиётлар уйғотади. Масалан, “Чўлда юрган ой” туркуми чўл, дашт, сахро заминнинг қарғалган, гиёҳ ўсмайдиган, муттасил чанг-тўзон, гармсел ҳукмрон нуқтаси эмас, балки гўзал маскани сифатида тасаввур уйғотади. Бу гўзалликни ҳис этишга ундайди. Аслида осмон ҳам, замин ҳам чексиз гўзал. Музликларда ҳам, сахрода ҳам ҳаёт мавжуд. Инсон учун борлиқнинг бетакрор манзараларини ҳис қилиш, ундаги сир-синоат ҳикматларни идрок этиб, мушоҳада юритиш, дард чекиш, қувонишдан бўлак барчаси бекор.

“Ҳамал айвони”даги шеърлардан халқ кўшиқ, термаларига хос жарангдорлик, мумтоз ғазал, мухаммасларга хос ажиб оҳанг таралади. Шоир қалами остида сўзлар мусиқий садо беради. Бу садо худди кўшиқ оҳанглари каби кўнгилга сизиб кирганида шеър мисралари хотирага осонгина ўрнашаверади:

*Чўз тергали тилимга
Қишлар қўнди-я бирров...
Ишқимни ойга айтдим,
Ойлар тўлди-я гул-гул.
Куй ичгали кўнглимга
Сўзлар қўнди-я бир-бир,*

Ушбу мисралардаги сўзлар шоир кўнглидан куйга айланиб чиққани – одатдагидан жарангдорроқ бўлгани боис тошларни синдиради, қушларни кўзга кўндиради, сувларни ёндиради, кишни исинишга ундаб, чўғ тердиради, ойни тўлин этиб, гул-гул яшнагади. Мантиққа мувофиқ келмайдиган бу ҳолатни киши ҳаёлан тасаввур этиб, сўзларда шундай қувват мавжудлигини савқитабий ҳис этади. Аслида ҳам одамга сўзларнинг маъноси эмас, оҳанги кўпроқ таъсир этади. Ижобий маъноли сўз ҳам дағал, пичинг, киноя, кесатиқ оҳангида айтилса, кишининг кайфиятини бузиб, кўнглига қаттиқ ботади. Чунки сўзнинг оҳанги уни айтувчининг асл мақсади, ниятини аниқ аён этади. Эшқобил Шукур сўзнинг бу каби сир-сифатларини нозик ҳис қилади. У баъзи ижодкорлар каби фикрига мос тушадиган сўз кидирмайди. У “Ҳамал айвони”да сўзлашув тилига хос сўз, ибораларни осонлик билан адабий тил доирасига торгади. Туйғулар эса самимий ва ҳаққоний:

*Йўл устида, йўллар устида
Оёқларим юрак бўлди-ей,
Ишқ қасридан, ҳижрон қасридан
Умрим фақат тилак бўлди-ей.*

Бировнинг қулфати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Лекин азият чекаётганга ҳар ким ҳар хил ачинади. Ҳамма ҳам бировнинг ташвишидан изтиробга тушавермайди. Азият чекаётган одамнинг аҳволини қалбдан ҳис қилган

кишигина қайғуга ботади. “Менгим момонинг йўқлови” шеърисида шоир сургунда, ватанидан олисда дунёдан кўз юмган аёл ҳақида бундай ёзади:

*Тоғдан тошлар қулайди,
Кўздан ёшлар қулайди,
Қисматнинг қора қўли
Пешонангни силайди.
Вой, Менгим-а, шўр Менгим.
Увв!.. У!!!*

Шоир ватан соғинчи билан ўртанган аёл изтиробини аниқ ифодалайдиган сўзни топади. Тоғдан тош қулаши ҳалокатга олиб келади. Кўздан ёш оқиши, тўкилиши билан кўздан ёшнинг қулаши фарқ қилади. Одам севинганида, кўп қулганида ҳам кўздан ёш чиқади, нимадандир хафа бўлганида йиғлаб, кўзёши тўқади. Лекин ватанидан йироқда қолса, иложсизлик, чорасизликдан кўзёши ҳам худди тош каби қотиб қолади. Ўшанда у хафалиқдан йиғлагандаги каби эмас, балки тоғдан тошлар қулагандаги каби бутун вужудни ларзага солиб қулайди. Тошлар қулаганида эса тоғ ларзага келиб, теварак-атроф хароба бўлиб кетади. Ватан ҳажрида эзилган кишилар учун ҳам бир кун минг бир азоб, укубат билан ўтади. Ўшанда уларнинг кўздан ёш тўкилмайди, балки қулайди. Ўшанда уларнинг бутун вужуди титраб, жисму жони адо бўлади.

Чинакам шеърлар илҳом жўш уриб, ҳиссиётларнинг жунбишга келиши, туйғулар қалбга сиғмасдан тўлқинланиб, шиддат билан пўртанага айланишидан туғилади. Бундай шеърларда сўзлар одатдагидан бошқача салмоқ касб этиб, янада маънодор бўлади. Сўзлар маъно билан тўйинганида таъсирчан ўхшатиш, чиройли сифатлаш, жозибали жонлантиришга айланади. “Ҳамал айвони”даги шеърларда сўзлар маъно юки билан салмоқ касб этиб, ана шундай шаклларга киргани учун улар кишини бефарқ қолдирмайди. Айрим ижодкорларнинг шеърларида сўз одатдаги маъно доирасида қолиб, қофия, радиф вазифасида келади. Шунинг учун ҳам, бундай асарлар туйғуларга ҳам, ақлга ҳам айтарли ҳеч нарса бермайди. Туйғуларни тўлқинлантириб, кишини мушоҳадага ундайдиган асарларда сўзнинг туб-тубида яширин маъно имкониятлари, жозибатор оҳанглари очилади. Куйидаги шеърда сўзнинг маъно товланишлари, ундаги куйга хос оҳанглари яққол сезилади:

*Дардинг бир ғўзадами, кўзларинг кўзадами,
Кўнглингни манзиллари тўйдадами, азадами,
Ўзини изламасдан, ўзингни тополмассан.
Кўлларинг жиловдами, ё эркинг бировдами,
Кул умринг гулшандами, гул кўнглинг гулхандами,
Ўзини изламасдан, ўзингни тополмассан.*

“Ўзини изламасдан, ўзингни тополмассан”, яъни сен Худони изламасдан, унга интилмасдан, Яратганнинг нарсалари сир-асрорларини билмасдан, ҳар бири бетакрор хусусиятга эга эканини ҳис этмасдан, ўзингни англолмайсан. Эшқобил Шукур шеърлари яхлит. Аниқроғи, у барча сатрларда изҳор этган кечинма, мулоҳазаларини охириги мисрада ажойиб тарзда умумлаштиради. Сўнгги сатр аввалги жами сатрлар билан бирлашиб, қутилмаган салмоқли фикрни тақдим этади. Бундай шеърларда мисралар бир-бири билан мустаҳкам боғланиб, маъно майдонини кенгайтириб бораверади. Баъзи асарлар сюжетини қисқача баён этиш мумкин. Бундан уларнинг мазмунига унчалик путур етмайди. Аммо, “Ўзини изламасдан...”га ўхшаш шеърлар хусусида бундай деб бўлмайди. Чунки уларда

ифодаланган мазмун одатдаги дарак гапларга сиғмайди. Асл шеър сўзлашув тили қолипига солинса, япроқлари сочиб ташланган гул ёки оёқ-қўли синдирилган одам ҳайкалига ўхшаб, хунук бўлиб қолади:

*Тилимни куйдирди булбулнинг сути,
Танглаймни ёқди гул ичирган қон.
Мен икки дунёни бир ҳатлаб ўтиб,
Оғзимга солганим – бор-йўғи талқон.*

Ушбу шеър бадий ҳақиқат реал ҳаёт ҳодисасидан таъсирчанроқ эканидан дарак беради. Кўпчилик булбулнинг уясини кўрмаган. Чунки булбул ўз уясини тиканлар орасига қўяди. Булбулда ёки бошқа қушларда сизир, кўйдаги сингари сут бўлмаслиги ҳам ҳаммага аён. Аммо шоир булбулнинг сути тилимни куйдирди, гуллар ичирган қон танглаймни ёқди, дейди. Бунинг ёлғонлиги, бундай бўлиши мумкин эмаслигини ёш бола ҳам билади. Лекин шу ёлғон рост гапдан кўра кучлироқ таъсир этади.

Борлиқдаги ҳар бир ҳодисада сон-саноксиз сир-синоат мавжуд. Уларнинг айримлари кўринса, кўпи яширин туради. Дов-дарахт, ўт-ўланларнинг ҳар фаслда ҳар тусга кириши ёки нарсаларнинг иссиқ-совуқ таъсирида ўзгариши, сувнинг оқиши, лойқаланиши, музлаши, буғланиши ёки кеча-кундуз алмашинуви кабилар ҳамма ҳодисанинг ичида кўзга кўринмайдиган мислсиз ҳаракат жараёни мавжудлигидан далолат беради. Шоир бошқалар сезмайдиган ана шу сирли жараённи кўра билади. Унинг сезгир, таъсирчан қалбида нарсаларнинг яширин сир-сифатлари акс этганидан шеърларида уларни маълум қилади. “Ҳамал айвони”даги шеърлар ижодкорнинг тасаввур олами бениҳоя баланд эканини кўрсатиб турибди:

*Юракни уйғотиб юборинг...
Тинглайн юлдузлар қўнғирогини,
Майин қора ўтни кечиб ўтаркан,
Шамолларнинг нафис титроғи-ла
Юракни уйғотиб юборинг...*

Юракни уйғотишни, юлдузлар қўнғироқ чалишини, ҳаво қора бўлиши-ю, унинг хўрсинишини ва бу ҳаракат худди тўлин ой ёки ёнган чироқ сингари ёруғлик тарқатишини ҳамма ҳам хаёлига келтиравермайди. Бундай ҳаракат-ҳолатлар фақат ижодкорнинг хаёл кенгликлариди намоён бўлади. Унинг тасаввур майдонидаги манзара мавжуд ҳаётга асло мувофиқ келмайди. Аммо у ноаён сир-сифатлардан хабардор этгани боис бошқаларнинг ҳам ҳиссиётларини тўлкинлантириб, руҳига қувват беради. Шоир борликни, ҳаётни таърифлаб, инсонни улуғлаганида ҳар бир кишининг руҳи нажот топади. Чунки унинг сўзида руҳга озук бўладиган, қалбидаги мажолсиз қолган эзгу интилишларга ижобий таъсир этадиган нажоткор ғоялар туради.

“Ҳамал айвони”даги шеърларда образлар бири иккинчисидан келиб чиқади, бири иккинчисини тақозо қилади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун “Гўрўғли” шеъри билан танишиш кифоя:

*Гоҳо ботирларни тугар қабрлар,
Гоҳо тугадилар етим қасосни.
Ер остига кирса барча шоирлар,
Осмондан кутинглар улуг овозни.
Гоҳо ботирларни тугар қабрлар,
Марҳумлар дунёсин ижоди каби.*

Чин шоиргина борлиқни ана шундай сезгирлик билан ҳис қилади ва унинг бошқаларга ноаён сир-сифатларини зукколик билан ифода этади. Шеърдаги бир-бирига туташган образлар силсиласи замину замондаги жумбоқлар калити шоирлар тилида эканини билдиради. Улар борлиқни шунчаки кузатмайди, балки қалбидан ўтказиб, тилга киритади. Эшқобил Шукур барча истъёдолди ижодкорлар сингари азалий мавзуларнинг янги жиҳатларини топа билади. У ҳаёт адабиёт учун абадий манба экани, унда очилмаган жумбоқлар беҳад кўплиги тўғрисида сўзлаб, бошқа ижодкорлар қарашларига тамоман ижодий ёндашиб, ҳар бир шеърда теран фалсафий фикр айтади. Эшқобил “Сув” шеърда Абдулла Ориповнинг: “Бекор қолганда-чи, баъзида секин // Бир-бирин тагига сув куяр” мисраларини келтириб давом этади:

*Кўза синдирганни раъйига қараб,
Ошқора хўрладик Сайхун, Жайхунни.
Шўр тузга топширдик тақдиримизни,
Ҳамон бепарвомиз, ҳамон бемаъни,
Денгизга эмас-да, бир-биримизнинг
Тағимизга қуйиб икки дарёни...*

Орол денгизи қуриши ҳалокати тўғрисида жуда кўп гапирилади. Ушбу шеърда эса экологик фожа илдизи ижтимоий-сиёсий ва маънавий омиллар билан боғлиқлиги таъсирчан ифодаланади.

Кўнгилда кечадиган фикр, туйғулар тунда осмонда учган юлдуз сингари онда ялт этиб пайдо бўлади-ю, бир зумда йўқлик қаърига сингиб кетади. Эшқобил Шукур буни яхши англайди. У фикрнинг қочишига йўл қўймайди. Кўнгилда кечган фикр, туйғуни дарҳол ушлаб, эътироз билдириш, инкор этиш орқали уни мустаҳкамлайди. Бу унга навбатдаги фикр, туйғуни тақдим этади. Фикр, туйғулар шиддат билан кучайиб борганидан шоир тўйларнинг куйларида, куйларнинг тўйларида кўринай, дейди. Шеър шу ўринда авж нуқтасига кўтарилади. Сўнги икки сатрда эса шоир руҳи акс этган:

*Мен кўзларнинг сўзларида кўринай,
Мен сўзларнинг кўзларида кўринай.*

Шоир сўзни муқаддас деб билади. Уни ҳамма нарсадан кўпроқ севади. Савдогар ҳеч қачон бундай ният қилмайди. Бундай истак ҳеч қачон дурадгор, этикдўз ёки бўёқчининг ҳаёлига келмайди. Савдогар пули, мол-давлати кўп бўлишини истайди. Дурадгор, этикдўз, бўёқчи ҳам иши ривож топишини тилайди. Чунки ҳар бир кишининг орзуси касб-корига бевосита боғлиқ бўлади. Шоир эса сўздан завқланади. Унинг оҳанги, маъно жилоларини бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қилади. Сўз эса жўн ҳодиса эмас. Аслида борлиқдаги кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган ҳодисаларнинг ҳеч бири оддий, жўн эмас. Уларнинг барчаси бетақдор сифат ва хусусиятга эга. Аммо ҳаммасидан сўз бўлакча. Бу муҳташам ва мураккаб мўъжизанинг маънолар оламини, унда яширинган ишоралар кўламини ҳисоблаб, тасаввур қилиб бўлмайди. Дунё тилшунослигида сўз тушунчасига уч юздан ортиқ таъриф мавжудлиги қайд қилинади. Лекин тилшуносларнинг таъкидлашича, уларнинг ҳеч бири сўзнинг моҳиятини, у аслида қандай ҳодиса эканини тўлиқ акс эттирмайди.

Эшқобил Шукурнинг шеърлари оҳорли ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришга бойлиги билан ажралиб туради. У қўллаган образли ифодалар жарангдорлиги, маъносининг таъсирчанлиги билан кишининг қалб қандилини нурлантиради. Чунки шоир қиш тугаб, баҳор кириб келишини:

*Титроқ новдаларда уйғонар ҳаёт,
Сарғайган қор каби эриб битар дард.
Яшил туйғулардан чайқаласан шод,
Февраль ўтиб борар, яқинлашар март*

– деб таърифлайди. Шоир новдаларни жонли деб тасаввур қилади. Баҳор яшиллиги кишиларнинг кўнглида акс этишига эътибор қаратади. Баҳор туйғули кишиларнинг мудроқ туйғулари ҳам уйғонади. Ушбу шеърда:

Майсалар – ҳаётнинг ширин тиллари

– деган ташбеҳ бор. Бундай таъриф бошқа шоирлар ижодида учрамайди.

Ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришда ижодкорнинг ҳис-туйғулари акс этади. Улар эса шоирнинг ҳаёт ва инсон ҳақидаги ўй-мушоҳадаларидан ўсиб чиқади. Ижодкор ички кечинмалари, ҳаётга қарашларини турли бадий тасвир воситалари орқали ифодалайди. Ташбеҳ, қиёслашлар ижодкорнинг кўнглидан ўтиб, қувватлангани боис бошқалар тасаввурини дафъатан ёритиб юборади. Бадий тасвир воситалари қанчалик қамровли бўлса, шунчалик таъсирчан ва маъно қамрови кенг бўлади. “Ҳамал айвони”даги шеърларда бадий тасвир воситалари силсила ҳосил қилиб, оддий ҳодисаларни дафъатан бошқача кўрсатади. Шоир “Мен” тажрибаси” шеърда ёзади:

*Сўзуриб олдилар ичидан “Мен”ни
Ҳаётнинг шоҳ томири каби.
Кўзига тикдилар Бугунни,
Кечаси, Эртаси кетдилар сабил.*

Шеърда инсоннинг “мен”и ҳаётнинг шоҳ томири – асосига ўхшатилади. Чиндан ўзлигини англаш ҳар бир киши ҳаётининг мазмунини белгилайди. Ўзлигини англамаган одам ўтмиши, эртанги куни тўғрисида бош қотирмайди. У фақат бугуннинг ташвишига ўралиб кун кечиради. Инсон ўзлигини англашини ҳаётнинг шоҳ томирига қиёсланиши бадий кашфиёт. Эшқобил Шукур шеърларида бундай ўзига хос ёрқин ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришлар кўп. Улар воқеликнинг янги жиҳатини кўрсатиши билан диққатни жалб этади. Шоир ҳаётдаги оддий ҳодисаларнинг эътибор қилинмаган қирраларини очиб, энг майда, жўн нарсаларда ҳам бир олам маъно, ҳикмат яширинганини таъкидлайди. Аслида ҳар бир одам нарсаларни бир-бирига таққослайди. Улар ўртасида ғаройиб ўхшашлик, боғлиқлик топганида ҳайратга тушади. Шоир ҳам ҳодисаларни қиёслаш асносида ҳис қилган ҳайратини эҳтиросга тўлиб, изҳор қилади, фалсафий маънодор хулоса чиқаради. Унинг хулосалари кўпчиликка ғаройиб янгилик каби таъсир кўрсатади. Кишининг фикри, туйғулари нарсаларни таққослаш, ўхшатиш орқали кенгайиб, ўсиб боради. Шу боисдан Арасту: “Ўхшатиш инсонга болалиқдан хос бўлган хусусиятдир. Инсон бошқа жонли мавжудотлардан ўхшатиш қобилиятига эга эканлиги билан ҳам фарқланади. Ҳатто, дастлабки билимларни у ўхшатишдан олади ва бу жараён самаралари барчага хузур бағишлайди” дейди. “Ҳамал айвони”даги шеърлар оҳорли ўхшатиш, чиройли сифатлаш, ажойиб жонлантиришларга тўла:

*Бу тор хона эмас, балки бу осмон,
Юлдузларни гулдай сочмоқда шамол.
Юрагимга етиб келдингми омон,
Эшикка суюниб, жилмайган аёл...*

*Руҳимдан булоқлар чиқади сизиб,
Ногоҳ эриётган осмон сингари.*

Шеърда тор хона кенг осмонга ўхшатилиб, шамол эса юлдузларни гул каби бепоён осмонга сочаётгани айтилади. Бир-бирига боғланиб келган бундай оҳорли ўхшатиш руҳга озиқ бериб, кишининг кайфиятини кўтаради. Шоир бошқа шеърларида ҳам бир-бирига алоқасиздай туюлган нарса-ҳодисалар орасида ғаройиб яқинлик топади ва уни чиройли таърифлайди. Аслида ҳам нарсаларни ажратгандан кўра, улардаги боғланишга эътибор қилганда теран маъно чиқади. Кеча-кундуз, оқ-қора кабилар бир-бирига қарама-қарши кўринса-да, улар ўртасида узвий боғланиш бор. Киши бир хил нарсалар эмас, ранг-баранг нарсалардан таъсирланади, уларни бир-бирига хаёлан қиёслаб, мушоҳада юритади. Эшқобил Шукур шеърларида тазод санъатидан кенг фойдаланади. У аксарият шеърларида ўзаро зид тушунчаларни кетма-кет келтиради. Шоирнинг барча мавзудаги шеърларида шу хусусият бўртиб туради:

*Тикондан гул сўраб, гавҳар топган мен,
Илондан бол сўраб, жавҳар топган мен,
Қабрдан нур сўраб, қамар топган мен,
Мени кечиринглар, мазлум туйғулар.*

Ҳеч ким тикан гулидан гулдаста ясамайди. Илонда бол эмас, заҳар бўлади. Қабрда нур эмас, зулмат ҳукмронлик қилади. Шоир мантиққа тўғри келмайдиган бундай нарсалар ҳақида сўзлагани, орзу қилгани учун туйғулари озор чекканидан афсусланади. Унинг дили чексиз истаклар илинжида икки дунё орасида саргардон эканини айтади.

Умуман, Эшқобил Шукур ҳаётга шоирона нигоҳ билан қарайди. Нигоҳидаги нурдан шеърхон қалб қандили равшанлашади. Шоир ўз шеърларида ҳаётдаги барча ҳодисалар ўртасида ғаройиб ички боғланиш борлигига эътибор қаратади. Нарса-ҳодисаларнинг бошқалар назари тушмаган, кўпчилик пайқаманган жиҳатларини очиб кўрсатади. Аксарият қаламкашларда худди шу зарурий жиҳат етишмайди. Улар худди зўриқиб гапирётгандай туюлади. “Ҳамал айвони”даги шеърлар илҳом билан битилган. Шоир уларни қалбида илҳом гувуллаб, жўш урганида қоғозга туширган. Илҳом билан битилган шеърларда сўзлар ўз-ўзидан образга айланиб, равон ритмга тушиб бораверганидан мисралар табиий тарзда қофияланиб, жарангдор оҳанг ҳосил қилади. Бу оҳанг шеърнинг маъно-мазмунига сингиб, уни дилга олиб киради. Сўзлари жарангдор, маъноси теран шеърлар худди куй, кўшиқ каби диққатни дафъатан жалб этади. Чинакам илҳом оғушида яралган асарларда, у шеърми, кўшиқми ёки дostonми, руҳ акс этади. Ижодкор, бу пайтда, англамаган, билмаган ҳолда, ўз руҳининг юксакликларига кўтарилади.



МУШОИРА



Яхшиликнинг умридир узун

* * *

Умр нима ўзи, заҳматми, роҳат,
Йилларнинг йил юкин олмиш қай бири?
Гул фасл – ғамлардан гуллаган неъмат,
Англаб етолдикми яшамок сирин?

Тонг ҳадяси заҳил-заъфарон кўшиқ,
Кун ҳам оташида тобласа тўзиб.
Ҳижрон пуркар ҳаво, қирқилган қирқ жон,
Умр маънисини англагар ўзи.

Синов эрур умр, саботдир умр,
Пасту баланд йўллар – юришга маҳкум.
Саодат истасанг икки дунёда,
Меҳр соч кўзингга пуркасалар кум.

Бугун умр шоми келмоқда шошиб,
Уфқ яшнамоқда ишқ ифоридан.
Дўст, юрт, сенга тутгум хазинам – меҳр,
Олгин, кувонайин, олгин, боридан...

* * *

Жоним поралаган йўқотмишим кўп,
Руҳимни қайроқлаб кунлар юз очди.
Ҳасадгир йўлдошдан умрим талотўп
Ва ҳар лаҳза қалбга ҳикматлар сочди.

Соғиндим, жонимда гуллади вафо,
Болам деб, онам деб, Ватан деб, ёндим.
Энг буюк ишқ сеҳри юрагимда жо,
Балки шу ишқ шавқи ила уйғондим.

Бугун яхшиликнинг умридир узун,
Бугун яхшиларнинг баланд овози!
Шундай эзгуликни етилтирган кун,
Куйлаб чарчамагин тақдирнинг сози!



Салима
УМАРОВА



Рамазон АШУР

Чорлов

Нигоҳингга
 маҳлиёман, гўзал, Маҳлиё,
 Сувратингни, сийратингни соғиндим бугун.
 Юзларингдан, кўзларингдан балқир нур-зиё,
 Юраклардан, тилаклардан
 айрилдим бу кун.

Кўчалардан,
 кечалардан излайман сени,
 Келганлардан, кўрганлардан сўрайман ҳар он.
 Узоқлардан, азоблардан излагин мени,
 Булутлардан, бургутлардан
 сўрагин нолон.

Юлдузлардан,
 кундузлардан гўзалсан ўзинг,
 Юришингдан, туришингдан қамашар куёш.
 Ҳар нафасда, бир қафасда чорлайди кўзинг,
 Титроқлардан, қийноқлардан
 кўзларимда ёш.

Энди нетай,
 кимга айтай дардимни, айтгин,
 Бедор бўлдим, абгор бўлдим сенинг ишқингда.
 Овораман, ёлвораман, ёнимга қайтгин,
 Кет десанг ҳам, мен турибман
 сенинг қаршингда...

Қалбимга жойлайман борлиқни

Сочларинг сочимни эркалаб,
 Қалбимга бир оташ жойлайди.
 Нигоҳинг кўзимни сийпалаб,
 Юракка муҳаббат бойлайди.

Қўлимда энг гўзал сувратинг,
 Термилиб кўзларим толмайди.
 Мени ҳеч тинч қўймас сийратинг,
 Вужудим нафас ҳам олмайди.

Толиққан кўзимга бекинсам,
 Тунларим зерикиб оқарди.
 Йиғлаган осмонга тикилсам,
 Юлдузлар телбадек боқарди.



Йўлларим йўлингга интизор,
Изларим изингга пайваста.
Жонсиз танам, ҳаттоки, бедор,
Қўлида севгидан гулдаста.

Тушларим тушингга ошиқдир,
Рашк этар, ҳаттоки, йўқликни.
Мен учун бу дунё бўшлиқдир.
Қалбимга жойлайман борлиқни.



Топилмас

Дардим ёмондир, дармон топилмас,
Бахту саодат осон топилмас.

Ғам дашти ичра бўлдим паришон,
Ёнимда ғамхўр инсон топилмас.

Дунёда оқил, доно кўпайган,
Мендек тўпори, нодон топилмас.

Бозорга кирди ҳатто вафо ҳам,
Ёнимда, афсус, ҳамён топилмас.

Мақсад йўлида деворлар кўпдир,
Ўтмоқчиман, лек нарвон топилмас.

Билмайди дилбар рози дилимни,
Изҳор этишга имкон топилмас.

Севдинг, балога қолдинг Алишер,
Бойсунда сендек сарсон топилмас.

Ёсуман

Ёсуман, абруҳилолим, Ёсуман,
Нозлигим, нозикниҳололим, Ёсуман.

Шубҳасиз ҳусну латофат шоҳисен,
Дилбари соҳибжамолим, Ёсуман.

Бахтиёрман, чунки ёдинг мен билан,
Не кечарди йўқса ҳолим, Ёсуман.



**Алишер
МУҚИМОВ**



Қайда бўлсам ҳам кўз олдимда ўзинг,
Сендадир доим хаёлим, Ёсуман.

Рост сўйла севгидан, ёлғонларинг
Бўлмасин бир кун заволим, Ёсуман.

Оҳларимдан бир нафас андиша қил,
Тутмасин бир кун уволим, Ёсуман.

Таажжуб

Унут ғамларни, сўз очгин ғазалдан,
Гапир майдан, муҳаббатдан, гўзалдан.

Ахир анжоми бор оғозларнинг,
Фалак шафқатни билмайди азалдан.

Кеча дунёга келгандик, бугун-чи?
Юракларда ҳадик мавжуд ажалдан.

Арилардан безиб кетганман, аммо
Ҳамон душвор умид узмоқ асалдан.

Олиб дилни бу кам дерлар, кўпини
Кутиш тўғримикин бир камбағалдан?

Тушунмайман сени ҳаргиз, Алишер,
Тароқ излаб ётибсан аҳли калдан.



Тун саҳнида бир дарахт

Япроқлари сарғайган.
Қушлар қани, нега жим,
Жанубгами йўл олган,
Аммо, ажаб, кўклам-ку!

Табиат тўр пардасин
Деразамга торгади.
Настаринда гул саси –
Болари бол тотади,
Ёниб турган гул – шам-ку!



**Дилором
АБДУРАҲМОН**



Чанг-тўзонни тиндирмай,
Шамол уйғоқ қаёнда?
Видолашув чоғида,
Ҳижрон ўзи гўянда,
Дўсту ёрон бир дам-ку!

Осмон сенга ўхшайди,
Юлдузлар кимнинг кўзи?
Кўксимга тўлиб кетди
Мамогулдуррак сўзи,
Бу фасли чакмоқ ҳам-ку!

Осмон сенга ўхшайди...

* * *

Турналар “қур-қур”лашиб,
Не хаёл-ла, билмам, бирлашиб,
Тизилишиб, кўнгил узишиб,
Кунботарга учиб кетмоқда?

Шул кадрдон боғлар қўйнидан,
Жаннатмисол райхон бўйидан,
Нелар ўтди, билмам, ўйидан,
Қай хаёлни қучиб кетмоқда?

Дарахтлару, боғу роғлардан,
Кузнинг сахий ардоқларидан,
Ҳайрат тўла нигоҳларимдан,
Айрилиқни ичиб кетмоқда.

Қандай кўзи қияр экан, ё,
Олисларда чорламиш рўё,
Кўз-кўз қилиб уфқни гўё,
Қанот силтаб, кечиб кетмоқда?

Турналарнинг йўлида ҳижрон,
Ҳижронларнинг бағрида армон,
Бир ишқ ҳайрон, кўзларим гирён,
Сирларимни сочиб кетмоқда.

Ишқ шахрининг овозасини,
Айролиқнинг дарвозасини,
Кўринг, ҳижрон андозасини,
Кўз-кўз қилиб, очиб кетмоқда.

Сирларимни сочиб кетмоқда...



АДАБИЁТШУНОСЛИК



Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Филология фанлари номзоди. 1967 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати”, “Худудсиз эилва” ва “Назарий поэтика масалалари” номли илмий китоблари ва кўплаб мақолалари чоп этилган.

“ХАМСА” ВА ҚИССА

Эпик жанрлар таснифида қисса романдан кейин туриши маълум. Аммо бадиий адабиётга қадар ҳам муайян шакл-мазмунда мавжуд бўлгани, замон-макон нуқтаи назаридан шарқ ва ғарб адабиётини бирдек қамраб олиши, ҳам фольклор, ҳам ёзма адабиёт жанри сифатида мустақил шаклларига эгаллиги, жанр канонларининг ўзига хослиги билан қисса ва хамса дostonлари муносабати романга нисбатан аниқроқ, қадимийроқ дейиш мумкин. Айни нуқтаи назардан мақолада хамса дostonлари билан қиссанинг беш шакли аро типологик муносабатни мухтасар кўриб чиқишга уринамиз. Ушбу шакллари тақрибан шундай таснифлаш мумкин: а) “Қуръони карим” қиссалари; б) анбиёлар қиссалари; в) халқ қиссалари; г) дoston-қиссалар; д) қисса-дostonлар.

“Қуръони карим” қиссалари. Шарқ бадиий тафаккурининг шакл-мазмун нуқтаи назаридан тамомила янги босқичга кўтарилишида “Қуръони карим” ва унинг баён усули таъсири биринчи ўринда туради.¹ “Қуръони карим” маъноларини тўғри тушуниш, мувофиқ тарзда шарҳлаш йўлидаги уринишлар натижасида “Илм ул-балоғат” майдонга келган. Балоғат илми: “Илм ул-маъоний”, “Илм ул-баён”, “Илм ул-бадиъ”² каби уч қисмга бўлинади. “Қуръони карим” ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида майдонга келган мумтоз поэтика моҳиятини англаш учун мана шу учлик назарий система очқич вазифасини ўтайди. Алишер Навоий ва унинг буюк салафлари Балоғат илмини ўз илмий-адабий фаолиятлари учун дастур сифатида қабул қилишган. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги бир ғазални шарҳлаган адабиётшунос Аъзамхон Қозихўжа Навоий Балоғат илми асослари ҳисобланган “Мифтоҳ ул-улум” (Юсуф Сакокий), “Талҳис ул-мифтоҳ” (Абдурахмон Қазвиний), “Асрор ул-балоғат” (Шайх Абдулқохир), “Асос ул-балоғат” (Маҳмуд Замахшарий), “Мухтасар ул-маъоний” ва “Мутаввал” (Саъдиддин Тафтазоний) сингари илмий асарларни жуда яхши билган, деб ёзади.³ Филология фанлари номзоди Рашид Зоҳидовнинг

¹ Ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий “Хамса”сини “Қуръони карим” иқтибослари, оятларининг поэтик интерпретацияси, Қуръонга хос баён услуби, композиция тизим нуқтаи назаридан диний, назарий ва грамматик илм асосида махсус ўрганиш зарурати бор. Навоий “Хамса”сининг семантик-структурал қурилишида айнан шу жиҳат етакчилик қилади. Шоирнинг ўзигача бўлган пораканда ғазал структурасини тамомила янги йўналишга буриб, аниқ тизимдаги ғазал композициясини ишлаб чиқишида ҳам бевосита “Қуръони карим” структураси асос бўлган, деб ўйлаймиз (- У.Ж.).

² Бу ҳақда қаранг: Шарипов Зокиржон. Балоғат фани: баён ва бидиъ илмлари. – Т.: Моворуннахр, 2014.

³ Қаранг: Қозихўжаев А. Ғазалнинг серовоз олами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 2009, №49.



қуйидаги фикрлари эса масала моҳиятини янада ойдинлаштиради: “Ҳазрати Алишер Навоий: *Бўлмаса иъжоз мақомида назм /Бўлмас эди Тенгри каломида назм* – деб бежиз айтмаган. Тафаккур эгалари барча замонларда ўзини ва атрофини ўраб турган борликни англашга интиланган. Илоҳий Калом бундай фаол, маънавий соғлом инсонлар учун доимо илҳом манбаи бўлган”.⁴

Худди ислом назарий таълимотида бўлганидек, “Қуръони карим”даги матнлар мазмуни, улардаги ифода усули шарқ мумтоз адабиёти амалиётида ҳам изчил қўллаб келинган. “Қуръони карим” қиссалари ва “Хамса” муносабати мана шундай назарий ва амалий жараёнлар умумлашган нуқтада воқе бўлган. “Қуръони карим”нинг 28-сураси “Қасас” (“Қиссалар”) деб номланади. Унда Мусо алайҳиссаломнинг туғилишларидан бошлаб, бутун ҳаёт йўллари, хусусан, пайғамбарлик даврлари муфассал баён этилади. Бундан ташқари, “Қуръони карим”да Одам, Нух, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Довуд, Сулаймон, Юнус, Айюб, Мусо, Яъқуб, Ийсо алайҳиссаломлар, шунингдек, Ҳобил ва Қобил, Асҳоб ул-Қаҳф, Марям, Жолут каби оддий одамлар ҳаёти қисса қилиб берилади. “Юсуф” сурасида, хусусан, шундай дейилади: “(Эй Муҳаммад), Биз сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилиш билан қиссаларнинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз. Ҳолбуки, у (Қуръон) нозил бўлишидан илгари, сиз (бу қиссадан) беҳабар кишилардан (бири) эдингиз!”⁵ “Қуръони карим” қиссаларида ўтмиш воқеаларининг ибратомуз ҳикоя қилиниши, башарият тарихи ҳақида ахборот берилиши билан бирга, яна уч жиҳат яққол ажралиб туради. Буларнинг биринчиси, ҳар бир “қисса” марказида аниқ бир шахс ҳаёт йўли (сюжети) туриши, барча воқеалар (сюжет линиялари) шу шахс атрофида кечиши ва бевосита унга келиб боғланиши; иккинчиси, бутун “қисса” ягона бир мазмун, жумла-концепцияга қурилиши;⁶ учинчиси, тезис – антитезис – синтез шаклидаги мукамал композицион тизимга эгалигидир.

Хамса дostonларида ҳам худди шундай принцип кузатилади. Ошиқ – маъшуқа – рақиб учлиги ва уларнинг атрофидаги сўзловчи ва ҳаракатланувчи образлар тизими, ўз моҳияти ва сюжет структурасига кўра, пировард-оқибат бир образга келиб боғланади. Асардаги шу образ ҳар қандай ҳолатда етакчи мақомда туради. Агар айни образ асардан чиқариб ташланса, унинг мазмуни ҳам, шакли ҳам ўша дақиқадан бошлаб нурашга тушади. Бу дostonлардаги Фарҳод, Хусрав, Мажнун, Баҳром, Искандар ошиқ образларидир. Дostonлардаги энг фаол хронотоп (макон ва замон) майдонлари (йўл, денгиз, ўрмон, тоғ, ғор ва ҳоказо) фақат улар иштироки билан жонланади. Ошиқ бу хронотоп майдонларини ёлғиз босиб ўтади. Маъшуқа эса, бунда кўпинча инерт ҳолатда намоён бўлади. У мавжудлигию излаб келишидан беҳабар, ғайришуурий тарзда ошиқни “кутади”. Ундаги фаоллик фақат ошиқ билан илк учрашувдан кейин бошланади. Рақиб ҳам худди шундай: ошиқнинг фаол ҳаракатидан инерция олади. Кўпинча, ошиқ ўз мақсади йўлида қатор манзил-маконларни босиб ўтиб, маъшуқа диёрига етиб келгандан сўнггина фаоллашади. Шулардан келиб чиқиб, хамса дostonи қаҳрамони қисса қаҳрамони билан поэтик жиҳатдан ҳамжинс дейишимизга асос бор.

Хамса дostonлари ҳам худди “Қуръони карим”даги Юсуф алайҳиссалом қиссаси сингари ягона жумлага қурилади. Улардаги мазмунни жўн бир жумлада умумлаштириб ифодалайдиган бўлсак, тақрибан: “Ишқ, меҳнат, изтироб ва фожиадан иборат дардга йўлиқмоқ саодати”, деган концепция майдонга келади.

⁴ Зоҳидов Р. Тарбия ва гўзаллик илми // Шарқ юлдузи журнали, 2010, №5. – Б.147.

⁵ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.: Чўлпон, 1992.

⁶ А.Қозихўжаев “Юсуф” сураси (“қисса”си)да Яъқуб алайҳиссаломнинг “Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир” (18-оятдан) деган сўзлари жумла-концепция эканини қайд этади. Қаранг: Қозихўжаев А. Қисса жанри хусусида /XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Т.: Фан, 2012.-Б.206-215.

Агар “Қуръони карим”даги Юсуф (а.с.) қиссаси асосида қисса қаҳрамонининг келажаги ҳақидаги башорат-туш тезис бўлса, токи шу туш рўёбга чиқиб, қаҳрамон ғалабага эришгунгача бўлган барча воқеа-ҳодисалар антитезис, қаҳрамонга ўн бир юлдуз, ой ва қуёшнинг саломга келиши синтез ҳисобланади. Қаҳрамонни бундай саодага эриштирган омил эса “чиройли сабр”дир. Хамса дostonларидаги барча қаҳрамонларнинг ишқ учун яратилгани⁷ тезис, ишқ йўлидаги изтироб ва машаққатлари антитезис, уларнинг Ҳақ васлига етишувлари эса синтездир. Яна шуни қайд этиш жоизки, “Хамса” таркибидаги бир дoston бевосита “Қуръони каримда” келган Зулқарнайн қиссасига асосланади. Евгений Эдуардович Бертельс ва бошқа қатор тадқиқотчиларда айна сюжет илдизларини Фирдавсий “Шоҳнома”сига боғлашга мойиллик бор. Бизнингча эса, бундай талқин хамса дostonларидаги Искандар образи қамров кўлами ва поэтик моҳиятини торайтириш, хато тушунишга олиб келади. Искандар образини бир миллат ва ҳокимият доирасидаги, иши буткул фотихликдан иборат бўлган, борингки Нўширавон каби одилликни касб этган бир ҳукмдор даражасига тушириб қўяди. Энг ёмони, бундай талқин хамсачиликнинг умумконцепциясига соя соладикки, бу масалани махсус ўрганиш зарурати бор. Бундан ташқари, хамсачиликкача ва мазкур анъана таъсирда майдонга келган қатор дoston тўпламларидан бевосита “Қуръони карим”даги “Юсуф” сураси асосида ёзилган “Юсуф ва Зулайҳо” типидagi ишқ дostonлари ҳам жой олган. Бу ўринда Фирдавсий “Шоҳнома”си ҳамда Абдурахмон Жомийнинг “Ҳафт авранг”ги таркибидаги “Юсуф ва Зулайҳо” дostonини эслаш кифоя.

Умуман, “Қуръони карим” нозил бўлгунча ва кейинги даврларда пайғамбарлар тарихини акс этирувчи илмий ва тарихий-бадий асарлар кўп ёзилган. Ушбу асарлар қаҳрамонлари пайғамбарлар бўлиб, ислом муаррихлари улар ҳақидаги реал воқеаларни ҳаққоний баён этишга ҳаракат қилганлар. Бунда, асосан, “Қуръони карим” ва пайғамбаримиз (а.с.) ҳадисларига таянганлар. Исроилиётга доир баъзи бир киритмаларни истисно этганда⁸ пайғамбарлар тарихига бағишланган китоблар бадий ижод соҳиблари учун ишончли манба ҳисобланган. Улар тарихий манбаларни бадий талқин қилишда икки йўлдан боришган: биринчиси, бевосита пайғамбар қиссаси, ёки “Қуръон”даги бошқа қиссалар асосида асар ёзиш; иккинчиси, ушбу қиссаларда акс этган сюжет, образ, баён усулларини ўзлаштириш ва рамзий усулда бошқа сюжет ва образларга татбиқ қилиш. Хамса дostonлари таркибидаги Искандар қиссаси биринчи тип сюжет намунасига киради, қолган биринчи дostonдан ташқари уч дostonда эса иккинчи типга хос бадий усуллар қўлланган. Уларнинг ҳар биридаги сюжет, образ ва услуб таркибига пайғамбарлар қиссасига хос мазмун ва шакл хусусиятлари сингдириб юборилган.

Халқ қиссалари. “Зуннун”, “Қаъбул Ахбор”, “Ҳазрат Али” (р.а.), “Абу Муслим”, “Иброҳим Адҳам”, “Чор дарвеш”, “Шоҳ Машраб”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Дилором” сингари умумшарқ, хусусан, ўзбек халқи томонидан ижод этилган қиссалар ҳам хамса дostonлари учун муайян омил вазифасини бажарган. Адабиётшунос Саидбек Ҳасанов хамса дostonларига кирган “Баҳром қиссаси”нинг “Шоҳнома”дан олдин ҳам халқ ижодиёти намунаси сифатида яшаб келгани, Фирдавсий томонидан бадий қайта ишлангани, Низомий, Дехлавий, Навоийлар эса уни том маънода ёзма адабиёт тар-

⁷ Бу ўринда Искандарни ҳам Оллоҳ ишқи йўлида мислсиз фатҳларга чоғланган, алал оқибат унинг амрини бажо келтириш билан саодат топган Ҳақ ошиғи сифатида талқин қилишимиз анъанавий хамсашунослик ҳулосаларига бир қадар зид келиши мумкин. Аммо дostonнинг барча вариантлари шарқ-ислом дунёқараши асосида ёзилгани, анъанавий хамсашуносларимизда эса совет мафқураси таъқиқлари сабаб бундай талқин учун имкон бўлмаганини ёдда тутган ҳолда, кейинги тадқиқотларда бу масалага кенгроқ тўхталиш ва уни атрофлича асослашга ҳаракат қиламиз (– У.Ж.).

⁸ Е.Э.Бертельс “Навоий ва Жомий” тадқиқотида бу масалага махсус тўхталиб ўтган (– У.Ж.).

кибига сингдириб юборганларини айтади.⁹ Хамса дostonлари ва саналган халқ қиссалари нуқтама-нуқта солиштириладиган бўлса, уларнинг қатор поэтик компонентлари аро типологик ўхшаш жиҳатлар мавжудлиги ойдинлашади. Дейлик, "Шоҳ Машраб" қиссаси "Лайли ва Мажнун" дostonи билан ғоя ва шакл нуқтаи назаридан анча яқин. Машраб образи ўзининг жазбали муҳаббати, жунуни, жамиятга сиғмаслиги, ғайриоддий фаолияти, сўзлаш усулларигача бизга Мажнунни эслатади. Халқ қиссалари ва хамса дostonлари ўртасидаги бундай умумий жиҳатлар уларни киёсий-типологик аспектда чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Достон қиссалари ва қисса-дostonлар. Шунингдек, "Хамса"гача ва ундан кейин майдонга келган дostonлар таркибидаги баъзи қиссалар (достон қиссалари) ҳамда бевосита бир қисса асосида ёзилган дostonлар (қисса-дostonлар) ҳамса дostonлари билан типологик уйғунликка эга. Достон қиссалари билан қисса-дostonлар ўз мазмуни, структурасига кўра куйидаги ўхшаш ва фарқли томонларга эга: а) бир достон-қисса таркибида қиссаларнинг бир нечтаси келиши мумкин. Қисса-дostonлар эса фақат ягона қисса сюжетига қурилади; б) достон қиссалари муайян асар композициясининг бирор бўлагини ташкил этиб, ўзининг дастлабки (халқона) шаклига нисбатан қисқариши, бадий мазмун нуқтаи назаридан достонга тобеланиши, ўзига ёндош қисса сюжетига мувофиқлашуви мумкин. Қисса-дostonда эса муайян қисса ўзининг илк вариантга хос барча сюжет ва композицион хусусиятларни деярли сақлаб қолади. Баъзи ҳолларда, муаллиф бадий ниятига кўра, кенгайти, янги, "тўқима" сюжет линиялари, образлар, деталлар билан бойитилади; в) достон қиссалари учун кўпроқ ибратомуз, халқона, ўқувчига панд-насихат ва дидактик хулоса берувчи қиссалар танланади. Бунда қисса қаҳрамони биографияси қисса сюжети билан параллел кечмасдан, қаҳрамон ҳаёт йўлидаги бир ёки бир неча муҳим нуқта баён этилади. Қисса дostonлар эса қаҳрамон биографиясини имкон қадар тўлиқ акс эттиради. Унда бошланма, тугалланма қисмлари орасида қаҳрамоннинг "ҳаёт йўли" хронотопи бадий акс этирилади; г) достон қиссалари илоҳий китоблар, халқ оғзаки ижоди, халқ китоблари таркибидан танлаб олинади ва жанр таркибига сингдирилади. Қисса-дostonлар сюжети эса жанрни ўзи танлайди. Яъни қисса воқеалари, образлари, ундаги ўтқир мазмун, долзарб мавзу жанр табиатини тайин этади. Муайян жанр ичида янги шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин; д) достон қиссалари услуби ҳам ўзи киритилган асар услуб маромига тушиб қолади. Ўзининг дастлабки шаклидаги услуб индивидуаллигини йўқотади. Қисса-дostonда эса ягона услуб етакчилик қилади. Ўз шакл-мундарижасига кўра дастлабки шаклига хос услуб маромини йўқотмайди, аксинча, фабула тизими мукаммаллашади.

Муҳими, қиссанинг ҳар икки шакли алоҳида дostonларда бўлганидек, ҳамса дostonлари таркибида ҳам учрайди. Хамса таркибига кирган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳром гўр ҳақидаги дostonлар аслида қисса-дostonлар ҳисобланади. Хамсадаги Зулқарнайн қиссаси "Қуръони карим"дан иқтибос қилиниб, ҳамса бадий концепциясига сингдирилган бўлса, ундан олдинги уч қисса халқ ижодиёти намуналаридан олиниб, ҳамса семантикаси ва структурасига тобелантирилган. Бу эса мазкур қиссаларнинг ҳамсага хос бир бутун бадий системада компонент-қисса (хамса-қиссалари), мустақил ҳолатда эса қисса-достон эканини кўрсатади. Хамсанинг биринчи дostonида турли концептуал масалалар юзасидан муайян шахс ҳаётига доир қисса эпизодлари келтирилади.

⁹ Хасанов С. Роман о Бахраме. Поэма "Сем скитальцев" Алишера Навои в сравнительно-филологическом освещении.-Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1988.- С. 24.

Айни эпизодлар муаллиф илгари сурмоқчи бўлаётган аниқ концепцияни асослаб келиши билан бирга, "Хамса"нинг умумконцепцияси, кейинги дostonлар йўналишини белгилашда мундарижавий аҳамият касб этади. Масалан, Навоий "Ҳайрат ул-аброр" дostonи таркибидаги Иброҳим Адҳам, Робия Адавия, Боязид Бистомий ҳақидаги қисса эпизодлари мана шундай бадий-концептуал вазифаларни бажарадики, айни далиллар "Ҳайрат ул-аброр" таркибан муайян қиссаларни жамлаган дoston эканини кўрсатади.

Биринчи дoston ("Ҳайрат ул-аброр") таркибидаги бундай қиссаларни уч гуруҳга бўлиб таснифлаш мумкин: биринчи гуруҳга "Қуръони карим"да баён этилган қисса-эпизодлари; иккинчи гуруҳга муаллифдан олдин яшаб ўтган, эл оғзида ривоятга айланган, "дахлсиз" шахслар (пайғамбарлар, саҳобалар, авлиёлар) ҳақидаги қисса-эпизодлари; учинчи гуруҳга шоир билан замондош (Абдурахмон Жомий, паҳлавон Муҳаммад, султон Хусайн сингари) шахслар ҳаётига доир қисса-эпизодлари киради. Энг муҳими бундай қиссаларнинг барчаси реал асосга эга ва олий реализм намуналари сифатида намоён бўлади.

Умуман, шарқ-ислом муҳитида шаклланган "Хамса"га хос синтетизм (турли маърифий-ижтимоий манбалар, воқеа-ҳодисалар, жанр хусусиятларини умумлаштириш) куйидагиларда намоён бўлади: а) илоҳий нақл ва шахс эътиқоди; б) бу асосда юзага келган поэтик аънаналар; в) ислом кишиси (аброр-одам) ва маърифий жамият концепцияси; г) Яратувчи, инсон ва борлиқни ислом призмасида идроклаш. Ислом-шарқда кечган синтетизм жараёни мана шундай ички специфик жиҳатлари билан қадим шарқ ва европа бадий тафаккурига хос синтетизм механизмига ўхшамаган, янги механизмни намоён этган. Универсал эстетик тафаккур, оригинал модификацион тизим сифатида шаклланган. Синтетизм жараёнида бундай канонлашган поэтик шаҳобчалар ягона тармоқ бўйлаб "Хамса" сингари улкан жанр хронотоп майдонида қуйилган ва сингиб кетган. Натижада, бир ёки бир нечта жанр компонентлари бир жойга жамланиб, янги жанрлар ҳосил қилган ёки жанр канонларини ўзгартирган, айни пайтда ўзи ҳам ўзгаришга учраган: ё канонлашган, ё дифференциацияланган, таракқий этган ёки таназзулга юз тутган. "Хамса"нинг бир бутун поэтик тизим бўлиб шаклланишида шарқ мумтоз адабиёти аънаналари силсиласида мавжуд қатор адабий жанрлар, хусусан, қисса жанри ҳам канонлаштирувчи восита вазифасини ўтаган.

РЕЗЮМЕ

Мақолада "Хамса" ва қисса жанр поэтикаси нуқтаи назаридан солиштирилади. Икки мустақил бадий тизимга хос сюжет, образ ва хронотоп типологияси ҳақида фикр юритилади.

Автор статьи сопоставляет с точки зрения жанровой поэтики «Хамсу» Алишера Навои с повестями, существующими в узбекской фольклорной и письменной литературе минувших веков.

The author compares in terms of genre poetics "Hamsa" Alisher Navoi with tales that exist in the Uzbek folklore and written literature of past centuries.

ТАЛҚИН

Олим **ТОШБОЕВ**

Филология фанлари номзоди. 1971 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Республика нашрларида кўплаб илмий ва адабий-танқидий мақолалари эълон қилинган.



"ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ"

ёхуд руҳоний ва нафсоний мунозара ичида яшайётган инсон образи

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг 1987-1988 йилларда “Шарк юлдузи” ва “Ёшлик” журналларида эълон қилинган туркум ҳикоялари ўша даврда ўзига хос адабий портлаш бўлди. Бу туркумга мавзу, тасвир, услуб нуқтаи назаридан адиб ижодида алоҳида ўрин тутган “Яшил “Нива”, “Устоз”, “Хумор”, “Ҳайкал”, “Йиғи”, “Хоразм, жонгинам...”, “Ўзбек характери”, “Хукумат” каби ҳикоялар кирган. Ҳикояларда зўравонликка асосланган тузум фуқаролар бошига қандай кулфатлар келтиргани, фожиалар гирдобидида қолган инсонларнинг мураккаб ҳаёти ёрқин образларда, “коса тагида нимкоса” тарзида тағдор қилиб тасвирланган. Жамият ва инсон, деган кўҳна, айни пайтда, янги мавзуда, содда, гўзал асарлар яратиш маҳоратига Худо берган истеъдодни юксак инсоний фазилатлар билан уйғунлаштира олган адибларгина муяссар бўлади.

Куйида Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбек характери” ҳикоясини мутолаа қилганда пайдо бўлган фикрлар, образлар қатигаги пинҳон ғоялар ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни баён этамиз. Аввало, ҳикоянинг номланиши хусусида тўхталсак. Рус ёзувчиси Алексей Толстой “Рус характери” номли ҳикоясида лейтенант Егор Дремов матонати орқали рус характерини очиб берган. Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбек характери” ҳикоясида эса ранг-баранг образлар воситасида ўзбек характери гавдалантирилган. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, Шукур ака Толстойни ўқиб янги асар режасини ўйлаган бўлиши мумкин, аммо тақлид қилмагани аниқ. Сабаби, икки ҳикоя – икки олам. Лекин негадир баъзи давраларда Шукур аканинг ҳикояси “Рус характери”ни эслатади, деган баҳсли фикрлар юради. “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Унутилмас сиймолар” кўрсатувида профессор Қозокбой Йўлдошев ҳикояда ўзбекнинг турли-туман қиёфалари тасвирлангани боис уни “Ўзбеклар” деб номлашни адибга билдирганини ва бу тақлиф Шукур акага ҳам маъқул келиб, ҳикоя мактаб дарслиқларига шу ном билан киритилганини айтиб ўтади. Бизнингча, ҳикоянинг бу тарзда номланиши тўғри бўлмаган. Хўш, нимаси хато, дерсиз. Биринчидан, ҳикоянинг “Ўзбеклар” дейилиши асар номи ва мавзусининг кўпқирралигини, бўёқдорлигини камайтириб кўрсатишдан ташқари, кўпроқ салбий маъно англата-

ди. Иккинчидан, адиб сарлавҳада бирон бир ижтимоий қатлам ёки гуруҳнинг иллат – қусурларига ишора қилаётгани йўқ. Учинчидан, “Ўзбеклар” деган сарлавҳа ҳикоянинг хотимасига, якуний хулосасига ҳам тўғри келмайди. Ҳикояда гарчи турфа хил характерлар, турли образлар дунёси очиб берилган бўлса-да, бутун бир халқнинг ҳар қандай тузум ва даврларда ҳам ўзгармасдан қолган қатъий руҳияти, мутлақо ўзига хослиги жуда чуқур, самимий тадқиқ этилгани билан кадрли. Мазкур ҳикоя адиб “Сайланма”сининг иккинчи жилдида дастлаб эълон қилинганидек “Ўзбек характери” номи билан берилган. Ушбу жилд нашрга тайёрланганида ёзувчи ҳаёт бўлганлиги инobatга олинса, хурматли профессорнинг таклифи “Сайланма”ни тайёрлаш жараёнида инкор этилганини кўриш мумкин.

Характер сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай таърифланган: “характер – фарқланувчи хусусият, белги. 1. Одам, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос кўриниши, хусусияти; бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб турадиган томони. 2. Одамнинг хатти-ҳаракати ва атроф-муҳитга муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусияти, ички маънавий барқарорлиги”.

Таърифнинг иккинчи бандидаги охириг учта сўзга эътибор беринг. Демак, ёзувчининг бош мақсади ўзбек халқининг ички дунёсини, бир сўз билан айтганда, маънавиятини кўрсатиш бўлган. Ахир, миллат юксак маънавияти билан миллат-да! Инсон зотининг азиз ва мукаррамлиги ҳам маънавияти туфайли эмасми? Ҳикояда халқимизнинг кечаги кунни, аниқроғи, социализм давридаги йўқотишлари акс этган. Олти миллионлик маррага етиш учун, Буюк Юртбошимиз таъбири билан айтганда, уйининг остонасигача пахта экилган замонларни жафокаш халқимиз эсидан чиқаргани йўқ. Ўша пайтларда уфққа туташиб кетган пахтазорни кўрмаган, пахта термаган ўзбек боласи кам топиларди. Чунки:

*Миллион йиллик сўз эрур
Пахта бизнинг лугатда.
Жўякларда бошланган
Оналар тўлғоқ дарди.*

Устоз Абдулла Ориф айтганидек, бутун-бутун авлодлар пахтазорларда туғилиб вояга етган. Гўдакларнинг кўз очиб кўргани она сиймоси эмас, лўши-лўши очилган пахтазор бўлган. Собиқ иттифоқ даврида пахта ва пахтакор халқ ҳақида битилган фахрия асарлар бир жойга йиғилса, пахта хирмонидан улканроқ жойни эгаллайди. Ва аксинча, шўролар тузуми чирий бошлаган даврда пахтани қоралаб, меҳнатини лаънатлаб ёзилган асарлар тойланиб вагонларга жойланса, бир неча эшелонга сиғмаслиги шубҳасиз. Бу қандай ўсимликки, бирда оқланиб, бирда қораланса? Улар қандай ижодкорки, тонгда фахрия битиб, пешиндан сўнг лаънат ўқиса?

Хурматли ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбек характери” ҳикояси ҳам бевосита пахта билан боғлиқ. Эътибор беринг, асар пахтани ёмонлаш, унинг меҳнатини оламдаги энг оғир меҳнат деб аташ модага айланган бир даврда ёзилган. Аммо ўша даврдаги урфдан фарқли ўлароқ, ёзувчи пахтани ва унинг меҳнатини қораламади. Уни лаънатлагани ҳам йўқ. Кўнглининг туб-тубида ётган туғёнларни, айтиш мумкин бўлса, шахснинг ўзи яшаб турган муҳитга нисбатан муносабатини билдириш йўлида пахтадан бир восита, ҳа-ҳа, восита сифатида фойдаланди: ўзи мансуб халқнинг муайян бир даврдаги оғриқларини, ижтимоий адолатсизлик ва ҳақсизликларни пахта баҳона акс эттирди. Чунки жафокаш ўзбек халқининг турмуши, ҳаёт тарзи иззатталаб, инжиқ ўсимлик билан кечди – гоҳ пахта ғолиб, гоҳ деҳқон! Ҳикояда тасвирланмиш қаҳрамонларни шартли ра-

вишда икки гуруҳга бўлиб олсак: биринчиси, Ботир чўпон, унинг аёли, бешинчи синфда ўқийдиган ўғли Абдуқодир; иккинчи гуруҳ, Эргашвой, Ўрмон, Азимжон, Сапарбой, Мирзағолиб.

Асар талабаларнинг Бўка туманига пахта теримига бориш воқеаси билан бошланади. Талабалар жойлашган қишлоқча йигирма-ўттиз хонадондан иборат. "Томлари бари – лойсувок, деворлари гувала". Ҳашарчилар битта бригадирнинг битмай қолган пешайвонли иморатига жойлашади. "Буям шунчаки сомон сувок қилинган. Дераза-ромлари йўқ. Ер зах. Одатдаги... бараклардан фарқсиз эди." Бу тасвирлар, эҳтимол, сиз учун ҳам таниш манзарадир. Ҳикояни ўқиб, ҳув олисда эгат оралаб юрган ёшлигингиз ёдингизга келгандир? "Тонларни эсланг! Тупроғи нам тортган сўқмоқларни. Йирокда арава йўлдан кўтарилган чангни уфқдан энди бош кўтараётган куёш ёғдуларига йўғрилиб, заррин бир тўзонга айланиб туришларини эсланг!" Эсладингиз-а? Чунки сиз ҳам ўша пайтларда Эргашвой каби романтик бўлгансиз. Ҳикоя қаҳрамони Эргашвой беғубор, уятчан, аммо ориятли йигит. Ҳикоядаги ҳар бир образ ўз ички оламига кўра асарнинг умумий руҳий манзарасини таъминлаган. Ҳикоя "ошқозони" кўтармайдиган масалликнинг ўзи йўқ: бари ҳаётий, самимий. Ўрмон – курском. "Уч йил университетга киролмаган. Сибирга помидор, пиёз обориб сотган". Азимжон – комсорг. "нуқул Ремарк билан Хемингуэйни ўқиб: "Бизнинг ёзувчиларимиз ёлғончи", деб юради. Улар ўз ҳаётларига кўра яшайди, ўйлайди, интилади. Лекин ҳар бири – бир олам. Ҳаммасининг ўз ҳақиқати бор. Адиб улар қалбига боқади, қаҳрамонлар оғзига гап солмайди, эмин-эркин ҳаракат қилишига қўйиб беради. Уларнинг чорасизликдан чора топиши, дардманларга ҳамдардлиги, нафси йўлида ўзгалар молига кўз олайтириши ва ҳоказолар том маънода одамизодга хосдир. Эргашвойга кулоқ тутамиз: "Ерга похол тўшадик, устига чодир ёйдик. Кейин кўрпа-тўшакни ёздик. Чойнак, челақ ҳам топиб келишди". Шундай қилиб ҳашарчилар жойлашди: янги муҳитга мослашиш осон эмас. Бунинг устига ёш-ёш йигит-қизлар. Эргашвой ҳам эрталаб атрофни томоша қилади: "пахтазор четида тутлар". Шунда унинг кўзи пахтазорни улардан ажратиб турган ариқ бўйидаги ёлғиз кулбага тушади. Кичкина деразали уйчани Эргашвой бостирма деб ўйлайди ва қизиқсиниб, кулба ёнига боради: "Уйчанинг олдида эса, биласизми нима, ўрмак... ўрмак тикилган. Бир аёл катта тароқ билан гурсиллатиб уриб, калавани қатимлар орасидан у ёқ-бу ёққа отиб, шолча тўқияпти". Ўрмаги билан андармон бўлган аёл кимдир келганини сезди ва "бошидаги гарди рўмолини пешонасига туширди".

Аёл бошидаги гарди рўмол, асосан, қишлоқда яшовчи хотин-халажнинг бош кийими. Ўша даврда муайян ижтимоий қатламга мансуб аёллар арзон рўмол – гарди ўраган. Аёл номаҳрамнинг қадамини сезибок "бошидаги гарди рўмолни пешонасига туширди". Ёзувчи мана шу жумла билан қишлоқ аёлининг ҳаёсини, гўзал одобини кўрсатиб бермоқда. Дарҳақиқат, ибо, ҳаё ўзбек хотин-қизларининг безаги, бебаҳо бойлиги ва шундай бўлиб қолади.

Ҳикояни ўқишда давом этамиз. Адиб ўрмак тўқиётган аёлнинг портретини қуйидагича чизади: "Оёғида эски кирза этик, узун сочлари учида сочбоғ. Ранги ўнгиб кетган қўйлаги ғижим". Нақадар аниқ ва шафқатсиз тасвир: советлар замонининг бундай афтодаҳол аёлларини кўп кўргансиз. Аёллигини унутиб қўйган, пахта деб, охир-оқибат ғўзапоёга айланган, бир сўз билан айтганда, ўттизга кирмай ўтин бўлган муштипарларни яхши биласиз. Чунки сиз ҳам "шундай ғариб кулбаларда яшаётган деҳқонни, пахтакорни кўргансиз, албатта... Лекин буни тан олмас эдик-а? Қандай аблаҳ эканмиз? Инсоният қулдорликка асосланган тузум-

ларни, давлатларни кўп кўрган ва кўрмоқда. Кулдорлик жамиятида одам сотилган, сотиб олинган. Хўжаси томонидан исталганча таҳқирланган, камситилган, хайвон ўрнида кўрилган ва ҳатто эрмак учун қатл ҳам қилинган. Чунки кулдор чексиз ҳуқуқларга эга бўлган. Тўғри, совет даврида кул ва кулдор тушунчасига барҳам берилган, аммо, асосан, қишлоқ хўжалигида банд этилган халқимиз жуда ҳам оғир шароитларда тил-забони йўқ мардикор сифатида ишлагани ҳақиқат. 80-йилларнинг биринчи ярмида республиканинг ўша пайтдаги ношуд, ватанфурш раҳбарларининг собиқ марказга “Ўзбекистонга виждон керак. Бизга виждон экспорт қилинлар”, деган уятсизларча мурожаатидан сўнг бошланиб кетган сиёсий жараёнлар, моҳиятига кўра, ўзбек халқини ғорат этишга қаратилгани, уйдирма ва ҳақоратлар ўн минглаб ўзбек оилаларини бахтсиз ва пароканда қилгани тарихдан маълум. Марказдан ташланган “десантчилар”, уларнинг тегирмони га сув қуйиб турган сотқинлар “Ўзбек иши”, “Пахта иши”, деган тухмат билан меҳнаткаш, содда халқни ўғри-муттахамга чиқардилар. Оппоқ пахтадан улкан хирмонлар уйган жафокаш халқнинг юзи қора бўлди. Пахта яккаҳоқимлиги даврида бу экин халқни эзиш куралига айланди. Ҳикоядаги бир эпизодга эътибор қилайлик. Талаба йигит – Ўрмон Ботир чўпоннинг аёли билан гаплашади. Буларни, худди ўзлари каби ҳашарчи, деб ўйлади. Ҳолбуки, бу оила, омонатгина қапада муқим яшайди. Лекин аёл ўз ҳаётидан мамнун. Турмушидан нолимайди. Отасига эргашиб юрган ўғлининг чўпон бўлишини ҳам табиий қабул қилади. Чунки ўша замонда “чўпоннинг боласи чўпон, деҳқоннинг боласи деҳқон”, деган қараш одамлар онгига сингиб қолган эди. Очиғини айтганда, ўша пайтларда ўзбек деҳқонининг кўли ҳам, тили ҳам бойланган, на ери, на мулки бор – фақат меҳнат қилиш ҳуқуқига эга эди, холос. Инсон азиз саналмаган, хурмати ўрнига қўйилмаган жамият ҳалокатга юз тутмаслиги мумкинми?

Миллатларга, халқларга тенглик шиори билан оламга жар солган советлар мамлакатида пахтакор халқ киноларда тасвирланганидек, кўча-кўйда чаккасига чаноқ кистириб, кўринганга тиржайиб юрмаган. Нима, йил бўйи заҳмат чекиб етиштирган пахтасини сувтекинга бергани учун ирғишласинми?

Ҳикояда оила бошлиғи Ботир чўпон қуйидагича тасвирланади: “Уйчадан каловланиб, қотма, қора чопонининг тирсаклари йиртилиб пахтаси оққан, соқоли ўсик, чувак юзли йигит чиқди”. Ё тавба, чўпон ва унинг заифасини мана шундай абгор, афтодаҳол тасвирлаш шартми? “Оқ олтинни олтин қўллар яратар” шиори билан яшаётган халқ наҳотки шу даражада юпун ва ночор бўлган? Ёзувчи бўрттираяпти-ёв!? Бу ахир ўзбек совет оиласининг тўкин ҳаётини атай бузиб кўрсатиш-ку? Биз бу саволларга ҳикояни ўқиш жараёнида жавоб оламыз. Ботир чўпоннинг яшаб турган уйи бир аҳволда, декчада уч кишилиқ ош пишмоқда. Даладан қайтаётган йигитлар ошнинг ҳидини олади. Чўпон қайнаётган қозончага кўзи тушган йигитларни меҳмондорчиликка таклиф қилади. Томоғи шамоллаб қолган Эргашвой учун кулбасидан бир боғ итузум олиб чиқади. Ҳикоянинг бошланишида Ботир чўпон билан аёлига қандай ичингиз ачиган бўлса, мутолаани тугатгач, уларга шундай меҳрингиз тушади: кўнглингиз ийиб, минг йиллик қадрондек соғинасиз. Танимаган-билмаган талабаларга шунча меҳрибонлик, дилдорлик кўрсатаётган бу инсонларга тан берасиз. Ҳикоянинг финалида қалби бор одамнинг кўнгли бўшайди – Эргашвойга қўшилиб йиғлайсиз: руҳингиз енгил тортади...

Эргашвойнинг бегидир кўнгли, болаларча беғуборлигига ҳавасингиз келса, “Энг улуғ ишни мен қиляпман! Ўзбекнинг миллий ифтихори учун курашяпман!” деган фикрлари эса қандайдир эриш туюлади. Чунки бугунги кун одами

учун маданийлашган бир ўсимлик ифтихор эмас-да! Афсуски, шўролар даврида пахта халқимизнинг чинакам ифтихорига айланган, кўнгилда заррача иштибоҳ йўқ – ҳамма эргашвой эди!

Эргашвой расво бўлиб, шалаббо бўлиб ётоққа келади. Эртаси эрталаб туролмайди, иссиғи чиққан. Уйда қолади. Ётоқхонани тозалаб, у ёқ-бу ёқни супуриб-сидиради. Ёзувчи, бу ўринда, Эргашвойни ўз "мақсади" йўлида атайлаб ётоқда қолдиради. Мақсад, Ботир чўпоннинг ўгли Абдуқодир образини ёрқинроқ кўрсатиш, фариштадай бегуноҳ боланинг қалб оғриқларини-да эшитиш. Абдуқодир бешинчи синф ўқувчиси. Уям – пахтакор. Пахта теради, кўрак чувийди: мактаб ёпилган. Абдуқодир – дала учун туғилган янги авлод. У тенгқурлари сингари пахта фронтга жалб қилинган. Улар учун дала – мактаб, пахта – мураббий! Эргашвой Абдуқодир билан жўра бўлиб, уларнинг ҳаётини яқиндан ўрганади. Ёш Абдуқодир бола ақли билан отаси ҳарчанд мол боқмасин ордени йўқлигини, қўйи кам бўлса ҳам Эшимбойларнинг ордени борлигини билади. Унинг Эргашвой билан суҳбатда айтган мана бу гаплари жуда ҳам таъсирли: "– Укам ўлди. Доя кампир чала туғилган, деди. Ўлди. Кўмиб келдик. Кичкина эди".

Бола фожиани тушунади. У йўқотиш нималигини, ўлим мудҳиш ҳодиса эканлигини кичкина ақли билан идрок қилади. У болалик билан эрта хайрлашган авлод вакили.

Эргашвой қишлоққа келганидан бери Ботир чўпон оиласини, уларнинг ҳаётини кузатади. Ёлғиз дераза, ёлғиз қапа. Ботир чўпондан бошқа оила бу ерда кўринмайди. Англаган бўлсангиз, яна бир оиланинг пайдо бўлиши, уларнинг кўни-қўшничилиги асар руҳиятига унчалик мос тушмас, бор-йўғи тафсилотлар кўпайиб, охир-оқибатда ўқувчини чалғитар эди. Адиб усталлик билан бу оилани ёлғиз танлаган. Агар бу ҳолатни рамзга йўядиган бўлсак, ўзбек халқи ҳам кенг даладаги ёлғиз кулба каби катта совет оиласида мана шундай ёлғизлатиб қўйилган. Унинг моддий-маиший ҳаёти, маънавий-руҳий эҳтиёжлари билан ҳеч ким ҳисоблашмаган. Шу маънода, бу аёл дунёга келиб нима кўрди? Меҳнат, заҳмат ва яна фарзанд доғи! У дард-у дунёсини меҳнат билан овутади. Алами ичида қолган аёл, аммо жуда ҳам иродали. Унинг ҳукуматга меҳри эри ва фарзанди меҳридан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. У кулбасини, чорвасини, пахта даласини фарзандидай яхши кўради, ташлаб кетмайди, сабр қилади. Унинг сабр косаси бамисоли сарҳовуз! Ҳеч қачон тўлмайди... "Иши оғир, бола ташлагандир-да, деб ўйладим", дейди Эргашвой.

Шўролар даврида республикада оналар ва болалар ўлими жуда юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Оғир турмушнинг бутун заҳмати ожизалар зиммасига тушган. Қишлоқ хўжалигида турли кимёвий моддалар ишлатилиши оқибатида юқумли касалликлар авж олган: атроф-муҳит – табиат ва экология бузилган.

Ботир чўпон бир тарвузнинг ярим палласини касал Эргашвой учун илинади. Кечқурун эса талабаларни ошхўрликка чақиради. Йигирма чоғли эканлигини Ўрмон ака тушунтирса ҳам Ботир чўпон "кўнгил кенг бўлса бемалол сиғишамиз", деб жавоб беради. Хуллас, ҳашарчилар ўнта-ўнта бўлиб боришади. Буёғини ҳикоядан ўқиймиз: "Тўрт киши зўрға сиғадиган хона эди. Бурчақда ғиштин печ. Оқланган. Лекин чойнинг доғи, ёғ тўкилган. Ерга икки қават палос солинган. Тўрда бир тахмон юк. Энсиз-энсиз кўрпачалар солинган. Тиқилишиб ўрнашдик. Сермеҳмон чўпон илжайиб, қувониб дастурхон ёзди. Кўш-кўш ёпган нон қўйди. Бир тақсимча оқ қандни сочиб ташлади. Кейин икки ҳовуч жийда билан майиз ҳам сочди. Кейин каттакон хум чойнакка кўк чой дамлади. Икки товоқ палов ҳаш-паш дегунча йўқ бўлди. Кейин босиб-босиб чой ича бошлашди".

Мана сизга қишлоқда мол боқиб тирикчилик ўтказадиган чўпоннинг уйи. Оиланинг бор жиҳозу шароити – шу! Совет замонининг бирон-бир афзаллиги, қулайлиги йўқ бу ерда. Шўролар унутган, тараққиётдан четда қолиб кетган, фақат отамерос таёғига суянган чўпон оиласи. Эргашвой меҳмондорчиликка дўстлари кистови билан борган. Эҳтимол шу боисдир: “Касалликдан тузалмаганим, инжиқлик ҳам сабабдир... Лекин бир бурда нон ейишга истиҳола қилардим. Бу оила – камбағал оила эди”, дейди.

Бу ўринда йигит кечинмаларига, онг ости сезимларига баҳо бераётганда унинг ёши, мавқеи, ҳаёт тажрибаси ва, албатта, дунёқарашини инобатга олиш керак. Ҳурматли носиримиз асар қаҳрамонини мукаддимадаёқ бу ҳаётнинг буд-нобудликларига, қинғирлигу қирликларига аралашмаган тоза қалб соҳиби деб тақдим этади. Ўн саккиз яшар йигитнинг покиза эътиқоди, ҳалол-ҳаромни ажратиши, бир сўз билан айтганда, камбағалпарварлиги юқорида кўрилган парчада яққол намоён бўлди. Унинг кўнглида камбағалнинг нарсаси ўзига буюрсин. Бировлар эмас, ўзи есин, деган ўй бор: ўзини ноқулай сезиши, айбдордай тутиши шундан. Эргашвой образи мана шу жойдан катта кўлам касб этади ва баландлаб ўсади. У энди қатъиятли, иродаси бақувват, иймон-эътиқодли ўзбек йигити сифатида гавдаланади.

“Аёл мени кузатиб турган экан.

– Шу укамиз ҳеч нарса татимади-да, – деб қолди. – Ё бизни писанд қилмаяптиларми?

– Э, нимага...– Оловим чиқиб кетди. – Ўзим шу...”.

Ҳикоядаги бу сахна-эпизод ўзига хос тугун. Аёл билан Эргашвойнинг биринчи тўқнашув-зиддияти. Хонадон бекаси талаба йигитдан чин хафа: ўзларини камситилган сезади. Ҳа, меҳмон тановул қилмагани учун! Меҳмоннинг уйдан куруқ оғиз чиқиши уят. Тўғри-да, талабалар ота-оналари бағридан узокда: емак-ичмагининг тайини йўқ. Ботир чўпон оиласи билан ҳашарчиларни синашгадай қабул қилади, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришни ўзларининг бурчи деб билади. Гўё ҳашарчилар уларнинг шахсий томорқасида ишляпти...Талабалар ҳам синамолдай тап тортмасдан кириб келаверади. Уй эгалари эса сидқидилдан хурсанд. Эргашвойгина бу камбағал оиланинг кунда-шунда меҳмони бўлишни ўзига эп кўрмайди. “Шу-шу, буларнинг уйига қайта кирмадим. Чўпон гапиради, хотини айтади, ўғли чақиради. “Хўп” дейман. Пайсалга соламан. Уларнинг қулбасига кунора кириб чиқадиган, дастурхонини қуритадиган болалар кўзимга ёмон кўриниб қолди. Аста-секин улар билан ҳам ҳамдардликни уза бошладим”, дейди.

Табиийки, ўқувчида бир талай саволлар туғилади. Эргашвой нима учун бу қулбадан оёғини тортди? Дўстларини-да ёмон кўриб қолиш сабаби нимада? Оиланинг камбағаллигимми?

Мана шу ўринда уч хил характер намоён бўлаяпти. Чўпон – хотамтой! Унинг қўли, кўнгли, дастурхони очиқ. Ҳикояда бу жиҳатлар Ботир чўпон образида жуда ҳам табиий, ишонарли чиққан. “Ўхшатмасдан учратмас” деганларидек, чўпоннинг аёли ҳам фазилат бобида эридан қолишмайди. Эргашвой – оркаш, ғурури баланд, андишали йигит. Яна бир тоифа борки, бу – ўғри тузум томонидан таланган камбағаллар молига кўз олайтирган қароқчилар. Улар ҳам ўзбек, аммо эни бошқа уларнинг. Эргашвой чўпоннинг камбағаллигидан жирканаётгани, қочаётгани йўқ. Азбаройи раҳми келганлигидан, уларни аяганидан шундай қилмоқда. Ботир чўпон оиласи қўл учида кун кўраётган қишлоқ оилаларининг ёрқин мисоли. Мустабид тузумда халқ беҳад эзилган, пахтадан топадиган даро-

мадига оиласини боқолмас эди. Аммо бу муаммони айтиш ҳам имконсиз: жамиятдаги умумий кайфият, одамлар юрагидаги ҳадик бунга йўл бермаган. Қўрқувга қурилган салтанатда умид ўлади. Бундай давлатнинг фуқароларида истиқбол қайғуси эмас, фақат қорин қайғуси бўлади. Миллатнинг қон-қонига сингиб кетган қўрқув тафаккурни чеклайди, инсон онги ривожланмасдан қолади.

"Ўзбек характери"да тасвирланмиш оила ўзини камбағал санамайди. Бундай ўй улар учун бегона. Эргашвой эса бу ҳолатни тушунмайди. Тушунмагани учун ҳам: "Камбағаллигини яширади. Қизиқ-а? Ҳолбуки, камбағал одам ўз ҳолатига кўниккан бўлади. Яширмайди. Бизникилар негадир... Худди жуда бой эди-ю, бирдан камбағал бўлиб қолгандай: шунинг учун ўкинч билан буни яширишга интилаётгандай туюлади менга..." деб ўйлайди. Эргашвойнинг ўйлари, ҳайронлиги бежиз эмас. Элимизда "Уят – ўлимдан қаттиқ", деган мақол бор. Ўзбек азалдан ор-номусни ҳар нарсадан баланд тутган халқ: "Қўл синса ҳам енг ичида", дейди. "Оғзинг қонга тўлган бўлса ҳам душман олдида тупурма", деб айтади.

Эргашвойга кулоқ тутамиз: "Сурункасига ёмғир қуя бошлади. Икки кун овқатсиз қолдик. Шундоқ ҳам кўп болалар қарздор бўлишган эди". Бундай вазиятлар пахта терганларнинг бошидан кўп ўтган. Айрим талабалар ўртоғининг косасидаги гўштни ёки олиб келган ярим кило қандини ўғирлаган бўлса, кейинчалик қишлоқ оралаб ўғирлик қила бошлайди: "Кечаси бир маҳалда ўнталаб, ўн бешталаб қовун-тарвуз кўтариб келишади. Эртаси штабда жанжал: кимдир ҳовлисига ўғри тушганини айтиб шикоят қилиб келган... Аммо энг катта ўғирлик..."

Хуллас, бир кечаси довул бўлади. Ботир аканинг бир отар қўй-эчкиси қўрадан чиқиб қочади. Ёмғирда шалаббо бўлган чўпон ҳашарчилардан молларни излаб топишда ёрдам сўрайди. Албатта, талабалар қадрдон акаларининг илтимосига қўра қўй-эчкиларни излашга тушади: "бир бўлагини пахтазордан, беш-олтитасини кўчадан, айрим хонадонлардан топиб" келишади. Лекин битта қўзи топилмади.

Талабалар ётоққа қайтиб келишади. Тун ярмидан оққанда Азимжон ака Эргашвойни чақиради. Устун ёнида турган Ўрмон билан Мирзағолиб деган полвон йигит гап бор, дея йўл бошлашади. Эргашвойнинг "қаёққа бораяпмиз?" деган саволига ҳеч бири жавоб бермайди ва у ҳам "зим-зиё тунда қандайдир сирли иш билан илдамлаб кетишнинг ҳам завқи бор", дея эргашиб кетаверади. Қишлоқ ортда қолади ва улар "қамишлар одам бўйи ўсган, жангалга ўхшаш ерга" бориб қолади. "Шунда бир қўзичоқнинг ожиз марагани" эшитилади. Эргашвой воқеани тушуниб-тушунмай Ўрмон акасидан "ахир бу кимники? Балки колхозники, балки... Э? Ботир аканинг йўқолган қўзиси эмасми?" дея сўрайди. Шунда Ўрмон: "Колхоз... Падарига лаънат! Бизни очдан ўлдиради! Ботир ҳам бир қўзидан айрилса, очдан ўладиган кимса эмас!" деб Эргашвойни жеркиб ташлайди. "Ахир, инсофларинг..." дейишдан бошқа чораси қолмаган Эргашвой "фақат нафратлар, ночорликдан фиғон чекар эди..."

У бу ердан кетмоқчи бўлиб "қишлоқ томонга бир-икки қадам" босади, аммо "курсдошлар орасида ёлғизланиб қолиш, минг бир таъналарни эшитишдан" қўрқади. Мирзағолиб қўзини сўяди. Терисини шилиб, калла-почасини отиб юборишади. Бир тўп қамиш ёндириб, қўрига жигарини пишириб ейишади. Шундай қилиб, йигитлар уч-тўрт кун қизлар ётоғида гўшт қовуриб ейди. Эргашвой ўша қўзининг гўштидан бир бўлак ҳам емаган эса-да, ўзини ўғирликка шерик деб билади.

Ўғри ҳашарчиларнинг парвойи палак: "Ўрмонжон ака, Азимжон ака, Мирзағолиб, тагин уларнинг сафдошлари – бари сал совуқ ўтди дегунча, ё вақтида бак қайнамаса, Ботир чўпоннинг кулбасига кириб тикилиб олишарди.

Чўпон билан хотини эса... хурсанд!”

Талабаларнинг қайтишидан бир кун олдин Ботир чўпон хотини билан ҳашарчилар ётоқхонасига келади: “Ботир чўпон қуллуқ қилиб, худди кириб ўтирмаса – биз у дунё-бу дунё юз кўрмас бўладигандек, таъзимлар билан яна уйига айтди”.

Ўғри талабалар Ботир чўпоннинг кулбасида бир маҳалгача ўйин-кулги қилиб ўтиришади. Эргашвой ётоқда ўзини ухлаганга солиб ётади. “Йигитлар келиб, чирокни ёқишгач, мен тўғримда тўнғиллай-тўнғиллай, ўтиришди. Азимжон аканинг бир нидоси ёдимда қолди:

– Биз аблаҳмиз! – деди инграб. – Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади. Нима дединг, Ўрмонжон?

– Биз анча бузилганмиз, – деб пўнғиллади Ўрмон ака. – Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қилади-да, кишини.

Уларни мажбур қилмаяпти-ку?

Нимага?

– Шу, энди... Балки пул йиғиб берармиз-а?

Кейин яна мен ҳақимда гапиришди. Биттаси, овозидан билолмадим, тик турганча:

– Шу Эргашвойнинг ичига тепсанг-да! – деди. – Кўзимга итдан баттар кўриняпти... Энди, бир умр кулиб юради биздан, ярамас. Ёввойи...

– Парво қилма, – деди Ўрмонжон ака. – Бунақалар ҳаётда бўлади...”

Асардаги мана шу сахнани ҳикоянинг авжи нуқтаси дейиш мумкин. Йигитлар қандай ҳолат ва сабаб бўлишидан қатъи назар, Ботир чўпон ва унинг оиласи ишончига хиёнат қилди. Халқона айтганда, тузини еб тузлиғига тупурди. Лекин уларни уят ҳисси, виждон азоби, энг муҳими, Эргашвойнинг борлиги, қўшилмасдан чеккагир бўлиши қийнайди. Кўрганингиздек, хиёнаткорлар қорни тўқ, ширакайф ҳолатда ўзларини яниб, қилмишларидан уялиб, айбига иқрор бўлади. Мана шу иқрор бўлиш манзарасини тор маънода уят, кенг маънода трагик ҳолат, деб айтиш мумкин. Одамзоднинг ижтимоий махлуқлиги қолиб келган кундан бошлаб унинг маънавий – руҳий дунёси таназулга юз тутади. Шу маънода, “Ўзбек характери” да тасвирланмиш қўли эгри ҳашарчилар осмондан тушгани йўқ. Улар бизнинг миллатдош – ўзбегимнинг бир шажараси. Турфа характер, турли қиёфа, ранг-баранг дунёқараш. Ҳолбуки, ўзбек! Миллий табиатимиздаги қусур ва иллатлар ёрқин тасвирланган ушбу ҳикоя, шак-шубҳасиз, миллий адабиётимиз ютуғидир. Гапнинг мавриди келганда бир мулоҳаза: миллат, халқ характери, ташқи ва ички қиёфаси асрлар маҳсули эканлиги антропология, этнология, этнография ва ҳоказо фанлар мутахассислари томонидан кенг ўрганилган. Минг йиллар давомида қўшилиб кетган қонлар – этник хилма-хиллик, маданиятлар беиз кетмаган, хом-пишиқ аралаш мева берган. Шундай экан, халқимизга хос фазилат ва иллатлар илдизи ҳам тарихимиз каби қадимийдир. Нафақат бугунги Ўзбекистон, балки бутун минтақа ва унга яқин ҳудудларда яшаб ўтган халқлар, сулолалар, империя ва давлатлар, ҳукмрон динлар таъсирини инкор қилиб бўлмайди.

Эргашвой биз билган, кўрган ва кўниккан муҳит учун ҳам, Ботир ака ва унинг аёли, ҳамсабоқ дўстлари учун ҳам БЕГОНА. У бир қарашда ювош, гўл, одамовидай таассурот қолдиради, аммо сийрати... Эргашвой туйғу одами. Унинг ҳислари тоза. Нафсга, нафсоний дунёга муҳаббат қўймаган...

Бир қарашда абжир, тегирмондан бутун чиқадиган дўстлари такаббурлик билан Ботир ака ва аёлининг меҳру муҳаббатини қозонади. Сабаби, чўпон оиласи сунъийликни, сохтакорликни билмайди.

Эр-хотин содда феъли туфайли, ўзлари каби беғараз Эргашвойни тушунмайди. Нафақат тушунмайди, балки унинг БЕГОНА эканлигини очик-ойдин таъна ҳам қилади: "Мен титраб-қақшаб уларнинг олдига бордим.

– Ботир ака, опа... мен сизларни жуда яхши кўраман, – дедим. – Хафа бўлмангизлар.

– Йўк, сиз бизни яхши кўрмайсиз, – деди хотини.

– Бошдан ёмон кўриб эдингиз.

– Рост, ука. Писанд қилмадингиз бизни, – деди шунда чўпон ҳам. – Анави йигитлар бошқача...

– Ахир мен сизларни жуда-жуда ҳурмат қиламан.

– Бекор гап, – деди аёл.

– Ҳа, – деди эри.

– Абдуқодир менга ётсираб қараб турарди.

– Шунақа".

"Ўзбек характери", бу – руҳоний ва нафсоний мунозара ичида яшаётган инсон характери! Халқининг қусурларини-да мардона тан олиб тасвирлаган адиб чин миллатпарвар адибдир. Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан нозил қилинган динлар ва муқаддас китоблардаги даъватларни тўла англамаган, қалби муҳрланган одам болалари то ҳануз нафс домида эканини дунёда содир бўлаётган қонли можаролар кўрсатиб турибди-ку?! Ҳикоядаги Ботир чўпон сингари инсонларнинг қалби гўзал. У нафсига кул эмас. Чўпоннинг олижаноблиги, инсонийлиги ўзини билган ҳар бир миллат учун ҳурмат ва эҳтиромга сазовор фазилат. Буни фақат ўзбекка хос, деб талкин қилиш ҳам унчалик тўғри бўлмас. Айтиш мумкинки, бу образлар туб моҳияти билан ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг айнан ўзи. Ҳикоядаги қаҳрамонларнинг покдомонлиги, мардлиги ва бағрикенглиги, қаноати ва шукронасидан билса бўладик, устоз Шукур Холмирзаев, худди қаҳрамонлари каби мардона яшаб ўтди. Хулоса ўрнида бир фикр: дунёга очик кўз билан боқайлик. Токайгача жаҳон адабиёти деганда қандайдир бегона, сирли, олисдаги кимнидир тушунамиз. Ахир, одамни одамдай тасвирлаган, ахлоқий-руҳий етукликка ундаган бадиий баркамол асар дунё адабиётига дахлдор-ку?!

ҲУКМАТ

Онгни эскирган, ғаразли мақсадлардан тозалаш зарур.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ



БУ БЎСТОН САҲНИДА



Ошиқ ЭРКИН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1937 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг “Оҳулар”, “Иқбол”, “Кўнгиш гавҳари”, “Ишқингда ёндим”, “Бир ҳикмат бор муҳаббатда”, “Азим дарё” каби китоблари нашр этилган.

Садоқат гавҳари

Ёр таманноси

Менинг кўнглимни сайд этган сара бир ёр таманноси,
Анинг ҳар нутқию ҳар сўзининг оламча маъноси.

Хуш олди ул тану жондин, ёник бир бор қараш бирла,
Унингдек йўқ муҳаббат боғининг тарғунча раъноси.

Олиб дарс Лайли, Шириндан ибо бирла назокатда,
Деса, бўлғай ўшал боис, уни хурларнинг доноси.

Қади сарву санобардек, малоҳатда худ анвардек,
Малакларнинг унингдек кам келар очунга жоноси.

Тушургай, кўймайин яшнаб, асл кавсар баҳосини,
Бадахшон лаъли янглиғ хуш ёқар лаълин шакарҳоси.

Анинг пайконлари ништар, ики қоши – ики ёйдур,
Олур ҳар лаҳзада юз жон хумор кўзлари шахлоси.

Аниқ, дер, Ошиқ Эркин, ушбу очун бўлғали пайдо,
Бунингдек дилрабо кўрган эмас ҳар икки дунёси.

Ёр сенга ошиқ бўлғали

Бархам топиб бедорлигим, кулф урдию мардонлигим,
Кўкларга етди шодлигим, ёр сенга ошиқ бўлғали.

Қолгани йўқ зарра, ишон, кўнглумда андуҳдан нишон,
Йўлдош бўлди икболу он, ёр сенга ошиқ бўлғали.



Топдим давлату бахтимни, вафоли тожу тахтимни,
Садоқат деган аҳдимни, ёр сенга ошиқ бўлғали.

Қўшиб лаззатлар ошимга, Хумойжон қўнди бошимга,
Ёш қўшди Оллоҳ ёшимга, ёр сенга ошиқ бўлғали.

Тошиб куч бел, билагимда, рўёб бўлди тилагимда,
Булбул сайрар юрагимда, ёр сенга ошиқ бўлғали.

Нурафшон бўлиб қароқим, ортти ишққа иштиёқим,
Бир умрга тинди оҳим, ёр сенга ошиқ бўлғали.

Бўлгач, Ҳақнинг ўзи ҳамдам, кулмоқда бахтим дам-бадам,
Найлар Ошиқ Эркинда ғам, ёр сенга ошиқ бўлғали.

Билмасанг роҳат дебон

Айладим, Раббим, хумор ман дилраболар дардини,
Кўрсанг, менга кўргил раво нозик адолар дардини.

Хурлар дардидан бўлак дард олмағай дардим менинг,
Шул сабаб, кўп кўрма менга дилраболар дардини.

Маҳлиқолар дарди бергай дилга ором беҳисоб,
Ошиғу зорларга бергил маҳлиқолар дардини.

Дарду озори санамнинг малҳами жон-жон учун,
Айларам дардимга малҳам қоши ёлар дардини.

Қочса хурлар дардидан ким, бил, они ишқдин йирок,
Ошиқ ул, гар қилса, кўзга тўтиёлар дардини.

Қолмағай зинҳорким, шавқ ила таскин топмайин,
Билса дардим, деб, агарким хуш иболар дардини

Билмагайсан, Ошиқ Эркин, севгида лаззат надур,
Билмасанг роҳат дебон хурлиқолар дардини.

Кимга ҳам

Лозим эрса маҳлиқоси: “Ҳақ!” деган гар кимга ҳам,
Ёзмагай сиздек санамни севгида ҳар кимга ҳам.

Сиз жавоҳирсиз бағоят, дурри шаҳворсиз, малак,
Ай, малоҳат бобида даркор эмас зар кимга ҳам.

Кимга даркор Муштарий, Зухрони қилмас ким ҳавас,
Шарт эмас, дейсиз, Сурайё, ишқда Хулкар кимга ҳам.





Айларда обод маҳлиқолар кўксини ял-ял ёниб,
Ёкмайди, дейсиз, дур ила ёкуту гавҳар кимга ҳам.

Келса хуш бўйлар агар дилдора хусни олидан,
Бермас ором мушки анбардек муаттар кимга ҳам.

Ошиғу маъшук учун неъмат муҳаббатдир азал,
Ҳолвадек ҳаз бермагай гулғунчаи тар кимга ҳам.

Топсангиз ёр кўнглига йўл Ошиқ Эркиндек агар,
Маҳлиқолар лол қолиб ушлатмагай бар кимга ҳам.

Бўлмай десанг гадоси

Эрса кимнинг муҳаббат муддаоси,
Асло, бўлмас бойликка иддаоси.

Соҳиби ишқ ҳар қандай нархдан устун,
Муҳаббатли кишининг йўқ баҳоси.

Садоқатга таянгай ундайин зот,
Ундай ошиқнинг бўлсанг арзир адоси.

Илоҳнинг неъматини – ишқ маъбудаси,
Бу маъбуднинг чин ошиқдир фидоси.

Эшитса, қон йиғлар ҳар қандай юрак,
Ишқда адашганининг аччиқ нидоси.

Муҳаббат-да минглардан бахтиёрдир,
Ўз ёрининг ким бўлса мубталоси.

Садоқатдан чекинма, Ошиқ Эркин,
Бўлмай десанг, гадоларнинг гадоси.

Гулбарги хандонингга беш

Қилма айб, кетсам, гулим, гулбарги хандонингга беш,
Жон бериб ҳар лаҳза, он сарви хиромонингга беш.

Кўрмагандир аҳли ишқ васлинг каби тар ғунчани,
Қўйсам оздир неча бор хуршиди рахшонингга беш.

Нур ёғар бамисли офтоб гулузорингдан санам,
Севги мулкинда сенинг тилло дурахшонингга беш.

Йўқ, ажаб, гар берса кавсар бол сенинг лаълингга тан,
Ҳам қуйиб беихтиёр себи занахдонингга беш.



Ҳид таратмас чаманда ялпизу райҳон бунчалар,
Мушки анбарлар сочар зулфи паришонингта беш.

Битди булбул номидан Ошиқ Эркин бир ғазал,
Сенда кўйсанг арзигай булбул ғазалхонингта беш.

Бўлмағай

Севмаса жондан киши, ёрга гирифтор бўлмағай,
Кечмаса жонидан ул, соҳиби дилдор бўлмағай.

Бўлса гар кимки, агар ишқу муҳаббатдан йироқ,
Бир умр маҳвашни васлига сазовор бўлмағай.

Бахш айласа ошиқ агар ёрига меҳрин борини,
Бирга давронлар суриб, умри қадар хор бўлмағай.

Бўлмаса ҳурида гар меҳру мурувватдан нишон,
Ошиғу зорига ул меҳри илиқ ёр бўлмағай.

Ошиқда ҳам гар бўлмаса меҳру вафонинг зарраси,
Бор нақлким, ҳар самар йўқдан сира бор бўлмағай.

Икки ёндан жилва қилса гар садоқат гавҳари,
Икки ён ҳам, бил, вафога бир умр зор бўлмағай.

Ошиқ Эркин, деди, суз кўпни кўриб ишқ бобида,
Севмаса ёр бир-бирин бахтга сазовор бўлмағай.

Зарафшон сочилур

Юзларингдан жилвалар ҳар лаҳза, ҳар он сочилур,
Мушки анбар бўйларинг мастона ҳар ён сочилур.

Бунчалар лаззатлидир, ёр, жилваю ҳам бўйларинг,
Чор тараф сендан фақат мушк афшон сочилур.

Эркалаш лозим эрур сендан самар олмоқ учун,
Ётмоқ учун хирмонга ҳам, энг аввало, дон сочилур.

Сочларинг мушкин бирам, ерлар ўпар тол баргидек,
Бандларин ечсанг агар ҳар ён паришон сочилур.

Айлабон ҳолим забун, пайконлар отдинг бағрима,
Ўқларинг олсанг агарда чор тараф қон сочилур.

Аҳли ушшокдан расмдур дилдораларга эхтиром,
Ҳотамларидан йўлларига лутфу эҳсон сочилур.

Ошиқ Эркинни саховатда анойи билмагил,
Сен учун меҳри унинг ҳар дам зарафшон сочилур.





АДАБИЁТШУНОСЛИК



Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА

Филология фанлари номзоди. 1976 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Бадий сўз ва руҳият манзаралари” номли илмий монография муаллифи. “Ҳозирги ўзбек насрида бадий шартлилик” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

НЕОМИФОЛОГИК ОБРАЗ ТАЛҚИНИ

Рус адабиётшунослигида В.М.Жирмунский шарҳи ва сўзбоҳиси билан “Доктор Фауст ҳақида афсоналар” деб аталган каттагина китоб ёзилган. Китобда жамланган материаллардан маълумки, Доктор Фауст ва Мефистофель ҳақидаги асарнинг туб замини немис халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ. Шайтон образи дунё халқлари адабиётида турфа номлар билан атаб келинади. Мазкур образнинг бадий генезиси аслида диний манбаларга бориб тақалади. Хусусан, “Қуръони карим”даги шайтони лаъйин ҳақидаги оятлар бу фикримизни тасдиқлайди.

Таниқли ёзувчи Шойим Бўтаев “Шох” романида икки ёш ишбилармонлар Ҳотам ва Қулмаҳмуднинг ғалати, кулоқ эшитиб, кўз кўрмаган саргузаштларидан хикоя этади. Роман структурасида пародиявий-ҳажвий оҳанг, пародия-образ, киноя, ниқобли кишилар образи, воқеалар ва қаҳрамонларни бошқа мамлакат, бошқа миллат қиёфасига кўчириб тасвирлаш, шунингдек, неомиф унсурлари кўриниш бериб туради. Асарда ироник бадий модус билан неомифологик модус қоришиқ қўлланган.

Немис адиби Гётенинг “Фауст” трагедиясидан “Эгри шох, тўғри шох, аҳли турфаҳол” мисраси “Шох” романига эпиграф сифатида танланган. Юқорида айтганимиздек, Гёте “Фауст” трагедиясини яратишда немис халқ афсонасига суянади. Унда ақлли инсон (доктор Фауст) ва шайтон (Мефистофель) образи акс эттирилган. Шойим Бўтаев “Шох” романида узоқ бадий генезисга эга бўлган Шайтон образини бугунги кун воқеалари ва одамлари қаторида “Жаноб Химер” қиёфасида қайта жонлантиради. Бу образга берилган тавсифлар, унинг дам-бадам мутоала қиладиган ота-боболари тарихини варақлаши, барча-барча рамзий деталлар унинг “Шайтон” образи эканини тасдиқлайди.

Романинг янгиланган неомифологемалари сифатида яратилган жаноб Химер ва Доктор Рабинович моҳиятан Гётенинг Мефистофели билан доктор Фаустини эслатади. Бу адабий образлар ўртасида анчайин нозик параллеллар кузатилади. Шойим Бўтаев немис халқ афсоналари таъсирида яратилган “Фауст” асаридаги бадий образдан маҳорат билан фойдаланади. Аммо ёзувчи трагедиядаги машҳур халқ афсонасида айтилган сюжетни айнан такрорламайди, ўзининг



шахсий фантазияси, юксак бадий тафаккури билан “Шох” романини ёзади. Ёзувчи Шайтон образини яратишда нафақат немис адиби Гёте асарига таянади, балки туркий халқлар афсоналаридан ҳам таъсирланади, улардан унумли фойдаланади. Энг муҳим манба сифатида Носириддин Рабғузийнинг “Қиссас ул-анбиё” асарларидаги ҳикоятлар маъзини роман саҳифаларига маҳорат билан муҳрлайди. “Жаноб Химер бобоси Иблиснинг ер юзига тушиши ҳақида турли халқларда турлича тўқилган юзлаб ривоятлардан яна биттасини шу китоб ичидан топиб олиб, қизиксиниб кўздан кечирмоқда эди...”¹. Ёзувчи Одам Отанинг Сарандиб тоғига, Момо Ҳавонинг Жадда тоғига, Иблиснинг Басрага тушиши ҳақидаги ҳикоятларни романда Жаноб Химер образи ва унинг ота-боболари ўтмиши сифатида қизиқарли услубда баён этади. Жаноб Химер романда “ақл, тадбиркорлик” тимсоли бўлиши билан бирга одамлар ўртасида “нифок, алдов, ҳаром-ҳариш, зинокорлик, кўзбўямачиликнинг дояси” сифатида ҳам рамзий талқин этилади.

Роман қаҳрамонлари Ҳотам ва Қулмахмуд узум бизнес қилаётиб, ноқонуний равишда, ўзлари англаб-англамай яна бир ишга қўл уришади. Сайғоқ шохини бизнес қилишади. “Шох бизнеси”, “Олтин шох мукофоти”, “Олтин шох шоу” дастурининг ўтказилиши асарда оригинал бир сюжет сифатида топилган.

Маълумки, манбаларда Шайтон образи шохли, думли, туёқли, жундор махлук сифатида кўрсатилади. Шойим Бўтаев мазкур образ ҳақидаги афсонавий ва адабий қарашларга суянган ҳолда Шайтон образини худди шу тарзда ва инсон қиёфасида тасвирлайди. Масалан, шайтонни ўз кўзи билан кўрган Полина баёнида шундай ифодаланади: “– Кўчада ортимдан қувиб келган шохдор махлукни анаву ерда кўргандай бўлдим, – деди Полина ҳализамон Қулмахмуд турган жойни қўли билан кўрсатганича. – Ҳаммаёғини жун босиб кетган, кўзлари қип-қизил махлук...”². Ёки яна бир қаҳрамон Лўли қиз таърифида Шайтон шундай тасвирланади: “– Сиз қараманг, кўраман деб овора бўлманг, – вайсарди лўли. – Барибир кўролмайсиз. У-у-у, кўзи ямонакан, кўзидан ман кўрхдим. Қулоғини жун босган, елкалари букчайган, чихган”³; “Ҳайдовчи қувиб юборган лўли қиз Ҳотам берган пулни увода-сувада кийимларининг ичига тикар экан, ҳадеб:

– Шайтон, шайтон! – дея ғўлдиради, қалт-қалт титради”⁴.

Жаноб Химернинг яна бир алоҳида хусусияти одамнинг ичидаги фикрини ўқийди. Шойим Бўтаев Шайтон қиёфасидаги “Жаноб Химер”нинг айнан шу хусусиятига урғу бериб боради.

XX аср замонавий ўзбек насрида Шайтон образининг талқини Фитратнинг “Шайтоннинг тангрига исёни” асарида бошланиб, янги аср бошида Шойим Бўтаевнинг “Шох”, Назар Эшонкулнинг “Тун панжаралари” асарларида унга такрор мурожаат этилди. Ҳар икки ёзувчи Шайтон образини роман ва ҳикоя жанрида тасвирлар экан, Рабғузийнинг “Қиссасул-анбиё” асарларидаги Шайтон ҳақидаги ривоятлар мазмуни ва бу образнинг зоҳирий ва ботиний хусусиятларига бир хилда ёндашиб, айни пайтда ҳар бири алоҳида индивидуал бадий тўқима орқали тимсолни мукамал неомифолагама сифатида яратиш учун ўзларининг ижодкорлик салоҳиятини намоён этишган. Биз юқорида, Шойим Бўтаевнинг “Шох” романидаги Жаноб Химер (шайтон) образига бироз тўхталиб ўтдик. Энди эса унга Назар Эшонкулнинг “Тун панжаралари” қиссасини қиёслаб кўрсак. Адиб Шойим Бўтаевдан фарқли равишда қиссани оммабоп услубда ёзмаган. Мазкур

¹ Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 109.

² Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 180.

³ Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 32.

⁴ Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 34.

қиссада қаҳрамоннинг омадсизлик, аламзадалик, лоқайдлик, фаолиятсизлик, худбинлик, жаҳолатга ботган, ўз қобиғига ўралашиб қолган руҳият қатламларини ёзувчи рамзий-мажозий, лирик-кечинмали услубда ҳикоя этади. Қисса ички монолог асосига қурилган. Қаҳрамон севги ва дўстликда ҳеч омади юришмай, ишсиз, бекорчи алмойи-жалмойи хаёллар суриб ўтказган тунларнинг бирида Шайтон билан дўстлашади. Қисса қаҳрамони тилида Шайтон шундай таърифланади: "...мени ҳайратга солган нарса, худди Нитше тасвирлаганидек, сочининг малла тусдалиги бўлди, у жуда ҳам сурбет ҳамда бутун вужудидан, ҳатто ичак-чавоғидан ҳам шубҳа уфуриб турарди; у ҳамма нарсадан шубҳа ва ишончсизлик изларди; бироқ эътироф этиш керак, у жуда ақлли ва маккор эди"⁵; "У жуда оҳорли шим, оқ кўйлак кийган, ғилай кўзларига ярашмаса ҳам энсизгина қора галстук тақиб олган эди. Бошида эса соябони кенг қўнқайган шляпа, қанча яширишга тирришмасин, шимининг тор балоғидан ўйноқлаб турадиган сарғиш, жундор думи кўриниб турарди. Шляпаси тагида эса текис ва силлиқ қилиб таралган олтин сочлари ялтирарди"⁶. Шойим Бўтаев "Шох" романида Шайтон образини тасвирлашда икки хил йўлдан боради. Биринчиси, инсон қиёфасидаги шайтон образининг бадиий тимсолини Жаноб Химер образида мужассамлаштирган бўлса, иккинчиси, Назар Эшонкул тасвиридагидек жунли, туёкли, думли қилиб акс эттиради. Биз юқорида роман қаҳрамонлари кўзига кўринган парчаларни эътиборингизга ҳавола этдик. Шойим Бўтаев Шайтон образининг иккинчи тасвирида "шохдор, жундор, букчайган, кўзлари қип-қизил махлуқ" сифатида ифодалайди.

Назар Эшонкул маънисизлик гирдобига тушиб қолган қаҳрамон – Инсон билан Шайтон образини қаршилантириш орқали янгича ассоциатив бадиий тафаккур усулини қўллайди. Шайтоннинг қилмиши бемаза, қисса қаҳрамони ҳаёти, руҳияти ҳам бемаза бўлиб қолган. Шу ноўхшаш ўхшашлик асосида Назар Эшонкул янгича бадиий шартли восита – ассоциатив образли услуб яратади.

Шойим Бўтаев Шайтон образида Назар Эшонқулдан кўра бошқачароқ йўлдан боради. Хусусан, Жаноб Химер тез-тез варақлаб ўқийдиган яшил китоб, унинг кўзларида ўйнайдиган яшил учкун, патнисда келтирилган стакандаги ичимликда кўринган яшил учкунлар, "Кўк аланга" корпорацияси сингари рамзий-ҳалқали деталлар бирлашиб, жаҳон адабиёти тажрибаларида синалган Шайтон образини яратишдаги ижодий анъаналарга эргашганлиги, яна бошқа жиҳатдан эса ёзувчининг янгича оригинал бадиий талқини кузатилади. Жумладан, инглиз ёзувчиси Роберт Стивинсоннинг "Шайтоний шиша" ҳикоясида бўйни узун, қорни бақалок шиша ичидаги шайтоннинг "аланга", "соя" сифатида зоҳир бўлиши билан Шойим Бўтаев яратган Жаноб Химер (Шайтон) атрофидаги барча яшил рангли аланга ўртасида муайян муштараклик борлиги англашилади. Жумладан: "Патнисда одамларнинг сонига тенг миқдорда қадаҳчалар бор эди. Қадаҳчалар ичидаги олий нав вино кўкиш аланга сочиб турарди. Бу йиғилганларнинг кайфиятини бирданга кўтариб юборди.

Ҳамма ўрндан турди.

Котиба кўзларидан кўкиш аланга сачратганча патнисни ҳар бир кишининг олдига олиб борар, кўзи билан қадаҳни олишга ундаб, сўнгра миннатдорлик билдираётгандек жилмайиб кўйиб, нари кетарди"⁷. Роберт Стивенсонда ҳам аланга ва сояга урғу берилади: "Мезбон шундай деб аллақандай жавонни очди ва ичидан узун бўйинли ва қорни бақалок шишани олди. Шиша сутдек оқиш ойнадан

⁵ Эшонқул Н. Тун панжаралари / Ялпиз ҳиди. Тошкент: Шарқ, 2008, - Б. 164.

⁶ Эшонқул Н. Тун панжаралари / Ялпиз ҳиди. Тошкент: Шарқ, 2008, - Б.180.

⁷ Бўтаев Ш. Шох. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 2006. – Б. 134-135.

ясалган бўлиб, камалакнинг жамики рангларида ёлқинланиб-товланиб турарди. Унинг ичида эса соячами, аланга тилигами ўхшаш алламбало бир нарса тўхтовсиз ёғдуланиб-ўйноқлаб ётибди”⁸.

Шойим Бўтаев билан Роберт Стивенсон тасвиридаги Шайтонга хос умумий типологик ўхшашлик “аланга”, “кўкиш аланга”да кузатилмоқда. Фикримизча, адибларнинг бундай бир хил умумий бадиий тасвирига яна ўша муқаддас манбалардаги Шайтоннинг яратилиши билан боғлиқ ривоятга боғланади. Зеро, уларда ёзилишича, Одам Ота билан Момо Ҳаво тупроқдан, фаришталар нурдан, Шайтон эса оловдан яратилади. Демак, Шойим Бўтаев билан Роберт Стивенсон тасвиридаги “аланга”, “кўкиш аланга” ва “учқун”нинг тасвири бежиз эмас. Уларни реал диний манбалар замини бирлаштириб турибди.

Жаҳон адабиётида тасвирланган Шайтонга хос яна муҳим белгилардан бири улар мукамал ақл тимсоли, тезкорлик, айёрлик, маккорлик хислатларини ўзида мужассамлаштиради. Онере Де Бальзакнинг “Сағри тери тилсими” ва Роберт Стивенсоннинг “Шайтоний шиша” асарларида тенгсиз бойлик ва орзуларнинг ижобат бўлишида тери ва шишанинг магияк деталь сифатида яратилиши ҳам бевосита Шайтон образи, шайтоний ишлар, сеҳр-жодулар билан боғлиқ бектакроп адабий лавҳалардир. Худди шунингдек, Шойим Бўтаев яратган Жаноб Химер ҳам фавқулудда тадбиркорлиги, ишчанлиги, пулдорлиги билан Қулмаҳмуд ва Ҳотамтой каби юзлаб кишиларни ўз измига бўйсундиради. Бу эса айти пайтда Бальзак, Стивенсоннинг қаҳрамонлари каби орзулари ижобат бўлиши учун имонини сотган қаҳрамонларга ўхшаб кетади. Кузатиб турганимиздек, дунё ва ўзбек адабиётида яратилган Шайтонга хос бадиий-ғоявий муштарак хусусиятлардан яна бири унинг Инсонни ўз измига бўйсундиришидир.

Шойим Бўтаев Жаноб Химер образида, нафақат, диний манбадан, балки юнон афсонаси, уларда акс эттирилган афсонавий қаҳрамонлар исми, тана тузилишидан ҳам фойдаланади. Масалан, қаҳрамоннинг “Химер” деб аталиши юнон афсоналарида тасвирланган “Химера”ни ёдга туширади. Жумладан, Н.А.Куннинг “Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари” китобида бу қаҳрамонга шундай изоҳ берилган: “Химера – қадимги Юнонистон ривоятларида оғзидан ўт пурковчи арслонбош, аждардум ва эчкитана даҳшатли махлук. Уни Беллофонт ўлдирди”. Ёзувчи Шойим Бўтаев Химеранинг “эчки танали, даҳшатли махлук” эканлигини назарда тутиб, ўз романида Шайтон киёфасида акс эттирган. Эчки жасадли махлук билан шохли, думли, туёқли, жундор Шайтон ўртасида ўхшашлик кузатилади. Шу тариқа, адиб “Шох” романида “Химера образи”га янгича неомифологик талқин беради. Химера ёвузлик, тубанликнинг рамзий тимсоли сифатида асрлар давомида дунё халқлар адабиётида яшаб келган. Шойим Бўтаев жуда қадим бадиий генезисга эга бўлган “Химера” образини ўзбек насрига илк бор олиб кирди.

Испан ёзувчиси Мигель Де Сервантес “Дон Кихот саргузаштлари” романи билан ўзигача яратилган барча рицарлик асарларига пародиявий-ҳажвий роман ёзган эди. Шойим Бўтаевнинг Жаноб Химери ҳам шу пайтгача яратилган барча Шайтонларга қарши пародиядир. Асарнинг ҳар бир сатри, ҳар бир образи, тасвирида кучли киноя, адибнинг ақлли, айёрона кулгиси сезилади. Масалан: “Жаноб Химер югуриб минбарга чикди.

Пастдан, зимистон қўйнидан гулдурос қарсақлар янгради.

⁸ Стивенсон Р. Шайтоний шиша. Ҳикоя. (Таржимон Рустам Обид) // Жаҳон адабиёти. 2009. №11. – Б. 4.

⁹ Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. (Қодир Мирмуҳамедов таржимаси). Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 481.

Гўёки улкан бир дев тишларини ғижирлатиб тўлғанаётгандек эди.

Зулмат бағридаги қарсақларнинг бундай баҳамжихатлиги ажабланарли эди: оломон бир-бирини кўрмас, бир-бирини ҳис этмасди. Аммо уларнинг ҳар бири қарсақ ураётганида қалби тўлқинланиб улуғ бир юмушга шахсан ўзи кўмак-дошлик қилаётганига ишончи ортиб борарди.

Саҳнадагилар ҳам қарсақ чалишди.

Жаноб Химер кўлини кўтарди. Унинг узугидан таралган кўкиш шуъла қоронғи зал устидан тиғдай айланиб чиқмай, яна узукнинг кўзига келиб кўнди”. Роман саҳифама-саҳифа киноянинг турли даражадаги бадий шартли воситалари: *истеҳзо, пичинг, кесатиқ, ҳажв, пародия, масҳара, мазахта* тўлиқ тасвирлар билан бойитилган. Кимгадир бу роман бозорбоп, оммабоп, яланғоч тасвирларга ўхшаб кўриниши мумкин. Аммо бундай ҳулоса чиқаришга зинҳор шошилмаслик керак. Шойим Бўтаев “Шох” романида хилма-хил бадий шартли воситалар, масалан, “Карнавал саҳнаси”, “Олтин шох” шоу дастуридан ҳам унумли фойдаланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, шайтон образининг минг йиллик генезиси бўлишига қарамасдан, бугунги ўзбек носирлари бу образни оригинал ва ўзига хос тарзда тасвирлашга муваффақ бўлишди. Бу борада Шойим Бўтаевнинг Жаноб Химер, Назар Эшонқулнинг Шайтон образларини мисол келтириш мумкин. Бу икки ёзувчи шайтон образини тасвирлашда ҳар бири ўз бадий фантазияси ва билими, турфа адабий тажрибаларга таянишида фарқланади. Масалан, Шойим Бўтаев юнон мифологиясидаги Химера образини қайта тирилтирди. Шу билан бирга Рабғузийнинг “Қиссасул-анбиё” асаридаги ривоятларга суянди. Демак, Жаноб Химер исми шайтон тимсолида Шарқ ва Ғарб анъаналари синтезини кузатиш мумкин. Назар Эшонқул эса Шайтон образида ассоциатив бадий тафаккур ва рамзий-мажозий услубни қўллади. Унинг тасвиридаги Шайтон образи қиёфасида Ғарб адабиётига хос модерн устунлик қилади.

ҲУКМАТ

Неча зарурат аро қолган чоғи,
Ҷин демас эрсанг, дема ёлгон гағи.

Алишер НАВОИЙ

**Саъдулло ҚУРОНОВ**

1989 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ифода ва ифодавийлик” номли адабий-танқидий мақолалар тўплами чоп этилган. Айни дамда “Замонавий ўзбек адабиётида бадий синтез муаммоси (шеърят ва рангасвир санъатлари мисолида)” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.



ШЕЪРИЯТ ВА РАНГАСВИР – ЭГИЗ САНЪАТЛАР

Аслида, санъат ижодкор қалбу онгида кечган ҳис-туйғу ва ғоянинг бадий ифодаси ўлароқ яхлит ҳодиса эса-да, биз уни турларга ажратишга одатланганмиз. Албатта, санъатни турларга ажратиб таснифлаш маданий ҳаётимизда жудаям зарур. Аммо на ижодкор ва на талабгор (ўқувчи, томошабин, тингловчи ва ҳоказо) санъат турларининг яхлит ҳамда уйғун ҳодиса эканини унутишга ҳақли. Зеро, чин асарнинг ҳассос яратувчиси оламни барча сезгилари билан идрок этади. У ижод онларида асарига мусаввирнинг нигоҳларини, шоирнинг туйғуларини ва мусиқачининг оҳанглари сингдириб юбориши мумкин. Баъзида, шеър деб тутганимизнинг асл жозибаси ана шундай уйғунлик сабабидан эканини “анг”ламаймиз, парво қилмаймиз. Лекин шеър ўқиб *уфқдан огаётган қуёшнинг бир тўплам олов сочларини илиб қолаётган ўрмонни* (Ойбек), *безавол майсанинг бош силкитишини* (А.Орипов) ёки *қорларига қоришган осмоннинг нузли чангни элаётганини* (Р.Парфи) ўз кўзимиз билан кўргандай завқланишни, унда ажиб бир ҳисларни туйишни қанда қилмаймиз. Бу завқ эса биз назарда тутган УЙҒУНЛИКнинг меваси, асли.

Шеърят ва рангасвир – эгиз санъатлар. Шунинг учун бўлса керак, қадимги юнон шоири Симонид шеърятга забонли рангасвир, рангасвирга эса соқов шеърят дея таъриф беради. Бобомиз Абу Наср Форобий мусаввир билан шоирнинг санъатдаги моддаси ҳам, мақсади ҳам ўхшаш эканини айтиб ўтган. Демак, баъзан шоир мусаввирнинг “мўйқалам”ини ёки, аксинча, мусаввир шоирнинг “қалам”ини тутишга уринади. Бунга илҳом палласи ижодкор ўзи ҳис қилганини кўнглидагидай ифода этолмаслиги, “қалам”и ожиз қолаётганини ҳис этиши сабаб бўлиши мумкин:

*Дейманки: “Бошқалар билмай қоладир –
Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим,
Ўхшаш нусха билан, ёзиб берардим,
Шу ожиз ҳолимда, шоирманми мен?..”*

Чўлпон

Санъаткорнинг барча ҳаракатлари “ўқувчи”га кўрганини, ўйлаганини ва ҳис этганини худди ўзи туйганидай етказишга қаратилган. Балки унинг бошқа санъат турларига мурожаат этишининг бош омили ҳам шундандир? Чунки, ҳар доим

хам кўрилганни сўз билан, айтилгани бўёқ билан ифодалашнинг имкони йўқ. Масалан, шоир шундай “чигал” вазиятда рангтасвирга хос ифода унсурларини шеърятга кўчиради. У оламни шоир бўлиб эмас, мусаввир бўлиб тасвирлашга киришиб кетади.

Келинг, юқоридаги мулоҳазаларимизни бир мисол воситаси таҳлил қилиб, тасвирнинг бадий ифодадаги аҳамиятини янада теранроқ тасаввур қилиб оламиз:

*Ер устида нурлар сояси...
Ойдин тун бу!
Гўё жодугар
Шаҳар узра ҳарир оқ дока
Ташлаб қўйиб томоша қилар.*

Шоир Хуршид Давроннинг 1980 йилда ёзилган “Самарқандда ойдин тун” номли шеърида яхлит манзара тасвирланади. Яъни, шеърни ўқиркансиз кўхна Самарқанднинг тунги – ойдин манзаралари кўз ўнгингизда жонлана бошлайди: Самарқанд шаҳри... Тун... Тўлин ой шуқадар ёркинки, кўчада бино ва дарахтлар соя ташлаган... Аммо шоирнинг мақсади фақатгина гўзал манзарани тасвирлашдан иборат эмас. У ўзи “чизаётган” манзара қаърига катта ижтимоий дардни яширган. Қаранг, шеърнинг иккинчи бандида ижодкорнинг бу мақсади янада ойдинлашади:

*Ой нуридан илинган умид
Юрагимни қилар безовта.
Кўксаройнинг соқчиси – кўр ит
Эгасини излар моҳтобда.*

Аслида шоир манзарани тасвирлашда давом этса-да, банддаги ой нурларининг тасвири лирик қаҳрамон қалбидаги умид туйғусини уйғотиш воситаси бўлиб келмоқда. Яъни манзарага лирик субъект кечинмалари таъсир этиб, ундаги рамзийликни оширмоқда.

*Осмон гулхан чўғлари тушиб
Милт-милт этиб ёнаётган шол.
Арвоҳларнинг безовта туши –
Чинорларни силкитган шамол.*

Осмондаги юлдузлар гўзал истиора билан чўкка, осмоннинг ўзи эса секин-аста ёнишни бошлаган шолга (*бўйинга осиб ёки тешигидан кийгизиб қўйиладиган жазо тахтаси*) ўхшатилади. Бу ўринда шоир мустабиднинг секин-аста емирилиб, тугаб бораётган истибдодига ишора этаётганини кўришимиз мумкин. Безовта руҳлар эса улуғ ажодларимиз, буюк ўтмишимизга ишора. Лекин шоир бу икки бадий ташбеҳида муайян тасвир асосида берадики, сиз шеърни ўқиб рамзлар тили билан тасвирни эмас, тасвир воситасида рамзлар тилига кириб борасиз. Бошқача айтганда, дейлик, Абдулла Орипов ва Шавкат Раҳмон шеърида манзара лирик қаҳрамон кўзи билан кўрилган табиат тасвири бўлса, Хуршид Даврон шеърида кўриб-кузатилган воқелик тасвирини борича бериш билан бирга, ундан олинган таассуротлар, ҳис-кечинмалар ифодаланади. Хуршид Давронда тасвир рамзга айланмай турибоқ эстетик қиммат касб этади, ўқувчида худди кўриб тургандек таассурот уйғотади ва бу таассурот тасвирий санъат асарини томоша қилганда туғиладиган кечинмалардан кам бўлмайди:

*Мудроқ нигоҳ ила боқаман,
Мозий ёди мени қилар маст.
Гўё дарё аро оқаман –
Манзилимни ҳеч ким билмас...*

“Самарқандда ойдин тун” шеърда ўтган асрнинг 80 йилларида халқимиз зиёлилари ичида янада оловланган истиқлол орзусининг тафтини ҳис этиш мумкин. Зеро, шоир тасвирлаётган манзаранинг ҳар бир детали истиқлол туйғусига ишора этади. Аммо, бу шеърда бизнинг эътиборимизни тортган энг муҳим жиҳат асар ортидаги субъектнинг шоирга ўхшамаслиги, у кўпроқ ўз хисларини тасвир асосида етказишга уринаётган “мусаввир” эканлиги бўлди. Зеро, мусаввир ўз томошабинига нутқи воситасида сўзламайди. Мусаввир тасвир, бўёқлар тилида сўзлайди. Хуршид Давронинг биз юқорида мисол қилиб олган шеърда ва яна бошқа кўпалаб асарларида ана шундай мусаввируна ифодани кўришимиз мумкин. Албатта, шоир бу ўринда бўёқ ўрнига сўздан фойдаланади. У манзарани тавсифламайди, балки энг кичик унсурлари билан тавсирлайди. Шоир худди расомдай олдин тасвирни кўрсатиб, кейин “дарди”ни сўзлайди.

Шоирнинг рангтасвир санъатига хос ифода шаклларида фойдаланиши шеърнинг жозибасини янада оширади, бадиий ғоянинг ўқувчига таъсири кучаяди. Зеро, одамларда кўз воситасида информация қабул қилиш бошқа сезги аъзоларига нисбатан ортиқроқ. Айни дамда, олам ҳақидаги тасаввурларнинг асосий қисми ҳам кўз воситасида олинадики, бу санъатдаги бадиий синтезнинг ижодкорана эҳтиёж ўлароқ содир бўлишига етарлича далилдир. Охириги юз йилликда визуал санъатларнинг ривож топиши ва қайсидир маънода тасвирий санъат, кино ва театрнинг маданий ҳаётдаги катта мавқеи кишиларда кўпроқ кўриш воситасидаги эстетик завқ туйиш миқдорини ошириб юборди. Бу ўз-ўзидан бошқа санъат турларига ҳам таъсир этмай қўймади. Бугун ижодкор ўқувчидаги шу эҳтиёж билан “ҳисоблашиш”га, замонавий ўқувчи истакларини қондиришга “мажбур”.

Санъат турларининг ўзаро уйғун (синкретик) муносабати уларнинг тараққиётида муҳим аҳамиятга молик. Умуман, муайян санъатнинг ривожини ёндош турларнинг унга таъсири ўлароқ кечади. Мисол тариқасида мумтоз санъатларни олиб қаралса, тарихда бу санъатларнинг ўзаро муштарак алоқада ривожланганини кўриш мумкин бўлади. Мумтоз мусиқани аруз вазнисиз, миниатюрани эса бадиий асарларсиз тасаввур этиб бўлмаган. Шу боис ҳам Шарқда бу санъатларнинг нафақат бадиий-ғоявий жиҳатдан, балки ифодавий хусусиятлари жиҳатидан ҳам қоришиқ муносабатда бўлгани яққол сезилиб туради. Кейинчалик, қўлёзма ўрнини тошбосмалар эгаллаши китоб графикаси – миниатюранинг ривожига соя солган бўлса, аруз ўрнига бармоқнинг келиши мақомни оммавийликдан чиқаради. Айтмоқчимизки, санъат турларида ўзаро таъсирланиш бўлмаса, улардаги ривожланиш ҳам сўнади.

Санъатлар ўртасидаги бадиий синтез масаласини ўрганиш адабиётшунослигимиздаги долзарб муаммодир. Айтиш мумкинки, ўзбек адабиётшунослиги бадиий синтезни ўрганиш борасида бир-икки кичик тадқиқотлар билан чекланиб қолган. Бадиий синтезнинг жудаям кенг тармоқли ва муҳим ҳодиса эканлиги эътиборидан мазкур кичик изланишларни денгиздан бир томчига қиёслаш мумкин.

Жаҳон маданияти тарихида шеърят ва тасвирий санъатнинг ўзаро уйғунлиги масаласи ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Улардан энг машҳурлари сифатида Леонардо да-Винчининг “Мусаввирнинг шоир билан баҳси” ҳамда француз маърифатпарвари Лессингнинг “Лаокоон” асарларидир. Кейинчалик Лессингнинг

замондоши Дидро ҳам “Салонлар” номли асарида бадий синтезга атрофлича тўхталиб ўтган. Лекин бадий синтезнинг чин маънодаги жиддий ўрганилиши XX асрнинг бошларига тўғри келади. Илмий тадқиқотларимиз мобайнида эътиборимизни тортгани шу бўлдики, рус адабиётшунослиги бадий синтез борасида жудаям кенг кўламдаги ишларни олиб бормоқда. Бизнинг фаолиятимиз давомида йиғилган маълумотларга кўра, ҳозирга қадар рус адабиётшунос ва санъатшунослигида бадий синтезнинг биргина тармоғи ҳисобланган шеърят ва рангасвир ўртасидаги уйғунлик масаласида эллиқдан ортиқ китоб ёзилган. Рус олимларининг интернет тармоғидаги докторлик ва номзодлик ишларини сақловчи сайтларига кириб “бадий синтез” истилоҳини кидирувга берсангиз юздан ортиқ рўйхатни олишингиз мумкин. Айтмоқчи бўлаётганим, бадий синтез масаласини ўзбек адабиётшуносида ҳам аҳамиятли ҳодиса сифатида ўрганишга эҳтиёж катта.

Шеърят ва рангасвир ўртасидаги бадий синтезни тадқиқ этиш, аввало, бадий образнинг серкирра ифодавий имконияти ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради. Зеро, образ табиатини тушунишимизда бадий синтезнинг аҳамияти беқиёс. Айниқса, замонавий санъатларни тушунишни бадий синтездан айро қўйиб бўлмайди. Чунки, глобаллашув даврида нафақат маданиятлар, балки кайфиятлар ҳам қоришиб ижодкор тобора курама шаклларни яратишга интиломоқда. Бунга шеърят, рангасвир ва мусикадаги модерн йўналишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг “Тонгги манзара”, Фахриёрнинг “Гиометрик баҳор” каби шеърлари машҳур модернист мусаввирлар Пабло Пикассо ва Салвадор Дали чизган суратларни ёдга солади. Баҳром Рўзимуҳаммад ўзининг “Чўлпон – тонг юлдузи демак” номли китобида санъатларнинг ўзаро яқдилликда талқин қилиниши, ҳис этилиши, ҳозирги давр модерн шеърятининг тушунилишида асосий калит эканлигини айтиб ўтади. Демак, ўзбек модерн шеърятини бадий синтез тамойиллари асосида таҳлил қилиш, янгича бадийликни тушуниш учун катта кўмак беради. Айниқса, визуал, турли шакл ва фигуралар билан бойитилган асарларни тушунишда, бадий образнинг ўзига хос қирраларини кўришда, ҳис қилишда унинг амалий аҳамияти юқори.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бадий синтезнинг ўзига хос тамойиллари, мумтоз адабиётда тутган ўрни ва аҳамияти, муаммога оид қарашлар мухтасар ёритилган. Хусусан, шеърят ва рангасвир санъатининг синтези замонавий ўзбек поэзияси намуналари мисолида тадқиқ этилган.

В статье освещены основные принципы художественного синтеза, его роль и значение в классической литературе, а также некоторые взгляды автора по данной проблематике. В частности, рассматривается синтез живописи и литературы на примере современной узбекской поэзии.

The article deals with the basic principles of artistic synthesis, its role and importance in the classical literature, as well as some of the author's views on this issue. In particular, the synthesis of art and literature on the example of modern Uzbek poetry.

БОЛАЛАР ДУНЁСИ



Кўзи ИСМОИЛ

1945 йилда тугилган. Таганрог педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини битирган. Унинг болаларга аталган қатор китоблари нашр этилган.



Тақиб қўяй кўзмунчоқ

Арғимчоғим

Арғимчоғим, арғимчоқ,
Тақиб қўяй кўзмунчоқ.

Ёмон кўздан асрасин,
Ёмон сўздан асрасин.

Кувнайдиган пайтимда,
Ййрайдиган пайтимда

Узилмасин арқонинг,
Ййқилмасин полвонинг.

Магазинда

Қизча кирди магазинга,
Бир қўғирчоқ олгани.
Кутиб олди дўкондор:
– Қани қизим, кел қани.

Қара, ушбу қўғирчоқ,
Дидингга мос келади.
Кўзларин очиб, юмар,
Ййғлашни ҳам билади.

– Вой, опажон! – дейди киз, –
Мақтайверманг, бўлди, бас.
Ййғлоқи қўғирчоқлар,
Менга сира керакмас.



Қўшнилар

Қамғоқ деди янтоққа:
– Гуллаганинг яхшию
Тиканинг ёмон...

Янтоқ деди қамғоққа:
– Бўй-бастимга кўзингни
Тикканинг ёмон...

Топшириқ

– Нодир, кўлга
Олгин таёқ,
Тугта чиқиб
Қоққин, ўрток.

Саралаб қоқ
Пишганини,
Еб турамиз
Тушганини.

Тандир

Ичимга ўт ёқишар,
Турли ҳолга тушаман.
Аввалига қорайиб,
Сўнг оқариб пишаман.

Ишим оғир ва, лекин,
Чидамасам бўлмайди.
Менсиз тўйда дастурхон
Ширмой нонга тўлмайди.

Гулчи қиз

Гулноранинг гуллари
Яшнаб турар боғида.
Парвариш қилар ҳар дам
Шу боғнинг кучоғида.

Гулчи қизнинг хизматин
Ким эътироф этмайди?
Меҳмон бўлиб келганлар,
Асло, қуруқ кетмайди.



Одобли бола

Меҳмон келиб тунов куни
Ёзилди кенг дастурхон.
Қанд-курс, асал қўйилди,
Тортлар билан патир нон.

– Олинг! Олинг! – Бошланди,
Мен ҳам қаторда борман.
Ўйнаб турар кўзларим,
Тортга эса хуморман.

Бироқ, кўлни чўзмадим,
Фурсат келиб етгунча.
Одоб сақлаб ўтирдим,
То меҳмонлар кетгунча.



ҲАҚМАТ

Оқил сира ҳис-туёнгуза бўлмайдиги асир,
Зар қадри пасаймайдиги ҳасаг бирла, ахир.

Паҳлавон МАҲМУД





МУТОЛАА



Наргиза АСАДОВА

1984 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтинини (ҳозир ТДСМИ) битирган. Унинг “Ишқ остонаси”, “Юрагимнинг сарҳадлари”, “Настарин” номли шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Айни пайтда, “Ватанпарвар” газетасида фаолият юритмоқда.

ДИЛГА ЁРУҒЛИК ЭЛТГАН АСАРЛАР

Кўнгил... Бу мулкда нималар бор? Қарамоққа, эшитмоққа вақтингиз борми уни? Орзу-армонга макон бу кўрғонда топанларингиз нима-ю, йўқотганларингиз нима? Қачон охирги марта ўзингиз билан ўзингиз қолгансиз? Дил билан дилдан ҳамсухбат бўлганмисиз? Сержилва, серғалва бу дунё-ю дундан ортиб, ортда қолган йўл ҳақида ўйлаганмисиз? Хаёлни ҳам ҳаётга боғлаб қўядиган, тушларни-да чирмаб турадиган бу ташвишлардан бир лаҳзага бўлса-да кутулиб, лоақал кўзгудаги инсон билан жимгина сўзлашганмисиз?.. Бу саволлар олдида, балки, барчамиз сукутдамиз.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “Ишхонадаги кўргазма” номли ҳикоясини (“Шарқ юлдузи” 2016 йил, 7-сон) ўқиб кўнгилга назар солдим ва унда ушбуларни кўрдим.

Қаранг, бугун атрофдан излаган нарсани топиш мумкин. Истиҳолалиси, истаклар, манфаатлар кесишувида инсонгина саргардон. У ўз майлларининг ижросиси, бажарувчиси, ундан ҳам бағтари, қурбонидир. Ажабо, шундай тиғизликда унга фақат вақт етишмайди. Моддийт шу қадар ҳаёт тарзига кириб келганки, у ҳатто боғчага чиққан болакайнинг орзуларида ҳам оқ кема янглиғ сузмоқда. Сочи жимжимадор турмакланган қизалоқ яратганнинг мўъжизалар ато қилишини эмас, ота-онасининг пули кўп бўлишини сўраяпти. Турмушимизда ҳайрат ва ҳаяжонлар йўқолиб кетаётган бир паллада мазкур асар мутолааси айрим мулоҳазаларга чорлаши табиий.

Тўкинликда, кўпчилик ҳатто орзуманд бўлган ҳаётда яшовчи Асрор Валиевич ҳар кунги кечмишидан рози, ҳамма нарсанинг шу зайлда давом этишига кўниккан инсон сифатида кўз ўнгингизда намоён бўлади. Нуфузли ташкилотнинг раҳбари, катта мартабага эғалиги бир қарашда кишида ҳавас уйғотади. Шундай маромли кунларнинг бирида дабдурустдан ишхонада пайдо бўлган суратлар уни тамомила ўзга инсонга айлантиради. Аниқроғи, бошқаларнинг наздида у бирдан ўзга кишига эврилади. Аслида бу эврилиш эмас, балки ўзликка қайтиш эканлиги мутолаа жараёнида англашилади. Шу биргина сурат орқали унинг ботинида мураббӣ ётган истакларнинг бош кўтариши, унуттирилган орзуларнинг дил сиртига қалқishi асарнинг жонли воқеалар бандида ифодаланади.



Бу ҳол ўз-ўзидан рўй бермайди. Асрор Валиевичнинг қачонлардир рассом бўлиш орзуси, ноёб истеъдоди муҳаббати йўлида нисор бўлганлиги, севгининг шавқатсиз шартлари туфайли ортга боқмай фақат мартаба-ю, мансаб пиллапояларидан одимлаганлиги, оқибат қўл остидаги ходими Ван Гог (Бокибек Нормуродов) ишлаган суратлар сабаб яна ўша ташлаб кетилган тақдири билан қалбан юзма-юз бўлганлигида аёнлашади. Ва бу тақдир унинг барча эришганларидан (моддийдан) кечиб, кўнгил кенгликларига қайтиши билан ниҳояланади.

Асарда бош қаҳрамон билан бирга, ёрдамчи персонажларнинг ҳам ҳаракати мавзунинг тўла очилишига хизмат қилган. Хусусан, бирон-бир тартиб-интизомга бўйсунмайдиган, ўз истагича умргузаронлик қилаётган, кўнгли осмон, ўзи ердек камтарин рассом Боки Нормуродов (Ван Гог), дунёга келиб қўлига китоб олмаган, ходимларни бир механик буюмдек кўрадиган, барча юмушни Меҳнат кодексига қараб бажарадиган, кишида юрак, қалб борлигини ўйлаб ҳам кўрмайдиган, бадфеъл Муяссар Қодировна, умри ҳисоб-китоб билан ўтаётган, қўли пул санашдан ортмайдиган, лекин дилида армонлари мил-мил бош ҳисобчи Жамила Гофуровна, ишхонасидаги мавжуд оғир кайфият боис ёшликнинг ҳур дамларидан мосуво Жасмина ва яна бошқа бир қанча образларнинг хатти-ҳаракатлари, қувончу изтироблари шу расмлар гирдида кечади. Аслида образларни бирлаштириб турган асосий мотив ҳам мана шу суратлардир.

Муаллиф хикоя қилар экан, хаёлингизда ўша суратларни сиз ҳам бирга томоша қилаётгандек, ундаги сокин куз манзараларини, чол ва набира тасвирини, баркутдек ёниб турган кип-қизил атиргулларни кўргандек бўласиз. Қачонлардир суратлар галереясида худди шу ижод намуналарига дуч келганмиканман деган хаёлга боришингиз ҳам мумкин. Мутолаа ёдингизга муаллифнинг шоирлигини эслатади. Унинг “чилла аёзининг нафаси уфуриб турган бир қараш билан”, “даҳшатли қудратнинг шу ергача етиб келган оқоваси”, “Баҳс мавжида юриб келади”, “Хазонрез! Дарахтларда, ҳавода, йўлакларда, гулзорда – бутун дунёда хазон!.. Нақадар бу кузнинг ҳасрати улкан”, “нима учун тасвирий санъатга томошабин керак?” сингари мушоҳадалари гўё шеърий сатрлар тизмасидан сизиб чиққандек таассурот қолдиради. У асар қаҳрамонлари билан бирга, сизни шеърий гурунглар гуркирайдиган давраларга, ижод дарғалари қошига етаклаши асносида лирик кайфият руҳингизга юқади. Беихтиёр бу соҳира суҳбатлар хаёлда эмас, ҳаётда бўлишини истайсиз. Мутолаага банд бўлиш чоғида мажлисбозлигу, қоғозбозликдан бўшамайдиган ишхонангиздан йироқлаб, кўнглингиз кенгликлар сари отланганини, аслида шундай лаҳзаларни сиз ҳам соғинганингизни, тўрт девор ичида торайиб, қотиб бораётган юрагингизда орзиқишларга, ҳаяжонларга, муҳими, эзгуликка жой борлигини пайқаб қоласиз. Бу фикр ботинингиздан зоҳирингиз қадар кўчиб, дунёнинг моҳиятини, яшамок завқини, ижоднинг хур шавқини яна бир карра туйгандек, ҳис қилгандек бўласиз...

Қаҳрамонлар сиймосида ходимларига адолатли, ижод аҳлига бағрикент раҳбарни, ҳамкасабаларининг иш тартибидан ташқарига йўлатмайдиган, қаттиққўл кадрлар бўлими бошлиғини, умр бўйи бир зайлда яшаб, ниманидир излаган, аммо ўша нарсанинг нималигини ўзи ҳам билмай, ниҳоят, суратларни кўрганда: “Бизлар ҳам юрган эканмиз” дегич оқсоқол Жўра Олимович сингари одамлар ён-беримиздагилар эканлигини англайсиз.

Асар, моҳиятан, инсон ким бўлмасин, ўзлигини йўқотмаслигини, кўнглига назар солиб, ўзини тафтиш қилишини кўрсатиб беради. Чин ижодкор омонат шуҳратпарастликдан, миннатли шон-шавкатдан юқорирок, шу маънода юз кар-

ра бахтлироқ эканлигини таъкид қилади. Бугун айрим корхона ва ташкилотларда ходимларга фақат ишчи сифатида қаралаётган, мактублар, туйғулар, йиғи ва кулгилар эса тугмачали қолиплар ва яна алламбало смайлларга куни қолган дамда мазкур ҳикоя энг зарур, муқаддас туйғулардан йироқлашмасликни, инсоннинг энг нозик, саришта манзили – кўнгилни асраш кераклигини сизу бизга уқтираверади.

* * *

Ёзувчи Жўра Фозилнинг “Бойқўнғир лолалари” номли қиссасида (“Шарқ юлдузи” журнали 2016 йил 4-сон) воқеалар изчиллик билан давом этмаса-да, лекин давомийликдаги кечинмалар, зиддиятлар мутолаага берилган чоғда аксланади. Яъни, қиссадаги ҳодисаларни муаллиф кўз ўнгингизга келтириб кўяди. Бўз йиғитларнинг хатти-ҳаракатини, орийтли дўстларнинг ўзаро муносабатларини кўриб, бирдамлик ҳиссини туйиб яшай бошлайсиз. Мутолаа кўп вақтингизни олмайди. Ҳажман унча катта бўлмаган асарда содда, лўнда тасвирлар, қаҳрамонларнинг самимий мулоқотлари кишини зериктирмайди, балки “Энди нима бўлар экан?”нинг ортидан эргаштиради. Тили равон ва содда, баъзи жойларда шевага хос сўзлардан ҳам ўринли фойдаланиш асарнинг ўқишлилигини таъминлайди.

Қозоғистоннинг муаллиф айтмоқчи гадейтопмас Бойқўнғир космодромида жойлашган ҳарбий қисмга келган Жамол, Самад, Усмон, Ризо, Тоҳир, Ҳасан сингари аскарлар то хизмат тугагунга қадар кўп кечмишларни бошдан ўтказишади. Гап нима ёки ким ҳақида бормасин, асардан мустабид тузумнинг нафаси, унинг тазйиқи сезилиб туради. Чунончи, қаерда ва қачон портлаши номаълум бўлган китъалараро ядро ракеталарини муҳофаза қилишга, янги шахталар барпо этишга сафарбар этилган аскарларни чор-атрофи куп-куруқ чўл бўлган кентнинг ноқулай шарт-шароити, қутилмаганда ўзгариб турадиган об-ҳавосигина эмас, балки “космодром оксуяклари”нинг камситиши, нописандлиги, уларни куллардек кўриши азоблайди. Бу нафақат асар қаҳрамонларини, балки ўқувчини ҳам изтиробга солади.

Полковник Лаухин, штаб бошлиғи Василий Михайлович, майор Кузя, сержант Харитонов каби бошлиқларнинг хўрлик ва қийноқларига қўлини мушт қилган, пичоқ суякка қадар боргач номардларнинг хиқилодоғига пичоқ тираган ғурурли персонажлар билан бирга ўқувчи ҳам бўғриқади, одамларга юқоридан қарайдиган бу ноқис кимсаларга нисбатан нафрат туяди. Бир қараганда, бу ҳодиса ўз-ўзидан эмас, битта ернинг нон-тузини еб катта бўлган ҳамюртларнинг бир-бировига берган меҳри, далдасидек бўлиб кўриниши мумкин. Лекин лейтенат Ежов, оддий аскар Миша сингари кишилар ҳарбий қисмдагиларнинг аскарларга нисбатан ҳақоратлари-ю, хўрликларига гоҳ пинҳона, гоҳи ошқора қарши муносабатда бўлишларини кузата туриб, умуминсоний туйғуларнинг миллат ва худуд билмаслигига яна бир карра амин бўласиз. Бу жиҳатлар асарда инсонни тушуниш, зарур вақтда қўллаш, кўмакка муҳтож одамдан юз ўгирмаслик каби ҳислатлар тажассумида намоён бўлади. Жумладан, ҳарбий қисмни руҳсатсиз тарк этиб, дарё соҳилига бориб, куёшнинг уфқдан бош кўтаришини томоша қилишни одат қилган аскарни (!) жазолаш ўрнига: “Сен бахтлисан. Шарқ – шоирлар юрти. Шарқ шеърияти – буюк шеърият. Сирасини айтганда, Бухоро ва Тошкентда яшаб, шоир бўлмаслик мумкин эмас”, – дея унга ҳавас қилган лейтенант Ежовнинг сўзлари китобхоннинг-да дилига ёруғлик элтади.

Бош қаҳрамоннинг севгилиси Муаттар қизил гул сингари ҳаётга, инсонга бўлган муҳаббатнинг ёрқин тимсолидир. Гарчи қиз воқеалар ривожига жис-

ман иштирок этмаса-да, Жамолнинг гоҳ хаёлида, гоҳи тушида намоён бўлиб, асар давомида оғир кунларда йигитни умид билан яшашга, орзу сари одимлашга чорлаб туради. Оддий қилиб айтганда, шундай бир қийин шароитда, собиқ тузумнинг инсон манфаатларини, истакларини ҳисобга олмайдиган кўр-кўрона зўравонликка хос даврида ҳам одамларда кўнгил борлигини, бу дил мудом яхшилик ва зиёга интилишини ёзувчи ижобий образлар сиймосида эслатиб туради.

Бугун атроф-жавонибда тамомила ўзгача манзара. Мустақил мамлакатимизда эрк ва озодлик инсонларнинг ор-номусидек ҳамқадам. Толе истиқлол аталмиш буюк неъматни ато этгандан сўнг юртимиз ва юртдошларимиз ҳаётида туб бурилишлар, ўзгаришлар юз берди. Зеро, сўзда ва амалда эркин бўлган инсонгина эрта ҳақида нури ўйлар суради, истиқболга ишонч кўзи билан қарайди.

Қасбим тақозоси билан ҳарбий хизматчилар билан кўп мулоқотда бўламан. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан кўришганда, уларнинг юз-кўзидаги мамнунлик, ўзига бўлган ишонч, шарафли бурчидан масрурликни ҳис этаман. Ҳарбий хизматга боргандан то уйга кузатиш жараёнига қадар ўзларининг инсон сифатида иззат этилаётганликларини тўла ҳис этадилар. Бугун улар “Бойкўнғир лолалари” қаҳрамонлари каби мусофирликда, бировнинг қош-қовоғига қараб, камситилиб кун санаётган аскарлар эмас, балки она Ватани бағрида, эртанги кун ҳақида тиниқ ва баланд орзулар билан хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилардир. Шундай дориломон кунларнинг кадрига етиш, ҳозирги авлодга эртақдек туюладиган ўтган кунларни шу онлар билан солиштириш, таққослаш, муҳими, хулоса қилиш имконини берган ёзувчи Жўра Фозилнинг бизга тақдим этган мазкур асари шу жиҳатдан ҳам эътибор-у эътирофга молик, деб биламан.

ҲУҚМАТ

**Эй, кўнгул, одам хаёда айлаб дема ногонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг деғил инсонга сўз.**

ОГАҲИЙ



УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ



Самандар ВОҲИДОВ

1942 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтида (ҳозирги БухДУ) ўқиган. Шоирнинг “Кафтимдаги гул”, “Қатраларда нур ёнар”, “Оламдан ранг излаб”, “Хаёлинг мен билан”, “Сунбула”, “Гуллаётган кунлар” сингари шеърый китоблари нашр этилган.

Самандар Воҳидов 2014 йилда вафот этган.

Тўлқинлар туғёнин кузатасан жим

Умрим чорбоғи

Умрим чорбоғига сизни чорладим,
Шоядки, сайридан топсангиз хузур.
Гули хушнуд этса, ҳосил муродим,
Тикани ранжитса, тутасиз маъзур.

Чорбоғим жилоси, қалбим кўридан,
Дардимнинг ранги бор ҳар япроғида.
Наботот яшнаркан куёш нуридан
Чакмоқ зарбини ҳам туяр гоҳида.

Кулдан холи эмас яллиғланган чўғ,
Кўпикдан холимас тўлқинланган сув.
Армон тош отмаган бирор орзу йўқ,
Ишқ йўқдир ҳижрондан ичмаган оғу.

Гулларим ранглари бир тусда эмас,
Бақамти товланар қора билан оқ.
Завку ғам яшайди ҳамроҳу пайваст,
Қадрини тенг билар висолу фироқ.

Шу боис, чорбоғим бағрида кезиб,
Кўнглингиз тўлмайн бўлсангиз арздор.
Айбимни ҳаётнинг бўйнига ёзиб,
Самандар Воҳидни ҳисобланг қарздор.



Саккизлик

Олисда орзудай ёнар чироклар,
Қайдадир чирилдоқ куйлар жонсарак.
Еллар – тун қалбидан кўчган титроқлар,
Юлдузлар самода учирар варрак.

Ойнинг нигоҳида бир маъюс маъно,
Уфқлар ортига боқади сергак.
Менинг измимдаги тун қучган дунё,
Қуёшга соғ-омон етиши керак.



Сардоба

Саҳронинг бағрида ҳорғин мўйсафид
Мудраб ўтиргандай куриб чордона,
Сардоба турибди қилганча сукут,
Даврон диққатидан сабил, ордона.

Қуёш оташини сочар беомон,
Сабрини этмоқчи бўлар жизғанак.
Сардоба саботдан тутиб соябон,
Бардошдан – елпиғич,
Бузмайди пинак.

Карвон қўнғироғин садоларини
Соғинган ғиштлари айланиб кўзга,
Чанқоқ йўловчилар дуоларини
Тинглаш орзусида боқар олисга.

Баҳорда жамлаган ёмғир сувини
Тубига яшириб саҳро забтидан,
Муздек асраш билан ўтади куни,
Ўзи сарғайсада гармсел тафтидан.

Хув, йироқ-йироқда барханлар ошиб –
Уфққа уланган йўлдан бепарво
Автолар ўтади ўқ каби учиб,
Сардоба томонга боқмасдан қиё.

Шошқин йўловчилар иши йўқ зарра
Илҳақу интизор сардоба билан,
У томон чопишмас ташна, ҳансираб,
Қўлда мешу чойдиш, офтоба билан.

Лекин бу ҳолдан у ўкинмас, зеро,
Сезади, ўзгарган замона зайли –
Азалий хизматин унутмас, асло,
Сусаймас сероб сув жамламоқ майли.

Ёзу киш қаҳрига чидайди тамкин,
Баҳорда яна сув йиға бошлайди.
У фақат умиддан топади таскин,
Умид уни ўзлигида ушлайди.





Чўққидаги тош

Бу тошни тош дема,
Кўпни кўрган у.
Бу тошни тош десанг,
Кўнгли чўқади.
Қуёшга ҳамсоя маскан қурган у,
Қоялар бошидан пастга боқади.

Гирдида арчалар неча қирилиб,
Неча қад ростлаган –
Барига гувоҳ.
Хазонсиз умридан ётар керилиб,
Нурамас –
Туймагач қалбида гуноҳ.

Қани,
Тош демокқа бир сабаб топ-чи?

Эй, меҳри мунавварим

Дил махрами, дилбарим,
Эй, сановбар, сарварим.
Гумонларни парчалаб,
Кел, меҳри мунавварим.

Дил гунчаси сўлди-ку,
Косаи сабр тўлди-ку.
Армонлар уммонида
Умидлар фарқ бўлди-ку.

Хаёлимда висолинг,
Ўшал қоши ҳилолинг.
Лолаларга ранг берган
Гўзал рухсори олинг.

Ҳидинг эсар гулзордан,
Кулгинг саси анҳордан,
Аммо, ўзинг тополмай,
Жон узарман озордан.

Дил махрами, дилбарим,
Толеимга сарварим.
Васлингга айла восил,
Эй, ишқи мунавварим.



Бу дарё

Дарё соҳилида хаёлларга банд
Тўлқинлар туғёнин кузатасан жим.
Баайни нигоҳин узмай фалақдан
Юлдузга айланиб қолган мунажжим.

Бу туғён титратиб туйғуларингни
Куяр томирингга шиддатидан қон.
Дарёга қўшилиб, уфқдан нари –
Ўтмоққа топгандек бўласан имқон.

Ўзингни сезасан, кўқда кўринмай
Оламини кузатган фариштага тенг.
Жонланиб жисмингда пажмурда руҳинг,
Қалбинг тафтишига шимаради енг.

Ағдариб-тўнтариб қалбинг сандиғин,
Дунё ташвишларин итқитар четга.
Йўқликка чўктириб армон, андуҳин,
Бездирган ҳаётни севдирар қайта.

Гулку гул,
Соҳилда унган тикан ҳам
Тўтиё кўринар бирдан кўзингга.
Ўзингда кўрасан ўзгача одам,
Ўзинг кўзгу бўлган каби ўзингга.

Сезасан дарёда илоҳий сеҳр,
Нафасин насими ёяр нафосат.
Мавжида мужассам мушк анбар меҳр –
Сени оғушига олгани фурсат –

Мақсад манзилига топарсан сўқмоқ,
Сирин оча бошлар тош ёнғоқ ҳаёт.
Сипқор бу дарёдан, “Зам-зам”дай сипқор,
Рухпарвар бу дарё – адабиёт.





ТАҲЛИЛ



Кундузхон ҲУСАНБОЕВА

Педагогика фанлари доктори. 1956 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозир ТДПУ) тамомлаган. Тўртта илмий монография, “Адабиёт” дарсликлари, ўндан ортиқ методик қўлланмалар муаллифи.

ЎЗКЕЧУВЛИК ЙЎЛБАРС

Қатор кисса ва романлар муаллифи Сойим Исҳоқ маҳоратини намойиш этувчи “Кўклам адоғида куз” романида бутун Туркистонга донғи кетган, Жиззах вилоятидаги Ўзкечув қишлоғидан чиққан тарихий шахс Саримсоқ полвоннинг бошидан кечирганлари тасвирланади. Саримсоқ полвон романдаги бош қаҳрамон, қолган барча тимсоллар, тасвирланган сахналар, қаламга олинган воқеа-ҳодисалар унинг табиатини, шахсиятидаги сифатларни очишга қаратилган. Айни пайтда, ёзувчи ўқувчини туркийларнинг алп йигитлари от чоптирадиган кўпкари, унинг ўзига хос қоидалари, хусусиятлари билан таништиради. Муаллиф бош қаҳрамон ҳақида: “Саримсоқ полвон ундай эди, табиати бундай эди”, деб таъриф бериб ўтирмайди. Қаҳрамонни ўзининг ўй-хаёллари, ҳаётининг сўнгги йилларида кўнглидан кечирган хотиралари, сарҳисоб пайтидаги тафтишлари орқали очиб беришга ҳаракат қилади. Полвон ҳаёти ўқувчи кўз олдидан худди кинолентадаги тасвир сингари ўтиб боради. Саримсоқ полвон ўқувчида ўзига нисбатан катта ҳурмат-эҳтиром уйғотади. Ҳар ҳолда, ёзувчи романда бунга эриша олган.

Ҳаётда йигит бошидан ҳар хил иш ўтади. Саримсоқ полвон ҳам давру даврон сурди, аччиқ-чучукни тотди. У имонли одам сифатида давлат, шон-шухрат келганида отасининг: “*Одам юқорилашигани сари настдагилар майдалашиб кўринади. Сен бунга алданма. Ҳамма нарсани ўзидек кўришга интил...*” деган ўғитига амал қилиб яшади. Машаққатли кунларда эса: “*у...негадир, ҳеч қачон ҳукуматни айбламади: Жўнариқда битга таланиб юрган кезларида ҳам, охириги икки йилда Мирзачўлда бит билан паишага ем бўлиб юганида ҳам. У кўпроқ ўзидан айб қидирди: “қилмишларимда Аллоҳга ҳуш келмайдиган нимадир бордир-ки, жафо тортяпман, – деб ўйларди. – Бугун жафони муяссар кўрган қодир Эгам эртага сафони лозим кўриб қолса ажабмас*”, дея эътиқодига хиёнат қилмади.

Саримсоқ полвон оилада ёлғиз ўғил. Шунга қарамай чор атрофда тенги йўқ полвон даражасига кўтарилди. Бу ерда гапнинг бир учи тарбияга тақалади. Маълумки, ўзбек оиласида тарбия билан асосан она шуғулланади. Лекин ўғил болаларнинг тарбияси, вақти-соати етганда отанинг аралашувини тақозо этади. Айнан мана шу нозик вазиятда ота ва онанинг қарашлари бир-бирига монанд келиши, бу жараёнда эркакча талабларнинг устун келиши тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Турон бойвуча асарда Саримсоқ полвон тарбиясида оналик меҳрини



ақли билан жиловлай олган аёл сифатида намоён бўлади. Саримсоқ полвоннинг нафақат жисман, балки руҳан ҳам тўқислиги аввало, ота қони орқали ўтган баркамоллик билан тарбиясидаги тўғрилиқнинг мутаносиблигидандир. Шу нарса ўзини йўқотмай, ўзлигига, эътиқодига хиёнат қилмай мардона яшашига гаров бўлган асосдир. Ёзувчи ҳаётий ҳақиқатларни полвоннинг болалиқ ва ўсмирлик ҳаёти тасвири орқали ифодалайди.

Саримсоқ полвоннинг табиатидаги меҳнатдан завқ олиш ўқувчини ҳайратлантиради. Одатда, ёшлиқ – кишининг ўйинқароқлик даври. Асар қаҳрамони эса ёшлигидан меҳнаткаш. Шуниси билан ҳам у бошқаларга ўхшамайди. Ўсмирлигидаёқ тоғ оралиғидаги тошлоқ майдончани харсанглардан тозалаб жўхори экади. Бу ишини отасига ҳам билдирмайди. Такабой билан жанжал бўлиб ерга ҳужжат талаб қилинганда вазиятни муносиб баҳолаб: *“Бундай ҳужжат менда бор”*, – дея Саттор қозининг одил қарор чиқариб беришига эриша олгани Саримсоқ полвоннинг нафақат жисман, балки ақлан ҳам тўқислигини кўрсатади. Асарда бундай ҳаётий ҳодисалар маҳорат билан тасвирланган.

Саримсоқ полвондаги жисмоний куч отлар ва кўпқарига бўлган муҳаббати билан мутаносиб келиши ҳам унга Худонинг марҳамати. Полвонликда муваффақият қозониш учун фақат куч ва муҳаббатнинг ўзи камлик қилишини билган китобхон кўнглида у болалигида туш кўргани Хизр бобонинг ҳам таъсири борлигига ишонч ҳосил қилади. Эл орасида афсонага айланган Хизр бобо тимсоли, унга ўқувчи руҳиятидаги мойиллик билан асардаги тасвир бир-бирига монанд келган.

Ёзувчи Соёим Исҳоқ кўпқарининг сир-синоатлари, унинг қонун-қоидалари ҳақида яхшигина маълумотга эга эканлигини: *“Яхши от чавандозига қанчалик қўлқанот бўлса, эгасига ҳам шунчалик шухрат келтиради...; солимингди кимга берсанг беру, бироқ улогингди отанга ҳам берма...; кўпқарининг лаззати улоқ олишида, солимда эмас”* сингари қатъий фикр ва хулосаларда; *“жиловга бўйин бермагач, Саримсоқ полвон отни ўз ҳолига қўйиб, орқасига қўл узатди. Думини қайириб, қилидан беш-олти донасини юлиб олди. Чаққонлик билан эшиб, олдинга узалди ва юганни ҳам ечди. Сувлиқ тўқаларига эшилган қилни боғлаб, сувлиқ ўрнига айғирнинг оғзига киритди. Ҳаял ўтказмай жиловни икки томонга аррадек тортиб-тортиб юборди. Пишиқ эшилган қиллар оғзини тилиб юборгач, айғир сал инсофга келгандай бўлди; бундай пайтларда полвон мардум отасини унутади! Бундай пайтларда полвон онасини унутади! Бундай пайтларда полвон, Худонинг ўзи кечирсин-у, Яратганни ҳам унутади. Бундай пайтларда унинг эътиборида бир нарса – камситилган шахси ва улоқ туради; “Аканг (яъни Эгамберди полвон – таъкид бизники Қ. Ҳ.) шу байталминан ё улоқди олади, ё шу майдонда ўлади. Бурунгилар орият учун шундай талашишган...”* каби тасвирлардан илғаш мумкин. Романдан келтирилган бу мисоллар нафақат Саримсоқ полвоннинг абжирлиги, ўзи шуғулланаётган ишини қанчалар мукамал билишини, балки Соёим Исҳоқнинг ҳам қаҳрамони тимсолини мукамалроқ тасвирлаш учун қанчалар кўп ва хўп ишлаганини ёрқин намоёйиш этади.

Муаллиф “Кўклам адоғида куз” романининг бош қаҳрамони Саримсоқ полвон образини жуда ҳам идеаллаштириб юборишдан тийилган. Лекин бу тийилиш ҳам асар қаҳрамонининг “фойдаси”га хизмат қилган. Полвон йигитлик даврини хотирларкан, хом сут эмган банда сифатида устози Эгамберди полвоннинг насиҳатларига бир марта хиёнат қилганини эслайди. Гап шундаки, устози қария Эгамберди полвон қариб қолганига қарамай, Саримсоқ кетма-кет ўнта улоқни кўлга киритиб ишқибозлару полвонларнинг шаштини қайтариб қўяётганини пайқаб даврани совутиб қўймаслик ниятида қорабдолликлар ва

соғишмаликларнинг ори учун даврага тушади. Орадаги тортишув: “*Ҳарифи ўнгидан борса Эгамберди полвон улоқни чапига олади, чапидан борса ўнгига, Саримсоқ полвон улоқни сира “ушлолмади” тарзида тасвирланади. Саримсоқ полвон садоқатли шогирд сифатида бошқача йўл тутолмасди ҳам. Лекин мазкур вазиятга бошқаларнинг, нафақат ишқибозлар, ҳатто Саримоқ полвон минган отнинг муносабати: “Шу гал бўз тулпор ҳам устидаги суворийни тушунолмай қолди: улоққа юлқинади, темир панжалар тизгинини эжингиртоб қилиб орқага тортади. Шу гал бўз тулпор устидаги чавандозни англолмай қолди: улоқ Муштипарнинг ўнгига ўтса ўнгига интилади, у чапга тортади. Шу гал бўз тулпор полвонидан ҳам, ўздан ҳам хафа бўлиб кетди: ўзлари маррага элтиши нақд бўлиб турган улоқни аллақандай сассиқ байтални минган қилтириқ чол элтди. Шу гал бўз тулпорнинг аламидан кўзларида ўт чақнаб, тишлари гижирлаб кетди, устидаги телба суворийни иргитиб юбориб шаталоқ отганича майдонни тарк этгиси келди...*”, тарзида тасвирланади. Умрида биргина марта “хато”га йўл қўйиб, ўзининг бошқалардан кучли эканини била туриб ўзга полвонларни менсимай, полвонлараро ҳурматни сақламай иш тутгани, бунинг учун “жазоланиб” устози билан беллашишга мажбур бўлгани, унга улоғини “олдиргани”, аслида полвоннинг оқиллиги, зийраклиги ва устозига садоқатининг бир кўринишидир. Буни устози, фақат устозигина пайкаган, кўпқари тугагандан кейин учрашганларида буни эътироф этганди.

Саримсоқ полвон имонли, диндор шахс. У ўн икки ёшидан бошлаб намоз ўқиган, гуркираб кўпқари чошиб юрган даврларида ҳам, қамоқларда сарсон-саргардон, хор бўлиб юрган дамларида ҳам эътиқодига доғ туширмаган, ўзининг Ҳақ таоло олдидаги фарзига хиёнат қилмаган. Бутун умри давомида тақикланган ишларнинг биронтасига қўл урмабди. Тарбиясига, руҳиятига ўрнашиб кетган интизомига қарши бормабди. Ҳатто ўзи истамагани ҳолда жон-дили билан севиб қолгани Урқияга муносабатда ҳам туйғуларини эътиқодидан баланд қўймасликка бор кучи билан ҳаракат қилди. Балки шу сабаб ҳаёт машаққатларини қоқинмай-суринмай енгиб ўтиб пири бадавлат ёшга етгандир, фарзандлари камолини кўриш насиб этгандир.

Саримсоқ полвон меҳнати билан ҳалол бойлик топганига қарамай советлар томонидан қулоқ қилиниши, ҳукуматдан не-не жабрлар кўриши, шунга қарамай аламзада бўлмагани, лекин сўнгги кунларигача ҳам унга ишонмагани қаҳрамон табиатига монанд тасвирланган. У: “...ўз фуқароларини алдаб ўрганган ҳукумат яна алдайди. Алдов ва зўравонликни касб қилиб олган ҳокимият алалоқибат заволга юз тутуши тайин. Ўшанда пайгамбар даражасига кўтарилган доҳийлар, мамлакат эиловини бошқарган “Бош”лар аслида ким эканликлари юзага қалқиб чиқади. Комилликка интилувчи башар ҳаммасининг тагига етиб, одил баҳосини беради...”, – деб ўйлайди.

Романдаги ҳайратга соладиган жиҳатлардан яна бири – боболарнинг отга муносабати масаласи. Асарда кўпқари учун от етиштирадиган Бўтабой тимсоли бор. У минг қўйли бойлардан. Шундай катга бой бўлишига қарамай қишлоғидан ташқарида кўпчилик танимайди. Чунки элда ким кўп – минг қўйли бой кўп. Шунинг учун эл орасида: “*Бўтабойнинг отини минг қўйи эмас, бўз отиминан Саримсоқ полвон элга танитди*”, – деган гаплар юраркан. Бўтабой отини бу-хоролик бир бойга тўрт юзга семиз қўйга алмаштирмаган, тилла баҳосида ҳам сотмаган. У отини бебаҳо деб билган. Шу оти ўлганида Бўтабой отаси ўлгандай алам тортиб йиғлаган, одамдай кафанлаб кўмган, бир-неча кун уйдан чиқмай аза тутган, мунгли-мунгли марсиялар тўқиган экан.

Ўзувчи муҳаббат деган буюк туйғуни минган отларидек асов Саримсоқ полвон кўнглига олиб кириш осон эмаслигини яхши тушунган. Маълумки, баланд одамлар ҳамма масалада баланд бўлишади. Бошқачалик улар қўлидан келмайди. Ота-она қистови билан оила, эрлик нима эканини англамай ўн тўрт ёшида уйланган, кўнгли кўпқаридан бошқа нарсани тусамайдиган бўз йигитнинг худди ўзи сингари олов бир қизга рўбарў келиши тасвири ўта самимий. Биринчи учрашувдаёқ Саримсоқ полвон кўнглини мувозанатдан чиқарган, халоватини ўғирлаган “сарик рўмолли фаришта” ҳам унинг ишқида пинҳона ёнар ва туйғуларини яширишга кучи етмасди. Қозоқ қизларига хос дадиллик билан унга сари интиларди. Кўзлар илк бор тўқнашганда: “Саримсоқ полвон эҳтиётсизлик қилиб чўзни ушлаб олган одамдай қалтираб, шу лаҳзадаёқ кўзларини настга олди. Бироқ танасини бир мартагина вулқондай силкитиб ташлаган бу қалтироқ қайта такрорланмади”. Бу тасвир муҳаббат отлик туйғунинг қудратини ва ўзувчи маҳоратини намойиш қилади. От ва кўпқаридан бошқа нарсани тан олмайдиган, руҳи ҳам жисми каби бақувват туюлган бир одамнинг кўзлари маъшуқаси нигоҳи билан илк тўқнашгандаёқ шундай аҳволга тушиб қолиши унинг жуда ҳам нозик кўнгли соҳиби эканлигига далолат қилади. Полвоннинг ҳолати ўзига жуда ярашади. Маълумки, кўнгли кишилари муҳаббатга тез асир бўлади.

Ақли туйғуларидан устун келган полвон бундай вазиятда узоқ қололмаслигини сезиб ўрнидан туради ва шошилиш равишда боши оққан томонга қараб “қоча” бошлайди. Орқасидан: “Сарик ипак рўмолли ҳурлиқо сўрарди. Сарик ипак рўмолли малак изларди. Сарик ипак рўмолли гўзал чорларди”. Саримсоқ полвон ҳали исмини ҳам билмаган у гўзалга жавоб бериш ўрнига ундан, қадаридан қочиб борарди.

Полвон хатти-ҳаракатда Аллоҳнинг бандаларига қўйган мезонларидан ташқарига чиқмасликка ҳаракат қилиб яшаган одам: у оилали, бола-чақали. Ўзи айтмоқчи, бўй қизнинг ҳаётига зомин бўлишга ҳаққи йўқ. Лекин кўнгли деган салтанатни ақл билан бошқариб туриш қийин. Полвоннинг инон-ихтиёри қўлидан кетганди. У қиз ҳақида ўйламасликка қанчалик уринмасин, бунинг уддасидан чиқа олмайганди. Саримсоқ полвоннинг кундузи томошабинлар орасида кўргани, лекин парво қилмагани қизнинг бир қарашига дош беролмай телбаларча саҳро кезиб юриши, сарик ипак рўмолли малакнинг асирга айланиб қолаётганини ўзи ҳам сезаётгани, бундан бир кўнгли шодланса, бир кўнгли изтироб чекаётгани тасвирлари самимий чиққан.

Уйқусиз тонгни қаршилаган полвоннинг эртаси куни майдонга тушиши билан давра айланиб беихтиёр томошабинлар орасидан сарик ипак рўмолни қидиради. Қалбининг ҳокимини тополмай аламли бир изтироб билан арислик полвоннинг қўлидаги улоққа ёпишиши, айна ҳал қилувчи дақиқада эпитгани: “Тартсайши, Саке, тарт!!!” деган таниш овоз полвонга куч-қувват бағишлайди. Йигит учун кўнглига ҳокимлик қилган малакнинг меҳр-муҳаббати ва ишончи катта далда бўлади.

Асарда шундай тасвирлар бор: “Саримсоқ полвон шу бир қарашидеёқ қизнинг юз-кўзларида ёнаётган бетоқатликни илғаб ололди. Шу дақиқадаёқ бунинг сабабини ҳам сезди...”. Суйганини шунчалар туйган Саримсоқ полвон бир фикр кишиси сифатида қиз билан муносабатларининг келажагини кўз олдида келтираркан, бу имконсиз нарса эканини англаб етди. Унинг кўнглида икки туйғу, икки муҳаббат ўртасида кураш боради. Бу муҳаббатнинг бири кўпқари ва отга, иккинчиси аёлга дахлдор. Саримсоқ полвонни аёлдан кечишга мажбур қилган нарса унинг отга бўлган муҳаббатигина эмас, балки оиласи, бола-чақаси олдидаги бурчлилиқ ҳисси ҳамдир. Тарозининг бир палласида иккита, иккинчи палласида

битта юк турарди. Ақлли одам сифатида чавандоз бурчларидан воз кечолмасди. Ўзлиги ва мухаббатини бурчига қурбон бериш унинг учун осонроқ эди. Шундай қилса фақат ўзигина қийналиши мумкин. Виждонли бир одам сифатида ўзининг хузур-халовати учун бошқалар, айти замонда сариқ рўмолли фаришта ҳам, жабр чекишларига йўл қўёлмасди.

Кимсасиз қоронғилиқда, ўй-хаёллар гирдобиди, икки ўт орасида ёлғиз ўтираркан, ёнига келган мезбондан қизнинг исмини биринчи марта эшитганда, гарчи руҳиятида тарозининг биринчи палласи босим келиб турган бўлса-да, полвоннинг этлари жимирлаб кетади. Бир кўнгли ёшлар даврасига чақириб келган мезбоннинг таклифини рад этишни истар, бир кўнгли қиз бор даврага тортар, оёқлари ақлига бўйсунмасди. Ошиқ кўнгил учун бу табиий ҳол. Ошиқ кўнгилни ақл бир бошқарар, икки бошқарар, лекин унга ҳокимлик қилолмайди. Бунга кучи етмайди.

Кўнглининг етови билан келган полвон даврада ўтираркан, у келгани учун: *“шодликдан ял-ял ёнаётган қизнинг бугдой ранг юзларига, юлдуздай чарақлаган чарос кўзларига, қалдирғочнинг қанотидай қайрилма қошларига тикилиб-тикилиб, узоқ-узоқ қарагиси келарди. Кўнглидаги бу истакни амалга оширишга сира кучи етмасди. Нимадир бунга монелик қиларди”*. Бу нимадир – унинг ақли, руҳиятидаги бурчлилик хисси эди. Қаҳрамони характерини яхши билган муаллиф унинг бошқача иш туюлмаслигини ҳам жуда яхши тушунар, унинг ҳолатини ўзгача тасвирлай ҳам олмасди.

Охирги тун, ёшлар даврасидаги охирги учрашув Саримсоқ полвон учун ҳам, Урқия учун ҳам жуда машаққатли кечди. Ошиқ кўнгиллар олдиларидаги шафқатсиз фироқни туйиб турардилар. Кўнглида пўртаналар кечаётганига қарамай полвон Жақсилиқбой Файзулла махсум иккаласини алоҳида ўтовга чақиртириб, ўзларидан қиз олишни таклиф қилганида рад жавобини берди: *“Бировдинг гўлдай қизини бахтсиз қилиб қўйишдан қўрқаман, бой ака, – деди ётиги билан. – Бола-чақаларимгаям жабр бўлади. Мен даланинг одамиман. Ўзим йўқда кундошлар савашиб ётса, рўзгордан тинчлик кетади. Кекса ота-онам бор, улар азият чекишади...”*. Жақсилиқбойга бундай жавоб бериш полвонга осон бўлгани йўқ, албатта. Полвон йигирма етти ёшида ўн уч йиллик рўзгорнинг бошлиғи, беш боланинг отаси, ҳамиша ўзидан катта одамлар орасида юриб, ёшига нисбатан анча катта бўлиб қолган бир йигит сифатида ҳамма томонини ўйлаб жавоб берганди. У бошқача йўл туюлмасди ҳам.

Йўл олдидан полвон Урқияни, гарчи ўзи рад қилаётган эса-да, охирги марта бир кўришни исташи ҳам табиий, албатта. Айти замонда ич-ичидан яхши иш қилмаганини, бу иши қизни ранжитиб қўйиши, унинг шаънига тегиб кетиши мумкинлигини сезиб баттар эзиларди. Хайрлашгани чикқан мезбонлар орасида Урқияни кўрмаган чавандоз: *“Демак мендан ранжибди, – деб ўйлади. – Ихлосини қайтариб, йигитнинг ишини қилмадимов. Балки умримдаги энг катта йўқотишим шу бўлиб қолар. Унга ҳаммасини ётиги билан тушунтириб хайрлашим керак эди”*. Полвоннинг кўнглидаги самимийлик ва маънавий поклик ҳамиша атрофдагиларда ўзига нисбатан ижобий муносабатни чақиради.

Шунга қарамай қиз хўшлашишнинг ақлли йўлини топади. Ўртоқларини уловлантириб меҳмонларнинг олдидан чиқишаркан, бийкешининг ўтинчи билан қизларга бош бўлиб келган ёши катгароқ келинчак: *“– Бизде ўсиндай бир адет бар... Жақси кўноққа сатти сапар тилеп бир тўстақ қимиз тутемиз”*, дейди.

Гарчи бўз йигит бўлмасада қўли қизнинг қўлига текканда Саримсоқ полвоннинг *“Аъзои бадани ўт тушгандай ловуллаши”*, унинг *“ҳеч қачон бундай ҳолатга*

тушмагани” тасвирлари ўқувчи кўнглини ҳам мувозанатдан чиқаради. Айни замонда муҳаббат деган туйғунинг қудрати ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Учрашув учун ўйлаб топилган тасвир – қизнинг топқирлиги, видолашиб олиш учун чавандознинг олдидан ўтиб ўнг томонидан келиши ҳам ҳаётий чиққан. Қалбига муҳаббат тушган қизнинг ошиғи билан хайрлашмай, аразлаб уйда ўтириши унинг табиатига, ошиқлик ҳолатига ҳеч ҳам “ёпишмаган” бўларди.

Полвоннинг “қайдам”и, қизнинг саволига бўлган жавобининг сустиги ҳам полвон характериға хос баъзи хусусиятларни кўрсатади. Бу хайрлашув тасвири маҳзун кайфият уйғотади. Лекин ошиқ-маъшукларнинг қачондир, албатта, учрашишлари мумкинлигига умид бағишлайди. Ҳаёт шунақа, имонли-инсофли одамлар ҳамиша “етдим деганда йиқилишади”. Улар ҳеч қачон ўзларини эмас, атрофидагиларни, ўзига тегишли бошқа кишиларни ўйлашади. Уларни аяшади. Полвон ҳам, Урқия ҳам бошқача бўлмаслигини, бошқача йўл туюлмасликларини яхши билишарди, бир-бирларини сўзсиз-садосиз тушунишарди.

Полвоннинг кўнгил қаъридан жой олган бу туйғу орадан беш йил ўтгач, аёли вафотидан сўнг онаси уйланиш масаласини кўндаланг қўйганда қайта алангаланди. Афсуски, полвон кечиккан, Жақсилиқбойнинг овули қизиллар томонидан вайронага айлантирилган, халқи эса дуч келган томонга кўчиб кетганининг гувоҳи бўлади, Урқияни турмушга бериб юборишганини эшитади. Лекин элда “сидқидилдан йиғласа сўқир кўздан ёш чиқар” деган нақл бор. Ҳар иккала севишган кўнгилларидаги туйғуларининг самимийлиги, ўзларининг маънан баланд одам эканликлари сабабли Оллоҳ уларни қайта учраштиради. Чинакам севиш ва севилиш бахтига муяссар бўлган бу икки қалб жуда ҳам ноқулай шароитда қайта учрашди ва бахтда яшаш лаззатини тотишди. Лекин бахтида кўша қариш камдан-кам одамга насиб этади. Эри билан видолашаркан, Урқиянинг: “Саке, менден риза бўлинг. ...Бирақ, шин дунегга армансиз кетибатирмин..!” деган сўзлари полвоннинг қалбини қандай ўртаса, ўқувчининг дилини ҳам шундай оғритади. Чавандознинг муҳаббати тарихи шундай якун топади.

Саримсоқ полвон ўзининг чавандозлик ҳаётида Бўтабойнинг бўз отини, Жуманбойнинг саманини, Файзулла Махсумнинг тўриғини, Холдорбойнинг қора қашқасини алмаштириб давраларни гуллатди, эл кўзини қувонтирди, кўнглини гупуртирди. Бундан ташқари, Бухоро амири Саид Олимхоннинг чавқар оти ва бошқа бир қанча амалдорларнинг тулпорларини миниб юз килолик улоқларни тақимига босди. Минган ҳар бир оти уни ҳис қилди, у отини туйди. Полвонларнинг отга муносабати ва муҳаббатини ёзувчи ҳам шунчалар мукамал тасвирлаганки, унинг бу борадаги билимдонлиги кўпқари ёки полвонлар ҳақидаги билганларидан кам эмаслигини кўриш мумкин.

Ёзувчининг маҳорати Саримсоқ полвоннинг Бухоро амири Саид Олимхон билан учрашувини ташкил қила билишида ҳам яққол намоён бўлади. Подшоҳ билан чавандоз ўртасидаги Туркистон истиқлоли масаласидаги суҳбат, полвоннинг амирға ўз музофотида юз бераётган адолатсизликлар ҳақида тортинмай гапириши, айни замонда табиатидаги айричаликни амир ҳам илғгани: “Қорасўзман” деб нолишингиз ўринсиз, Полвон, – деди жилмайиб. – Биз учун тил ва дил бирлиги муҳимроқ. Афсус, Бухоро мансабдорларида сиздаги шу хислат етишмайди”, дея очик эътироф этгани, полвоннинг илтимосини ҳеч иккиланиб ўтирмай ижобий ҳал қилишга буйруқ бергани, Туркистондаги аҳвол ва полвон ҳақидаги ўйлари юрт сўраганларнинг анойи одамлар эмаслигидан далолат беради.

Совет тузуми идеологияси бизнинг тасаввуримизга хонлар, амирларни аҳмоқ ва билимсиз, қонхўр ва адолатсиз шахслар сифатида сингдириб юборган. Уму-

ман, Сойим Исҳоқнинг “Кўклам адоғида куз” романи ўтмишнинг “қора кунлари” номини олган даврлардаги ёрқин жиҳатларни акс эттирганлиги билан диққатга сазовордир.

Муаллиф номини абадийлаштиришга жазм этган тарихий шахс Саримсоқ полвоннинг фазилатларини санаб тутатиб бўлмайди. Наҳот бир одамда шунча фазилат жам бўлса, деб ўйланиб қоласан киши. Ғирромликка чидолмай Абдулла полвоннинг елкасига қамчи тортиб юборгани, Худойкул полвон сушт кетиб, давра сўраганда аямай тарс-тарс гапириб ташлагани сингари бир қатор ишлари сиртдан қараганда адолат учун курашдай туюлади. Лекин полвон айни шу ишлари учун умрининг сарҳисоб пайтида виждони олдида ҳисоб беради. Масалан, Абдулла полвонга қўл кўтаргани учун қарийб йигирма беш йил азоб тортгани, охири бош ўғли Абдулҳаким полвон билан Қанғлига, Абдулла полвоннинг уйига кечирим сўраб, рози-ризалик тилаб борганидан ўзининг қанчалар қувонгани ёки Худойкул полвоннинг умри поёнида йиғлаб келиб Саримсоқ полвондан рози-ризалик ўтингани у давр кишиларининг анчагина баланд одамлар бўлганидан далолат беради.

Виждони олдидаги сарҳисобида Саримсоқ полвон ўзидаги яна бир “иллат”ни очик эътироф қилди: “...умрида атиги бир мартагина беихиёр катта кетиб юборганди. Хўв ўша Жетисой чўларида олдини гуррос-гуррос ўраб келаётган чавандозларга қарата: “Ғов бўлмасанг тов бўл, барибир титиб ўтиб кетаман!” деганди. Ўшанда у бу гапни ярим газаб, ярим ифтихор билан айтганди. Атрофдагиларга эса катта кетиш, мақтанишдай туюлибди. Шу сабабдан раҳматли Файзулла маҳсумдан дакки эшитганди”. Саримсоқ полвондек имкониятларга эга, шон-шухрату доврўққа кўмилган одамнинг фахрлиниши, бунинг учун унга дакки бериш эриш туюлади. Лекин ўша давр одамларини тасвирлашда уларга хос баланд фазилатларга эътибор қаратишга мойил ижодкор қайсидир даражада ўз мақсадига эриша олган.

Бу ҳаётдаги номутаносибликни қарангки, Саримсоқ полвон бир умр амал қилиб яшагани отасининг турмуш тарзи эди. “Эшигинга келган одам сендан манфаатдор бўлсин, болам, – деб тайинларди раҳматли отаси. – Шунда у молинга ўзиникидай, балки ундан ҳам аълороқ қарайди. Ҳисоб-китобда ҳалол бўлсанг, ҳеч бандани мўминни норози қилмайсан”. Бундай қараш советлар даврига келиб иллат деб топилди. Тўғри ва ҳалол яшагани, меҳнат билан ортттирган бойликлари ўзига душманга айланди. Қўл остида ишлаганларнинг миннатдорчилик билан айтган гаплари совет қамқоқхоналаридаги: “бошқаларга ҳам таъсирини ўтказа олувчи хавфли шахс”, деган қарор чиқарилишига сабаб бўлди ва фазилатлари иллатга айланиб беш йил умри қамқоқларда сарсон-саргардонликда ўтди. Лекин маънан соғлом одам ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигига хиёнат қилмайди. Саримсоқ полвон ҳам оғир кунларни бошидан кечирса-да атрофидагилардан ажралиб чиқа олди ва бунинг учун ўзига яраша имтиёзларга ҳам эришди. Бундан ташқари, ҳар яхшининг бир ёмони, ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор, деганларидек, бошидан кечирган оғир кунлар ҳаётидаги энг фарахли кунларни ҳам ҳаётида этди. Бир умр эсида қолгани ва унутишни истамагани, эслашнинг ўзиданоқ бир дунё баҳра оладигани – муҳаббати билан бахтда яшаш лаззатини туйди.

Хуллас, бутун Туркистонга “Ёзкечувлик йўлбарс” номи билан донг таратган полвоннинг номини абадийлаштирган ёзувчи битиклари билан адабиёт оламида муносиб ўринга сазовордир.

АДАБИЙ МЕРОС

Тилоvmурод ШАЙМАРDOHOB

1983 йилда туғилган. Қарши давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультетида магистрлик даражасини эгаллаган. Илмий ва публицистик мақолалари республика матбуотида чоп этилган.



“КЕЛМИШ ЭДИМ ЎЗГА БИР ЖАҲОНА”

Дунё адабиёти тажрибасида ёзувчиларнинг ўзларини ўйлантираётган, ташвишга солаётган муаммоларни турли рамзлар, поэтик воситалар ёрдамида тасвирлаш, баён қилиш услуби бор. Баъзи адиблар ўз замонидаги муаммоларни фантастик услубда ёритса, айрим ижодкорлар тарихий-қиёсий услуб орқали ифодалайди.

Ана шундай бадий усуллардан бири, асар қаҳрамони ҳаёлий-утопик бир мамлакатга тушиб қолиши ва шу мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва шахсий муносабатлар воситасида муаллиф ҳаётдаги зиддиятларни, иллатларни ёритиб беришдир. Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳати”, Герберт Уэлснинг “Сеҳрли дўкон”, Антуан де-Сент Экзюперининг “Кичкина шаҳзода”, Исмоилбек Ғаспиралининг “Дор урроҳат мусулмонлари” асарларини шулар жумласига киритиш мумкин. Бу юқоридаги асарларда ижтимоий муаммолар, оилавий, сиёсий масалалар, умуман, кишилик жамияти ва инсоннинг ўз ҳаётида дуч келадиган барча ҳодисалар қамраб олишга ҳаракат қилинган. Уларнинг баъзиларида киноя ва ишоралар ёрдамида мақсад баён қилинса, баъзиларида рамзийлик етакчилик қилади. Қандай восита танланишидан қатъи назар, асар муаллифларининг барчасини мавжуд жамиятдаги иллатлар, ундаги иқтисодий, маънавий чўкишлар безовта қилгани сезилиб туради.

Мана шундай асарлар қаторига ўзбек маърифатпарвар адиби, шоир ва таржимон Сайидахмадхўжа Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий Ажзийнинг “Мирьоти ибрат” (“Ибрат ойнаси”) номли достонини ҳам қўшиш мумкин.

Сиддиқий Ажзий яшаган йиллар (1864-1927) Туркистон халқлари ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берди, бу ўзгаришлар ўша замондаги адиблар, шоирлар ижодида турлича шаклда ўз аксини топди. Сиддиқий-Ажзий ўз даврининг пешқадам зиёлиси ўлароқ юрт учун қайғурган, унинг шонли ўтмишини билган, келажакдан ташвишга тушган маърифатчи адиб эди. Адибнинг бу хавотирлари унинг асарларида, хусусан, биз сўз юритмоқчи бўлган “Мирьоти ибрат” достонида яққол сезилади¹.

Достондаги воқеалар адиб руҳиятидаги бедорлик ва уйқу ўртасидаги ҳолатда кечади. Муаллиф шу ҳолда бутунлай бошқа бир дунёга тушиб қолади:

Кўз очмишим ила бир замона,
Келмиш эдим ўзга бир жаҳона.

¹ Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар: Бегали Қосимов, Суннатилла Аҳмедов, Улуғбек Долимов. – Т.: Маънавият, 1999. 173-191-бетлар. Миллий уйғониш (гўлловчи: Шухрат Ризаев) Т.: Университет-1993. 96-103-бетлар.

Бир кимдин эшитмамишдим они,
Не шаҳри, не томи, не нишони...

Шундан сўнг муаллиф ўзи келиб қолган макон тасвирини беради, бу манзилнинг ҳеч қандай ўхшаши – мисоли йўқлигини таъкидлайди:

Ҳар фокиҳа жинси раста-раста,
Навъи чечак эрди даста-даста.
Боғ ичра зилол ариғда жорий,
Гуллар-ла дўлу ариғ канори.
Гулларда чекуб навола булбул,
Сан ўйлаки нағмасоз ўлуб гул...

Бу ҳаёлий масканнинг таъриф-тавсифини келтириб ўтгандан кейин муаллиф ўқувчини аста-секин асл мақсад сари етаклайди. Бир кекса-нуроний кишига йўлиқади. Бу киши ундан насл-насабини, юртини сўрайди. Асар қаҳрамони ўзининг юрти фирдавсмонанд Самарқанд эканини, бу ернинг жаннатбахш ҳавоси, мухташам иморатлари, гўзал табиати ҳақида завқ билан сўзлайди. Бу қадим кентнинг дунёдаги энг йирик ва тарихий шаҳарлар билан бўйлашадиган шухрати борлигини фахрланиб баён қилади.

Шунда унинг гапларини эшитиб, қария киноя билан унга таҳсин айтади:

Пир айлади бу сўзумга таҳсин,
Таҳсини киноя эрди тайин...

Сўнгра бу одам уни ишнинг моҳиятидан хабардор этади. Бу айтилган ободликлар, бозорлардаги мўл-кўлчиликлар ўз йўлига эканини, лекин ҳақиқий тараққиёт, жамиятнинг рухий ва ақлий юксалиши ўқиш-ўрганиш, ғайрат ва шижоатга боғлиқ эканини таъкидлайди:

Айгум санга бир мисоли монанд,
Маҳбуби ғаризатек Самарқанд.
Лекин баданинда иллати вор,
Ҳам иллату ҳам касолати вор.
Зоҳирда эрур латифу зебо,
Ботинда хароблик муҳайё.

Муаллиф қария тилидан XX аср бошларида Туркистон халқлари ҳаётида, турмушида илдиз отган ялқовлик, дунёпарастлик каби иллатларни қоралайди, илм-фан, тараққиётдан орқада қолиш миллатнинг бошқаларга қарам бўлиб қолишига сабабчи бўлишини таъкидлайди. Сиддиқий-Ажзий ўзи муаллим бўлгани учун асарда ҳам таълим масаласига алоҳида эътибор беради. Миллатнинг юксалишида маориф ва тарбиянинг аҳамияти бекиёс даражада улкан эканига урғу беради. Айни пайтда ҳозирги таълим усулининг бутунлай яроқсизлигини, ўқувчилар бир ҳафтада уч-тўрт кун дам олишини, дарс бўлган кунлари ҳам аксар вақтлари ўйин билан ўтиб кетишини танқид қилади.

Шундан сўнг қария унинг қўлидан ушлаб, бир қушнинг олдига олиб боради ва бу қушнинг илм-фанда беназир эканини, келажак воқеалардан ҳам хабардор эканини айтади. Қуш асар қаҳрамонига насиҳат қилиб, уч иш билан олам хароб бўлишини айтади. Буларнинг бири – илм таҳсилини тарк қилиш, иккинчиси – бировнинг насиҳатига қулоқ солмаслик, учинчиси эса тараққиётга интилмасликдир:

...Уч иш-ла ўлур хароб олам,
Дут бу сўзуми қулоқа маҳкам:
Таҳсили улуми ноқис этмак,
Ҳам мавоизинг канора отмак.
Ал чекмак эрур даҳа фунундин,
Бу ҳибси натижаи жунундин...

Шундан сўнг саёҳатнинг иккинчи қисми бошланади. Қаҳрамон отда саҳрога саёҳатга чиқади. Йўлда бир дарёга дуч келади. Сув гўё улкан аждаҳодек афсун қилиб, уни оти билан ўз домига тортади. У сув ичига чўмиб кетади. Лекин бундан у ҳеч қандай зиён кўрмайди. Сув ичида бир йўл пайдо бўлиб, у шу йўлдан дарё қирғоғига – бошқа бир оламга чиқиб қолади. Йўлда бир одамни учратади. Бу ҳамроҳ уни ўз уйига таклиф этади. Унинг уйи подшоларнинг қасридек ҳашаматли эди. Муаллиф бу қасрни муфассал васф этади. Мезбон уни қасрга жойлаштиради. Бир-икки кун у ерда турган, жарчи келиб, бир афсунгарнинг ўйин кўрсатишини, ақл бовар қилмайдиган ишларни амалга оширишини, хоҳлаганлар бу ишларни кўриши мумкинлигини эълон қилади. Асар қаҳрамони шурурини бу ўйинларни кўриш орзуси чулғаб олади. Сўнг у ўйин кўрсатиладиган майдонга боради. Майдонга борса, ундан бошқа ҳеч ким йўқ. Қаердандир бир куш пайдо бўлиб, битта тухум кўяди. Тухум ёрилиб, ичидан бир митти бола чиқади. Бола бир лаҳзада улғайиб, одам бўлади. Бу одамнинг қўлида бир рўмолчаси бор эди. Рўмолчасини ерга ёзиб, сеҳргарлардек баъзи ҳаракатларни қилади. Сўнг бирор сўз демасдан рўмолчасини ердан кўтаради. Бир чўл намоён бўлиб, унда бир жамоа инсонлар пайдо бўлади. Бу одамларнинг баъзилари яланғоч бўлиб, айримларининг кийими ҳайвон терисидан эди. Турар жойлари харсанглар ва чодирлардан иборат бўлиб, емишлари кўйнинг сути эди. Хуллас, ибтидоий жамоага хос бир ҳаёт тарзи намоён бўлади.

Бу ҳолатни кўрган сайёҳ ҳайратда қолади. Бу қандай жамоа? Қаердан келди? Қаерга боради? Ҳеч нарсага фаҳми етмайди.

Сеҳргар унга ҳеч нарсани тушунтирмай, яна бир иш борлигини айтади. Бир лаҳзада бу манзара ғойиб бўлади. Сеҳргар рўмолчасини яна қайта ерга ёзиб, ғаройиб ҳаракатлар қилади. Шунда бутунлай бошқа бир манзара – Самарқанднинг янгича манзараси кўринади. Шаҳар бутунлай обод бўлиб кетган: кўчаларида минглаб трамвай ва автомобиллар юрар, электр чироқларидан кўчалар чароғон бўлиб кетган. Ҳар бир кишининг қўлида телефон бўлиб, улар ким биландир сўзлашар ва телефон ойнасидан сўзлашаётган одамни кўриб турар эди. Хуллас, шаҳар фавқулодда обод бўлиб кетган. Сайёҳ шу ҳолда ҳайрон бўлиб турар экан, афсунгар унинг олдига келиб, у кўрган икки манзаранинг шарҳини айтади. Биринчи ҳолатдаги жамоа илм-ирфонсиз, фақат савдо-сотикни ўйлаган одамлар эканини, жаҳолат уларни охир-оқибат шу кўйга солганини айтади. Намоён бўлган саҳро жаҳолат саҳросининг рамзи эди. У ўз сўзини шундай тутади:

Билмишса булар улуми даркор,
Ўлмазди бу офата гирифтор.

Иккинчи ҳолатда эса илм-фан чўққиларини эгаллаган жамоанинг аҳволи акс этганини сўзлайди. Саҳрода юрган кишилар жаҳолатлари туфайли шаҳардан чиқарилиб саҳрога ҳайдалганини, кейингилар илм-маърифат сабабли шаҳарга киритилганини таъкидлайди.

Воқеа шу ерга етганда сеҳргар уни бир қафасга солиб, қафасни рўмолча билан беркитади. Шунда қаҳрамон ўзига келиб кўзини очади, у дарё бўйида от устида турган бўлади. Бу ҳодисалар бир-икки лаҳзада бўлиб ўтади.

Муаллиф бу ҳодисалардан хулоса чиқариб, ўқувчига мурожаат қилади, уни тафаккурга чакиради:

Мажнун бани сан-да ҳушёр ўл!
Афкори салима барқарор ўл.
Ўйлоқ-ла бани тасаввур айла,
Аммо сан ўзинг тафаккур айла.

Сиддиқий-Ажзийнинг “Миръоти ибрат” асаридаги фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу асарни синчиклаб тадқиқ ва таҳлил қилиш янги-янги илмий хулосалар беради.



ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Жон КИТС

Романтизм вакили, инглиз шоири. 1795 йилда тугилган. Дунёга машҳур “Эндимион”, “Гиперион”, “Изабелла”, “Муқаддас Агнесса кунни арафаси”, “Ламия” каби поэмалари шоирни Байрон ва Шелли билан бир қаторга қўйди. У 1821 йилда вафот этган.

Тийра тунда ойнинг гардиши

Гўзаллик

Гўзаллик ҳаммаша этар маҳлиё,
 Ҳеч кимса ундан юз бурмагай, асло.
 Ул покдир, тушмагай, тубан чоҳга ҳеч,
 Бизни эзгуликка чорлар эрта-кеч.
 Дил фараҳ, оромга интилса магар,
 Гулгун туйғулардан ясаб гулчамбар,
 Ғаму андуҳларни инкор этарак,
 Хоксор тупроқ сари талпинса юрак,
 Жаҳолатни ҳайдаб, гуноҳни ҳайдаб,
 Файзиёб, мунаввар орзулар қайнаб,
 Кўз очиб юмгунча гўзаллик изни,
 Андуҳ ғуборидан поклайди бизни...
 Шундайдир ой, қуёш, шундай барг, хаслар,
 Шундайдир чечаклар аро наргислар.
 Ҳатто яйловдаги сурувлар шундай,
 Дарё тўлқинлари, ғулувлар шундай.
 Кўрфазнинг бағрида паноҳ топгандек,
 Олам шодлигига гувоҳ топгандек,
 Дунё неъматлари борки, сочилган,
 Ўрмон чечаклари – инжа очилган,
 Кўҳна заминнинг илк баҳодирлари,
 Болалик чоғимиз асотирлари –
 Бизлар тинглаган ул зўр эҳтиром-ла,
 Буюк афсоналар шундай мақомда.
 Ҳаммаси, ҳаммаси, булар ҳаммаси
 Буюк гўзалликнинг олий жилваси.
 Ҳаммаси юракдан ғамни қувгайдир,
 Кўнгил меҳробини нур-ла ювгайдир...



* * *

Ул хоним фароғат кўшикида мағрур,
Оға-инилар-ла яшар баҳузур.
Зеро, мерос қолган савдо уйи бор,
Уларнинг измида мингта хизматкор.
Ким мато тўқийди, ким кечиб дарё,
Ёғоч ғўлаларни оқизар, илло?
Бариси тер тўкар камчи остида,
Кул каби бир тишлам ноннинг қасдида...
Улар-чун денгизга шўнғиб ғаввослар
Дур излаб, ўз жонин ҳам ўйламаслар.
Ҳатто, сув мушуги – беозор ҳайвон,
Улар деб, милтиққа бўлғайдир нишон.
Улар деб, юз минглаб қалблар озурда,
Меҳнатдан синикқан, ранги пажмурда.
Қисмат чархи эзиб, бўлганлар мажрух,
Қалбларин тарк этган инсоний шукух...
Бунда нима фахр, не маслак эзгу,
Магар кўзёшдан мўл фавворада сув?
Бунда не ифтихор, магар ҳосиллар
Озиқ бўлган гўнгдан қилсалар ҳазар?
Бундан қандай фахр туймоқлик мумкин,
Ўзгани хор этсанг, гар нафсинг учун?
Тангри ҳаққи, улар берсинлар жавоб:
Қай аъмоли фахру қай бири савоб?



Байронга

О, Байрон! Тотли андух кўшиғинг ила
Нафосатга мафтун қилдинг оламини,
Гўё чилтор каби дилдаги ғамни,
Ҳамдарлик ҳисси-ла қувдинг бир йўла,
Токи, жаранг топган товуш, куй-наво
Йўқолмасин, мудом тинмасин учун,
Юрак изтиробин айладинг афсун,
Сен сабаб – қайғулар таратди зиё.
Худди тийра тунда ойнинг гардиши
Хилват сўқмоқларни ёритган каби,
Ёхуд одми кийим узра ёқут-дур
Қилган каби жулдур либосни манзур
Ва ё қора мрамор тошдек товланиб,
Бизни мафтун этдинг, дилдан боғланиб,
Сеҳринг тузоғига тушдик бехосдан,
Қуйла, қуйла энди ҳеч тўхтамасдан.
Сен мисли виқорли, кибор бир оққуш
Сайрайвер, нағмангдан дил бўлсин сархуш.
Қуйла мангу ҳоким ҳижрон руҳини,
Юраклар симирсин ғам шуқухини...





Дафна гулчамбарини йўллаган ёш хонимга

Тонг уйғонар тетик нафас-ла, дадил,
Барча кўркув, ғашлик топади бархам.
Рух тоза, нурафшон олддаги манзил,
Видо тўшагимда гулчамбар кўркам.

Юлдузлар гувоҳдир! Осуда яшаб,
Қуёш дийдорига масрур боқурман.
Нурбахш Аполлоннинг чамбарин ушлаб,
Самимий дилларга оташ ёқурман.

Кимки дер: “Беҳуда ғалаба тожи,
Улоқгир, сен унга эмас муносиб!”
Мен дейман, бўлса ҳам оламнинг дожи,
Ҳатто Цезарь бўлсанг, қилмам таассуб.

Зеро, ҳады бўлмиш бу тож, бу чамбар
Қалби пок малакнинг менга изҳори,
У азиз, мукаррам менга жон қадар,
Бу чамбар – ҳаётим номус, шаън, ори.

Шул сабаб фанода энг сўнгги нафас
Олар чоғ юракдан таъзим этайин.
Қўлларингни бергил, эй, меҳрпараст,
Сахий бармоқларинг суйиб ўпайин...

Юнон гулдониға қасида

I

О, сукутнинг маъсум малаги,
Мангу абас давронга дилбанд!
Сукутингда пинҳондир балки,
Мозийлардан келган ўғит-панд!
Нелар ҳақда айтган ҳикоянг,
Сен банда, ё, Тангрим шарпаси?
Темпей водийсими, Аркад ўтлоғи,
Қайдан мерос, шиддат, жазаванг?
Пойгалар шодлиги, иффат ҳадиги,
Найу ноғоранинг мискин нағмаси...

II

Гарчанд, эшитилган нағмалар инжа,
Тингланмаган саслар янада ёрқин.
Шундай экан, найлар ҳеч тинмасин-да,
Забт этсин дилимни фараҳли тўлқин.
Бу кўшиқни бўғиб, тинчитиб бўлмас,
Муҳофиз япроқлар кўшки остида.



Сен, эй, жўшқин ёшлик, жасур, навқирон,
Ошиқдирсан, лекин ишқинг дастида
Истаклар чилпарчин бўлиши мумкин,
Лаблар гулобидан тотмай ҳеч қачон...

III

О, яшил баргларнинг янги саҳфаси,
Баҳорий шодликнинг шукуҳи сизда.
Бахтиёр машшоқнинг завқли тухфаси –
Куйлари эскирмас ҳеч бағрингизда.
Юз бора, минг бора бахтга ёр севги,
Барҳам топмагай ул ва тушмагай паст.
Гарчанд, титраб-қақшаб, кетгайдир бадар.
Унинг қошида пуч ҳамда арзимас
Эҳтирослар, ҳирсу ҳавас биздаги,
Қонимиз кўпиртган қалбдаги кадар...

IV

Ким экан бу кохин, салобати-ла
Барчага сингдирган кўркув ҳиссини?
Оломон ошиқар қай бир меҳробга
Гуллар билан безаб аробасини?
Нечун тақводор эл субҳи саҳардан
Тарк этмиш осуда ушбу шаҳарни –
Тошлар маҳол эрур буни айтмоғи?
Бўм-бўш кўчаларнинг сукути теран,
Асрлар кечдилар ва кечар тақрор,
Ҳеч кимга насибмас ортга қайтмоғи...

V

Юксак арши аъло! О, юксак андуҳ!
Охир мрамор тошдир ҳар шахдга якун!
Мангуликдек совуқ ҳамда бешукуҳ –
Ҳаётдек неъматдан тополмай мазмун,
Бизлар кетсак агар, қайғу-ғамимиз
Ўрнини олгайдир ўзга қайғу-ғам.
Ришталарни боғлар пайтда айт, дангал,
Етказ, билсин токи, ул авлодимиз:
“Гўзаллик – ҳақиқат, ҳақиқат – гўзал,
Шундан ўзгасини билаолмасмиз!..”

Рус тилидан Муҳиддин ОМОН таржимаси

Муҳиддин ОМОН



1963 йилда тузилган. Тошкент давлат университети-
нинг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультет-
тини тамомлаган. “Кўнгил дарбозаси”, “Толе фасли”,
“Мунаввар соғинч”, “Соғломжон алифбоси”, “Зеҳни
аъло, тили бурро”, “Буюмлар тилга кирса” каби шеър-
рий китоблари чоп этилган.



Сарҳисоб

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг маърузасида ўтган даврдаги фаолият сарҳисоб қилинди. Унга кўра, бу йил ёзувчи ва шоирларимизнинг ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ижодий сафарларда бўлганликлари эътироф этилди. Жумладан, юртимиз бўйлаб “Биз буюк юрт фарзандларимиз!”, “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мавзуидаги тадбирларда Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда истиқомат қилаётган уч юз нафардан зиёд аъзолари иштирок этишди. Уларда ва бошқа ижодий анжуманларда бир неча минг дона турли бадиий китоблар ўқувчиларга ҳадя сифатида тарқатилди. Яна шу ҳам таъкидландики, ўтган тўққиз ой мобайнида Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоати фонди томонидан ўн тўққиз номдаги адабий-бадиий китоблар чоп этилди. Яна тўққиз номдаги китоблар нашр этилиш арафасида. Шунингдек, йиғилишда фаоллар томонидан Ёзувчилар уюшмаси қошидаги ижодий кенгашлар фаолиятини янада жонлантириш тўғрисида таклифлар билдирилди.

Хусусан, сўнгги пайтларда кўшиқчиликнинг эстрада жанрида салбий ҳолатларнинг ортиб бораётгани жамоатчиликнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. “Шоир ҳам, бастакор ҳам, ижрочи ҳам ўзим” дея ўз-ўзига ортиқча таъриф бериб юбораётган айрим хонандалар тингловчиларнинг кўшиқчиликдан ҳафсаласини пир қилмоқда. Айниқса, бундай бадиий жиҳатдан саёз “ижод намуналари”нинг телеэкранларда тез-тез намоёиш этилаётганлиги билан муроса қилиб бўлмайди. Мазкур соҳада бадиий назоратни таъминлаш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси қошида Кўшиқнавислик жамоатчилиги кенгаши тузилди.

Йиғилишда адабиётшунос олим Шухрат Ризаев, шоирлар Мирпўлат Мирзо, Шарифа Салимова ҳамда ёзувчи Нодир Норматовлар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

“Биринчи китобим” тақдимоти

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида: “Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб кадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур” дея алоҳида таъкидланган. Ана шу улугъ ниятлар асносида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида бундан олти йил муқаддам Юртбошимиз “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида “Ижод” фондиди тузиш тўғрисида” қарор қабул қилган эди. Қарордаги асосий вазифаларга юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, улар истеъдодини юзага чиқариш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда фонд ҳисобидан биринчи китобларини йигирма минг нусхада чоп эттириш каби эзгу ишлар киради.

Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али раислигида бўлиб ўтган Уюшманинг “Биринчи китобим” лойиҳасида чоп этилган китоблар тақдимот тадбири айнан шу масалаларнинг жорий йилги натижаларига бағишланди. Маросимда таъкидландики, шу

кунга қадар “Биринчи китобим” лойихаси доирасида 53 нафар ёш ижодкорнинг илк китоблари чоп этилган. “Истеъдод мактаби” республика семинари иштирокчиларидан юз нафарининг ижодий ишлари саралаб олинди, “Кафтдаги ниҳол”, “Биз истиқлол фарзандларимиз” ёшлик баёзларида, “Баҳор булбулларининг чаҳаҳи” ёш таржимонлар тўпламида нашрдан чиқарилди.

Ўтган йил октябрь ойида “Дўрмон” Ёзувчилар боғида ўтказилган “Истеъдод мактаби” ёш ижодкорларнинг республика семинари ғолибларидан 11 нафарининг илк тўпламлари 18 нафар ёш таржимонларнинг турли мамлакатлар ёзувчиларининг сара ҳикояларидан қилган таржималари тўпланиб, “Чўлпон” нашриётида йигирма минг нусхада чоп этилди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо ҳамда илк китоблари нашр этилган Севинч Ёкубова, Мурувват Ғаффоржонова, Висола Пардабоева, Акмал Жумамуродов сингари ёш ижодкорлар давлатимиз томонидан яратиб берилётган шароитлар ва ғамхўрликлар хусусида ўз миннатдорликларини билдиришди.

Уюшманинг вилоят бўлимларида

Фарғона. Вилоят ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида юртимиз истиқболлини тараqqиловчи “Тўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!” шиори остида ижодий ишлар танлови бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган мазкур танловда умидли иқтидор эгалари тасвирий санъат ва шеърят йўналиши бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Унда мустақилликни қадрлаш, асраб авайлаш ва уни мустаҳкамлаш ғояларини ўзида мужассам этган саккиз юзга яқин ижодий ишлар қабул қилинди.

Уюшманинг вилоят ҳудудий бўлими қошидаги “Олтин қалам” адабий тўғараги аъзоси Хусанбой Ваҳобов танловнинг “Бадий ва ғоявий жиҳатдан таъсирчан шеър” номинацияси бўйича ғолиби деб топилди. Тадбир сўнггида ғолиблар вилоят ҳокимлигининг диплом, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Қорақалпоғистон. Республиканинг шаҳар ва туманларида шоир ва ёзувчилар Я. Қўчқаров, М. Қурбанбаева, Қ. Шониёзов, З. Янгибаева, Г. Раҳимова, Н. Даўлетбаев, Ў. Утеўлиев, К. Каримов, Ж. Избасканов, Н. Тўрешова, Я. Ажимов, Б. Ерназаров, Ж. Тажетдинов каби ижодкорларнинг мухлислар билан ижодий учрашувлари ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этган “Биз истиқлол фарзандларимиз” ёшлар баёзида шеърлари эълон қилинган саккиз нафар қорақалпоғистонлик ёш ижодкорнинг иш жойларида, ўқув даргоҳларида адабий кечалар бўлиб ўтди.

Навоий. Юртимизда изчил давом этаётган улкан ижтимоий воқеаларда вилоят ижодкорлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Хусусан вилоят туманларида ўтказилаётган “Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак”, “Биз тинчлик истаймиз!” каби маърифий тадбирлар юқори руҳда ташкил этилди. Шунингдек, “Юксак маънавиятли авлод” республика фестивалининг вилоят босқичи Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Ғолибликни қўлга киритган ёшлар республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

МУНИС. Ўтлуғ фиғоним ўтмиш авжи фалақдин.....4

ПУБЛИЦИСТИКА

Гулчеҳра АСРОНОВА. Дилда доим ватан меҳри бор.8

НАСР

Қулман ОЧИЛ. Қасд. Қисса.16

Асад ДИЛМУРОД. Заррадаги олам. Роман (охири).54

Ақбар МИРЗО. Ҳикоялар.95

НАЗМ

Тўлан НИЗОМ. Йўлга чиқдим сени сўроқлаб.....11

Турсун АЛИ. Юраётган йўллар. Достон.39

Жўра МУҲАММАД. Марвариддек ялтирар ёмғир.85

Замира РЎЗИЕВА. Хаёлдаги атиргул ҳиди.89

Бехзод ФАЗЛИДДИН. Қутганимга жуда ўхшайсан, баҳор! ..92

КЎНГИЛ МУЛКИ

Абдулла УЛУҒОВ. Юракни уйғотган сўзлар.109

МУШОИРА

Яхшиликнинг умридир узун.....117

ТАЛҚИН

Олим ТОШБОЕВ. "Ўзбек характери".127

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. "Хамса" ва қисса.122

Мархабо ҚЎЧҚОРОВА. Неомифологик образ талқини. ..140

Саъдулло ҚУРОНОВ. Шеърят ва рангтавир – эгиз санъатлар.145

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Ошиқ ЭРКИН. Садоқат гавҳари.136

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Қўзи ИСМОИЛ. Тақиб кўй кўзминчоқ.149

МУТОЛАА

Наргиза АСАДОВА. Дилга ёруғлик элтган асарлар.152

ТАҲЛИЛ

Қундузхон ХУСАНБОЕВА. Ёзкетувлик йўлбарс.160

АДАБИЙ МЕРОС

Тилвомурод ШАЙМАРДОНОВ. "Келмиш эдим ўзга бир жаҳона".167

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Самандар ВОҲИДОВ. Тўлқинлар тугёнин кузатасан жим. ..156

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Жон КИТС. Тийра тунда ойнинг гардиши.170

Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2016

10-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтан назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
31.10.2016 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16,
Офсет босма усулида офсет
қоғозда босилди.
Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 1150 нусха.
Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й.
0562-рақам

билан рўйхатга олинган.
Ғафур Ғулом номидagi НМИУ
босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Лабзак кўчаси, 86-уй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусахҳиҳ:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © "Шарқ юлдузи"